



Р.Х. ШОДИЕВ, Д.С. УМИРОВА,
Д.Т. ХУДАЙБЕРГАНОВ

ХАЛҚАРО МЕҲМОНДЎСТАЛИК МЕНЕЖМЕНТИ

Ўқув қўлланма

"IQTISODIYOT"

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ”
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**



Р. Ҳ. Шодиев, Д. С. Умирова,

Д. Т. Худайберганов

ХАЛҚАРО МЕҲМОНДЎСТЛИК МЕНЕЖМЕНТИ

Ўқув қўлланма

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 5610200 - “Меҳмонхона хўжалигини
ташил этиши ва бошқарни” бакалавриат таълим йўналишида таҳсил
олаётган талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

**«IQTISODIYOT»
ТОШКЕНТ – 2020**

**Р.Х. Шодиев, Д.С. Умирова, Д.Т. Худайберганов.
«ХАЛҚАРО МЕҲМОНДЎСТЛИК МЕНЕЖМЕНТИ»: ЎҚУВ
ҚЎЛЛАНМА – Т.:«IQTISODIYOT», 2020. – 2266.**

Халқаро мемондўстлик менежменти. Ўқув қўлланма. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази Кенгашида мухокама қилинган ва чоп этишга тавсия қилинган. Ўқув қўлланма ПЗ-20170929159-рақамли “Марказлашмаган бошқарув шароитида минтақавий ривожланишни тартибга солишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” мавзуусидаги амалий лойиханинг “Фан ва таълим интегратсияси” доирасида ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланмада бугунги кунда халқаро бозорнинг ажралмас қисми бўлган туризм ва мемонхона ҳамда туризмнинг хизмат кўрсатиш комплексининг асосий унсури бўлган мемондўстлик менежменти, уни бошқаришининг ҳусусиятлари, мемондўстлик индустриясида менежментнинг асосий йўналишларини амалга ошириш, мемондўстлик индустриясининг замонавий тенденциялари, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўллари, Ўзбекистон ва жаҳон туризмida бошқарувнинг иқтисодий тажрибаси ўрганилган. Мемондўстлик соҳасида персоналга қўйиладиган талаблар ва кадрлар менежментини шакллантириш усуллари таклиф этилган.

В данном учебном пособии раскрываются особенности гостиничного менеджмента, особенности его управления, реализация основных направлений менеджмента в индустрии гостеприимства, современные тенденции в индустрии гостеприимства, способы повышения качества обслуживания, которые сегодня являются неотъемлемой частью международного рынка, а также является ключевым элементом комплекса туристических услуг. Кроме того, изучается экономический опыт менеджмента в туризме. Предложены требования к персоналу в сфере гостеприимства и методы формирования кадрового менеджмента.

In this textbook about hospitality management. It covers a tourism and hotels, which is a main important part of the international market today, also, hospitality management which is a major element of tourism service complex, directions of its management, making the main directions of management in the hotel industry, modern trends in the hospitality industry, ways to improve the quality of the service, economic experience of management in tourism in Uzbekistan and the world. Requirements for staff in the field of hospitality and methods of forming personnel management are proposed.

Масъул мұхаррір:

Д.К. Ахмедов – и.ф.д., профессор.

Тақризчилар:

Абдувоҳидов А.М. – ТДИУ Туризм ва сервис кафедраси профессори, и.ф.д.

Кадиров А.М. – ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марази профессори, и.ф.д.

ISBN 978-9943-6365-9-0

© «IQTISODIYOT» nashriyoti, 2020.

© ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ, 2020.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	12	
I БОБ	ХАЛҚАРО МЕХМОНДҮСТЛИК МЕНЕЖМЕНТИ ФАНИГА КИРИШ	
1.1.	Фанни ўрганишнинг предмети, усуллари ва вазифалари.....	13
1.2.	Мехмондүстлик индустрисининг моҳияти.....	15
1.3.	Мехмондүстлик соҳасининг асосий тушунчалари ва фаолият соҳаси таърифи.....	22
1.4.	Мехмондүстлик соҳасидаги мутахассисларнинг роли.....	25
II БОБ	МЕХМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	
2.1.	Трансмиллий компаниялар (ТМК) моҳияти.....	29
2.2.	Трансмиллий компаниялар фаолияти ва шакллари.....	32
2.3.	Мехмонхона хўжалигига ТМКлар.....	36
2.4.	Туристик ТМКнинг миллый иқтисодиётга таъсири.....	41
2.5.	ТМКлар жойлашган мамлакатлари иқтисодиётига таъсири.....	44
2.6.	Халқаро туризмда глобаллашув жараёнлари.....	46
III БОБ	МЕХМОНДҮСТЛИКНИ БОШҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	
3.1.	Мехмондүстлик соҳаси менежмент обьекти сифатида	52
3.2.	Режалаштириш жараёни	53
3.3.	Стратегик режалаштириш. Тактик режалаштириш. Операцион режалаштириш	54
3.4.	Бошқарувда менежмент функциялари	57
3.5.	Режалаштириш функцияси. Ташкилий функция	59
3.6.	Бошқарыш функцияси. Менежментнинг энг муҳим вазифаси	61
3.7.	Ташкилот тузилиши. Тащкилотнинг ташқи муҳити	62
3.8.	Атроф-муҳит омилларининг таснифи	64
3.9.	Сиёсий ва хукукий омиллар. Иқтисодий омиллар	65
3.10.	Ижтимоий ва маданий омиллар. Технологик омиллар	67
3.11.	Ташкилий тузилма. Ташкилий тузилиш турлари	68
3.12.	Чизикли бошқарув тузилма. Функционал тузилма	69
IV БОБ	МЕХМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ АСОСИЙ ЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ	
4.1.	Мехмондүстлик индустрисида маркетингини бошқариш	73
4.2.	Мехмондүстлик хизматлари сифатини бошқариш	79
4.3.	Мехмондүстлик саноатида инновацияларни бошқариш	83
4.4.	Мехмондүстлик саноатидаги ташкилотларда низоларни бошқариш	88



V	МЕХМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИННИГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	
БОБ		
5.1.	Мехмондүстлик индустриясига замонавий ёндашув.....	93
5.2.	Жаҳон мамлакатларида мемондүстлик индустрияси тенденциясининг ҳолати.....	96
5.3.	Мемондүстлик индустриясининг ривожланиш йўналишлари...	99
5.4.	Мемондүстлик индустриясида мемонхона занжирлари ва брэндлари.....	101
VI	МЕХМОНДҮСТЛИК СОҲАСИДА ПЕРСОНАЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА КАДРЛАР МЕНЕЖМЕНТИ	
БОБ		
6.1.	Мемондүстлик соҳасидаги ходимларни бошқариш тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни	115
6.2.	Кадрлар бошқаруви зарурати.....	116
6.3.	Мемондүстлик соҳасидаги ташкилотларда кадрлар менежменти тизими.....	119
6.4.	Мемонхона ходимларини бошқариш самарадорлиги.....	122
6.5.	Мемонхона ходимларини бошқариш тизимини такомиллаштириш усуллари.....	124
6.6.	Мемонхона персонали бўйими, персонални танлаш, уларни иш ўринларига қўшиш, ўргатиш, уларга қўйилган талаблар	128
6.7.	Мемонхона индустриясида персонал меҳнатига оид қонун хужжатлари.....	130
6.8.	Персонал билан меҳнат шартномаси тузиш.....	134
6.9.	Мемонхоналар персоналини баҳолаш, аттестациядан ўтказиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.	136
VII	МЕХМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ	
БОБ		
7.1.	Туризмда ахборот технологияси турлари ва уларнинг моҳияти...	139
7.2.	Компьютер тизимида ўринларни бронлаштиришнинг пайдо бўлиш имкониятлари ва эволюцияси.....	141
7.3.	“Amadeus” тизимининг ҳозирги даврдаги ҳолати.....	146
7.4.	“Galileo” тизимларининг янги имкониятлари.....	148
7.5.	Интернетда глобаль дистрибутор тизимининг интеграцияси....	150
7.6.	Интернет-технологии в туризме.....	152
7.7.	Туристик сайтлар хусусиятлари ва элементлари.....	154
7.8.	Веб – сайтда умумий ахборот. Веб – сайт хусусиятлари.....	155
7.9.	Онлайн–бронлаштиришнинг асосий хорижий туристик сайлари	160

**VIII
БОБ****ХАЛҚАРО МЕХМОНДҮСТЛИК МЕНЕЖМЕНТИДА
ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ВА
ТАШКИЛИЙ МАДАНИЯТ**

8.1. Халқаро меҳмондүстлик менежментида давлатлараро дипломатик муносабатларнинг туттган ўрни.....	164
8.2. Дипломатик муносабатларни амалга ошириш шакллари.....	167
8.3. Меҳмондүстлик соҳасида ташкилий маданият тушунчаси.....	171
8.4. Ташкилий маданият шакллари ва уни меҳмондүстлик менежментида жорий қилиш имкониятлари.....	173

**IX
БОБ****МЕҲМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА
ХИЗМАТЛАРНИ БОШҚАРИШ**

9.1. Меҳмондүстлик саноатининг асосий хизматларини бошқариш...	175
9.2. Кўшимча хизматларни ташкил этиш ва тақдим этиш.....	178
9.3. Мижозларга кенг қамровли (комплекс) хизмат кўрсатиш.....	182

**X
БОБ****МЕҲМОНДҮСТЛИК СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЎРИТУВЧИ
ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР**

10.1. Туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик.....	187
10.2. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) унинг ташкил этилиши, таркиби ва функцияси.....	189
10.3. Жаҳондаги нодавлат, тижорат ва миллий халқаро туристик ташкилотлар.....	193
10.4. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг таркиби....	202
ХУЛОСА.....	214
ГЛОССАРИЙ.....	217
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	222

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	12
I ВВЕДЕНИЕ В МЕЖДУНАРОДНЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ ГОСТЕПРИИМСТВА	
1.1. Методы и задачи изучения предмета	13
1.2. Суть индустрии гостеприимства	15
1.3. Основные понятия сферы гостеприимства и определение сферы деятельности	22
1.4. Роль и место гостеприимства в сфере услуг	25
II РОЛЬ ТРАНСМИТТАЛЬНЫХ КОМПАНИЙ В ОТРАСЛИ ГОСТЕПРИИМСТВА И ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ	
2.1. Суть транснациональных компаний (ТНК)	29
2.2. Виды деятельности и формы транснациональных компаний	32
2.3. ТНК в гостиничном бизнесе	36
2.4. Влияние туризма ТНК на экономику страны	41
2.5. Влияние на экономику стран, в которых расположены ТНК	44
2.6. Процессы глобализации в международном туризме	46
III ОСОБЕННОСТИ ГОСТЕПРИИМСТВА	
3.1. Гостеприимство как объект управления	52
3.2. Процесс планирования	53
3.3. Стратегическое планирование. Тактическое планирование.	
3.3. Оперативное планирование	54
3.4. Управленческие функции в менеджменте	57
3.5. Функция планирования. Организационная функция	59
3.6. Функция управления. Важнейшая задача управления	61
3.7. Организационная структура. Внешняя среда организации	62
3.8. Классификация факторов окружающей среды.	64
3.9. Политические и правовые факторы. Экономические факторы	65
3.10. Социальные и культурные факторы. Технологические факторы	67
3.11. Организационная структура. Типы организационной структуры	68
3.12. Линейная структура управления. Функциональная структура	69
IV РЕАЛИЗАЦИЯ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ УПРАВЛЕНИЯ В ОТРАСЛИ БОЛЬНИЦЫ	
4.1. Управление маркетингом в индустрии гостеприимства	73
4.2. Управление качеством гостиничных услуг	79
4.3. Управление инновациями в индустрии гостеприимства	83

4.4.	Управление конфликтами в организациях индустрии гостеприимства	88
V	СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МИРОВОЙ ИНДУСТРИИ ГОСТЕПРИИМСТВА	
5.1.	Современный подход к индустрии гостеприимства	93
5.2.	Состояние тренда индустрии гостеприимства в странах мира	96
5.3.	Тенденции развития индустрии гостеприимства	99
5.4.	Гостиничные сети и бренды индустрии гостеприимства	101
VI	ТРЕБОВАНИЯ К ПЕРСОНАЛУ И УПРАВЛЕНИЕ ПЕРСОНАЛОМ В ОБЛАСТИ ГОСТЕПРИИМСТВА	
6.1.	Сущность и содержание концепций управления персоналом в сфере гостеприимства	115
6.2.	Потребность в управлении персоналом	116
6.3.	Система управления персоналом в гостиничных организациях	119
6.4.	Эффективное управление персоналом отеля	122
6.5.	Пути улучшения системы управления отелем	124
6.6.	Отдел персонала гостиницы, подбор персонала, расстановка, обучение, требования к ним	128
6.7.	Законодательство о персонале в гостиничном бизнесе	130
6.8.	Особенности трудового договора	134
6.9.	Оценка, аттестация, переподготовка и повышение квалификации персонала гостиницы	136
VII	МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИЙ В ИНДУСТРИИ ГОСТЕПРИИМСТВА	
7.1.	Виды информационных технологий в туризме и их значение	139
7.2.	Возможности и эволюция появления резервирования мест в компьютерной системе	141
7.3.	Текущее состояние системы Amadeus	146
7.4.	Современное состояние системы "Galileo"	148
7.5.	Интеграция глобальной системы дистрибуции в Интернете	150
7.6.	Интернет-технологии в туризме	152
7.7.	Технология создания веб-сайта туристского предприятия	154
7.8.	Характеристика и возможности современного "Веб-сайта"	155
7.9.	Основные зарубежные туристические сайты онлайн-бронирования	160

VIII	ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИОННАЯ КУЛЬТУРА В УПРАВЛЕНИИ МЕЖДУНАРОДНЫМ ГОСТЕПРИИМСТВОМ	
8.1.	Роль международных дипломатических отношений в международном гостиничном менеджменте	164
8.2.	Формы осуществления дипломатических отношений	167
8.3.	Понятие организационной культуры в сфере гостеприимства	171
8.4.	Формы организационной культуры и возможности ее внедрения в гостиничный менеджмент	173
IX	УПРАВЛЕНИЕ УСЛУГАМИ В ИНДУСТРИИ ОТРАСЛИ	
9.1.	Управление ключевыми услугами индустрии гостеприимства	175
9.2.	организация и предоставление дополнительных услуг в гостинице	178
9.3.	Комплексное обслуживание клиентов	182
X	МЕЖДУНАРОДНЫЕ ТУРИСТИЧЕСКИЕ ОРГАНИЗАЦИИ В ОБЛАСТИ ГОСТЕПРИИМСТВА	
10.1.	Международное сотрудничество в сфере туризма	187
10.2.	Всемирная туристская организация (UNWTO)- ее организация, структура и функции	189
10.3.	Неправительственные, коммерческие и национальные международные туристические организации в мире	193
10.4.	Государственный комитет по развитию туризма и его состав	202
	ЗАКЛЮЧЕНИЕ	214
	ГЛОССАРИЙ	217
	СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ	222

CONTENTS

INTRODUCTION	15
I INTRODUCTION TO INTERNATIONAL HOSPITALITY MANAGEMENT	
1.1. Subject, methods and tasks of scientific study	13
1.2. The essence of the hospitality industry	15
1.3. Basic concepts of hospitality and definition of the field of activity	22
1.4. The role of specialists in the field of hospitality	25
II THE PLACE AND ACTIVITIES OF TRANSNATIONAL COMPANIES IN THE HOSPITAL INDUSTRY	
2.1. The essence of transnational companies (TNCs)	29
2.2. Activities and forms of transnational companies	32
2.3. TNCs in the hotel business	36
2.4. Impact of tourism TNCs on the national economy	41
2.5. Impact on the economies of the countries where the TNCs are located	44
2.6. Processes of globalization in international tourism	46
III CHARACTERISTICS OF HOSPITALITY MANAGEMENT	
3.1. Hospitality as an object of management	52
3.2. Planning process	53
3.3. Strategic planning. Tactical planning. Operational planning	54
3.4. Management functions in management	57
3.5. Planning function. Organizational function	59
3.6. Control function. The most important task of management	61
3.7. Organizational structure. The external environment of the organization	62
3.8. Classification of environmental factors	64
3.9. Political and legal factors. Economic factors	65
3.10. Social and cultural factors. Technological factors	67
3.11. Organizational structure. Types of organizational structure	68
3.12. Linear control structure. Functional structure	69
IV IMPLEMENTATION OF MAIN DIRECTIONS OF MANAGEMENT IN THE HOSPITAL INDUSTRY	
4.1. Marketing management in the hospitality industry	73
4.2. Quality management of hospitality services	79
4.3. Innovation management in the hospitality industry	83
4.4. Conflict management in organizations in the hospitality industry	88

V MODERN TRENDS IN THE HOSPITAL INDUSTRY	
5.1. A modern approach to the hospitality industry	93
5.2. The state of trends in the hospitality industry in the world	96
5.3. Areas of development of the hospitality industry	99
5.4. Hotel chains and brands in the hospitality industry	101
VI HOSPITAL REQUIREMENTS AND PERSONNEL MANAGEMENT IN THE FIELD OF HOSPITALITY	
6.1. The essence and content of the concept of management in the field of hospitality	115
6.2. The need for personnel management	116
6.3. The system of personnel management in organizations in the field of hospitality	119
6.4. Effective hotel management	122
6.5. Methods of improving the management system of hotel staff	124
6.6. Hotel Personnel Department, staff selection, placement, training, requirements for them	128
6.7. Legislation on staffing in the hotel industry	130
6.8. Concluding an employment contract with staff	134
6.9. Organization of assessment, certification, retraining and professional development of hotel staff	136
VII INTERNATIONAL EXPERIENCE OF USING INTERNET TECHNOLOGIES IN THE HOSPITAL INDUSTRY	
7.1. Types of information technology in tourism and their essence	139
7.2. Possibilities and evolution of booking seats in the computer system	141
7.3. The current state of the Amadeus system	146
7.4. New features of Galileo systems	148
7.5. Integration of the global distributor network on the Internet	150
7.6. Internet technologies in tourism management	152
7.7. Features and elements of tourist sites	154
7.8. Web - general information on the site. Website features	155
7.9. The main foreign travel sites for online booking	160
VIII DIPLOMATIC RELATIONS AND ORGANIZATIONAL CULTURE IN INTERNATIONAL HOSPITALITY MANAGEMENT	
8.1. The role of interstate diplomatic relations in international hospitality management	164
8.2. Forms of diplomatic relations	167
8.3. The concept of organizational culture in the field of hospitality	171

8.4. Forms of organizational culture and opportunities to introduce it in hospitality management	173
IX MANAGEMENT OF SERVICES IN THE HOSPITAL INDUSTRY	
9.1. Management of the main services of the hospitality industry	175
9.2. Organization and provision of additional services	178
9.3. Extensive customer service	182
X INTERNATIONAL TOURISM ORGANIZATIONS IN THE FIELD OF HOSPITALITY	
10.1. International cooperation in the field of tourism	187
10.2. World Tourism Organization (UNWTO) its organization, composition and function	189
10.3. Non-governmental, commercial and national international tourism organizations in the world	193
10.4. State Committee for Tourism Development and its composition	202
CONCLUSION	214
GLOSSARY	217
LIST OF REFERENCES	222

КИРИШ

Бугунги кунда туризм иқтисодиётнинг энг динамик соҳаларидан бири ҳисобланади. Унинг тез суръатларда ўсиши катта ҳажмдаги валюта тушумлари иқтисодиётнинг турли соҳаларига фаол таъсир кўрсатади. Бу эса туризм саноатининг шаклланишига имкон беради. Туризм соҳаси ҳисобига жаҳон ялти маҳсулотининг 6 фоизи, инвестицияларнинг 7 фоизи ва ҳар 16 иш ўрнининг биттаси тўғри келади. Ушбу ҳолатлар туризм соҳасининг ўзгаришларини акс эттириб, буларни амалга оширишга меҳмонхоналар ва улардаги бошқарув жараёнлари сабаб бўлади. Хусусан, ғарб давлатларида меҳмонхона корхоналарини бошқариш бўйича кўп йиллик тажрибалар тўпландган. Аввало, меҳмонхона саноати корхоналари фаолиятини хориж тажрибасини ўрганиш меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда катта роль ўйнайди. Бу борада Ўзбекистондаги меҳмондўстлик саноати ўзига хос шароитда фаолият кўрсатишини эътиборга олиш керак.

Мамлакатда туризм соҳасининг ривожланишида сайёхлик бизнесининг ўрни муҳимдир. Натижада, сайёхлик соҳасининг ривожланиши валюта тушумларини кўпайтиради ва иқтисодиёт секторларига фаол таъсир кўрсатади ва сайёхлик индустрисини шакллантиради. Бунинг учун бугунги кунда меҳмондўстлик саноатини кенг тараққий қилдириш лозим бўлиб, бу борада меҳмондўстлик муносабатларини самарали амалга ошириш талаб килинади. Шу боис, “Халқаро меҳмондўстлик менежменти” курсини ўрганиш меҳмондўстлик муносабатларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган. Ҳамда курснинг долзарблиги туризм саноати соҳасида энг яхши бошқарув қарорларини қабул қилиш, меҳмонхоналарни бошқарув жараёнларини такомиллаштириш ва меҳмонхона хизматларини кўрсатиш самараదорлигини оширишдан иборат.

Меҳмондўстлик муносабатларини амалга ошириш янги вазифаларни юзага келтиради. Бунинг учун эса доимий равишда хизмат кўрсатиш сифатини бошқариш, уни кенгайтиришга эътибор қаратиш ва биноларни қайта таъмирлаш, янги технологияларни киритиш муҳим аҳамиятга эга.

І БОБ. ХАЛҚАРО МЕХМОНДҮСТЛИК МЕНЕЖМЕНТИ ФАНИГА КИРИШ

1.1. Фанни ўрганишнинг предмети, усуллари ва вазифалари

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларга катта эътибор берилиб, унинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари шаклланмоқда. Туризмда таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чукурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Халқаро меҳмондўстлик менежменти” фани алоҳида ўрин тутади. Чунки, “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу борада туризм соҳасидаги олий ўкув юртлари Давлат таълим стандартлари ва ўкув режадаги ихтисослик фанлар блокида турган “Халқаро меҳмондўстлик менежменти” фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Халқаро меҳмондўстлик менежменти” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишида ўқитилиши режалаштирилган. Мазкур фан бошқа иқтисодий фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожида аниқ йўналишдаги иқтисодий фанлар учун замин бўлиб ҳизмат килади.

Фаннинг предмети бўлиб, “Халқаро меҳмондўстлик индустрияси” фанини ўрганиш жараёни, яъни фанни турли усуллар ёрдамида кенг тадқик қилишга каратилган аниқ мақсадли фаолияти саналади. Фанин турли усуллар ёрдамида ўрганиш методологиясининг таркибий қисми ҳисобланиб, у икки асосий мазмунга эга бўлади. Бу, биринчидан, фаолиятда кўлланиладиган маълум усуллар тизими ҳамда иккинчидан, тизим ҳақидағи таълимот ёки метод назариясидир. Усул деганда у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, харакат ва билим мезонларининг йигиндиси тушунилади. У тамойил ва талаблар тизими бўлиб, бу туризм субъектини аниқ вазифани бажариш ва фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш

сари йўналтиради. У бирор бир туристик фаолиятни амалга оширишда вақт ва кучни тежаб, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга ёрдам беради.

Шуни айтиш лозимки, фанни жамиятда ўрганиш ва унга қизиқиши узоқ тарих ва қизиқарли жараён билан ҳам боғлик бўлган. Буни ананас мевасининг истеъмоли билан изохланади. Чунки, ананас меваси дўстлик ва меҳмондўстлик сифатларининг бой ва романтик анъаналарини ўзидаги мужассамлаштирган. Бу ажойиб мева тури XVII асрдаги европалик илк саёҳатчилар томонидан Фарбий Хиндистандан олиб келинган. Бу илк маротаба бўлмаса-да, бу мевани етиштириш Европада камайиб қолган ва деярли унutilган эди. Шу вақтдан бошлаб, европада ананас етиштирилиб, тансиқ мевалар сафидан жой олди ва юқори табакадаги инсонларни меҳмон қилганда дастурхонга тортилган эди. Кейинроқ, бу мева билан Америка қитъасининг шимолий ярми танишди. Худди Европадагидек, у меҳмон кутиш анъанасининг бўлагига айланди. Ананаслар эшик ва дарвозалар олдида безак қилиб қўйилиб, дўстлар ва танишлар учун “Хуш келибсиз! Кадамингизга ҳасанот! Ўз уйингиздек ҳис қилинг” каби маъноларни билдирган эди.

“Халқаро меҳмондўстлик менежменти” фанининг асосий мақсади –талабалар томонидан меҳмондўстлик индустрясида фаолият юритаётган корхоналарини ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий принциплари ва усулларини ишлаб чиқиш ва замонавий шароитларда бизнесни муваффақиятли жорий этиш учун зарур бўлган амалий кўникмаларни эгаллаш ҳисобланади. Бундан ташқари, меҳмонхоналар ва ресторон, умумий овқатланиш корхоналарини бошқаришнинг тараккиёт йўли, тажрибаси, таҳлили, ҳозирги кундаги муаммоларини, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш ҳамда Ўзбекистон ва жаҳон туризмидаги бошқарувнинг сиёсий-иктисодий илдизларини ўрганишдан иборат. Ҳамда фанининг асосий вазифалари - меҳмондўстлик соҳасидаги менежментнинг асосий йўналишларини шакллантириш, меҳмонхона ва ресторон бизнесида хизмат кўрсатиш маданияти, сифати ва корхоналар самарадорлигини ошириш йўлларини

аниқлаш, раҳбарнинг ишини кучайтириш, ходимларни ёллаш ва жойлаштириш усусларини ўрганишди.

“Халқаро меҳмондўстлик менежменти” фанини ўрганиш жараёнида халқаро меҳмондўстлик индустрясини таҳлил қилиш ва ушбу соҳани мамлакатимизда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шулардан келиб чиқиб, фаннинг йўналишлари қуидагилар билан белгиланади:

туризм ва меҳмонхона
ривожланишини
бошқаришнинг моҳиятини
очиб бериш

туристик фирмаларни
бошқаришдаги мавжуд
муаммоларни ўз вақтида
ечимиин топиш ва иктисодий
ривожланишини таъминлаш
йўларини ўрганиш

туристик фирма ва бевосита
туристик фаолият билан
шуғулланадиган ташкилотлар,
ресторан, меҳмонхоналарни замон
тарабида даражасида бошқаришнинг
назарий асосларини ўргатиши


дунёдаги глобаль ўзгаришлар
шароитида туристик фирмалар ва
меҳмонхона хўжаликларини
бошқарип имкониятлариеи
аниклари

1.1-расм. Фаннинг асосий йўналишлари

Фаннинг асосий йўналишлари доирасида меҳмондўстлик ҳамда туризм индустрялари, бугунги кунда дунёдаги энг салмоқли ва тез суръатларда ривожланаётган саноат соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқларнинг алоҳида ўзига хос жиҳати, ундаги касблар сонининг ниҳоятда кўплигидадир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланган.

1.2. Меҳмондўстлик индустрясининг моҳияти

Туризм соҳасида меҳмондўстлик муносабатларини амалга оширида меҳмондўстлик индустряси мухим ўрин згаллади. Меҳмонхона индустряси иқтисодий фаолиятнинг бир тури сифатида муайян ҳақ эвазига меҳмонхона, мотел, кемпинг, пансионат ва бошқа жойлаштириш воситаларида қисқа муддатли жойлаштиришни ташкиллаштириш амалга оширилади. Жойлаштириш воситаси кишиларнинг бирор-бир максадини амалга ошириш максадида вактинчалик яшashi учун мўлжалланган ихтиёрий обьект ҳисобланади. Шу боис, меҳмондўстликнинг бугунги индустряси



регион ёки туристик марказ хўжалигининг энг кучли тизими ва туризм иктисодиётининг муҳим таркибий қисмидир¹.

Мехмонхона индустрияси ёки меҳмонхона саноати таркибида меҳмонни қабул қилиш индустриясининг асосида унинг колектив ва индивидуал жойлаштириш гуруҳларига ажратилган ҳолда турли хилдаги отел, меҳмонхона, мотел, хостел ва ётоқхона, апартамент ҳамда туристларни жойлаштиришда иштирок этувчи хусусий сектор воситалари ташкил қиласди.

Мехмондўстлик тушунчаси инсониятнинг фундаментал тушунчасига киради. Айрим лугатларда меҳмондўстлик саноати меҳмонларга нисбатан дўстона муносабат билан ажралиб турадиган меҳмондўстлик тамойилларига асосланган хизмат кўрсатиш шаклларидан иборат бўлган тадбиркорлик соҳаси саналади. Шунга асосан, меҳмондўстлик саноатини меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлик бўлган хизматлар бозорида ихтисослашган турли шаклдаги тадбиркорлик шакли, деб талкин қилинади. Ҳамда меҳмондўстлик меҳмон ёки мижозда корхона ёки меҳмонхона, турфирма, ресторон, кафе ва бошқалар ҳакида шахардаги энг яхши деган тушунча ва тасаввур ҳосил қиливчи фаолият қўриниши бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изохли лугатига мувофиқ, меҳмондўстлик “мехмондўстта ҳос хислат, ҳатти-харакат ва меҳмон кутишини ўрнига қўйиши”, деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда меҳмондўстлик билан қилинган ташрифлар хонадонларда эмас, балки меҳмонхоналарда тунаш ва дам олиш билан боғлик равишида амалга оширилмоқда. Шу туфайли, меҳмондўстлик ва туризм атамаларини иктисодий адабиётларда бир-бири билан боғлик ҳолда қўлланилмоқда.

Бу борада олимларимиз томонидан меҳмондўстлик ўрнига “мехмоннавозлик” ибораси ишлатилмоқда. Бундан кўринадики, меҳмондўстлик тушунчасининг табиатини очиб бериш туризмнинг назарий масалаларини яхшироқ талкин қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳар бир тушунчанинг таърифини ишлаб

¹ Tuxliyev I.S., Pardayev M.Q. Turizmda xizmat ko’rsatishni rivojlantirish - aholi bandligini oshirish manbai. - T., 2008. – 23 b.

чиқиши ва таҳлил қилишни тақозо этади. Мехмондўстлик хозирги кунда туризмда кўрсатиладиган хизматларнинг тури бўлиб, маълум ларажада тадбиркорлик аломатларига эга бўлади. Шуларга асосан, меҳмондўстлик меҳмонларни жойлаштириш, овқатлантириш транспортда ташиш, экскурсия қилдириш, конференция ўтказиш ва кўнгилочар каби хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи, бўлиб ҳисобланади.


Мехмондўстлик меҳмонларга хушмуомала бўлишни ёки меҳмонларни кутиб олишни англатади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу концепция туристга шахсий эътиборнинг намоён бўлиши ва унинг истаклари ва эҳтиёжларини ҳис қилиш қобилияти билан хизматларни ишлаб чиқариш, деб тушунтирилиши мумкин. Мехмондўстлик саноати туристни потенциал истеъмолчи сифатида уй шароитини таъминлаш ва мижознинг барча эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган мухитни яратищdir.

Мехмондўстлик саноатининг вазифаси Ўзбекистонга келадиган хорижлик меҳмонлар майший нокулайликларга дуч келмаслигини таъминлашдан иборат. Мехмондўстлик туризмнинг бир қисми сифатида мазкур соҳанинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шу боис, меҳмондўстлик индустриясини ташкил қилиш туризм соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Мехмондўстлик индустрияси турли меҳмонхона корхоналари, яъни жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи тармоқларда шаклланган.

Мехмондўстлик индустрияси жаҳон миқёсида ривожланиб, туризм соҳасининг ривожланишига мухим замин бўлиб хизмат килмоқда. Бу борада Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан саёҳат ва туризмнинг дунёнинг 185 та мамлакати ва 25 та географик ёки иқтисодий минтақалари учун иқтисодий ва иш билан таъсири тўғрисидаги хисоботлар тайёрланган. Унга асосан, ташкилотнинг сўнгти йиллик тадқиқотларида саёҳат ва туризм секторининг 2019 йилда 3,5 % ўсишга эришганини, тўққизинчли йил кетма-кет дунё иқтисодиёти ўсишидан 2,5% ни ортда колдирганлигини кўрсастилади.

Мехмондўстлик соҳаси таркибига куйидагилар киради:



1.2-расм. Мехмондўстлик соҳасининг таркиби

Ҳамда сўнгти беш йил ичидаги сектор томонидан ҳар тўртингчи янги иш ўринлари яратилди. Ҳудудларни кенг қамраб олиш ва меҳнат бозорининг тез ўсиши билан бирга меҳмондўстлик саноати юқори даромад келтиради. 2019 йилда саёҳат ва туризмга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган таъсирлар куйидагилар бўлиб хисобланади:


- жаҳон ЯИМда туризм соҳасининг ҳажми 8,9 трлн. долларни ташкил этди;
- туризм соҳасининг улуши жаҳон ЯИМнинг 10,3 %ини ташкил килди;
- туризм орқали 330 млн. иш ўринлари яратилди ва бу дунё бўйлаб ҳар 10 ишдан биттасига тўғри келади;
- туристик экспорт ҳажми 1,7 трлн. долларга teng бўлди ва бу жами экспортнинг 6,8 % ва глобаль хизмат экспортининг 28,3 % ини ташкил қиласди;
- капитал қўйилмаларнинг ҳажми 948 млрд. долларга teng бўлди ва бу жами инвестицияларнинг 4,3 % ини ташкил этади.

Ҳар йили 1 млрд. нафардан киши одам бошқа мамлакатларга ташриф буюради. 2030 йилга келиб, бу рақам 1,8 млрд. нафарга кўпайди. Сайёхлар сони билан бир қаторда иш ўринларининг сони ҳам кўпайди. 2026 йилга келиб, меҳмондўстлик саноатида 370 млн. мутахассис ёки дунёда ҳар 9 кишидан биттаси ишлайди. 2022 йилга келиб, туризмдан олинадиган жами даромад 4,2 фоизга ўсади.

Республикамизда меҳмондўстлик индустрисининг ривожланиши ўзига хос ҳусусият касб этади. 2019 йилда Ўзбекистонга жами 6748500 нафар сайёхлар ташриф буюрган. Уларнинг таркибида 51,3 фоизини 31-55 ёшдаги кишиларни, 20,2 фоизини 55 ёш ва ундан юқори ёшдаги шахсларни, 19,5 фоизини 19-30 ёшдагилар ва 9,1 фоизини 0-18 ёшдалилар ташкил қиласди. Энг кўп сайёх Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 5764500 нафар кишига етган. МДҲ мамлакатларидан келганлар сони 495600 кишини ташкил қилган. Узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонтар сони 488400 минг нафар кишидан иборат.

Сайёхларнинг аксарияти Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси ва Ҳиндистон каби давлатлардан ташриф буюрган. Ўзбекистонга ташриф буюрганлар орасида қариндош-уруг ва дўстларини кўришга келганлар улуши 81,8 фоиз ва дам олиш учун келганлар улуши 15,5 фоизни ташкил этади. Бошқа сабаблар, яъни даволаниш, харид ва бизнес учрашувларда иштирок этиш ҳамда таълим олиш мақсадида келган хорижий туристлар сони 2,7 фоизни ташкил қиласди. 2019 йилнинг якунига кўра, туристик хизматлар экспорти кўрсаткичи 1 млрд. 313 млн. АҚШ долларини ташкил қиласди.

Жойлашув воситаларининг сони жами 1188 тадан иборат бўлиб, шундан 833 таси меҳмонхоналар, 214 таси хостеллар ва 141 таси бошқалар. Худудлар кесимида жойлашув воситаларининг юкланиш даражаси куйидагича:



1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси худудларида жойлаштириш воситаларининг юкланиш даражаси, фоизда

Мамлакат туризм салоҳиятини дунё жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой, Индонезия, Россия ва бошқа мамлакатлар оммавий ахборот воситаларидан 160 дан ортиқ вакилларининг ташрифи ташкиллаштирилди. Анъанавий тарғибот усуллари билан бирга тарғиботнинг замонавий усулларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, 17-21 декабрь кунлари Япониянинг Токио шаҳридаги Сибуя майдонида Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи видеоролик намойиш қилинди.

Ўзбекистонга сайёҳларни жалб қилишда турли оммавий маданий кўнгилочар тадбирларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, 2019 йилдан бошлаб, ҳар бир худуднинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда турли оммавий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, биринчи маротаба ташкил этилган Зиёрат туризми форуми (Бухоро вилояти), Бахшичиллик санъати фестивали, Археология форуми (Сурхондар' вилояти), Баҳодирлар ўйини (Хоразм вилояти), “Мўйноқ” авторалли, “Стихия” мусиқа фестивали (Қарақалпогистон Республикаси), МДХ туризм ярмаркаси (Самарқанд вилояти), Геотуризм форуми, Анор фестивали (Қашқадар' вилояти), Електрон мусиқа фестивали, гастрономик фестиваль, “World Influencers Congress” (Тошкент шаҳри) каби йирик тадбирлар ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган MICE туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси доирасида худудлардаги MICE тадбирлари учун салоҳиятли объектлар ўрганилиб, уларнинг ягона реестри шакллантирилди ва “Meetings & Events Catalogue” каталоги ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ушбу тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида Кўмита тузилмасида Конгресс ва кўргазмалар маркази ташкил этилмоқда².

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида республикамида 2019 йил давомида 5,9 минг хонага эга жами 274 жойлаштириш воситалари барпо этилди. Бугунги кунда 26 мингдан ортиқ хонага эга жами 1188 та жойлаштириш воситалари фаолият юритмоқда.

Шу давр мобайнида оиласвий меҳмон уйлари томонидан жами 84,7 минг меҳмонга хизмат кўрсатилди, улардан 60,1 минг нафари хорижий туристларни ташкил қиласди. Асосан, узоқ қишлоқ жойларида жойлашган мазкур меҳмон уйлари томонидан умумий хисобда 22,8 млрд. сўмдан ортиқ микдорда хизматлар кўрсатилди.

1.1-жадвал.

Худудлар кесимида жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони³

Худудлар номлари	Йиллар		Ўсиш, % да
	2018	2019	
Тошкент шаҳри	7140	3804	+23,3%
Бухоро вилояти	2184	2945	+35,0%
Тошкент вилояти	1516	2542	+67,7%
Самарқанд вилояти	2277	2522	+10,8%
Хоразм вилояти	1350	1797	+33,1%
Навоий вилояти	732	1354	+85,0%
Қашқадарё вилояти	1181	1297	+9,8%
Фагона вилояти	742	1124	+51,5%
Сурхондарё вилояти	794	1003	+26,3%
Наманган вилояти	500	815	+63,0%
Қорақалпогистон Республикаси	597	599	+0,3%
Жizzах вилояти	493	580	+17,6%
Андижон вилояти	507	521	+2,8%
Сирдарё вилояти	203	244	+20,2%

² <https://uzbektourism.uz/uz/newnews>

³ Туризмни ривожлантириш давлат кўматасининг 2019 йил яқунлари маълумотлари.

Ўтган йил мобайнида 499 та янги туроператор ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатда туристлар оқимининг ошиши ва уларнинг қолиш муддатини сўнгти икки йил мобайнида 2,3 кундан 3,2 кунгacha узайиши билан жойлаштириш воситаларининг бандлик даражаси 84 фоизга (2019 йил) ортди.

Ууман олганда, меҳмондўстлик менежменти меҳмондўстлик соҳасидаги менежмент ҳисобланиб, бунга барча даражада ва соҳалардаги тадбиркор ва раҳбарлар: меҳмонхона ва ресторон менежерлари, савдо ва маркетинг бўйича раҳбар, ошпаз, бренд менежер ва молия бўйича мутахассислар киради. Меҳмондўстлик индустрясининг жадал ривожланишида менежерларга юқори сифатли таълим, иш тажриба, чет тилларини билиши ва яхши алоқалар қилиш каби талаблар кўйилади. Ҳамда меҳмондўстлик саноати киши фаолиятининг туризм, меҳмонхона ва ресторон бизнеси, умумий овқатланиш, дам олиш ва кўнгил очиш, конференция, семинар ва кўргазмаларни ташкил этиш, спорт, музей, кўргазма, экспурсия фаолияти, касбий таълим соҳаси каби професионал соҳаларини бирлаштиради.

1.3. Меҳмондўстлик соҳасининг асосий тушунчалари ва фаолият соҳаси таърифи

Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари сингари меҳмондўстлик саноати ракобатбардошлигини таъминлайдиган маълум тузилиш ва яхлитликка эгадир. Меҳмондўстлик соҳаси таркибига умумий овқатланиш корхоналари, транспорт хизматлари ва маданий ва кўнгилочар хизматлар кабилар киради. Аввало, меҳмондўстлик индустряси туризм индустрясига қараганда кенгрокдир. Ушбу икки фаолият йўналиши асосида “меҳмондўстлик” тушунчаси, яъни меҳмонларга нисбатан сахијлик ва дўстона муносабат мавжуд бўлади.

Меҳмондўстлик соҳасининг фаолият соҳаси қўйидаги соҳалар билан таснифланади. Яъни, ушбу тасниф меҳмондўстлик индустрясининг структурасини акс эттиради ва уларга соҳада қўлланиладиган бир қатор тушунчалар қўлланилади.



1.4-расм. Мехмондўстлик индустриясининг структураси

Мехмондўстлик соҳасида унинг мазмуни ва асосий хусусиятларини ёритувчи кўйидаги тушунчалар қўлланилди:

- **мехмонхона индустрияси** - бу корхоналарнинг ўзига хос мажмуаси бўлиб, унинг уз ишлаб чиқариш маданияти мавжуд ва бу маданият яхши ёки ёмон таъсир қилиши мумкин.
- **мехмондорчиликда менежмент** - туризм менежментидаги меҳмондорчилик бошқарув тизимининг ишини тадқиқ қиласди.
- **мехмонхона** - турист ва экскурсантларга тунаш учун вактинчалик бериладиган жой бериш ва уларга шу жойда хизмат кўрсатишdir. Аниқроқ қилиб айтганда, меҳмонхона уйидан ташқаридаги кишиларга комплекс хизматлар кўрсатувчи ҳамда жойлаштириш ва овқатлантириш хизматларини кўрсатувчи корхона хисобланади. Меҳмонхона – уйидан ташқаридаги одамларга комплекс хизматлар кўрсатувчи корхона бўлиб, улар орасида жойлаштириш ва овқатлантириш хизматлари тенг даражада муҳим хизматлардир.

- **мехмонхона хизмати** - меҳмонхона мижозларига маҳсус хона ёки меҳмонхона номерларининг фойдаланишга берилиши ҳамда уларга муҳим вазифа шаклида меҳмонхона ходимлари томонидан бевосита хизматларни кўрсатиш фаолиятидир. Унинг таркибий қисми меҳмонхона номерлари бўлиб, у меконхонада яшайдиган меҳмоннинг дам олиши, ухлаши ва ишлаши учун мўлжалланган кўп функцияли хоналарнинг мажмuidir. Бу хизматга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш жараёнларининг бир вактда содир бўлмаслиги,

сақлаш имкониятларининг чекланганлиги, меҳмонхона хизматларининг муддатли хусусиятга эгалиги, хизмат кўрсатиши жараённига меҳмонхона ходимларининг кенг жалб қилиниши, меҳмонхона хизматларига бўлган талабнинг мавсумий хусусиятга эгалиги ҳамда меҳмонхона хизматлари ва саёҳат мақсадларининг ўзаро боғликлigi кабилар хос.

- **жойлаштириш хизмати** мижозларга маҳсус хоналарни (меҳмонхона номерлари) фойдаланишга бериш ва уларга муайян хизматларни кўрсатиши ҳамда бу вазифа меҳмонхона ходимлари томонидан бевосита амалга оширилади.

- **овқатлантириш хизмати** ишлаб чиқариш (ошхонада овқат тайёрлаш), савдо (тайёр таомлар, спиртли ва спиртсиз ичимликларни сотиш), сервис (ресторан, бар, кафе, меҳмонхона номерларида официантлар томонидан меҳмонларга хизмат кўрсатиши) жараёнларидан таркиб топади.

- **кўшимча ёки бошқа хизматлар** бассейн, спорт зали, конференц зал, музокаралар зали, автомобилларни ижарага бериш, кимёвий тозалаш, кир ювиш, сартарошхона, массаж кабинети хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлардир.

- **“юлдузлар” тизими** - меҳмонхоналарнинг шинамлик даражасини белгиловчи (бир юлдуздан беш юлдузгача) мезон бўлиб, у кўпинча Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари томонидан меҳмонхоналар классификацияси тизимида амалда кўлланилади.

- **меҳмонхоналар занжири** - ўзида отеллар гурухи (иккита ундан кўп)ни мужассамлаштирган умумий раҳбарликка, маҳсулотлар ҳаракати ва савдо маркаси концепциясига эга бўлган корхоналардир.

- **номер** - бино, битта ёки бир нечта хоналардан иборат бўлиб, турли категориялардаги меҳмонхонага қўйиладиган талаблар бўйича бир кипшилик ёки кўп ўринли ва зарур барча жиҳозлар билан тъминланган.

- **кадрлар** - меҳмонхонанинг штатида турган ходимларнинг асосий малакати таркиби.

- **франчайзинг** меҳмонхона индустрисида хўжалик юритиш тизими сифатида кенг кўлланилади. Унинг моҳияти шундан

иборатки, бунда компания четдан маблағ жалб қиласы ва у ёрдамида ўзининг маблағига ривожланышдан кўра анча тезроқ ривожланади. Компания ўзида лицензияни саклаб қолган ҳолда маълум бир хукуклардан фойдаланади. Масалан, ўзининг савдо белгиларини, амалдаги технологияни, услубларни, бандлаштириш тизимини, синалган маркетинг тадқиқотларини, чегирмалар тизимини ва хоказоларни ишлатиш хукукига эга.

- **бошқарув усули** - қўйилган мақсадга эришиш учун бошқариладиган обьектга таъсир этиш усуллари ва методлари жамланмаси.

- **бошқарув психологияси** - амалий психология гармоғи, бошқарув фаолияти психологик қонуниятларини ўрганади. Бошқарув психологиясининг асосий вазифаси бошқарув фаолияти хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш ва психологик шароитларини таҳдил қилиш билан боғлик.

- **бошқарув карори** - бошқарув меҳнатининг асосий тури, бошқарув ҳаракатининг мантикий кетма-кетлиги ва мақсадга қаратилган ўзаро боғлиқлиги жамланмаси.

- **бошқариш сифати** - бошқарув тадбирлари тизими, чиқарилаётган маҳсулот сифагини ошириш ва унинг стандартга мос келиши муаммолини ҳал қилишга қаратилган.

1.4. Мехмондўстлик соҳасидаги мутахассисларнинг роли

Мехмондўстлик саноати инсон фаолиятининг турли куйидаги касбий фаолият соҳаларини бирлаштиради:

- туризм;
- меҳмонхона ва ресторон бизнеси;
- умумий овқатланиш;
- дам олиш ва кўнгил очиш;
- конференция, семинар ва кўргазмаларни ташкил этиши;
- спорт ва музей;
- кўргазма, экскурсия фаолияти ва касбий таълим соҳаси.

Мазкур соҳаларда инсон мутахассислар сифатида қаралади. Сўнгти йилларда меҳмонхона саноатида янги технологияларнинг

қўлланилиши иш жойларининг қисқаришига олиб келди. Бу эса меҳнатни ташкил этишининг муқобил усуллари кўлланиши ва бошқарувда ижодий ва новаторча ёндашувларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Бу эса мутахассис-ходимларни бошқариш соҳасини ривожлантиришга замин яратади. Меҳмондўстлик соҳасида уларни бошқаришда асосий эътибор мутахассислар ва уларнинг иш фаолиятига эътибор қаратилади.

Хорижий мамлакатларда мутахассис-ходимлар етакчи-лидерлар сифатида муҳим ўрин тутиб, уларнинг моддий таъминоти такомиллашган. Хусусан, PayScale портали куйидаги турли соҳалардаги етакчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақини санаб ўтади:


- меҳмонхона менежери (hyatt) – 83000 \$;
- конференция мутахассиси (four seasons) – 53190 \$;
- хисоб менежери (hsbc) – 78029 \$;
- бренд менежери (hilton) – 91537 \$.

Мазкур даромадга эга бўлган мутахассислар қўйилган талабларга жавоб бера оладилар. Ҳамда ходимлар фаолияти билан тизим доирасидаги бир унсур бўлиб хисобланади. Яъни, меҳмондўстлик соҳасидаги мутахассис-ходимларни бошқариш ходимларни танлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улар ўргасидаги муносабатлар ва уларни рағбатлантиришни ўз ичига олади. Бироқ, катта меҳнат сарфини талаб қиласиган меҳмонхона саноатида мутахассислар компаниянинг энг муҳим фаол қисми хисобланади. Бинобарин, ходимларни бошқариш мазкур курдатли активларни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради ва компания менежменти тизими ва услубини тарқатиш ва ривожлантириш ишига кўшилган катта ҳисса хисобланади.

Меҳмондўстлик соҳасида мижозларнинг талабларига жавоб берадиган мутахассис-ходимларни тўғри танлаш жуда муҳим саналади. Кўпгина ходимлар мижозлар билан бевосита алоқа қиласи ва ташкилотнинг асосий мақсадларига эришиш жараёнига ўз-ўзидан жалб этилади, хизмат кўрсатиш сифати уларнинг маҳорати ва онглилик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Хизматлар кўрсатиш соҳасида мижозларни қаноатлантиришга ходимларнинг хушмуюмалалиги ва жонкуярлиги билан эришиш мумкин.

Мутахассисларни самарали бошқариш ходимларни бошқаришнинг муҳим функциясига айланади. Ҳамда бошқариш табиати бизнеснинг самарадорлиги асосида муайян аъзоларнинг ютуқлари белгиланади. Маънавий муҳит ва меҳнатдан қаноатланишни яхшилаш каби ҳис қилинмайдиган фойдани хисобга олиш керак. Ходимлар хулқ-атвори ва малакасига, меҳмондўстлик саноатидаги корхонанинг самарали фаолиятига ходимларни бошқариш хизматининг оқилона сиёсати ва самарали фаолияти ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Меҳмондўстлик соҳасидаги мутахассис-ходимларни бошқариш департаменти фаолият юритади ва уларнинг вазифаларига қуидаги масалаларни ҳал қилиш киради:



1.5-расм. Мутахассис-ходимларни бошқариш департаментининг вазифалари

Меҳмонхона саноатида ишлаш тажрибасига эга бўлган яхши ўргатилган мутахассис-ходимларга зарурят ва ишчи кучи қўнимсизлиги даражасининг юқорилиги кадрларни оқилона режалаштиришнинг долзарблигини белгилайди. Кадрларни режалаштириш корхонани бошқариш жараёнида бошқа иқтисодий ресурсларни режалаштириш каби муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, кадрларни режалаштиришга стратегик режалаштиришнинг таркибий қисми деб қараш лозим.

Таянч иборалар: *Меҳмондўстлик саноати, туризм, ҳалқаро меҳмондўстлик менежменти, меҳмонхона, умумий овқатланиши корхоналари, жаҳон туризмидаги бошқарув.*

Назорат учун саволлар

- 1. Фанни ўрганишининг предмети, усуллари ва вазифалари нималардан иборат?*
- 2. Мөхмондўстлик индустрисининг моҳияти нималар билан белгиланади?*
- 3. Мөхмондўстлик соҳасининг асосий тушунчалари нималар ва фаолият соҳаси қандай таърифланади?*
- 4. Мөхмондўстлик соҳасидаги мутахассисларнинг роли нималардан иборат?*

П БОБ. МЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ


2.1. Трансмиллий компаниялар (ТМК) моҳияти

БМТ ҳужжатларига мувоғиқ, ТМКларга юридик шакли, хўжалик юритиш соҳасидан қатъий назар, икки ёки ундан ортиқ мамлакатларда филиаллари бўлган ва уларнинг фаолиятини бошқариб турадиган компаниялар киради. Ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишинг умумий стратегиясини ишлаб чиқарувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда хўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга ҳалқаро компания мутахассислар томонидан трансмиллий корпорация номини олган.

Барқарор суръатларда ривожланаётган трансмиллийлашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ушбу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳалқаро корпорациялардир. Ҳалқаро корпорациялар савдо, инвестициялаш ва замонавий технологияларни элтувчилар сифатида жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларига айланғанлар.

Ҳалқаро иқтисодий глобаллашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳалқаро корпорациялар ҳисобланади. Ҳалқаро корпорациялар ички корпоратив меҳнат тақсимотини анъанавий меҳнат тақсимотининг ҳалқаро даражасига олиб чиққанлар. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни штаб-квартираси қабул қилувчи мамлакатдан ташқарида бўлган фирмалар томонидан назорат қилинадиган ва бошқариладиган ҳалқаро ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ. Ҳалқаро корпорацияларнинг умумий назоратида бўлган ушбу фаолият жаҳон ЯММ ишлаб чиқариш ҳажмининг тахминан 25 фойзини ташкил қилади. Ушбу ишлаб чиқаришнинг 1/3 қисми қабул қилувчи мамлакатларда жойлашган. Жаҳон иқтисодиёти амалиёти кўрсатишича, ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни ҳалқаро корпорацияларни ташкил қилиш моделларига таянади.

Трансмиллий корпорация ёки корпорация - хорижий активларга эга бўлган, операцияларининг камидаги 1/4 қисмини мамлакат ташқарисида, ўзи рўйхатга олинган чет мамлакатда амалга оширадиган йирик корпорациядир. Ташкилий жиҳатдан бош компания асосий капиталининг шўъба корхоналар капиталида қатнашуви тамойилига асосланади.



2.1-расм. Халқаро корпорацияларнинг шакллари

ТМК ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш ҳамда интеграциялашув сиёсати, фирма, компанияларнинг бир мақсадни кўзлаб қўшилиши хисобига пайдо бўлади. Ихтисослашувига кўра саноат, хизмат кўрсатиш, савдо-сотик, банк, суғурта ва бошқа тармоқдарда фаолият олиб боради.

ТМК доимий равишда товар экспортидан тортиб, хорижда хизматларни ишлаб чиқишигача қонуний тарзда ўтиб ўзининг чет эллардаги иштироқини кенгайтириб беради. ТМК тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жойлаштириш йўли билан ташки экспанзияни амалга оширади. Улар ссуда пуллари беради ва бошқарув бўйича ноинвестицион битимлар тузадилар.

Биринчи йўл ТМКга кўпроқ турғунлик беради. Тўғридан-тўғри кўйилмалар ТМКга хорижий инвестор қўлидаги маблагнинг сақланиши устидан назорат қилишни мўлжаллайди. Она компания чет элда акциядорлик фирмалари таъсис этади ёки амалдаги мавжуд хорижий фирмадан акцияларнинг назорат пакетини сотиб олади.

Акцияларнинг ярмидан кўпроқ кисми унинг фаолияти устидан тўлиқ назорат қилишда хисса кам бўлса-да, филиалга тегишли бўлади.

Жуда кўп давлатлардан корхоналарни акциялаштириш учун кўшимча шартлар жорий этилган. 51 фоиз акцияларга эгалик килувчи факат шу мамлакат фукароси ёки хукукий шахс бўлиши ва унда рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Бундай тарздаги чекловлар туризм соҳасига ҳам тарқатилади. Аммо, оммавий ахборот воситалари ёки ҳарбий саноат мажмуасига нисбатан камроқ бўлади. Бундан ташқари, ТМК чет элда хорижий филиалларнинг бўлими сингари турли кўринишлари орқали фаолият олиб боради. Улар хорижда рўйхатдан ўтказилса-да, ўз балансига эга мустақил компания хисобланади ҳамда тўлиқ оналик фирмаси, яъни TMKга тегишли бўлади.

Компания хорижий фирмаларга қарзга маблағлар бериб, ўзининг чет элдаги иштирокини кенгайтириши мумкин. Бу йўл биринчисига қараганда кам самарали бўлади, бироқ субъектлар ўргасида вужудга келадиган муносабатлар ҳақиқий ТМКда мавжуд бўлмайди. Шунга қарамай, компания ссуда беришда қарзни тўлагунгача ссуда олувчи мулкини ушлаб туришга ҳақли ёки қарз олувчи билан унга ссуда фоизидан ташқари қўшимча манфаат кўриши юзасидан шартнома имзолайди.

Бошқарув бўйича инвестицион битимлар тузиш фирмалар ўргасида кенг тарқалган тажриба ва бир неча ишлаб чиқариш бирликларидан иборат. Бундай ҳолда она компания корхона бўгинларини шартнома асосида бошқаради. Корхона мустақиллигини саклайди, турли эгалар бўлиши ва турли манбалардан молиялаштирилиши мумкин. Бироқ, маҳсулотни ягона савдо маркаси остида сотади. Бошқарув бўйича инвестицион битимлар тизими унинг иштирокчиларига ишлаб чиқариш кўламидан тежаш имконини беради.

Айниқса, маркетинг соҳасида кучларни бирлаштириш ҳисобига мамлакат ва хорижий адабиётларида ТМК “феномени”ни изохловчи бир неча назариялар маълум. Уларнинг хаммаси хорижий инвестициялардан юкори даромад олишини бош максад қилиб қўяди. Улардан бирига кўра капитал миграциясининг халқаро шартлари

бўлиб, даромад меъёри ва фоиз ставкалари фарқи ҳисобланади. Ҳақиқатда эса ҳар хил тарздаги чекловлар мавжуд бўлади.

Дунёда ягона фоиз ставкасини белгилашга тўсқинлик қилувчи катта ёки кичик даражадаги қалтисликлар ҳам мавжуд. Маблағ импортчи мамлакатларида фойда олиш фонди чекланган экан, капиталнинг халқаро ҳаракати ва ТМКни мамлакатда тенгсизлиги давом этаверади. Мамлакатга қанча микдорда маблағ олиб келиниши бир қатор омилларга боғлиқ. Хусусан, булар фоиз ставкаси ҳажми, инвестициянинг даромадлиги, иқтисодиётнинг очиқлиги, катталик ва тақсимланишининг қалтислиги, қарзни тўлаш кафолати ва ўз вактида тўлаш ҳисобланади. Ана шу хусусиятлар ТМКга хос бўлиб, у жаҳон хўжалигига муҳим ўринни эгалгайди.

2.2. Трансмиллий компаниялар фаолияти ва шакллари

Маълумки, ТМКлар ўз фаолиятини кенгайтириш орқали жаҳон бозорида янги шаклларни ўзлаштиради. Бу шакллар ТМКларга аъзо бўлмаган фирмалар билан алоқалар ўрнатиш ва шартномалар имзолаш муносабатлари билан амалга оширилади. Бундай фирмалар ТМКларнинг куйидаги фаолиятидан фойдаланадилар ва уларнинг шакли бўлиб ҳам хизмат қиласи:

- лицензиялаш;
- франчайзинг;
- бошқариладиган контрактлар;
- техник ва маркетинг хизматларга эътибор қаратиш;
- “калит” саналган корхоналар ўртасида алоқалар ўрнатиш;
- кўшма корхона ташкил этиш бўйича келишувлар ва алоҳида амалга ошириладиган операциялардаги чекловга риоя қилиш.

Лицензия битими юридик шартнома бўлиб, лицензия эгаси ўзига тегишли худудда bemolol фаолият юритиш имкониятига эга бўлади. Лицензия муносабатлари соддалаштирилган бўлиб, бу хужжат ички фирма шартномасидаги каби ташки технологик йўналишларда ҳам тўла-тўқис кучга эга ҳисобланади. Лицензия битимининг асосий кўриниши - франчайзинг, деб юритилади.

Франчайзинг – бу лицензиявий битим бўлиб, давомийлик асосидаги муддатга эга бўлади. У ишлаб чиқарувчи маҳсулотини

бирон-бир фирма ёки корхонага сотиш хуқуқини бериши ва маҳсулотни сотиш хукукига эга бўлган савдо фирмаси ёки корхонасиdir. Франчайзинг бизнесини ташкил этиш ва амалга ошириш усули сифатида 90-йиллар охирида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган ТМКларнинг бу шакли бошқарув ва маркетинг хизматларига эътиборни кучайтиришни талаб қилган.

Техник кўмаклашиш хақидаги шартномага кўра, ТМКлар мавжуд фирмаларга техник хизматлар кўрсатиш ва улар фаолияти нуқтаи-назаридан зарур ёрдам кўрсатади. Аксарият битимлар машина ва технологияларни профилактик таъмирлаш, “ноу-хоу”ни амалга оширишга маслаҳат бериш, хавф-хатарларнинг олдини олиш ва сифатли назорат ўрнатиш борасида тузилади.

Энг йирик битимлар корхоналарнинг “калити” деб номланган иқтисодий алоқалари бўйича тузилиши кузатилмоқда. Бу ҳолатда ТМКлар ўз зиммасига фирманинг барча фаолиятини юзага чиқариш, режалаштириш ёки куриш учун зарур бўлган обьектларнинг сакланиш жавобгарлигини олади.

Жаҳон бозорига кириб бориш ва унда яшаб қолиши учун компания маълум олигополистик устунликка эга бўлиши лозим. Улар туфайли X (икс) мамлакатлардан компания Y (игрек) мамлакатдаги маҳаллий фирма ишлаб чиқаришидан ишлаб чиқаришда устунлик кила олади ва юқори даромад олади.

ТМК феномени ҳақида инглиз иқтисодчиси Ж.Даннинг фикр юритади ва унинг интернационал ишлаб чиқариш эклетик назариясига изоҳ беради. Олим ТМКни қуйидаги унсурлардан иборат бўлгани учун “эклетик” деб атайди:



2.2-расм. ТМКнинг муҳим унсурлари

Назариянинг локализация устунлигига юқори фойда олиб, фирма унинг ресурс потенциали жойлашган мамлакатга таяниши ёки маблаг импортчи мамлакат ресурсидан фойдаланиш кераклиги бўйича бир қарорга келади.

Интернационал ишлаб чиқариш типига боғлиқ ҳолда компания турли локализация устунлигини олади. Хорижий капитал билан хом ашё қазиб олиш ва материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этишда ТМК маҳаллий табиий ресурсларга эгалик қилади. Импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга кўйишида ТМК локализация устунлигидан фойдаланади. Шу йўл билан ўзида ортиқча молни камайтиради ва бозорга кириш учун йўл очади. Экспорт платформасини яратишида, яъни хорижий капитал билан жаҳон бозорида сотиш учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда уларни жойлаштиришнинг ҳал қилувчи омили арzon ишчи кучи ва давлат томонидан рағбатлантириш ТМКга солиқ имтиёзлари бериш ҳисобланади.

Назариянинг учинчи унсури - интернализация ёки байнаминаллашув устунлигидир. Интернализация назариясида фирма унинг учун ташки операцияларни ўз таркиби ичida амалга оширади. Бу назария мамлакатлар иқтисодиётида жорий қилиниши натижасида ТМК фаолиятини турлича ташкил этишига эришиш мумкин. Яъни, бу ҳаммасини корпорация доирасида тўплап ёки бозорга боғлиқ бўлмаган шериклар билан иш кўриш ҳисобланади. Шундай килиб, компания, олигополия, локализация ва интернализация устунликларидан тўлик фойдаланиб, ТМК бўлиш учун ҳамма асосларга эга бўлади.

Айрим мутахассислар ТМК феноменини маҳсулотнинг ҳаётий цикли назариясига таяниб тушунтирадилар. Уларнинг фикрича, компания ўз бошқаруви остида интернационал ишлаб чиқариш тизимини яратади, ўз маҳсулотининг ҳаётий циклини узайтириш учун “иккинчи умр” баҳш этади.

Шунингдек, миллий чегаралар учун туризмга компаниянинг кириши кўп жиҳатдан олдиндан белгиланган ўзига хос туристик маҳсулот сифатида туристлар сотиб оладиган хизмат ва айрим товарларни мужассамлаштиради. Уларнинг бир қисми туристлар

Ўтадиган мамлакатта тааллуқтидир. Бошқаси у ўтадиган ва транзит билан кесиб ўтадиган, борадиган учинчи мамлакат йўлида ётади. Унинг катта кисми дестинацияга тўғри келади.

Трансмиллий компаниялар фаолиятида ўзаро муносабатлар ҳисобга олинади. Хусусан, туристлар сотиб оладиган товар ва хизматлар бир-бирини тўлдирувчи ва таклиф қилиш ҳисобланади. Зарур натижага эришиш учун улардан биргаликда фойдаланиш лозим бўлади. Бу жараённи етказиб берувчи билади ва унинг маҳсулотига талаб бошқа туристик маҳсулот ва хизматларга хам талабни билдиради.

Бир неча унсурлардан иборат инклузив турларни сотиш, энг аввало компанияга қўшимча қуликларни олиб келувчи, жумладан, маркетингни тежаш имконини берувчи ташиб ва жойлаштириш ҳисобланади. Туристик оқимлар генераторлари исосида бу мамлакатлар саёхлик бозори тенденциялари ва талабларини яхши биладилар ва туристик марказлардан қабул килинаётган маҳсулотларни сотища бундан фойдаланадилар.

Туризм индустряси корхоналари ўз фаолият доирасини кенгайтирар экан, кўпинча бундан сайёхлик бозорида мавжуд ўз улушини кўпайтиришни тўғридан-тўғри маъсад қилиб қўймайди. Компания саъй-ҳаракатлари туризмни бундан кейинги ривожланишини рағбатлантиришга қаратилади. Бу билан у фаолияти соҳаларида қўшимча имкониятларни қидириб топишга интилади. Амалда бу хорижий фирмалар акцияларига пай улушларини қўшишни билдиради. Бошқарув бўйича ноинвестицион битимлар тузиш кейинги пайтларда туризмда оммалашган.

Умуман, ТМК фаолиятида туризмда ишлаб чиқаришни интернационаллаштириш ташаббуси кўп жиҳатдан туристлар етказиб берувчи мамлакатдан чиқади. Чунки, бу катта фойда келтиради. Туризмда кўпчилик ТМК “учлик” деб аталувчи АҚШ, Фарбий Европа ва Япония мамлакатларида жойлашган. ТМК штаб-квартираси фикрича, туристик бизнесни интернационаллаштириш туристик оқимлар ҳосил бўладиган ва хорижий инвестициялар амалга ошириладиган мамлакатларда бошланади.

2.3. Мәхмөнхона хұжалигыда ТМКлар

Мәхмөнхона хұжалигыда ТМК франчайзинг бошқариш шаклида ривожланған. Яғни, франчайзинг усулда компания четдан маблағ жалб қиласы ва у ёрдамида маблағига ривожланишдан күра анча тезрок тарақкүй қилды. Бу тизим 1907 йылда Ritz Development Company Нью-Йорклик фирмадан Ritz-Carlton деб номланиш хукуқини сотиб олғанидан кейин мәхмөнхона индустриясыда құллана бошланған. 1927 йылдан бoshlab, Хоуард Джонсон үз отелларини франчайзинга бера бошлади. Бу унга тез орада ишини олдин Шарқий кирғокларда, ундан кейин Гарб марказида ва ниҳоят 60-йилларда Калифорнияда кенгайишига имконият яратди. Ҳозирги кунда уннинг тизими 900 дан ортиқ ресторанни үзіде бирлаштиради.

Holiday Corporation ютуғининг бош омилларидан бири уннинг ўртачадан юқори бүлмаган нарыхи бозорни әгаллашға ҳаракат қилаёттан бириңчи мәхмөнхона фирмаси бүлгандығы ҳисобланади. Одатда, бу мәхмөнхона ва мотеллар ҳаққоний нарыхлар билан бой кварталлардан узокроқ, шаҳар марказлари, мухим магистраллар кесишишига яқын жой ёки шаҳардан ташқари ҳудудда қурилади. Уларни муваффакияттнинг яна бир сабаби улар таклиф этаёттан қулагылар. Яғни ҳаққоний нарыхда шинамлық, оддийлікден йирок, отелларнинг фарқланған интерьери ҳисобланади.

60-йилларда Хилтон ва Шератоннинг енгил құли билан франчайзинг мәхмөнхона ва мотеллар үсішінде ривожланишнинг асосий стратегияси бўлиб қолди. 70-80-йилларда бу үзгариш сакланиб қолди. Франчайзинг ҳамма үзининг нафликлари билан куйидаги муаммоларга эга бўлган:

- лицензия эгасининг сифат мөъёларини сақлаб қолиши;
- лицензиядан фойдаланиш хукуқини сотиб олаёттандар томонидан молиявий қопқондан қочиши.

Охирги йилларда франчайзинг шартномалари бинонинг ташки күриниши ва мәхмөнларга хизмат күрсатиш даражасига бўлган талабни янада аникроқ изохлашга муваффак бўлинди. Лицензияга тўлов мулқдор ва шартномачи ўртасидаги келишув асосида белгиланади, лекин ҳар бир изярага берилган хонадан ўртача 3-4 фоизни ташкил қиласы.

Мехмонхона индустриясида франчайзинг билан шугулланалиган энг йирик компания Парисипанидаги (Нью-Жерси штати) Hospitality Franchise System Hotels хисобланади. Ундан кейин Блэкстоун гурухининг (Нью-Йорк) Choice Hotels International шўбъя компанияси туради. Бу рўйхатда учинчи Holiday Inn Worldwide компанияси хисобланади.

Халқаро туризмда транснационализация жараёнлари ривожланиб, анъанавий равишда жойлаштириш секторига таъсир кўрсатган. Бу борада меҳмоннавозлик индустриясида ТМК кўзга ташланади. ТМК меҳмонхоналар занжири кўринишини олади ва халқаро ҳаётда сезиларли ҳодисага айланган. Меҳмонхона занжири ўзида меҳмонхоналар гурухини мужассамлаштирган, умумий раҳбарлик, маҳсулотлар ҳаракати ва савдо маркаси концепциясига ога.

Корхона меҳмонхона компаниясини жойлаштириш учун сотиб олиниади. Улар билан франшиза шартномалар ёки бошқарувга шартнома тузилади. Кўпроқ интеграциялашган меҳмонхоналар занжири бирлашган ва кудратли хисобланади. Улар тенг хукуқли корпоратив аъзо корхоналардан иборат бўлади. Аммо, меҳмонхоналар занжирининг кенг тарқалиши ва умумжаҳон тан олинишида франчайзинг туфайлидир.

Франчайзинг орқали франшиза тузилиб, у моҳиятан савдо маркаси ижарасини билдиради. Корпорация, хусусан меҳмонхоналар тадбиркорга ягона стандартда уларнинг номи остида ўз хусусий ишини юритиш хукукини беради. У франшиза олувчига бу фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қиласиди. Ўз мавқенини сақлаб қолиш мақсадида уни назорат қилиб туради. Потенциал франшиза олувчини танлаб олиш мураккаб жараён бўлиб хисобланади. Ҳар бир меҳмонхона компаниялари бунга ўз мезонларидан келиб чиқиб ёндашадилар.

Кўпинча франшиза шартнома тузиш учун мажбурий шарт сифатида корхонанинг минимал ҳажми (50-150 та ўрин), мажуд ресторан, бар, ўз корхонаси, бассейн, конференция ва йигилишлар ўтказиладиган бино кўйилади. Американинг “Холидей Инн Уорлдуайд” меҳмонхона занжирида ҳал қилувчи бўлиб корпорациянинг отель биносига берган таърифи стандартта тўғри келиши хисобланади. Бир кун келиб бундай тестдан ўтган франшиза олувчи юкори даромадни кўзлаши мумкин.

Франчайзинг йирик фирмаларнинг молиявий ва техник қудрати, маҳорати, операторнинг тадбиркорлиги, таланти билан майда корхонанинг мавқеини таъминлашни ифода этади. Кейинги йилларда франчайзингнинг классик модели ўзгаришларга юз тутмоқда. Илгари 20 йил аввал меҳмонхоналар франшиза компаниялари унча катта бўлмаган туристик фирмалар кўринишидаги эди. Уларда франшиза берувчилар франшиза олувчиларга зътибор билан қараганлар. Франшиза бизнеси сезиларли кенгайгач, савдо маркалари ва хусусий отеллар эгалари ўртасида йирик воситачи компаниялар пайдо бўлди.

Франшиза берувчилар кўпинча бу компанияларни эксклюзив ҳукуқлар билан худудни ўзлаштиришга унда мояқда. Яъни, франшиза олувчиларни танлаб олиш, уларни бошқариш ва фаолиятнинг маълум турлари билан шуғулланишга лицензия бериш кабилардан иборат бўлади. Натижада, франшиза берувчилар ва франшиза олувчилар тобора бир-биридан узоқлашиб бордилар. Улар ўртасидаги муносабатлар шафқатсиз тус олди. Буни қандай оқибатларга олиб келишини АҚШда тез овқатланиш индустрияси мисолида кўриш мумкин. Франчайзинг тизими иштирокчилари ўртасидаги келишмовчиликлар вақти-вақти билан ўткир тус олмоқда.

Фирмаларнинг ривожланишида уларнинг эгалари капитал қўйилмалар ҳажмини ошириб борадилар. Оқибатда, молиявий калтисликка дуч келадилар. Бу эса келгуси ўсиш суръатлари муаммо бўлиб қолади ва охир-оқибат профессионал менежерлик компанияларига мурожаат қилишга тўғри келади. Бундай компанияларнинг икки типи ажralиб туради. Уларнинг кўлчилиги меҳмонхоналар занжирини тузадилар. Ўз аъзолари бошқарувини шартнома орқали амалга оширадилар. Масалан, Европада энг катта меҳмонхоналар корпорацияси бўлган “Аккор” (Франция) 22 % хоналарни шартнома асосида бошқаради.

Иккинчи типга мустақил бошқарувчи компаниялар киради. Улар турли меҳмонхоналар занжирларига хизмат кўрсатадилар. Жаҳоннинг юз етакчи мустақил операторлари 3,6 минг меҳмонхоналарда 632,8 минг хоналарни назорат қилган. Булар АҚШнинг ўзида бошқарувда шартнома меҳмонхоналар индустрияси учун унчалик хос бўлмаса-да, асосан Америка компаниялари эди. Кейинги йилларда уларнинг рўйхатини “Richfield Hospitality Services” бошқармоқда. Ушбу компания меъморий жиҳозлаш

моддий-техника таъминоти ва меҳмонхона фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар билан шугулланади. У 83 та мустакил меҳмонхоналар ва 18 та меҳмонхоналар занжири билан иш олиб боради.

ТМК меҳмонхоналар стратегияси кучли ва кучсиз томонлар хорижий экспанция турли усулларининг мураккаб бирлиги ҳисобга олиш йўли билан шаклланади. Ҳозирги кунда жаҳон меҳмонхоналар хўжалиги жиддий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Секторни таркибий қайта қуриш жараёни рўй бермоқда. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш шакллари ўзгармоқда ва трансмиллий фаолиятини ташкил этиш моделлари янгиланмоқда. Бу борада жаҳонда меҳмондўстликнинг қуидаги моделларидан фойдаланилади:

Осиё модели	Америка модели	Европа модели
<ul style="list-style-type: none"> • меҳмонхонанинг тоифасининг унга мутаносибиги ва яхши жойлашувга эгалиги; • хоналар ва жамоат жойларининг кагта майдонга эгалиги; • интеръерларнинг бойлиги ва ташки кўринишининг ҳашаматлилиги; • арzon нарх ва бўш номерларнинг мавжудлиги; • турли хил инфратузимлардан фойдаланиши қобилияти ва кўшимча хизматлар; • “All inclusive” ва “Ultra all inclusive” каби хизмат кўрсатиш тизимларининг мавжудлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Европа ва Осиё модели хусусиятларини акс этиши; ▪ шаҳар марказида типик талабларга жавоб берадиган меҳмонхоналарнинг кент тарқалганлиги; ▪ меҳмонхоналарнинг Европа талабларига жавоб бериши; ▪ меҳмонхоналарнинг кичик ўлчамга эгалиги ва шахсийлаштирилган хизмат мавжудлиги; ▪ мамлакатнинг курорти ва марказда меҳмонхона курилганлиги; ▪ меҳмондўстлик моделларини Hilton Worldwide ва Marriott International каби одатий занжиридан ташкил топиши. 	<ul style="list-style-type: none"> • хизматларда тақдим этилаётган сифатнинг нотекислиги; • таклифларнинг диверсификация қилиниши; • хоналар фондининг кам сижимлилити; • хизматларни юкори сифат билан тақдим қилиш; • юкори сифатли таниклилик ва оммавийликка интилиш; • меҳмонхона хизматининг автоматлашганлиги, аиънавийлик ва шахсларaro мулокот; • Intercontinental, Group (IHG) ва French Accor Group меҳмонхоналари фаолият олиб бориши.

2.3-расм. Меҳмондўстлик моделларининг таснифи

XX асрнинг 50-60 йилларида меҳмондўстлик соҳасида меҳмонхоналар бизнесини ташкил этишининг америкача модели ўзининг гуллаб-яшнаган чўққисига етди. Унинг устунлиги ва характерли қирралари туристларга, энг аввало АҚШ туристларга яқол кўринди. 1955 йил “Истамбул Хилтон” отели тантанали очилиш маросимида иштирокчилардан бири меҳмонхоналар “Хилтон Хоутел” занжирига кирувчи шундай хотирлайди: “Биз Истамбулдан учеб келганимизда, бу қадимги шаҳар сирли ва романтик оламга чукур гарқ бўлдик, дейишимиз ортиқча. Мен бу шаҳар “Олтин мугуз” Американинг кичик бўлagini ўзида мужассам қилган улкан кенгликлар эканлигини ҳис этдим.” Очилиш маросимида Конрод Хилтон унинг ҳар бир отели митти Америка эканлигини айтди. Ҳакиқатдан ҳам, туристни меҳмонхона жалб қилиши ва унинг қизиқиши бевосита меҳмонхоналар фаолиятига ТМКларнинг кириб бориши билан боғлик

Бироқ, интеграциялашган меҳмонхоналар занжири томонидан ўтқир рақобат шароитида мустақил отеллар меҳмонхоналар консорциумларига бирлашадилар. Бундай ташкилотларга аъзо бўлиш йўли билан улар хизматларга йўл очганлар. Бунда нуфузли хисобланган интеграциялашган меҳмонхоналар занжири орқали ўзининг ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларини амалга оширилган. Кўпинча отеллар консорциумларга захиралаштирилган глобаль компютер тизимига абонент бўлиш учун кирадилар. Тобора кўпроқ турагентлар туристик маҳсулотларни бронлаштиришда телефонлашиши ва факсдан компютер тизими фойдасига воз кечдилар. Шу боис, унга қўшилиш кичик хусусий меҳмонхоналар учун йирик тижорат мувафаккиятига эришиш билан тенг хисобланади.

Бундан ташқари, мустақил меҳмонхоналар ҳамкорлигига реклама компаниялари ва маркетинг тадқиқотларини ўтказадилар. Хусусан, марказлашган ҳолда ускuna сотиб оладилар, катта харажат талаб қиласиган, аммо ўзларининг кучлари етмайдиган бошқа фаолият турлари билан бирга амалга оширадилар. Кучларини бирлаштириш орқали консорциум азолари операция кўламини тежайдилар. Зарурат туғилганда улар техник ёрдам, менежмент

масалалари бўйича маслаҳат олиши ва мижоз ҳақидаги маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин.

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, яқин йилларда меҳмонхоналар индустрияси юкори суратларда ривожланади. Бутун дунёдаги инвестор бу истиқболли хўжалик юритиш соҳасига эътибор қаратмоқдалар ва меҳмонхоналар базаларини кенгайтириш ва янгилаш, замонавий технологияларни жорий этиш, хизмат кўрсатишнинг илғор шаклларида сезиларли маблағ қўймоқдалар. Кутилаётган бу маблағлар янги меҳмонхоналар занжирини яратиш, тўпланиш ва корпорациялар жараёнларини кучайтиришга хизмат қиласди. Натижада бу вазифалар меҳмонхона хўжалигига ТМКларнинг роли кучайиб боришига хизмат қиласди.

2.4. Туристик ТМКнинг миллий иқтисодиётга таъсири

Трансмиллий корпорациялар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнатни юкори баҳолаш бўйича жаҳон хўжалиги таомилига мос бўлган тарзда асосий роль ўйнайди. Барча ТМКдаги йирик хорижий инвестициялари ҳозирги кунда савдодан кўра бандлик масалаларига кўпроқ жалб этилади. ТМКлар ҳозирги кунда дунёдаги барча хусусий секторга тегишли инвестицияларнинг 90 % дан кўпроқ улушкини ўз назоратига олган.

ТМКлар маҳсулотлари тизими соҳаси етарлича келтирилган. Дунёдаги 60 % халқаро компаниялар маҳсулот ишлаб чиқариш билан, 37 % и хизматлар кўрсатиш билан ва 3 % қазиб олиш саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаси билан банд ҳисобланади. Америкада чиқадиган “Фортун” журнали маълумотларига кўра, дунёдаги 500 та йирик ТМКлар ўртасида тўртта мажмуа асосий роль ўйнайди. Булар қаторига электроника, нефтни қайта ишлаш, кимё ва автомобилсозлик соҳалари киради. Улар 500 та ТМКлар ичида бу маҳсулотларни сотиш бўйича 80 % улушга эга.

ТМКларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда ҳудудий соҳаларга инвестиция киритиш билан алоҳида аҳамият касб этади. Қоидага кўра, улар асосан “янги саноати ривожланा�ётган мамлакатлар” ва “тараккий этаётган давлатлар”га саноат соҳасида қайта куришни жадаллаштириш учун капитал ажратмоқда. Ўз-

ўзидан бу ҳолатда капитал олувчи мамлакатлар ўргасида инвестицион рақобат юзага келмоқда.

Колоқ мамлакатлар учун ТМК кўпроқ қазилма саноат тармоқлари ва маҳсулот экспорти йўналишига маблағ киритади. Бу ҳолатда ҳам жадал рақобат юзага келади. Фақат бу рақобат маҳаллий бозорларни маҳсулотлар билан тўлдириш учун ТМКларнинг ўзларида вужудга келади.

ТМКлар барча жабҳаларда халқаро иқтисодий алоқаллар тизимида у ёки бу мамлакат учун улар тақдирини белгиловчи омил сифатида гавдаланади. Фаол ишлаб чиқариш, инвестиция ва савдо йўналишида ТМКлар улар учун катта кўмак бўлувчи дастак ролини бажаради. БМТ экспертлари таъкидлаплича, дунё иқтисодий интеграциясига кўшилишда бу мамлакатлар учун ТМКларнинг ахамияти бекиёс. ТМКлар айрим давлатлар анъаналарига буйсунмайди ва кириб боради. ТМК фаолиятида интеграциялашув, чегаралараро байналминаллик ва шулар орқали юкори фойдага эга бўлиш таъминланади.

ТМКлар харакатининг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларда ижобий ва салбий таъсирлари мавжуд. Бу борада мутахассислар унинг қуидагича салбий таъсирлари мавжудлиги ҳакида фикрлайдилар:

- давлатнинг сиёсий-иктисодий муносабатига зид бўлади;
- давлат қонунлари ва трансферт баҳосини номутаносиблаштиради;
- ривожланаётган мамлакатларда монополистик баҳони жорий этади.

XX асрнинг 80-йиллардан бошлиб, туристик ТМКларнинг иқтисодий муаммоларга таъсири ривожланди. Яъни, ТМКни кабул қилиувчи мамлакатлар иқтисодиётига чукур таъсири мавжуд. Бу борада мутахассислар қуидагиларни изоҳлаб ўтадилар:

**бирин-
чидан**

- туристик бозор устидан назорат қилиш

**иккин-
чидан**

- туристик оқимлар устидан назорат қилиш

**учин-
чидан**

- туристик махсулотларга трансферт нархларни ташкил этиш

**турин-
чидан**

- халқаро туризмдан хорижга оқиб келаётган даромадлар

**бешин-
чидан**

- импорт килувчи мамлакатлар иқтисодиётига технологик таъсир

2.4-расм. ТМКнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсирлари

ТМКларни ташаббус бўйича жалб қилиш қабул қилувчи мамлакатлар орқали амалга оширилди. Бунда маҳаллий компаниялар қатнашмайди ёки улар зарур етарли ресурсларга зга бўлмайдилар. Филиппин, Индонезия, Покистон ва Шри-Ланка хукуматлари хорижий инвесторларга солиқ имтиёzlари беради, балки уларни импорт ускуналари механизм ва материаллар учун пошлина тўлашдан озод қиласди. Туристик секторда ТМКларнинг пайдо бўлиши суст ривожланган давлатларда маҳаллий туристик бозор ва туризм индустрияси ривожланиши таркиби устидан ички назоратни кучайтиришга олиб келмоқда.

ТМКлар туристик оқим устидан бевосита назорат ўрнатган оралиқ мамлакат иқтисодиётига таъсир ўтказмоқда. Туризм соҳасида ТМК фаолияти туристик талаблар географиясида олға сильжишни тақазо қиласди ва ташриф буюрувчилар оқими йўналишини ўзгартиради. Хукуматни туристик инфратузилмаларга харажатларни кўпайтиришга мажбур этади. Бу жуда кўп районларда халқаро туризмга кўтариинки рух баҳш қиласди. Туристик оқимлар устидан назорат ўрнатилар экан, ТМКлар бу дастакдан қабул қилувчи мамлакатга унинг томонидан солиқ ва бошқа имтиёzlар кенгайиши учун босим ўтказишда фойдаланади.

Замонавий ТМКлар жаҳсон туризм бозорида глобаль стратегия юритиши билан ажралиб туради. Бу трансфер нарх шаклланиши механизмида намоён бўлади. Фирма туристик маҳсулотларга ички операцияларини амалга ошириш чоғида нархни ошириш, бошқасида камайтириш йўли билан ТМКлар корпоратив даромад олишини кўпайтирувчи компания кўлида катта бир империянинг ичидаги даромадни кўпайтиришнинг таъминловчи механизм пайдо бўлади ва у унинг фаолияти стратегик мақсадларга бўйсунади.

ТМКлар хорижий фаолияти билан боғлиқ энг ўткир муаммолардан халқаро туризмда даромадлар оқимини қабул қилувчи мамлакатлар ҳисобланади. У импорт қилинаётган товар ёки хизматларга тўловлар ва ишлаб чиқариш ресурслари эгаларини мукофотлашга тўловлар шаклида намоён бўлади. Хуллас, Туристик ТМК – анча мураккаб ва доимо халқаро меҳмондўстлик муносабатлари тизимида хўжалик алоқалари тизимида ривожланиб борувчи хусусиятни талаб этувчи ҳамда доимий равишда халқаро назорат, ўзлаштириб бориш ва эътиборни қартишни талаб қиласиган уюшма ва бирлашма ҳисобланади ҳамда миллий иқтисодиётига ҳам таъсир қилиши билан ажралиб туради.

2.5. ТМКлар жойлашган мамлакатлари иқтисодиётига таъсири

ТМКлар қабул қилувчи мамлакатлар, балки ўз “жонажон” мамлакати иқтисодиётига таъсир ўтказади. Яъни, туристик ТМК туризм ички бозори таркиби ва туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлик ёки рентабеллигини ўзгартириши мумкин. Шунга мувофиқ, ТМКлар жойлашган мамлакатлари иқтисодиётига куйидагича таъсир кўрсатади:

- **биринчидан**, туризм бозори етарли ҳажмга эга бўлмаган кичик мамлакатларда, Сингапур авиа йўналишидаги корпорацияси типидаги “экспорт варианти” иқтисодий стратегияси етарли бўлмаган ҳолатда ишлаб чиқариш кўламидан иқтисод қилишга кўмак беради.

- **иккинчидан**, инвестицияларни юқори даромадни таъминлайдиган дестинацияларга йўналтиради ва натижада туризм

индустрисида кўйилган капиталлар ўртача даромад хажмини кўпайтиришга имкон яратади.

- **учинчидан**, чиқиш туризми маҳсулотлари ишлаб чиқаришни узлуксиз йўлга кўйиб, ички бозорда нарх-наво даражасини пасайтиради.

- **тўртингчидан**, чиқиш туризмига ихтисослашган мамлакатлар бозорида монополистик устуңликни таъминтайди.

Бозор олигополистик таркибига эга бўлса, корпорациялар ўз бозор ўринларини ҳимоя қилиши учун блокларга бирлашадилар. Хусусан, “Ay-Ti-Ti Sheraton” отели занжирининг очилиши билан “Hilton Hotels Corporation” ёки “Holiday Inn Worldwide” компаниялари ҳам пайдо бўлган.

ТМКлар туристик оқимлар орқали иқтисодиёт таркибига таъсир ўтказади. Уларнинг сайёхлик бозорида иштирок этишлари, айниқса кўпчилик қудратли Европа туроператорлари сингари кўп ҳолларда чиқиш туризмининг фаоллашиши сабабларидан бири бўлиб чиқади. Хорижга сафарлар сонининг ортиши ва унинг билан боғлиқ ҳолда мамлакатдан валюта оқими туристик тўлов балансида салбий сальдо ҳосил бўлишига олиб келади.

ТМКлар фаолияти туфайли туристлар олиб чиқиб кетган валютанинг бир қисмини ватанига қайтаришга муваффақ бўлинади. Агар АҚШлик сайёх америка меҳмонхоналар занжирига кирувчи отелда тўхтаса, амалда импортнинг жой алмашиниши рўй беради. Бундай ҳолатда АҚШ хорижда меҳмонхонаси жойлашган мамлакатдан ватандошларига хизмат кўрсатишдан даромад олади, бундай товар ва хизматларни экспорт қилишдан тушган маблағ ўз тўлов балансини мустаҳкамлайди.

Трансмиллий жараёнларнинг хозирги замонда пайдо бўлиш шакллари бир-бирига зид. Унинг мухим шакли сифатида интеграция каралади. Иқтисодий интеграцияга икки асосий омил, яъни илмий-техника тараққиёти ва трансмиллий корпорациялар катта таъсир кўрсатади. Мамлакатларнинг халқаро интеграция жараёнларида иштирок этиши учун куйидаги асосий шартларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади:

Биринчидан, йирик саноатлашган ишлаб чиқаришнинг чукур ихтисослашуви оқибатида ташки алоқаларни ривожлантириш зарурати

Иккинчидан, турли мамлакатларнинг иқтисодий құдратида тағовутлар бұлмасдан уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳолати

Учинчидан, турли мамлакатларнинг худудий умумийлікка зәг бўлиб, тарихан ривожланган ҳамкорлик алоқаларининг мавжудлиги

2.5-расм. ТМК доирасида халқаро интеграция жараёнларида иштирок қилиш шартлари

Мамлакатларнинг очик иқтисодиётта ўтиши ТМК фаолияти орқали кучайды. ТМК янги бозорларни згаллаш учун турли мамлакатларда күглаб филиал ва компанияларни очиб, бошқа мамлакатларнинг савдо түсікларини четлаб ўтади ва халқаро иқтисодий айирбошловнинг байналминаллашувига олиб келади. Ҳамда ТМК таркибида ишлаб чиқарыш омиллари ва товарлар эркин ҳаракат киласи.

2.6. Халқаро туризмда глобаллашув жараёнлари

Бугун глобаллашув ўз таъсирини барча соҳаларга ўтказди. Дастреб у мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида акс этган бўлса, ҳозирги кунга келиб, сиёsat, ахлоқ, миллий-маънавий ҳаёт, инсонларнинг кундалик турмуш кечиришигача бўлган барча жараёнларни ўзига қамраб слди. Шу ўринда унинг мамлакат ва халқлар турмуш тарзининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлганинги эътироф этиш ўринлидир.

Глобаллашувнинг иқтисодиётта ўтказаётган таъсири натижасида миллатнинг барбод бўлишига қаратилган ҳаф ҳам юзага келиши мумкин. Бу тушунча миллатнинг мустақил субъект

сифатида сақланиб қолиш жараёнига салбай таъсири кўрсатмоқда. У миллий-маънавий қадриятларни емироқда ва шу йўл билан миллатни ўз домига тортмоқда. Бу жараённинг олдини олиш имконият ва воситаларини излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиши барча фан йўналишидаги тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Мазкур ҳолат ва вазифаларнинг асосини “глобаллашув” тушунчаси ва унинг маъно-мазмуни ташкил қиласиди.

Глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошларида иктиносидий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревю” журналида эълон қилинган мақоласида ёритилган. Уни ўрганиши жараёни Роланд Робертсон томонидан 1985 йилда унинг жаҳонни ягона бир бутун қилиши мақсадига қаратилган объектив жараёнларнинг мажмуаси сифатида аниқланган давридан бошланган.

Иктиносидиётда кечётган глобаллашув жамият, мамлакат ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказади ва бу таъсири кенг қамровидир. Чунки, иктиносидиётдан манфаатдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. У инсон ҳаёт кечиришининг моддий асосини ташкил қиласиди. Шу боис, иктиносидиётдаги глобаллашув миллий маънавиятда ҳам ўз ифодасини топади.


Республикамизда глобаллашув турли соҳаларда содир бўлаётган интеграциялашувнинг натижаси сифатида қаралади. Бундай қараш мазмунини дунё мамлакатлари ўртасидаги иктиносидий алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши ва уларнинг ўзаро интеграциялашуви натижаси сифатида субъектив омиллар таъсири, яъни катта иктиносидий салоҳиятга эга бўлган давлатларнинг кам тараққий қилган мамлакатларнинг ресурсларини турли йўл ва воситалар билан қўлга киритиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларнинг натижаси ташкил этади.

Хозирги замон жаҳон бозори ривожланиши тенденциясида глобаллашув жараёнлари алоҳида эътиборни тортади. Жумладан, ТМК миллий капиталидан ва харакатдан сиёсий ҳамкорликка ва қўшма дастурларни амалга оширишга ўтди. Бу тенденция

корпорацияларнинг глобаль иттифоқлари пайдо бўлишига сабаб бўлди ва натижада глобаллашув шаклланиб, ривожланди.

ТМК сонининг кўпайиши бир қатор омиллар таъсири остида содир бўлди. Уларнинг ичидаги жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши омили ҳал қўйувчи таъсир ўтказмоқда. У кўпроқ ривожланган мамлакатлар компаниялари ўртасида эмас, балки жаҳон бозорларини эгаллаётган янги индустриал мамлакатлардан чиқкан фирмалар уларнинг хавфли рақибларига айланмоқда. Буларга меҳмонхоналар хўжалигидаги Гонконг, Шангри-Ла, Регал Хоутлез ва Мандарин Ориентл кабиларга отеллар занжири киради.

Глобаллашув асосини глобаль иттифоқ ташкил этади. Иттифоқнинг моҳиятини инсон, молиявий ва илмий-техник ресурслар ютуқка эришиш учун турили фирмалар билан бирлашганилиги ташкил этади. Бунда ҳамкорлик ёрдамида мақсадга эришишнинг самаралироқ йўллари белгилаб олинади ва биргаликда ҳар бир иштирокчи томоннинг ютуқларидан фойдаланилади. Ҳамда умумий дастурни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни тақсимлайдилар ва қалтисликларга баҳамжиҳат қўл урадилар. Глобаллашувнинг иқтисодиётга таъсир қиласан экан, унинг бевосита бозорга таъсири алоҳида сезилади. Бундай ҳолатда бозор ўзининг таркибига эга бўлиб, ушбу унсурларнинг фаолият юритиши орқали самарадорлик оширилади ва таъминланади.



2.6-расм. Бозорнинг таркибий унсурлари

Глобаль иттифоқ тузиш меҳмоннавозлик ва туризм индустриясининг турли секторларида амалиётга киритилмоқда. Бунга мисол қилиб туристик маҳсулотларни бронлаштириш глобаль компьютер тизимининг бирлаштирилишини кўрсатиш мумкин. Улар туфайли авиакомпанияларнинг ташқи алоқа тизимлари отеллар, турагентликлар, автомобиллар ижараси ва бошқалар компьютер тармоғи мажмуалари билан уланган. Булар туристик хизматлар пакетларини бронлаштириш ёки уларнинг алоҳида унсурлари, яъни авиа учишлар, отелларга жойлаштириш, театрларга билетлар сотиш ва сугурта полисларига буюртмалар бериш имконини беради.

Хозирги кунда глобаль иттифоқлардан ташқари, стратегик альянслар ҳам тузилмоқда. Биринчисига мулкий муносабатларни ўзгартириш мухим бўлса, иккинчиси томонларнинг келишувига асосланади ва унда мулкчилик муносабатларига эътибор қаратилмайди. Шу боис, стратегик альянслар кенг ёйилмоқда.

Стратегик альянслар турли кўринишларда, хусусан консорциумлар, стратегик жиҳатдаги кўшма корхоналар кабиларда бўлади. Аньанавий фирмалараро шартномалардан фарқли равишда уларнинг ҳаммаси альянс иштирокчисининг глобаль стратегик фаолият доирасида компания учун узоқ муддатли рақобатбардош устунликка эришишга қаратилган.

Меҳмонхоналар хўжалигига стратегик альянслар хизматларни бирга амалга ошириш учун бир неча компаниялар ўртасида тузилади. Бундай бирлашувларнинг мотивлари бўлиб, меҳмонхона компаниялари орқали бозорда савдо маркаси ҳаракатини амалга ошириш хисобланади. Альянс доирасида турфирма маҳсулоти иккинчисига бозорга чиқишига имконият яратади ва молиявий қалтисликни бўлиб олиш йўли билан улар нокулай иқтисодий конъюнктура вақтида банкротликдан кутилиб қоладилар.

Глобаллашув жараёнлари кўпроқ ҳаво транспортида кўзда тутилади. Бу борада жаҳоннинг етакчи авиакомпаниялари ўртасида мустаҳкам шерикчилик алоқалари йўлга кўйилмоқда. Улар йирик юк ташувчилар акцияларини сотиб олишдан кўра, ўз рақобатчилари билан стратегик альянслар тузишни маъқул кўрадилар. Ўзаро келишувга эришиб, авиакомпания тезда йўналиш тармоқларини кенгайтириши, ўзининг бозор улушини кўпайтириши ва бошқа юк

ташувчиларнинг бозорга киришини чеклаб қўйади. Бундай ҳамкорлик альянс иштирокчиларига умумий натижани беради, яъни ҳаво орқали юк ташиш ҳажми ва фойдани кўпайтиради.

Авиакомпаниялар ўргасидаги битимлар фаолиятнинг турли хил соҳаларига тааллукли бўлади. Илгари улар аэропортларда юк ортиш, тушириш ишларини бошқариш, жорий молиялаштириш ва инвестициялашга, шунингдек бирлашган тижорий ваколатхоналар очишга тарқалган. Масалан, “Japan Airlines” (Япония), “Lufthansa” (Германия) ва “Air France” (Франция) авиакомпаниялари Нью-Йорқдаги Кеннеди номидаги аэропортда биргаликда терминал куриш ҳакида битим туздилар.

Бугунги кунда ҳаво транспортида халқаро стратегик альянслар тараққиётнинг янги босқичини бошдан кечирмоқдалар. Авиаташишлар бозори устидан назорат ўрнатишга интилиб, альянс аъзолари тез-тез учадиган йўловчилар учун маҳсус рағбатлантириш дастури доирасида ўзаро ўз идентификацион кодлари билан алмашишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Бу тарздаги тажрибалар авиаҳизматлар бозорида чуқур ўзгаришларга олиб келди.

Аммо, пайдо бўлаётган тўсикларга қарамай, авиакомпаниялар бирлашишда давом этмоқда. Тез-тез битта ташувчининг ўзи бир неча альянсларга турли марказлар билан кирмоқда. Авиакомпания компаниялар базавий битимга эга бўлади. Шу билан бирга, бошқа ташувчилар билан тўла хукукли маркетинг ва тижорат аъзоси бўла олади. Масалан, “Lufthansa”, “United Airlines” билан глобаль стратегик альянсда бўлишдан ташқари “Finnair” билан маркетинг альянси, “Japan Airlines” ва “Korean Airlines” билан фраҳт альянс тузган. Шунингдек, идентификацион кодлар алмашиниши бўйича “Adria Airways”, “Varig Brasilian Airlines”, “Luxair” ва “Ostrian Airlines” авиакомпаниялари билан битимлар имзолаган. Ташувчилар жаҳон альянси тузиши билан илгари эришилган келишувлар истиқболлари тобора ноаниклик бўлиб қолмоқда.

Ҳаво транспортида “American Airlines Group” ва “Star alyans” йирик бирлашмалар хисобланади. Ҳаво транспортида “American Airlines Group” ҳар йили 215 млн. дан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатадилар. Жаҳоннинг етакчи авикомпаниялари “Delta Air Lines”, “Lufthansa Group”, “United Airlines Holdings”, “Cathay Pasific Airlines” ва “China Southern Airlines Company Limited”, “Ryanair”,

“Southwest Airlines” ва бошқалар дүнёдаги энг жирик авиакомпаниялар хисобланади.

Таянч иборалар: Трансмиллий компаниялар, иқтисодиёт, халқаро мәжмандүстлик, халқаро иқтисодий глобаллашув, халқаро корпорациялар, халқаро компания.

Назорат учун саволлар

1. Трансмиллий компаниялар (ТМК) моҳияти нималар?
2. Трансмиллий компаниялар фаолияти ва шаклари нималардан иборат?
3. Мәжмонахона хұжалиғида ТМКлар қандай ўрин тұтады?
4. Туристик ТМКнің миәлий иқтисодиёттегі таъсирі нималар билан белгіланади?
5. ТМКлар жойлашған мамлакатлари иқтисодиёттегі қандай таъсир әтады?
6. Халқаро туризмде глобаллашув жараёнлари нималар билан белгіланади?

ІІІ БОБ. МЕХМОНДЎСТЛИКНИ БОШҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Мехмондўстлик соҳаси менежмент объекти сифатида

Туризм соҳасининг ривожланиши учун барча зарур ташкилий-хуқукий механизм вужудга келтирилди ва муҳим меъёрий-хуқукий хужжатлар қабул қилинди. Натижада, меҳмонхоналар хўжалиги тараққий қилмоқда. Туризм индустриясининг ўзаги бўлган меҳмонхона фаолиятининг бизнеси соҳасининг ажralmas қисми бўлиб, туристларни қабул қилувчи ва туристларнинг тунавши ва дам олишига бўлган эҳтиёжларини қондирувчи ҳамда мураккаб хизматларни амалга оширувчи энг муҳим унсур бўлиб ҳисобланади.

XXI асрда меҳмонхоналар бизнесида хизматлар ассортиментини кўпайтириш билан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Бу эса меҳмондўстлик индустрияси ёки саноатини ривожлантиришни тақозо қиласиди. Уни амалга ошириш бошқарув жараёнига боғлик. Бошқарув жараённи бошқарув асосида амалга оширилади.

Бошқарув меҳмонхоналарнинг ўз олдига кўйган мақсадига эришиш учун йўналтирилган жараён ва бошқарув фаолияти ҳаракатининг кетма-кет бажарилиши холати бўлиб, меҳмонхонанинг бир қатор ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларини ечиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлади ҳамда бу ҳаракат бошқарув вазифаларини бажариш, бўлиб эътироф қилинади.

Мехмондўстлик соҳасининг тараққиёти унинг индустрияси ёки саноати натижасидир. Чунки, унинг таркиби куйидаги турли унсурлардан таркиб топади:

*Материал ва
объектлар*

Хизматлар

Кишилар

3.1-расм. Мехмондўстлик саноатининг формуласи

Мехмондўстлик саноатининг таркибий унсурлари уни амалга оширишга қаратилган математик формула бўлиб хизмат қиласди. Шу боис, меҳмондўстлик соҳасини хўжалигини бошқариш объектив заруратга айланган. Бу ҳолатда бошқарув иккита объектнинг мақсадига қаратилган ўзаро ҳамкорлигидан иборат бўлиб, бунда улардан бири бошқарув субъекти ўрнида, бошқаси бошқарув объекти ўрнида бўлади. Бошқарув субъектида бошқарув объектига таъсир кўрсатиш импульслари ёки бошқарув буйруқлари жўнатилади, улар бошқарув объектининг бирор-бир фаолият юритиши ҳакидаги ахборотга эга бўлдилар. Бошқарув объектида ушбу импульслар ёки буйруқлар олинади ва уларга мувофиқ ҳаракат қилинади.

3.2. Режалаштириш жараёни

Мехмондўстлик индустрисида режалаштириш бошқарув боскичларидан бири бўлиб, бу боскичда ҳар қандай структуранинг мақсади ва уларга эришиш усуслари аниқланади. Баъзи ҳолларда қўйилган мақсадларга эришгач, меҳмонхонанинг фаолияти тўхтатилади, бошқа ҳолларда янги муҳим мақсадлар қўйилади ва режалаштиришнинг бир марталик функцияни акс эттирмайди. Ушбу ҳолат узлуксиз жараён бўлиб, бунда маълум имконият, шарт ва омиллар эвазига меҳмонхона фаолиятини такомиллаштиришнинг янги усул ва йўлларини ўрганилади.

Меҳмонхона сиёсатининг шаклланиши кўпинча юкори даражали бошқарув жараёнида амалга оширилади. Бунда меҳмонхона сиёсатининг барча ҳолатлари етакчи туристик тасаввур кўринишида тасвиrlenади. Етакчи тасаввур узок муддатли мақсад, фалсафа, меҳмонхона сиёсати, маданияти ва унинг ҳукукий томонларини ўз ичига олади.

Мехмондўстлик индустрисида бошқарувнинг режалаштириш функцияси кўйидаги вазифаларини ўз ичига олади:

Меҳмонхонани ривожлантириш мақсадини қайта ишлашда иштирок килиш

Меҳмонхонанинг жорий рақобатбардошлигини тахлил қилиш

Меҳмонхонанинг муҳим жihatларини ҳисобга олувчи стратегия ишлаб чињиш

Меҳмонхонада инновацион менеджментга ўтказиш тўрисида маслаҳат берини


3.2-расм. Мехмондўстлика режалаштириш Функциясининг вазифалари

Режалаштириш жараёнида меҳмонхона мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш учун аъзоларнинг амалга оширадиган ишлари тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу режа асосида талаб қилиниши зарур воситалар ва эришиш йўлларини аниқлайди. Режа меҳмонхонанинг келажакдаги мураккаб ижтимоий-иктисодий моделини ўзида акс эттиради. Режалаштириш жараёнининг босқичлари кўп киррали хисобланади ҳамда ундан муайян усул ва стратегиялар мөхиятган бир-биридан фарқланади.

Меҳмонхона томонидан умумий фаолиятни бошқариш учун ягона режа шакллантирилади, аммо ундан четлашмаган ҳолда алоҳида менежерлар муайян мақсад ва вазифаларни бажариш учун турли усусларни қўллайдилар. Аниқ бир давр мобайнида меҳмонхона ўтиши керак бўлган “йўл ҳаритаси” тузилади. Чунки, бугунги кунда меҳмонхона фаолиятини режалаштиришнинг ҳар қандай вазиятларга мос келадиган ягона усули мавжуд эмас.

3.3. Стратегик режалаштириш. Тактик режалаштириш. Операцион режалаштириш

Меҳмондўстликда режалаштириш кенг қўлланилади. Режалаштириш функция сифатида унинг таркибидағи турларга кўра турлича хусусиятга эга бўлади:



3.3-расм. Меҳмондўстликда режалаштириш турларининг хусусиятлари

Режалаштиришнинг стратегик, тактик ва операцион режалаштириш каби турлари мавжуд.

- **стратегик режалаштириш.** Меҳмондўстлик муносабатларини амалга оширишда стратегик режалаштириш меҳмонхоналарда кундалик характеристикинг юз берадиган узоқ муддатли оқибат ва мақсад билан ўзаро муносабатини аниқлаш заруриятини акс эттиради.

Яъни, узок муддатли режалаштириш стратегик режалаштиришга айланади. Узок муддатли режалар тузишнинг тамоилии ўтмишдан истиқболга, стратегик режалаштириш эса истиқболдан бугунга ва ишлаб чиқарилган стратегиялар бўлса истиқболнинг бугунги қарорларига ўз таъсирини кўрсатади.

Мехмонхоналар фаолиятида стратегик режалар ташкилий тизимларнинг ўзига хос фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим база бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатда стратегик режалаштиришнинг асосий вазифаси ташкилий тизимларда янгиликлар киритиш ва ўзгартиришларни олиб борилишини таъминлашдир.

Стратегик режалаштириш бошқарув тизимининг муҳим қисми сифатида ташкилий тизимларни ривожлантиришнинг стратегик мақсадига эришишда стратегияни ишлаб чиқиш ва бунинг учун зарур бўладиган ресурсларни тақсимлаш жараёни бўлиб саналади. Стратегик бошқарув жараённининг расмий натижаси бўлиб, стратегик режа ҳисобланади. Чунки, истиқболни башорат қилиш учун стратегия зарурдир. Стратегия – меҳмонхоналар фаолиятида истиқболни тадқик қилиш, турли сценарийларни таҳдил этиш санъати ҳамда истиқболда рақобат курашида афзаллик берувчи ғоядир.

Бошқарув стратегияси - стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир. Шу боис, меҳмондўстлик соҳасида энг яхши стратегия ва стратегияни аъло даражада амалга ошириш - яхши бошқарувнинг энг ишончли белгисидир. Мехмонхона фаолиятида бошқарув стратегияси куйидаги бир-бирига боелиқ масалаларни ҳал қилишга асосланади:

- меҳмонхонанинг стратегик кўра билиши, узок муддатли йўналиши ва аниқ вазифасини шакллантириш;
- стратегик кўра билиш ва зиммадаги вазифани мақсад ва топширикка айлантириш;
- мақсадлар ва вазифаларга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- қабул қилинган стратегияни тадбиқ этиш ва амалга ошириш;

- иш натижаларини баҳолаш, янги йўналишларни ўрганиш ва ривожланишининг узоқ муддатли йўналиши, стратегия мақсади ёки уни амалга ошириш усуслари, ўзгарувчан шароит, янги ғоя ва имкониятларга нисбатан тўғриловчи хатти-харакатларни амалга ошириш.

- **тактик режалаштириш.** Мехмонхона хўжалигини тактик режалаштириш стратегик режалаштириш билан ҳар томонлама тўғри келиши лозим. Бунда турли бўлимларнинг бошликлари мавжуд бўлганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятини қолган иккала бўлим бошликлари билан мослаштириши ва буни режада тўла қилдириши лозим. Тактик режалаштиришда тактик режа стратегик режа ғояси асосида тузилади.

Стратегия сўзининг ўзи иккинчи тушунча “тактика” сўзининг борлигини тахмин Қилади. Агар биринчиси узоқ муддатли режалаштириш ғоясини акс эттиrsa, иккинчиси узоқ муддатли режани амалга ошириш учун фаолият режа маъносини билдиради. Тактика кисқа муддатли стратегия саналади. Бу умумий стратегия билан мувофиқлаштирилган аниқ бошқарув харакатидир. Одатда, тактикани ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш менежер корпусининг ўрта бўғини зиммасига юкланди. Тактик режа кисқа вақт учун ишлаб чиқилади, у аниқ ва тез натижага эришишга мўлжалланган.

- **операцион режалаштириш.** Операцион режалаштириш – меҳмондўстлик муносабатларида олдиндан режалаштирилган иш режаларида максимал тафсилотлар ва қисқа муддатларга мўлжалланган режа тузиши режалаштириш турларидан биридир. Операцион равищда молиявий режалаштириш молиявий фонд ва ташкилотнинг ресурсларини режалаштириш саналади.

Вакти-вақти билан режалаштириш фарқланади, яъни батафсил иш режаси, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошланиши ва охири муддатларини белгилаш ёки бошқа иш жойининг ишлаши саналади.

Мехмонхона фаолиятида бўйсуниш билан боғлиқ оператив режалаштириш турли гурухларга бўлинади. Операцион режалаштиришда ишлаб чиқариш хусусиятига қараб, қуйидаги асосий усуслар кўлланилади:

- волуметрик усул. Бу хизматларни сотишининг йиллик ҳажмларини тақсимлаш учун мўлжалланган. Ушбу усул иш ҳажмини тақсимлашга, балки ишлаб чиқариш активларидан фойдаланиши оптималлаштиришга ёрдам беради.

- календар усули ёки оператив режалаштирилган режалаштириши. Бу ишни бажаришнинг батафсил режаси, хизмат кўрсатиш жараёнининг бошланиши ва охири ишнинг олдинги ишлаш муддатларини аниqlаши.

- волуметрик-таквим усули. Бу туристик корхонада амалга оширилган ишларнинг вақти ва ҳажмини белгилаш имконини беради.

- волуметрик-динамик усул. Бу режалаштириш ва ҳисоблаш кўрсаткичларининг маҳсулот, товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг шартлари, ҳажми ва динамикаси каби ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

Операцион режалар асосида режалаштиришнинг асосий вазифаси меҳмонхона ходимларининг кундалик фаолияти, шунингдек, унга фойдали бўлган зарур каналда унинг йўналишини ташкил этишдир. Бундан ташқари, куйидаги вазифаларни ўз ичига олган иккинчи даражали режалаштириш вазифалари мавжуд бўлади:

- якуний туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича вазифаларни бажариш;
- интеграл ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- иш вақтидан самарали фойдаланиш.

3.4. Бошқарувда менежмент функциялари

Бошқарув меҳмонхоналарнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун йўналтирилган жараён ва бошқарув фаолияти ҳаракатининг изчил бажарилиш ҳолати бўлиб, бунда меҳмонхонанинг қатор ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларини ечиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлади. Бу ҳаракат бошқарув функциялари асосида унинг вазифаларини бажариш деб номланади. Бошқарув вазифалари менежерлар меҳнатининг натижаси бўлиб, бунинг вазифавий тақсимланиши илмий менежмент мактабида яратилган.

Бошқарувда “функция” сўзи лотин тилидан келиб чиқсан бўлиб, “бажариши”, “вазифа”, “фаолият” ва “мажбурият” каби маъноларни билдиради. Менежмент жараёни мазмуни уни функцияларида кўринади. Менежмент функцияси дейилганда бошқарувга оид маълум масалаларни ечишга йўналтирилган бир турли ишлар йигиндиси тушунилади. Бошқарув органлари ва ижрочилар масъулиятли бошқариш функциясини белгилайди.

Менежментнинг асосий гояси бўлиши мумкин ҳодисанинг олдиндан кўра билиш асосида меҳмонхона сиёсати ишлаб чиқилади. Бошқарувнинг ташкил этиш, мотивация ва назорат функциялари меҳмонхонанинг тактик ва стратегик режаларини бажаришга йўналтирилган бўлади. Улар бошқарув фаолиятида тутган ўрнига қараб қуидагича таснифланади.

Меҳмондўстлик муносабатларини амалга оширишда бошқарув функциялари бирор-бир обьектга раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган фаолият тури саналади. Бутун бошқарувнинг узлуксиз ишлаш жараёни менежментдир. Бу бошқарув аппаратининг меҳнат жараёнидир. Меҳмонхона хўжалитгининг бошқарув вазифалари ўзининг таркиби билан бошқарув технологиясини бунёд этади.

3.1-жадвал.

Бошқарув функцияларининг таснифи

Режалаштириш	Режалаштириш функцияси бошқаришнинг асосий ва дастлабки функциясидир. Бошқариш режа тузишдан бошланиб, режада бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни реализация қилиш муддатлари белгиланади, вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади ва ўзаро алоқалари ўрнатилади. Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти меҳмонхонада ҳар бир бошқарув ҳодимининг шахсий ишини режалаштириши, ўз иш жойининг фаолият кўрсаткичларини ишлаб чиқишида намоён бўлади.
Ташкил қилиш	Ташкил қилиш функцияси бошқарув обьекти досирасида меҳмонхоналарда барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг ўюшқоклигини таъминлайди. Шу боис, ташкил қилишда ички ва ташки шарт-шароитларнинг ўзгаришига қараб, тизим таркибини такомиллаштириш ёки янгисини тузилади. Бу функция жорий ва стратегик режаларнинг ижросини таъминлаш бўйича илк қадамdir.

Мувофиклаштириш	Мувофиклаштириши функцияси бошқаришнинг тактик масалаларини ҳал қилади. Бу функцияning асосий вазифаси оқилона алоқалар ўрнатиш йўли билан бошқариладиган тизимнинг тури қисмлари ўртасида келишиб, иш олиб боришини таъминлаш хисобланади. Мувофиклаштириш маблағларни тежаш мақсадида бошқарувдаги параллелизм ва бир-бирини тақорорлашни бартараф қилиш имконини беради. Ҳамда, у турли тармоқлар ўртасидаги муносабатни ўрнатади.
Назорат	Назорат функциясининг мақсади “тутиб олиш”, “айбини очиш” ва “илинтириш” эмас, балки меҳмонхоналар бошқарув обьектида содир бўлаётган жараёнларни хисобга олиш, текшириш, таҳлил килиш ва маълум тартибда ушбу обьект фаолиятини ўз вақтида созлаб турниш хисобланади. Назорат ўрнатилган меъёрий ҳужжат, режалардан оғиш, уларнинг жойи, вақти, сабаби ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Бирок, таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир.

Шулардан келиб чикиб, меҳмондўстлик муносабагларини амалга оширишда бошқариш функцияларининг аҳамияти кўйидагилардан иборат:

- мўкобил ривожлантиришнинг самарали йўлларини танлаш имкониятини беради;
- меҳмонхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлик истиқболларини аниқлашга имкон беради;
- менежерларга хизмат қўйувчи аниқ мақсадлар йигиндисига имкон яратади ва улар фаолиятини баҳолаш мезонларини белгилашга имкон беради.


3.5. Режалаштириш функцияси. Ташкилий функция

Меҳмонхона фаолиятида режалаштириш функция сифатида бошқарув босқичларидан бири бўлиб, бунда мақсад ва эришиш усуслари аниқланади. Баъзан қўйилган мақсадларга эришгач, меҳмонхона фаолияти тўхтатилади, бошқа ҳолларда янги муҳимрок мақсадлар қўйилади. Бу эса режалаштиришнинг бир марталик функциясини акс қидирмайди. Ушбу ҳолат узлуксиз жараён бўлиб, маълум имконият, шарт ва омиллар эвазига меҳмонхона фаолиятини такомиллаштиришга эришилади.

Режалаштириш менежер ишида кўллаши мумкин бўлган барча усуллар, тактика ва чора-тадбирлардан фойдаланишини тақозо этади. Режалаштириш кўринишлари анъанавий усуллар, яъни бюджет, моделлаштириш, режанинг ҳар бир бўлимини ўйинлар назарияси ва сценарийни лойиҳалаштириш асосида ишлаб чиқиши усули натижасида ўзгаради. Бундай техникадан фойдаланиш турли ноаникликларни камайтиради, истиқболнинг тўғрилигини тасдиқлади, менежерларга режага таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва тахлил қилишга ёрдам беради.

Ташкил этиш функцияси меҳмонхонада бошқарувнинг техник, иқтисодий, ижтимоий-психологик ва хукукий томонларининг тартибга солишини таъминлайди. Ҳамда менежер ва бошқа ижро этувчиларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган. Бу функция орқали умумий бажарилиши керак бўлган вазифалардан аниқ бир вазифани бажарувчи киши ва бунинг учун зарур воситалар аниқланади.

Ташкил этиш функциясини бажариш давомида қуйидаги тамойиллар қўлланилади:



3.5-расм. Ташкил этиши функциясини амалга ошириши тамойиллари


Ушбу функция орқали мақсадга мувофиқ равишда ўзаро муносабат ва бошқарув жараёни рўй беради. Ташкил қилиш ёки шакллантириш – меҳмонхонада мақсадига эришиш воситаси бўлиб, иқтисодий нуктаи-назаридан самарадорликга олиб келади. Ходимни

бошқариш нұқтаи-назаридан эса ишга маңын беради ва ишни ижро үтүвчиларига тәсілдеп беради.

3.6. Бошқариш функцияси. Менежменттінг әнд мухым вазифасы

Менежмент хар бир туристик корхона ва ҳудуднинг ривожланиши учун мухым ақамият касб этади. Башқарув жараёнлари асосий ва аник функциялар орқали амалға оширилади. Бу умумий ва маңсус функциялар сифатыда қаралади. Башқарувнинг асосий функциялари мақсадға йўналтирувчи ва ташкилий хисобланади.

Мехмонхонада фаолиятида менежмент функциясининг асосий мазмуни бошқариш бўйича белгиланган масалалар ечимидағи аник йўналиш ва ишлар кўринишининг мажмуасини ифодалайди.



3.6-расм. Менежмент функциялари⁴

Асосий функциялар категорига меҳмондўстлик муносабагларини амалға оширишда куйидаги функцияларни киритиш мумкин:

- ташкил этиш;
- режалаштириш;
- молиялаштириш;

⁴ Манба: Ш.Н.Зайнутдинов. Менеджмент. – Т.: Издательско-полиграфический творческий дом имени Чулпана, 2011. - 145 с.

- назорат;
- ҳисоб-китоб;
- ташкил этиш;
- мувофиқлаштириш;
- рағбатлантириш.

3.7. Ташкилот тузилиши.

Ташкилотнинг ташқи мұхити

Ташкилотларни тузиш менежментнинг мухим функцияларидан биридир. Ташкилий хулқ соҳасида ташкилотлар бошқарув назариясининг таркибий қисми бўлиб, у ёки бу фаолият турни ташкил қилиш ва раҳбарлик фаолиятини амалга оширишни назарда тутади. Бугунги кунда мамлакатимизда 300 мингдан зиёд хўжалик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири кишиларни ўзида бирлаштиради ва маълум маънода ташкилот бўлиб ҳисобланади. Умумий ҳолда, ташкилот деганда умумий мақсад асосида икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ихтиёрий равишда бирлашиши тушунилади. Ташкилотни куйидаги маъноларда тушуниш мумкин:


- жаён сифатида бир бутунликнинг қисмлари ўргасида ўзаро алоқаларни ҳосил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган хатти-харакатлар йигиндиси;
- ҳодиса ва ҳолат сифатида дастурларни амалга ошириш учун унсурлар йигиндиси.

Кишиларнинг ташкилотдаги харакати расмий ва норасмий тартиб-қоидалардан келиб чиқади ва қоидалар, қадриятлар тушунчасига асосланиб, ташкилотнинг жамият ва бозордаги ўрнини билдиради. Демак, ташкилот аъзоларининг ҳаракатларни белгилаш тартиб-қоидаларни ўрнатиши ва унинг муқобил таркибини яратишдан иборат бўлади.

Туристик ташкилот туристларнинг у ёки бу талабларини қондирадиган ва улар томонидан ҳақ тўланадиган ҳар қандай хизмат кўрсатиш туридир. Тор доирадаги туристик ташкилот туристик саноатнинг аниқ йўналишида хизмат кўрсатиш бўлиб, у орқали туристларга битта “пакет”да сотиладиган стандартлашган хизматлар

түплами таклиф қилинади. Ҳамда халқаро туристик ташкилот туризмда маркетингнинг мижозлар билан алоқа ўрнатиш, ривожланиш ва назорат каби вазифаларини ҳисобга олади.

Ташкилотнинг ташқи муҳити халқаро омиллар ҳисобланиб, бу ташки савдо монополиясига барҳам берилган шароитда ташкилот учун ўта аҳамиятлидир. Бугунги кунда улар халқаро бозорларга иштирок этиш хукуқига эга бўлдилар. Корхона раҳбарлари шундай катта сегментда содир бўлаётган ҳолатларни кузатиш, улардан огоҳ бўлиш ва корхона мағфаатини кўзлаб ҳаракат килиши лозим. Бунинг учун корхона ёки ташкилот учун ташқи муҳит хавфи мавжуд бўлиб, уни ўз вақтида олдини олиш ушбу субъект учун келажақдаги катта имконият бўлиб ҳисобланади.



3.7-расм. Корхона ёки ташкилотларда ташқи хавфлар таснифи

Ташқи муҳит омилларини ҳисобга слиш бевосита хориж ракобатчиларига нисбатан ҳукумат ҳимоясини аниқлави, ички бозорни мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларни янада фаолаштириш ва кенгайтиришга имкон беради. Ташқи муҳит таъсири менежерлар томонидан доимо катта эътибор беришни талаб қиласди. Шу боис, у катта ҳажмдаги ахборотни ўрганиш асосида амалга оширилади ҳамда ўз вақтида тўғри қарор чиқариш учун аниқликни талаб қиласди.

3.8. Атроф-муҳит омилларининг таснифи

Туризм соҳаси тармокларида ўзаро муносабатларни амалга оширишда атроф-муҳит омиллари ҳисобга олинади. Атроф-муҳит омиллари экологик барқарорликнинг муҳим омили сифатида жаҳонда ўз ўрнига эга. Атроф-муҳит омиллари бўйича БМТ томонидан 1972 йилда 5 июнь Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида белгиланган. Унда глобаль экологик муаммолар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари кўрсатиб берилган.

Мамлакатимизда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва уларни асраб-авайлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф-муҳитга бўлган муносабатларни тартибга солиш негизи мустаҳкамлаб қўйиши. Шу асосда 30 дан ортиқ муҳим қонунлар ҳамда 100 дан ортиқ қонуности норматив ҳужжатлар ҳаётга татбиқ қилинди ва бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрда ПҚ-3956-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унда экологик ҳавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, шунингдек, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулаӣ шароитлар яратиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида техник ва технологик жараёнлар оқибатида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувларни жорий қилиш белгиланган.

Мазкур ҳужжатлар асосида меҳмондўстлик муносабагларини амалга оширишда меҳмонхонада ишловчи ходимлар ва ташриф буюрган меҳмонлар атроф-муҳитга эътиборли муносабатда бўлишлари лозим. Бу ҳолатда туристлар учун бўладиган муносабатларни амалга оширишга қаратилган атроф-муҳит омиллари куйидаги таснифланади:

- ҳудуд
- сув
- ҳаво
- флора
- фауна
- нарх ва ҳ.к.

3.8-расм. Туристлар учун атроф-мухит омиллари таснифи

Ҳамда атмосфера босимининг ўзгариши, ёғингарчилик, ҳаво намлиги, ҳаво ҳароратининг ўзгариғи атроф-мухитга таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Туристлар учун турни ташкил қилинганда кулай фаслни танлаш, туристик тадбирларни амалга ошириш учун кулай кунлар, туристик йўнаниш учун трассани мақсадга мувофиқ ҳолда танлаш, об-ҳаво ва шарт-шароитларини ҳисобга олиш, ёғингарчиликдан бекиниш учун жой бўлиши лозим.

Атроф-мухитни муҳофаза қилишни таъминлаш учун ривожланган инфраструктурага эга зоналарда объектларнинг тўпланиши, экологик объектларни доимий назорат қилиб бориш ва туризмни ривожлантиришга ўз вақтида ўзгартиришлар киритиб бориш муҳим лозим. Бу орқали салбий таъсирни йўқ қилиш ёки энг кам даражага туширишга эришилади. Бироқ, туристик мавсум пайтида экологик муаммолар вужудга келади. Шу боис, атроф-мухитга бўлган экологик салбий таъсирларни камайтириш учун режаларни ишлаб чиқишида маҳсус чора-тадбирлар кўзда тутилади.

3.9. Сиёсий ва ҳукуқий омиллар. Иқтисодий омиллар

Туризм соҳасини бошқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири меҳмонхоналар фаолиятига таъсир қилувчи турли омилларни ҳисобга олишдир. Бу омиллар ташки омиллар сифатида улардан энг муҳимлари бўлиб, сиёсий, ҳукуқий ва иқтисодий омиллар саналади.

- **сиёсий омиллар.** Булар ахолининг турмуш даражаси, таълим олиши даражаси, шаҳар ва қишлоқ ахолисининг нисбати, ахоли миграцияси ёки кўчиши, жамиятнинг ижтимоий тузилиши саналади. Сиёсий омил давлатнинг ташки жамиятдаги олиб бораётган тўғри сиёсатини белгилайди.

Сиёсий омилларни таҳлил қилиш жараёнида мамлакатлараро савдодаги таъриф келишувлар, божхона сиёсатида учинчи мамлакатга қарши йўналтирилган протекционизм сиёсати, мазкур давлат ва унинг етакчи сиёсатчиларининг антимонополия қонунига бўлган муносабатлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг кредит сиёсати, ссуда олиши ва ишчи кучи ёллаш бўйича чекловларига алоҳида эътибор берилади. Шунга асосан, меҳмондўстлик муносабатларида сиёсий омил меҳмонхонага келадиган туристларнинг мамлакат ҳақида қарашлари, билишларига қизиқиши, ўрнига баҳо беришидир.

- **хуқуқий омиллар.** Бу омиллар хуқуқий меъёр ва чегараларни ўрнатадиган қонунлар ҳамда бошқа хужжатлар орқали намоён бўлади. Унинг таҳлили меҳмонхона харакатининг чегаралари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш услубларни аниқлаш имкониятини беради. Бунда бутунлай хўжалик фаолияти, хусусан туристик бизнесни тартибга келтирувчи қонуний-хуқуқий хужжатлар эътиборга олинади. Ҳамда қонунлар орқали давлат томонидан тартибга солиш тизими амалга оширилади. Қонуний-меъёрий хужжатлар меҳмонхоналар учун солик солиш, меҳнат муносабатларини амалга ошириш, хизматларга қўйиладиган стандартларни қўллаш, нархни шакллантириш ва давлат муассасаларига маълумот топшириш масалаларини ўз ичига олади.

- **иктисодий омиллар.** Бу омиллар ташки омил сифатида унга давлатнинг кредит сиёсати, давлатнинг солик сиёсати, иктисодий ўсишнинг харакатчанлиги, аҳолининг харид қобилияти ва мамлакатда инфляция даражаси кабилар киради. Иктисодий омилларни таҳлил қилишда мамлакатнинг инфляция ёки дефляция суръати, солик ставкаси, халқаро тўлов баланси, аҳолининг бандлик даражаси, корхонанинг тўловлилик даражаси кабиларга алоҳида эътибор қаратилади.

Меҳмонхона фаолиятининг мухим жиҳатларидан бири иктисодий фойда олиш ҳисобланади. Буни куйидаги қўрсат-кичлардан фойдаланган ҳолда баҳолаш мумкин:

- туризм соҳасидан олинган даромад (туризм соҳасининг ялпи миллий маҳсулот ёки ялпи ички маҳсулотдаги салмоги);

- халқаро туризмда ишлаб топилган хорижий валюта улуши (хорижий туристлар харажатлар миқдорини өгериб ташлаган ҳолда ялпи даромад ва соғ фойда);
- иш ўринлари сони (туризмни ривожлантириш туфайли яратилган янги ишчи ўринлари).

Шунингдек, соҳада бандлик иктиносидий омил сифатида унга бевосита туристик корхоналарда яратилган ишчи ўринлари, туризм билан турдош соҳаларда яратилган ишчи ўринлари ва қурилиш ва туристик инфраструктура соҳаларида яратилган иш ўринлари киради.

3.10. Ижтимоий ва маданий омиллар. Технологик омиллар

- **ижтимоий омиллар.** Бу омиллар ижтимоий, яъни турмуш даражаси, таълим олиш даражаси, шаҳар ва кишлоқ аҳолисининг нисбати, аҳоли миграцияси ёки қўчиши, жамиятнинг ижтимоий тузилиши бўлиб ҳисобланади. Мехмондўстлик муносабатларида ижтимоий омил таркибига ижтимоий қадрият, удум, муносабат ва феъл-авторлар киради олади.

Ижтимоий омиллар маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, меҳмонлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда ижтимоий омил кўриниши бўлган ижтимоий таъсир сабаби ҳисобга олинади. Айниқса, тўғри режалаштирилган, ривожлантирилган ва бошқарилган ижтимоий омил катта фойда келтиради. Хусусан, бу маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишга, коммунал объект ва хизматларни яхшилаш учун қўшимча маблағларнинг ажратилишига кўмаклашади.

- **маданий омиллар.** Маданият жамият томонидан қабул килинадиган қадриятлар, анъаналар, фикрлар ва устувор тушунчалар тизими тушунилади. Маданият индивидуал, норасмий, моддий ва вакътнинг қадрлилигига қаратилган маданият сифатида талқин килинади.

Маданий омиллар худуднинг маданий меросини саклаб қолиш, мусиқа, рақс, халқ оғзаки ижодиёти, санъат ва хунармандчилик, турмуш тарзи, иктиносидий фаолиятнинг анъанавий турлари ва

архитектура усуллари билан боғлиқ маданий меросларнинг ривожланишига ёрдамлашади. Ҳамда туристлар фойдаланадиган музейлар, театрлар ва бошқа маданий обьектларнинг яратилиши ва қўллаб-куватланишига хизмат қиласди.

Маданий омил натижасида туристлар томонидан маҳаллий аҳоли маданиятига юкори баҳо берилади ва бу маҳаллий аҳолида фарҳ туйғусини кучайтиради. Турист ва маҳаллий аҳоли ўртасида маданият соҳасидаги алоқалар кучаяди.


- **технологик омиллар.** Бу омиллар техниканинг ривожланиш даражаси, туристик тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш, аҳборот технологияларнинг ривожланиши, транспорт воситаларининг ривожланиши, меҳмонхона ва ресторон техникасининг ривожланиш даражаси ва экологияга йўналтирилган технологиялар киради.

Меҳмонхона раҳбарияти технологик омилларга алоҳида зътибор бериши ва ўз диккатидан четда қолдирмаслиги зарур. Бундай таҳлил ишлаб чиқаришдаги технологиянинг ҳолати, ўзгариши суръати ва замон талабига жавоб бериши билан бирга янги хизматларни лойиҳалаштириш, аҳбротларни йигиш, қайта ишлаш ва узатиши, замонавий хисоблаш техникаларини қўллаш ва оқилона режалаштиришга имкон беради.

3.11. Ташкилий тузилма. Ташкилий тузилиш турлари

Меҳмонхоналар иқтисодий корхона сифатида қаралади. Бу корхона сифатида бошқариш мақсади, вазифаларининг бўлимлар ва муайян ходимларнинг ўртасида тақсимланиши билан тавсифланувчи мураккаб ташкилий тузилма хисобланади. Бошқаришнинг ташкилий тузилмаси бир-бирига бўйсунадиган тарзда жойлашган, бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ўртасидаги алоқани таъминловчи бошқарув бўғинларининг мажмуи саналади.

Бошқаришнинг ташкилий тузилмаси меҳмонхонадаги муайян кичик тизимларнинг таркиби, нисбати, жойлашиши ва алоқаларидан ташкил топади. Бундай тузилмани ташкил этишда меҳмонхонанинг муайян бўлимлари ўртасида хукуқ ва жавобгарликни тақсимлаш лозим. Меҳмонхонани бошқариш тузилмасида қуидаги таркибий кисмлар фарқланади:



3.9-расм. Мехмонхонани бошқариш тузилмаси қисмлари

Мехмонхоналар фаолиятида бошқарув бўгинлари мутахассислар ва менежерлардан таркиб топади. Яъни, бунга меҳмонхонанинг таркибий бўлимлари ва тегишли бошқарув функциялари ёки уларнинг бир қисмини бажарувчи муайян мутахассислар, хусусан бир нечта таркибий бўлимлар фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи менежерлар киради. Бошқарув бўгинини ташкил этишда бошқарув функцияси бўлим томонидан бажарилади. Ҳамда бўлимлар ўртасида ўрнатиладиган алоқалар горизонтал хусусиятга эга бўлади.

Бошқарув даражаси меҳмонхонани бошқариш тизимида муайян погонани эгаллайдиган бошқарув бўгинлари мажмуи саналади. Бунда бошқарув погоналари ўртасида вертикал алоқалар ўрнатилади ва улар бир-бирига бўйсунади. Хусусан, бошқарув нисбатан юқори погонали менежерлар ўртасида муайянлаштирилиб, улар орқали қуий бўгинларга тушириладиган қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, меҳмондўстлик саноатини бошқариш амалиётида ташкилий тузилмаларнинг чизикли ёки поғонали, функционал ва чизикли-функционал ташкилий тузилма турлари кенг тарқалган.

3.12. Чизикли бошқарув тузилма. Функционал тузилма

Бошқарувнинг чизикли ёки поғонали ташкилий тузилмасида чизикли ёки поғонали алоқалар поғона менежери, яъни меҳмонхона ёки унинг таркибий бўлимлари фаолияти учун тўла жавоб берувчи шахс қабул килган бошқарув қарорлари ва тарқатган ахборотнинг ҳаракатини акс эттиради. Бу бошқарувнинг энг содда ташкилий тузилмаси бўлиб, ҳар бир таркибий бўлим барча ваколатларга эга

бўлган ва барча бошқарув функцияларини бажарадиган раҳбар томонидан бошқарилиши билан тавсифланади.

Бошқарувнинг чизиқли тузилмасида қарорлар “юқоридан пастга” занжир бўйлаб узатилгани ва бошқарув қуий бўғинининг раҳбари нисбаган юқори бўғин раҳбарига бўйсунгани учун муайян меҳмонхона раҳбарларининг ўзига хос иерархияси шакланади. Айни ҳолда бу ҳолатда яккабошчилик тамойили амал қиласи. Бунда барча ходимлар битта раҳбарнинг буйрукларини бажарадилар. Юқори бошқарув органи ижрочиларнинг бевосита бошлагини четлаб ўтиб, уларга кўрсатма бериш ҳукукига эга бўлмайди. Бошқарувнинг чизиқли тузилмаси мантиқан изчил ва шаклан аникроқ бўлса-да, унча мослашувчан хисобланмайди. Мазкур тузилма оддий барқарор масалаларни ечишга мўлжаллангандиги сабабли унинг доирасида комплекс масалаларни ҳал қилиш мураккаб саналади. Чизиқли ташкилий тузилманинг ўзига хос ижобий томонлари ва камчиликлари мавжуд бўлади. Хусусан, бошқарув чизиқли ташкилий тузилмасининг ижобий ва салбий томонлари қуидаги қисмлардан иборат бўлади:

ИЖОБИЙ УСТУНЛИКЛАРИ

- * фармийишлар бирлиги ва аникилиги;
- * ижрочилар харакатининг мувофиқлаштирилганлиги;
- * бошқарипп соддалиги жавобгарликсанг белгиланиши;
- * вазифаларнинг тезкор ҳал этилиши;
- * бўлим натижалари учун раҳбарнинг жавобгарлиги.

САЛБИЙ КАМЧИЛИКЛАРИ

- * раҳбарга катта талаб кўйилиши;
- * қарорларни режалаштириш ва тайёрлаш бўлимининг мавжуд эмаслиги;
- * ахборотлар кўплиги;
- * ходим ва юқори раҳбарлар сонининг кўплиги;
- * буйруқбозлик ва расмиятчиликнинг пайдо бўлиши.

3.10-расм. Меҳмонхонани бошқарипидаги чизиқли ташкилий тузилманинг ижобий ва салбий томонлари

Мехмонхонани бошқаришда ушбу чизикли ташкилий тузилманинг ижобий ва салбий томонларига алоҳида аҳамият бериш талаб қилинади.

Бошқаришнинг функционал бошқариш чизикли бошқарув тизимида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган муайян ишларни бажаришга меҳмонхоналарнинг ихтинослашган бўлимлари томонидан амалга оширилади. Бунда функцияларни бажариш мутахассислар зиммасига юкланди. Меҳмонхоналарда соҳа мутахассислари таркибий бўлимларга бирлаштирилади. Яъни, маркетинг, қабул қилиш ва жойлаштириш, режа бўлимлари биргаликда иш юритадилар.

Функционал бошқариш чизикли бошқариш тури билан бирга амал киласди ва ундаги ижрочилар икки томонга бўйсунади.

Функционал тузилма ҳам ижобий ва салбий жиҳатларга эга.

Ижобий жиҳатлари

- муайян функцияларни бажариш учун жавоб берадиган мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлиши;
- поғона менежерларининг маҳсус масалаларни ҳал қилишдан озод қилиниши;
- ҳодиса ва жарабёнларнинг стандартлаштирилиши, шакллантирилиши ва дастурлаштирилиши;
- бошқарув функцияларни бажаришдаги тақорланиш ва параллелизмга чек кўйилиши;

Салбий жиҳатлари

- функционал бўлимларнинг ўзига топширилган функцияларни сифатли бажариши;
- турли функционал бўлимлар ўртасида муттасил алоқа ўрнатишнинг мураккаблашиши;
- ҳаддан ташқари марказлашиш ҳолатларининг вужудга келиши;
- қарорлар қабул қилиш таомилларининг узайиб кетиши;
- ташкилий тузилма ўзгаришларга мослашишнинг қийинлиги.

3.11-расм. Мехмонхонани бошқаришдаги функционал тузилманинг ижобий ва салбий томонлари

Бошқаришнинг чизикли-функционал тузилмаси чизикли тузилманинг ҳам, функционал тузилманинг ҳам камчиликларини анча бартараф этади.

Таяңч иборалар: Бошқарув бүгінлари, бошқарув даражалари бошқарув алоқалари, іқтисодий омиллар, сиёсий омиллар, туризм соҳасида бандлық, туристлик дикжатга сазовор жойлар, атроф-муҳит омиллари.

Назорат учун саволлар

1. Мәхмөндүстлик соҳаси менежмент обьекти сифатида нималар билан белгиланади?
2. Режалаштириши жараёни нима?
3. Стратегик режалаштириши деганда нимани тушунасиз?
4. Тактик режалаштириши деганда нимани тушунасиз?
5. Операцион режалаштириши деганда нимани тушунасиз?
6. Бошқаруда менежмент функциялари нималардан иборат?
7. Режалаштириши функцияси деганда нимани тушунасиз?
8. Ташилий функция деганда нимани тушунасиз?
9. Бошқарииш функцияси деганда нимани тушунасиз?
- 10.Менежменттинг энг муҳим вазифаси нималардан иборат?
11. Ташилот тузилиши нималардан иборат бўлади?
12. Ташилоттинг ташқи муҳити нималардан иборат бўлади?
13. Атроф муҳит омиларининг таснифи нималардан иборат бўлади?
14. Сиёсий ва ҳуқуқий омиллар нималардан иборат бўлади?.
15. Иқтисодий омиллар нималардан иборат бўлади?
16. Ижтимоий ва маданий омиллар нималардан иборат бўлади?
17. Технологик омиллар нималардан иборат бўлади?
18. Ташилий тузилма деганда нимани тушунасиз?
19. Ташилий тузилиши қандай турларга бўлинади?
20. Чизикли бошқарув тузилма деганда нимани тушунасиз?
21. Функционал тузилма деганда нимани тушунасиз?
22. Чизикли функционал тузилма деганда нимани тушунасиз?
23. Матрицали бошқарув тузилмаси деганда нимани тушунасиз?

IV БОБ. МЕХМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

1. Мехмондўстлик индустрисида маркетингини бошқариш

Маркетингни бошқариш - таҳлил қилиш, режалаштириш, бажариш, мувофиқлаштириш жараёни, маркетинг аралашмасининг барча унсурларини ўз ичига олган назорат дастурлари ва корхона мақсадларига эришиш учун маҳсулот бозори билан битимлар тузиш хисобланади. Маркетинг туристларга ракобатчиларига қараганда яхшироқ хизмат кўрсатишга интиладиган корхоналар томонидан хаётта татбиқ қилинадиган бутун мижозларга йўналтирилган “фалсафа” хисобланади.

Мехмондўстлик соҳасидаги маркетинг туристларнинг эҳтиёжларини аниклаш, жозибали туристик хизматларни яратиш, потенциал сайёҳларни ўzlари учун мавжуд бўлган туризм маҳсулотлари билан таништириш, уларга ушбу хизматларни сотиб олиш мумкин бўлган жой ҳақида кўрсатма бериш, яъни маркетингнинг мақсади бозорни ўрганиш, режалаштириш маҳсулот, уни реклама ва тарғиб қилиш, тарқатиш каналларини кўрсатишdir. Буларнинг барчасини амалга оширгандан сўнг, меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотлар даромад олиш ва ўз мақсадларига эришишини кутишлари мумкин.

Маркетинг орқали бозор имкониятлари, ресурсларни аниклаш ва мақсадга эришиш учун зарур маркетинг фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишга эришилади. Бунда меҳмондўстлик соҳасидаги стратегик маркетинг дастури бозордаги талаб ва ракобатбардош вазиятни акс эттириши лозим.

Мазкур жараёнларда маркетингни бошқариш жараёни қуйидаги кисмларга ажратиласди:

Корхона мақсади ва стратегияси

Ташқи мухит

Бозор имкониятларини таҳлил қилиш
Ташқи мухитни таҳлил қилиш
Мижозларни таҳлил қилиш
Бозор сегментацияси
Рақобатчилар таҳлили
Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври
Маркетинг тадқиқотлари
Бозордаги мавқеи

Стратегик маркетинг дастурларини шакллантириш
Бизнес стратегияси ва маркетинг дастурларини аниқлаш
Маркетинг дастурининг таркибий қисмлари
Маҳсулот ва хизматнинг таърифи
Янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш
Нархлар
Реклама ва ижтимоий муносабатлар
Түгридан-тўғри сотиш
Рағбатлантириш
Тақсимлаш

Турли вазиятлар учун стратегик маркетинг дастурлари
Янги бозорларга чиқиш стратегияси
Бозорларнинг кўтарилиш ёки тушиш стратегияси
Жаҳон бозорлари стратегияси

Стратегик маркетинг дастурларини бажариш ва назорат қилиш
Бизнес стратегияси ва стратегия дастурларини бажариш
Маркетинг дастурларининг мониторинги ва назорати

4.1-расм. Маркетингни бошқариш жараёни⁵

Мехмонхона учун стратегик маркетинг дастурини ишлаб чиқишида менежерлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- бозор улуши, савдо ҳажми ва рентабеллигини белгилаш;

⁵ Челнокова Е.А. Менеджмент индустрии гостеприимства, Учебно-методическое пособие. - Нижний Новгород 2013. - 51 с.

- мақсадлы бозорда харидорни энг күп сотиб олиш билан рақобатбардош устунликка эришиши;

- стратегик дастурни амалга ошириш учун ваколатли тактик маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ва ўтказиши.

Мехмондўстлик соҳаси учун самарали маркетинг ечимлари маркетинг стратегияси орқали топилади. Бу стратегия узоқ вақт давомида компанияларига ташки мухит таъсирига карши туришга имкон беради. Маркетинг бўлими ходими узоқ муддатли истиқболда бизнес мақсади ва стратегиясини чукур англаган ҳолатда маркетинг мақсадларини аниқ белгилайди.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқища мемондўстлик корхоналари қўйидаги қоидаларни алоҳида ҳисобга олишлари керак:

- бизнес мақсадларини аниқлаш;
- бизнеснинг ички ва ташки мухитини ўрганиш;
- бизнес юритиш учун имкониятлар ва мавжуд ресурсларни аниқлаш;

- маркетинг мақсадларини шакллантириш;
- мақсадга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш.

Аммо, хорижлик олимлар маркетинг стратегияси ёрдамида корхоналар маркетинг стратегиясини шакллантиришлари мумкинлигини таъкидлайдилар ва қўйидаги тамойилларни айтиб ўтадилар:

- стратегик марказларни стратегик бизнес бўлинмалари сифатида аниқлаш;
- стратегияни шакллантириш жараёнининг маълумотлар базасига асосланиши;
- фаолият турининг тасодифий танланмаслиги, аммо унинг муваффакияти бозор талабларини ҳисобга олишга боғлиқлиги;
- стратегик танлашларнинг чекланганлиги, яъни маркетинг, ишлаб чиқариш ёки тарқатишга эътибор қаратилиши.

Мехмондўстлик саноатида стратегияни шакллантириш жараёни бир томондан мижоз ва хизмат ўргасидаги муносабатларни таҳлил килиш, иккинчи томондан рақобатбардош савдо мухити билан бошланади.

Мехмондўстлик соҳасидаги энг муҳим йўналишлардан бири маркетинг стратегиясини қўллашни назорат қилиш бўлиб, бунда кўйидаги назорат усуллари кенг қўлланилади:

- бизнеснинг даромадли кисмини аниқлаш;
- таъсир омилларини таҳлил қилиш;
- қўлланиладиган стратегиянинг муваффақиятини аниқлаш учун ички ва ташки аудит ўтказиш;
- индивидуал маҳсулотлар ва бозорлар бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

Мехмондўстлик соҳасидаги корхоналар тўғри қўлланилган стратегия асосида маркетинг режаларига зга бўлиб, кўйидаги вазифаларни бажарадилар:

- ташки ва ички муҳитни таҳлил қилиш;
- бозор сегментацияси мақсадларини қайта кўриб чиқиш;
- ташкилот, унинг фаолият йўналиши ҳакида миссия баёнотини яратиш;
- белгиланган мақсадларга эришиш учун тегишли дастурларни танлаш;
- хизматларнинг функционал хусусиятларини амалга ошириш учун масъул шахсларни белгилаш;
- маркетинг режасини бажариш учун ресурсларни тавсифлаш усулларини аниқлаш;
- маркетинг фаолиятини баҳолаш усулларини аниқлаш.

Мехмондўстлик индустрисида маркетингини бошқариш учун маркетинг концепцияси зарур. Буни амалга ошириш учун меҳмонхоналарда маркетинг хизмати амалга оширилади. маркетинг хизмати ҳар бир бўлим фаолиятини кўрсатувчи бўғин сифатида бўлимининг ташкилий тузилмалари кўйидаги гурухларга бўлинади:

- **функционал ташкил қилиш.** Бунда маркетинг соҳасига оид масалани ечишда жавобгарлик алоҳида шахс ёки гурухга бириктирилади.

- маҳсулот принципи бўйича ташкил қилиш. Бунда асосий эътибор туристик маҳсулот турларини таклиф қилишга қаратилади ва ҳар бир маҳсулот тўпламига бошқарувчи тайинланади.

- **минтакавий принцип бўйича ташкил қилиш.** Бунда маркетинг бўлимлари фаолиятини олиб бориш ҳар бир худудда

амалга оширилади ва уларда ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ривожланади.

Меҳмонхона бизнесида туристик маҳсулот ёки хизматни сотишни ифодаловчи шахсий сотув ва корпоратив сотув каби тушунчалар мавжуд. Шахсий сотув меҳмонхонанинг ўзи кўрсатадиган хизматларни сотиш мақсадида бир потенциал харидорлар гурухи билан бевосита алоқа қилишидир. Бу сотишнинг қиммат ва самарали усулидир ҳамда потенциал харидор ёки буюртмачиларни излаш, уларга хизматлар намойиш этилишини ташкил қилиш, музокаралар ўtkазиш ва сотувларни якунлаш ёки хизматлар кўрсатиш учун шартнома тузиш кабиларни ўз ичига олади.

Корпоратив сотув хизматларни воситачилар орқали сотиш бўлиб, унда бир неча меҳмонхона битта савдо вакили хизматларидан фойдаланади. Мазкур вакил улар таклиф қилган хизматларни потенциал харидорлар эътиборига ҳавола этади.

Дарҳакиқат, сотув ва маркетинг фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, улар фаоллигининг ҳар хил функция ва фарқлари мавжуд. Маркетинг тўғри маҳсулот, жой, вакт ва тўғри нарҳда мавжудлиги ва харидорнинг мазкур маҳсулотни билишига бўлган ишончини англаради. Сотувлар харидор шахсий алоқа қилиш орқали ўз эҳтиёжлари ёки меҳмонхона мақсадларига мос келадиган маҳсулот ёки хизматни олиш ҳақида карор қабул қилишини англаради.

4.1-жадвал.

Туристик маҳсулотнинг хусусиятлари

Бозорга қараб мўлжалланлиги	Мавсумий фарқлари	Мослашувчанлиги
Устунликлар тўплами	Туристик маҳсул ёки меҳмонхона маҳсули	Моддий ва номоддий шаклга эгалиги
Вақтида истеъмол қилинишининг чекланганлиги	Узок муддатли эмаслиги	Қимматининг турлича идрок қилиниши

Мехмонхона хизматлари маҳсули ўзига хос ва бетакрор бўлиб, моддий бўла олади. Аммо, хизмат сифатида уларнинг комбинацияси бўлади ва меҳмонхона хизматлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Мехмонхона маҳсули – эгаллаш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учун бозор ҳаридор эътиборига ҳавола этиш мумкин бўлган нарсалар мажмуаси сифатида табиий объект, хизмат, жой, ташкилот ва ғояларни ўз ичига олади. Хусусан, меҳмонхонада яшаш ҳақидаги тасаввур турист ёки бизнесменда сафарга чиқишидан илгари шаклланади ҳамда виза, саёҳат усули, миллий маданият, таом, дам олиш жойларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларини ўз ичига олади.

Мехмонхона маҳсули ва туристик маҳсулатнинг ранг-баранглиги турист ижодий фантазиясининг имкониятлари билан чекланади. Мехмонхона хизматларида ўзгариш бўлиши учун рақобатчилар билан ҳамкорликда янги хизматларни ишлаб чиқиши, номер билан бирга пакетта ресторон хизматлари, автомашина ижараси, театрга чипта ва экскурсиялар киритилади.

Туристик маҳсулотни яратиш ва реклама қилиш учун сотувлар пайтидаги хулқ-авторга унинг нархи ва унинг бозордаги ҳаракати таъсир кўрсатади. Туристик маҳсулотта кўргина маҳсулотларнинг хусусиятлари хос бўлиб, бунда ҳаёт цикли концепциясига эътибор қаратилади. Бунинг учун туристик маҳсулотни режалаштириш ва ривожлантириш учун сотиш ва унинг маркетинги муҳим йўналиш бўлиб хизмат қиласи.

Концепцияга мувофиқ, туристик маҳсулотнинг ҳаёт цикли қўйидаги босқичлардан ташкил топади:

- маҳсулотни ишлаб чиқиши ёки янги маҳсулот ғоясининг топилиши;
- жорий этиш ёки турмаҳсулотнинг бозорга чиқарилганидан кейин ўсиб бориши;
- ўсиш ёки турмаҳсулотнинг бозорда кенг тарқалиши ва меҳмонхона даромадларининг ўсиб бориши;
- етук ёки сотувлар ўсишининг тўхташи.
- таназзул ёки сотув ва даромадларнинг кескин камайиб кетиши.

4.2. Мехмондўстлик хизматлари сифатини бошқариш

Мехмондўстлик хизматларини кўрсатишда сифатни бошқариш мухим аҳамият касб этади. Бу ерда сифат менежменти бизнес самарадорлиги ва тезкорлигини оширадиган ёндашув саналади. Бу барча бўлимлар ва ҳар қандай даражадаги фаолият турини ўз ичига олган меҳмонхона учун мухим йўналишдир ҳамда ҳар бир ходим учун мижозга керакли вакт ва жойда хизмат кўрсатишга йўналтирилган шарт-шароитларни ўрнатишга ҳаракат қиласидиган бошқарув ёндашувидир. Унга меҳмонхонанинг сифат талабларига риоя қилиниши бўйича мажбуриятларини акс эттирувчи корпоратив маданият, шунингдек меҳмонхона ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими орқали эришиш мумкин.

Мехмондўстлик хизматлари сифатини бошқаришда сифат менежментига нисбатан турли ёндашувлардан фойдаланилади ва меҳмондўстлик соҳаси ҳам ушбу фаолият турига киради. Бунда туристик хизматнинг истеъмолини меҳмондўстлик саноатида туристларга таклиф қилиш амалга оширилади.

Мижоз, яъни турист хизматни истеъмол қилишда сифатга алоҳида эътибор каратади ва бошқа мижозларга ҳам маслаҳат беради. Хусусан, бу бората ҳалкаро менежмент институти (Швейцария) профессори Ж.Хоровитнинг ушбу йўналишда ўтказган тадқиқотлари кўрсатдикси, хизматдан норозилигини билдирган 100 нафар харидорнинг тўрттаси ёмон хизмат тўғрисида хабар тарқатиш орқали хизматдан қоникиш хосил килиб, бу ҳакида факат 3 нафар кишига хабар берадиганларга қараганда деярли 3 баробар кўпроқ потенциал мижозларни олиб кетиши мумкин экан. Шуларни ҳисобга олиб, меҳмонхоналарда меҳмондўстлик муносабатларини ривожлантириш учун сифатни бошқариш зарурдир.

Сифатни бошқариш жараёни куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- сифатни амалга ошириш учун сифат менежменти концепциясини кўллаш. Бунга мутахассислар фаол жалб қилинади ва меҳмонхоналардаги туристлар билан мuloқот қиласидилар;
- меҳмонхонанинг сифат мақсадлари ва мажбуриятларини аниклаб, сифат менежменти сиёсатини ишлаб чиқиши;

- ташкилий тузилмани ҳисобга олиб, мижозлар сўраган хизматларни яратиш;
- мижозлар ўртасида хизматдан кутаётган натижа тўғрисида сўровнома ўtkазиш ҳамда унга асосан сифатни ўлчаш ва таҳлил қилиш;
- турли хил таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда хизматлар билан боғлик операцияларни режалаштириш;
- хизмат кўrsатиши занжири дизайнни билан доимий боғлик бўлган тизимни яратиш;
- меҳмонхона мижозларининг талабларини қондириш қобилиятини ўрнатиш;
- меҳмонхона ходимлари ўртасида хизматларни “биринчи марта” тўғри тақдим этиш қобилиятини аниқлаш учун статистик назорат ўtkазиш;
- ташкилотда мазкур кўринишдаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш;
- ходимларни доимий ўқитиш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш.

Меҳмонхонага келадиган замонавий мижоз тақдим этилаётган хизматларнинг муқобил стандартларини яхши билади ва уларнинг талаби юқори бўлади. Шу боис, хизматлар сифатига кўпроқ танқидий муносабатда бўлиш лозим. Бу борада юқори сифатли хизматни муваффакиятли таклиф қиласидиган меҳмонхоналар қуидагиларни ҳисобга оладилар:


- мижозларнинг эҳтиёж ва талабларини тушуниш;
- эҳтиёткорлик билан ишлаб чиқилган хизмат кўrsатиши стратегияси;
- мижоз ва ходимларга йўналтирилган таъминот тизими;
- мижоз талабларини яхши тушунадиган, яхши ўқитилган, гайратли ва топширикларни тўғри бажарадиган ходимлар.

Меҳмонхоналарда “хизмат сифати” тушунчаси мухим қаралади. Ушбу тушунчани талқин қилишга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, бу борада ISO8402-94 “Сифатни бошқариш ва таъминлаш. Луғат” номли халқаро стандартида “Хизматнинг сифати – хизматнинг белгиланган ёки таҳмин қилинган эҳтиёжларини

қондириш қобилиятини таъминловчи хусусиятлари мажмуидир, деб таърифланади.

ISO8402-94 ҳалқаро стандартида “хизмат кўрсатиш сифати” атамаси ҳам қабул қилинган бўлиб, у истеъмолчининг аниқланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларини қондириш имконини берувчи хизмат кўрсатиш жараёнининг ўзига хос хусусият ва шартлари мажмуи, деб қаралади.

Хизматнинг муайян эҳтиёжларни қондириш қобилиятини таъминловчи энг муҳим хусусиятларига куйидагилар киради:



4.2-расм. Хизматнинг хусусиятлари таснифи

Мехмондўстлик хизматлари сифатини бошқаришда фойдаланувчида таассуротлар кучаяди. Натижада, улардаги ижобий таассуротлар мустаҳкамланади ва салбий таассуротлар йўқотилади. Бу борада фойдаланувчининг хизмат сифатини қабул қилиш тавсифланган модели мазкур тушунчага асосий, зарур ва ихтиёрий сифат, деб караш имконини беради.

Мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан америкалик олимлар Кедотт ва Терженлар хизмат кўрсатиш унсурларини таклиф қиласидилар. Унга асосан, бу типология сифатида мижозлар хизматларни харид қилиш тўғрисида қарор қабул қиласидилар. Унга асосан, хизмат кўрсатиш унсурларини куйидаги гурухини ажратадилар:

- критик унсурлар;
- нейтрал унсурлар;
- қаноатлантирувчи унсурлар;
- ихлосни қолдирувчи унсурлар.

Шунингдек, “сифат” тушунчаси истеъмолчи нуқтаи-назаридан кўп ўрганилган. Бу борада Ф.Татарский “Сифат ўз ҳолича мавжуд бўлиши мумкин эмас, у факат муайян истеъмолчиларнинг муайян

талабларига нисбатан мавжуд бўлади”, деб қайд қилади. Ж.Харингтон бу тушунчани, яъни сифат – истеъмолчида туғилган эҳтиёж унинг курби этадиган нархда қондирилишидир, деб таъкидлайди. Ҳамда унинг таъкидлашича, юқори сифат – истеъмолчи эҳтиёжини мўлжаллаганидан паст нархда ва кутганидан зиёда тарзда қондирилиши лозим. Шу нуқтаи назардан америкаликлар мижозларнинг хизматга баҳо беришда қўйидаги формулани келтирадилар:

$$ХК = \frac{С + В + Хкқ}{Н}$$

Бу ерда $ХК$ – хизмат кадри ёки қиммати, С – сифат, И – ишончлилик, $Хкқ$ – хизмат кўрсатишида қулайлик, Н – нарх.

Шундай килиб, истеъмолчи талабининг қондирилиши фақат сифат билан белгиланмайди. Талабнинг қондирилиши нарх ва фойдани таҳлил қилиш ва сифат билан нархни таққослаш натижаси бўлиб хисобланади.

Мехмонларга хизматларни кўрсатиш тизимида мижоз, яъни истеъмолчи “сифат-нарх-натижа” нисбатини муттасил таҳлил киласи. Бу хизматлар сифатини бошқаришда “нархнинг сифати” тушунчасини кўллашга имкон беради. Унга асосан, “хизмат сифати” тушунчаси қўйидаги қисмлардан ташкил топган комплекс саналади:

- салоҳият сифати ёки техник сифат;
- жараён сифати ёки функционал сифат;
- маданият сифати ёки ижтимоий сифат.

Салоҳият сифати ёки техник сифат – меҳмондўстлик корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳолатига тегишли мезонлардан ташкил топади. Унга меҳмонхоналардаги меҳмонхона номерлари, ресторандаги овқатлар, ижарага берилувчи автомобиль ва коммуникацион техника сифати кабилар киради. Бироқ, истеъмолчи меҳмонхона хизматини харид килгунга қадар унинг техник сифатига қисман баҳо бериш имкониятига эга.

Функционал сифат – меҳмонхона хизматлари кўрсатиш жараёнининг сифати бўлиб, бунда истеъмолчи меҳмонхона ходимлари билан бевосита алоқа қиласи. Функционал сифатнинг юқорилиги орқали мижозларда номердан олинган таассурот

яхшиланади. Бирок, функционал сифат паст бўлса, меҳмонхонадаги энг яхши номер кўрсатилган хизматдан қониқмасликка олиб келади.

Ижтимоий сифат – меҳмонхона ходимларининг хулқ-атвори ва меҳмонларга нисбати билан белгиланувчи маданият сифатидир. Унга ходимларнинг хушмуомалалиги, жонкуярлиги ва серилтифотлиги кириб, бу ижтимоий сифатнинг муҳим мезони бўлиб хизмат килади.

4.3. Меҳмондўстлик саноатида инновацияларни бошқариш

Меҳмондўстлик саноатида инновация зарур ва уларни бошқариш эса мураккаб жараён бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда инновация ва инновацион фаолият илмий-техник тараққиёт йўналиши ва илмий тадқиқотлар ҳамда ишланмалар натижаларининг амалиётта жорий этилиши билан боғлиқ жараён сифатида қаралади. Инновациялар соҳаси кенг кўламли бўлиб, илмий-техник ишланмалар ва ихтиrolардан амалий фойдаланиш ҳамда маҳсулот, жараён, маркетинг ва меҳмонхонадаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Инновация ўзгариш омили янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараёнлар, ижтимоий эҳтиёжларни кондиришнинг янги хизматлари ва янги ёндашувлари саналади. Замонавий талқинда “инновация” атамасини Й.Шумпетер биринчи марта қўллаб, инновация - бу янги материал ва қисмлардан фойдаланиш, янги жараёнларнинг жорий этилиши, янги бозорлар очилиши, ташқилий шаклларнинг киритилишига асосланган барча янги услубларнинг янгича кўшилуви ва тижоратлашувидан иборат хосила функцияларининг жиддий ўзгаришидир, деб таъкидлайди.

Инновация – туризм бозоридаги янги маҳсулот, янги ҳодиса ёки хатти-харакат бўлиб, у туристни ўзига жалб қилади. Унинг эҳтиёжларини кондиришга хизмат қилади ва тадбиркорга даромад келтиради. Шунга асосан, инновацион ривожланишни белгиловчи бозорга оид конъюнктура ва рақобат, муҳит, кадрлар ва ресурслар каби омиллардан иборат бўлади. Бу меҳмондўстлик индустряси ҳам тегишлидир.

Мехмондўстлик соҳасида инновацияларнинг асосий йўналишлари

туристик маҳсулотнинг янги турлари, ресторон маҳсулотлари, меҳмонхона хизматлари ва бошқаларнинг чиқарилиши
анъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда янги ускуна ва технологиялардан фойдаланиш
илгари фойдаланилмаган янги туристик ресурслардан фойдаланиш ҳамда ноёб мисол сайёхларнинг космик кемаларга саёҳати
анъанавий сайёхлик, ресторон маҳсулотлари, меҳмонхона хизматлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ташкил этишдаги ўзгаришлар ҳамда янги маркетинг ва менежмент
меҳмонхона ва ресторонларнинг тармоқлари учун янги бозорларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш
илгари фойдаланилмаган янги туристик ресурслардан фойдаланиш ҳамда ноёб мисол сайёхларнинг космик кемаларга саёҳати

Мехмонхоналарда турли соҳаларда юз берадиган доимий ўзгаришлар инновацияларга туртки беради. Улардан ҳар бирида янгиликларнинг мақсадлари барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган янги хизматлар жорий қилишdir.

Мехмондўстлик муносабатларини амалга оширишда инновация – мижоз талаб қилган ва меҳмонхона учун самарага эришиш мақсадида янгиликни жорий этиш натижасидир. Ёки инновация - таваккалчилик хавфи билан боғлиқ ҳар қандай яратувчанлик фаолиятининг аниқ натижаси бўлиб, туристларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қониқтирувчи хизматларни олға сурилиши ва жорий этилишини таъминлайди.

Мехмонхоналар фаолиятида олиб борилаётган ислохотлар ва туристик бозорда кадрларга оид янгиликлар меҳнат жараёнининг ажralmas қисмига айланган ва уларни бошқаришни талаб қиласиди. Ушбу фаолият соҳаси инновацион кадрлар менежменти (ИКМ) бўлиб ҳисобланади.

ИКМ - бу мөхмөнхоналарда ташкил қилинадиган ўкув курслари, инновацион менежмент ва соҳа ходимларини бошқариш соҳаларининг мажмуасидир. ИКМ орқали кадрларга оид ижтимоий-иқтисодий тизимларни янгилаш, ривожлантириш ва усулларига барҳам берилади.

ИКМ обьекти - мөхмөнхонадаги ижтимоий-иқтисодий тузилмаларнинг кадрлари, кадрлар тизимларини янгилаш, ривожлантириш жараёнлари, инновацион хосса, эҳтиёж ва мезонларидир.

ИКМ субъекти - мөхмөнхона ва бошқа тузилмаларнинг кадрлар ва меҳнат хизматларини ташкил этувчи бўлимлар, секторлар, гурӯхлар, турли мутахассислардир.

Мөхмөнхонадаги ИКМнинг мақсади - мөхмөнхонанинг жорий ва истиқболдаги манфаати ва мақсадлари, ходимларни ривожлантиришнинг замонавий қонуниятлари, стандарт талабларига мувофиқ кадрлар тизимини янгилашнинг самарали миқёслари ва суръатларини таъминлашдир.

ИКМнинг вазифалари турли гурӯхлар бўйича таснифланади. ИКМнинг бошқарув обьекти бўлган кадрларга оид янгиликларни рўёбга чиқариш соҳасидаги вазифаларига қўйидагилар киради:

- инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида илмий-аналитик ишларни ташкил этиш ва ўtkазиш, мөхмөнхонанинг кадрларга оид янги муаммоларини излаб тогиши ва ҳал қилиши;
- кадрларга оид янгиликларнинг самарадорлигига баҳо бериш;
- инновацион кадрлар сиёсатининг истиқболлари, концепциялари, режалари, дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиши;
- кадрларга оид янгиликларни молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- кадрларга оид янгиликларни ташкил этиш ва уларни рўёбга чиқарилишини назорат қилиши;
- кадрларга оид янгиликларни илмий асослаш ва ҳ.к.

Кадрларга оид янгиликлар (**КОЯ**) лойиҳалари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Буни ташкил этиши “КОЯни ишлаб

чикиш - КОЯни жорий этиш” тизимида амал қилади ва унинг куйидаги ташкилий шакллари фарқланади:

- алоқа гурухи (КОЯ лойиҳасида кадрларга оид тадқикот олиб бориш ва уни тугашидаги ижобий натижаларни таърифлаш);
- ходимни кадрлар хизматидан КОЯни ишлаб чикувчи бўлимга ўтказиш (КОЯ лойиҳалари билан бевосита танишиш, тузатиш киритиш ва муваффакиятли амалга оширишга эришиш);
- муаммоли гурух (турли бўлинма мутахассисларидан йигилган мутахассисларни вақтингчалик гурухи сифатида КОЯни ишлаб чикиш ва амалга ошириш ўргасидаги муносабатни яхшилаш ташкил қилинади);
- сифат тўгараги (бу мутахассислар гурухи сифатида ихтиёрийлик асосида ташкил этилади ҳамда доимо меҳнатни ташкил қилиш, унинг унумдорлиги ва сифатини ошириш йўллари мухокама қилинади);
- интрапренерлик (инновацион тадбиркорлик фаолияти ичидаги шакли сифатида ташаббускор ва ижодкор ходим ёки “интрапренер”дан иборат бўлиб, янгиликларни амалга ошириш имкониятига эга).

Меҳмонхоналарда инновация менежмент мавжуд функция ва тамойиллар асосида инновацияларни бошқариш жараёнини англатади. Бу эса меҳмонхона стратегиясини шакллантириш тизими қисми ва унинг рақобатбардош стратегияси асосидир. Инновацион фаолият вазифаси узок муддатли истиқболда самарали ишланиш таъминлаш учун доимо ўзгариб турадиган турли ташкил омилларга мослашувчан тизимни яратишадир. Аммо, меҳмонхона бизнесидаги инновацион ёндашув илгор ахборот технологиялари билан бирга менежмент соҳаларига таъсир кўрсатадиган бутун инновация мажмуюи ва энг самарали фойдаланишни назарда тутади.

Меҳмондўстлик соҳасида инновацион йўналишларни аниқлаш учун инновациялар куйидагича таснифланади:

- янгилик даражаси бўйича: бирламчи ва иккиласмачи инновациялар;
- хулқ-автор сабаби бўйича: мослашувчан ва илгор инновациялар;

- инновация объекти бўйича: технологик, бошқарув, маҳсулот ва маркетинг янгиликлари.

Бирламчи инновацияларда ходимларни бошқариш усули ёки янги ғоядан бирламчи фойдаланишга асосланган бозор учун тубдан янги бўлган технология мухим хисобланади. Бирламчи инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун мухим салоҳият ва ресурслар етарли бўлиши лозим.

Иккиласми инновациялар - бирламчи инновацияларга тақлид сифатида янги бўлиб, улар тадқиқотларни тежашга имкон беради.

Объект турига кўра инновациялар маҳсулот, маркетинг, менежмент ва технологик каби турларга бўлинади.

Маркетинг фаолияти ҳам инновация объекти сифатида қаралиши мумкин. Маркетинг янгиликлари маркетинг тадқиқотларининг янги усуллари, стратегия ва тадбирларни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланишга йўналтирилган бўлади. Маркетинг инновацияларининг пайдо бўлиши бошқа янгиликларни киритиши билан боғлик.

Бошқарув янгиликлари меҳмонхона ташкилий тузилмаси ва унинг индивидуал унсурлари, ходимларни бошқариш усулларининг ўзгаришини англатади. Улар муқаррар равишда бошқарувнинг бошқа соҳаларида ўзгаришларга олиб келади.

Технологик янгилик хизмат кўрсатилиши жараёнидаги трансформациялар билан боғлик. Меҳмонхона учун улар биринчи навбатда турли жараёнларни бошқариш тизимларида замонавий ахборот-компьютер технологияларини жорий қилишда ифодаланади.

Инновациялар билан боғлик жараёнлар ўзига хос хусусият касб этар экан, унга хос бўлган инновацион менежментнинг асосий функциялари бўлиб, режалаштириш, маркетинг, ташкил этиш, инновациялар самарадорлигини назорат қилиш ва таҳлил қилиш кабилар хисобланади. Ҳамда инновацияларни умумий шаклда амалга ошириш кўйидаги ишларни ўз ичига олади:

- ахборот ва тадқиқотларни тўплаш;
- инновация концепциясини ишлаб чиқиш;
- инновацияни амалга оширувчи тадбирларни амалга ошириш;
- инновацияларни жорий этиш самарадорлигини назорат қилиш.


4.4. Мехмондўстлик саноатидаги ташкилотларда низоларни бошқариш

Мехмонхоналарда бошқариш жараёнида низо учрайди. Чунки, низо раҳбар, ходим, туристлар ўртасида муайян масалаларни ҳал килишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганилиги туфайли вужудга келади. Низо барча ҳолатларда унинг сабаблари ўрганилади. Бунда раҳбар ҳар бир аниқ вазиятта адолат ва объективлик билан ёндашиши ва тўғри хуоса чиқариши мухим.

Мехмонхоналарда ходимларнинг ишдан норозилиги, уларнинг ўзаро муроса кила олмаслиги низога сабаб бўлади. Хусусан, иш фаолиятида низоли вазиятлар куйидаги сабабларга кўра вужудга келади:

- меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликлар;
- ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилмагани;
- ёмон меҳнат шароитлари;
- меҳнат ҳақидаги қонунларнинг бузиш;
- раҳбарликнинг қониқарсиз савияси;
- ўзаро муносабатлар маданиятининг паст савияси ва ҳ.к.

Шунингдек, ходимлар ўртасида низолар вазифаларни тақсимлашдаги адолатсизлик ва ўзаро боғликлик, турли мақсадларнинг хукмронлик, эркинлик, мустакиллик ва ўз қадрини билиш, ҳамда манманлик, қайсарлик ва ўзаро алоқанинг қониқарсизлиги каби сабаблар туфайли содир бўлади.



4.3-расм. Туризм ва меҳмондўстлик соҳасида низоларнинг таснифи

Низолар турлича кўринишида экан, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият касб этади.

Очиқ низолар қарама-қарши томонларнинг кўз олдида тўғридан-тўғри вужудга келади ва тўқнашиш содир бўлгунга қадар тўлиқ етилган бўлади. Бундай низолар раҳбарият назорати остида турганлиги сабабли меҳмонхона учун унчалик хавф туғдирмайди ва уларни бошқариш осон кечади.

Очиқ низолар нидо ва чақириқ шаклида ривожланиши оқибатида вужудга келади. Улар очикдан-очиқ чақириқ, товуш чиқариш ва даъват этишда ўз ифодасини топади. Бунда бир гурух ходимлар ўзларига қарама-қарши бўлган расмий ёхуд норасмий гурухларнинг манфаатини ўзининг манфаати томон буришга ҳаракат қиласидилар.

Ёпик низолар ўта хавфли бўлиб, бу низоларни аста-секин ривожланиб бориб, охири ёмон оқибатларга олиб келади. Агар низо ҳали “етилмаган” ёки уларни ходимлар нигоҳидан яширилса ёки низо кишилар “ичида” бўлса, бу нихоят хавфли ва уни бошқариш жуда қийин бўлиб, у ёпик низога айланади.

Ёпик низолар кўпинча фитна, хийла-найранг ва фисқ-фасод шаклида ривожланиши оқибатида вужудга келади. Улар орага нифоқ солиш, бузғунчиликка қаратилган бўлиб, ёлғончилик, уйдирма ва бўхтон гаплар мухолифлар учун асосий қурол вазифасини бажаради.

Объектив низолар меҳмонхонанинг ривожланиши жараёнида юзага чиқадиган ҳақиқий камчилик ва муаммолар билан боғлиқ низолар саналади. Бу низолар амалий низолар бўлиб, меҳмонхона фаолиятини ривожлантириш, раҳбарлик услубини такомиллаштириш ва нормал “рухий икlim”ни яратиш учун хизмат қиласиди.

Субъектив низолар ходимларнинг турли воқеликка бўлган шахсий фикрларининг турличалиги оқибатида вужудга келадиган низоларди. Бу низолар хис-туйгуга, хиссиётга берилиш ва қизиққонлик оқибатида юзага чиқади. Бундай низолар бир-бирини рухан кўра олмайдиган ёки бир-бирини тушунмайдиган ёхуд тушунишини хоҳламайдиган кишиларнинг қарама-қарши фикрлари оқибатида вужудга келади.

Конструктив низолар меҳмонхонада мақсадга мувофиқ ўзгартиришлар килиниши ва оқибатда низо чиқадиган объекти бартараф қилишни назарда тутади.

Деструктив низо ҳеч қандай асоссиз ҳолатдир. Бундай низолар ходимлар ўртасидаги муносабатларни барбод қиласди, сўнгра иш фаолияти жараёни ва бошқарувчиларни издан чиқаришга олиб келади.

Меҳмонхоналарда ходимларнинг ўзаро муносабати расмий ёки норасмий доирада амалга ошиди. Расмий гуруҳ ходимларнинг ўз фаолиятидаги маъмурий жиҳатдан мустаҳкамланган расмий алоқаларини кўрсатиб беради ҳамда уларнинг лавозим бурчларидан келиб чикувчи ўзаро муносабатларига кўра белгиланади.

Норасмий гуруҳ шахсий симпатия ва антипатиялар асосидаги норасмий муносабатлар, манфаатларнинг умумийлиги, характеристларнинг ўхшашлиги ва ўзаро бир-бирини тушунишни ифодалайди. Ҳар иккала гуруҳ доимо бир-бирига таъсир қилиб туради ва шу жараёнда низоли ҳолатлар вужудга келади.

Меҳмондўстлик саноатини ташкил этиш мураккаб ташкилий тузилмадир. Бу ўзаро боғлиқ бўлган, бир-бири билан барқарор алоқада бўлган, уларнинг умуман ишланини таъминлайдиган унсурларнинг тўпламидир. Шу билан бирга, ушбу ташкилотнинг мавжудлиги ва ривожланиши доимий равишда муайян шахслар ёки шахслар гуруҳи ўртасида қарама-қарши мақсадлар, манфаатлар, позициялар, фикрлар ёки қарашлар туфайли зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва ҳал этилиши билан бирга кўшма меҳнат фаолияти жараёнида, баъзида улар кескинлашиб кетади ва тўқнашувга айланади.

Кўпгина вазиятларда низо ёки зиддият турли хил қарашлар ёки муаммоларни очиб беришга ёрдам беради, кўшимча маълумот беради, ходимлар ўз фикрларини ифода қиласдилар. Бу гурухнинг қарор қабул қилиш жараёнини самарали қиласди ва ходимлар ҳурмат ва кучга бўлган шахсий эҳтиёжларини қондира оладилар. Бундан ташқари, турли хил қарашларни мухокама қилиш енг тўғри ечимни ишлаб чиқиши ва режа, стратегия ва лойиҳаларни янада самарали амалга оширишга имкон беради.

Низо жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

Биринчи босқич - қарама-қарши вазиятнинг юзага келиши, томонларнинг бирон бир масалада қарама-қарши позициялари ёки қарама-қарши мақсад ёки уларга эришиш воситалари ёки манфаатлар, истакларнинг мос келмаслигиdir.

Иккинчи босқич - ҳодисанинг пайдо бўлиши, яъни курашаётган томонлар фаолиятини фаоллаштириш учун сабаб бўлган воқеалар.

Учинчи босқич - муносабатлардаги инқироз, яъни бу зиддиятли вазият очик ва яширин шаклларда давом этиши мумкин бўлганда шаклланади.

Тўртинчи босқич - зиддиятнинг тугаши, яъни зиддият ҳал килинганда юзага чиқади.

Мехмонхоналардаги вазиятни мураккаблаштирадиган низоларнинг салбий оқибатлари маълум бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади.

- ходимларнинг асосий фаолиятидан четлашиши, кўшимча моддий харажат ва йўқотишларнинг пайдо бўлиши, қарама-қарши гурухларни шакллантириш;

- жамоада ижтимоий ва психологик иқлимининг ёмонлашиши;

- ходимлар ўртасидаги ҳамкорликнинг заифлашиши;

- ишлапшнинг пасайишига олиб келадиган ҳиссий стресс.

Бироқ, меҳмонхонанинг муваффақиятли ишига ҳисса қўшиши ва унинг ижтимоий-психологик иқлимини яхшилайдиган конструктив зиддиятнинг изжобий оқибатларига қуйидагилар киради.

- айрим ходимларни ўзгартириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш;

- қарор қабул қилишда турли хил фикрлар;

- ходимларнинг уларнинг фикри инобатга олинганидан кониқиши;

- кўшма карорларни амалга оширишда қийинчилликларни камайтириш;

- келгуси ҳамкорликка мойиллик;

- ходимларнинг маънавий ҳолатини яхшилаш ва уларнинг меҳнат мотивациясини ошириш;

- шахснинг ривожланишига ижобий таъсир қилиш.

Меҳмонхоналарда низонинг оқибатлари асосан унинг қанчалик самарали бошқарилишига боғлик. Низоларни бошқариш ижтимоий муносабатларини тартибга солиш жараёнининг муҳим қисмидир. Уни бошқариш учун ривожланиш механизмини тушуниш, зиддиятли вазиятларнинг юзага келиши мумкин бўлган шартшароит ва сабабларини тушуниш ҳамда бошқарув амалиётида низоларни ҳал қилиш усусларини кўллаш лозим.

Меҳмонхонада юзага келадиган зиддиятли вазиятларни аниклаш ва хабардор қилиш менежердан уларни пайдо бўлишининг сабабларини тушунишни талаб қиласи ҳамда низони келтириб чиқарадиган салбий таъсирларнинг олдини олади.

Менежерлар низоларнинг олдини олиш стратегиясига мувофиқ ҳаракат қилишлари лозим. Яъни, жамоада соғлом иш шароити ва психологияк мухитни яратиши муҳим. Бу эса низоларнинг юзага келиш эҳтимолини камайтиришга хизмат қиласи.

Таянч иборалар: Маркетингини бошқариш, сифатини бошқарни, инновацияларни бошқариш, низоларни бошқарни, эҳтиёж, маҳсулот, маркетинг фаолияти, компаниянинг стратегияси.

Назорат учун саволлар

1. Меҳмондўстлик индустриясида маркетингини бошқарни нималардан иборат бўлади?

2. Меҳмондўстлик хизматлари сифатини бошқарни қандай амалга оширилади?

3. Меҳмондўстлик саноатида инновацияларни бошқарни нималардан иборат бўлади?

4. Меҳмондўстлик саноатидаги ташкилотларда низоларни бошқарни қандай амалга оширилади?

В БОБ. МЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИННИГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

5.1. Мехмондўстлик индустрисига замонавий ёндашув

Халқаро амалиётда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-куватлашнинг кенг тизими ишлаб чиқилган. Бунинг учун ҳукумат кафолат ва солик имтиёзлари орқали ёрдам бериши керак. Аввало, замонавий халқаро туризм турли давлатларнинг жаҳон туризм бозорига чиқишининг ўзига хос механизми бўла олади. Ўз вақтида миллӣ туристик мажмуаларнинг жаҳон бозорига кириб бориши натижасида миллӣ иқтисодиётнинг бошқа соҳалари хизматлар бозорига кириб боришилари учун шароит яратилиди.

Туризм мустақил соҳа сифатида маълумотлар дазрининг муносиб вакили ҳисобланади. Индустрлаштиришни мақсад қилиб олган мамлакатлар учун туризмдан миллӣ иқтисодиётда мавжуд барча маълумотларни тўғлаш воситаси сифатида фойдаланиш ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишга ёрдам беради. Туризмнинг мустақил соҳаси бўлиб меҳмонхона хўжалиги саналади.

Ташки ёки ички бозорга мослашганлигидан қатъий назар, меҳмонхона хўжалиги миллӣ туризмнинг мухим бўғимларидан бирига айланиб қолади. Ўз навбатида меҳмонхона хўжалиги менежменти тизимининг асосини меҳмонхона хизматлари маркетинги ташкил қиласи.

Меҳмонхона хизматлари мавжуд меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, меҳмонхона бозорида фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган янги ўринларни очиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориши технологияси ва ажратилиши режалаштирилаётган инвестициялар ҳисоб-китобини ўзи ичига олади. Ундан ташқари, меҳмонхона хўжалигини мустақил туристик маҳсулотга айланишига ёрдам беради.

Мехмондўстлик индустрисини ривожлантириш, унга замонавий ёндашувнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- мунтазам равишда журнал, газета, радио ва телевидение орқали реклама;
- ходимлар иштирокида туризм мавзусига багишлиланган маҳсус кўрсатувлар тайёрлаш.

Шунингдек, меҳмонхона сектори ривожланишининг бозор модели куйидаги тадбирлар орқали щакланади:

- меҳмонхона бизнесида фаолият кўрсатувчи хусусий ва қўшма корхоналарни гузиш;

- бозор инфратузилмаси унсурларини ривожлантириш;

- меҳмонхоналардаги туристик хизмат нархлари ва тарифларини пасайтириш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун лицензия олиш тартибини соддалаштириш, меҳмонхона хизматларининг алоҳида кўринишларига лицензияларни сотишни йўлга кўйиш;

- хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда барпо қилинадиган қўшма корхоналар эвазига туризмнинг нодавлат секторини кенгайтириш;

- давлат-хусусий мулк шаклларидаги республика корхоналари, фирмалари ва компаниялари сонининг кўпайишига, ўрта ва кичик меҳмонхона бизнесининг ривожланишига хайриҳоҳлик қилиш;

- меҳмонхона тадбиркорлиги бўйича антимонополия чораларини кўриш ва бунинг асосида рақобатчилик мухитини яратиш;

- минтақавий меҳмонхоналарга тўлиқ мустакиллик бериш.

Меҳмондўстлик индустрисига замонавий ёндашувнинг амалий натижаси меҳмонхона имижини яратиш ҳисобланади. Имиж – бу реклама, оммавийлаштириш ва мижозга нисбатан эмоционал-психологик таъсир ўтказиши, бирор мақсадни кўзлаб яратилган образ ҳисобланади. Имиж – мижозларга оммавий тарзда таъсир этади ва улар онгидаги фикрларни ўзгартириб юбориш кучига эга. Бу ерда меҳмонхона образи – бу меҳмонхона имижи ҳисобланади.


Меҳмонхона хўжалигининг ўсиб бораётган обрўи, унинг замонавий жамият хаётидаги ўрни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳамияти жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан эътироф этилган. Меҳмонхона бизнеси улкан истиқболга эга бўлиб, унда меҳмонхона давлатнинг иқтисодий манфаатлари соҳаси ва умумий ялпи миilliй маҳсулот ва валюта тушумларининг асосий ўсиш манбаига айланади.

Меҳмондўстлик индустрисига бўлган замонавий ёндашувни мижозларнинг ташрифи белгилайди. Аммо, уларни жалб этиш масаласи долзарб ҳисобланади ва меҳмонхона бизнесида бу муаммо мавжуд. Мижозларни меҳмонхонага жалб қилиш мураккаблиги салоҳиятли мижозларнинг – битта шаҳар кишилари эмаслиги,

кўпгина ҳолларда бошқа мамлакатдан ташриф буюришидир. Ушбу кишилар турли ижтимоий тоифа, даромад даражаси турлича, турли динларга эътиқод қилувчи, дунёкарашлари турлича, ўзларининг анъана ва урф-одатлари, қизиқиши ва эҳтиёжлари билан ажралиб туради.

Муайян мамлакатдан келган меҳмон - меҳмонхона танлаш муаммосига дуч келади. Чунки, меҳмонхоналар сони чекланган, бироқ айrim меҳмонхоналар бу муаммони юзага келишига имкон бермайдилар. Яъни, улар мижозларни ўзига жалб этишда турли қизиқтирувчи усуслардан фойдаланадилар ва ушбу меҳмонхоналар бошқаларга нисбатан ўзига хос афзалликларга эга. Шу боис, мижозларни жалб этишда меҳмонхона ўз хизматини меҳмонларнинг ижтимоий гурухларига йўналтирилади, нархлаш сиёсатини олиб боради ва хизматларнинг турларига қараб, ён босиши белгиланади. Айниқса, занжирли меҳмонхона саноати ўз хизматларини реклама қилиши учун катта сармоя сарф қиласди.

Юқорида келтирилган омиллар натижасида жаҳон мамлакатларида меҳмондўстлик индустриси шаклланди ва бу ҳолат меҳмонхоналар сонининг ошиши билан изоҳланади.



5.1-расм. 2008 йилдан 2018 йилгача дунё бўйлаб меҳмонхоналарнинг умумий сони (млн. киши)⁶

⁶ <https://www.statista.com/statistics/1092527/number-of-hotel-rooms-worldwide>

Жаҳон мөхмөнхона саноатида сўнгги ўн йил ичида йиллик ўсиш кузатилди. Хусусан, 2018 йилда дунёда 16,9 млн. мөхмөнхона хоналари мавжуд бўлган. Бу сўнгти 10 йил ичида дунё миқёсида 2,5 млн.дан ортиқ хоналар кўпайғанлигини кўрсатади.

5.2. Жаҳон мамлакатларида мөхмөндўстлик индустрияси тенденциясининг ҳолати

Жаҳон мамлакатларида мөхмөндўстлик индустрияси шаклланиб, ривожланиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу борада дунё бўйича энг йирик отеллар рўйхати эълон қилинди ва уларнинг мухим хусусиятлари бўлиб, хоналар сонининг мавжудлигидир.

5.1-жадвал.

Дунё бўйича энг йирик отеллар рўйхати⁷

Т/р	Мөхмөнхона номи	Мам.такат	Хоналар сони
1	First World Hotel & Plaza	Гентинг-Хайландс, Малайзия	7351
2	The Palazzo at The Venetian	Лас Вегас, АҚШ	7117
3	MGM Grand	Лас Вегас, АҚШ	6852
4	ARIA Resort & Casino	Лас Вегас, АҚШ	6790
5	Sheraton Grand Macao Hotel, Cotai Central	Макао, Макао	6000
6	Измайлово	Москва, Россия	5000
7	Wynn Las Vegas	Лас Вегас, АҚШ	4750
8	Mandalay Bay	Лас Вегас, АҚШ	4426
9	Luxor Las Vegas	Лас Вегас, АҚШ	4407
10	Ambassador City Jomtien	Паттайя, Тайланд	4219

Шунингдек, ҳар бирига албатта ташриф буюришга лойиҳ бўлган энг катта қуйидаги мөхмөнхоналар рўйхати ҳам эълон қилиниб, бу рўйхат доимо ўзгариб туради:

⁷ <https://batuminow.com/travel/largest/hotel/top10>

- **EXCALIBUR HOTEL AND CASINO** (3850, Las Vegas, Boulevard South, Лас-Вегас, Стрип, Лас-Вегас, АҚШ). Лас-Вегасда жойлашган меҳмонхона 28 қаватга бўй чўзган икки минорадан иборат мажмуани ўз ичига олди. Бу ерда казино умумий майдони 9300 квадрат метрли ва 1700 nf ўйин автоматлари жойлашган бир неча залдан иборат. Excalibur Hotel and Casino 1990 йилда очилган бўлиб, меҳмонлар унинг 4008 та номеридан бирида тўхташлари мумкин.

- **AMBASSADOR CITY JOMTIEN** (21/10, Sukhumvit Road, K.M. 155, Na Jomtien, Саттахип 20250, Таиланд). Меҳмонхона 40 акр жойни эгаллаган 5 иморатдаги 8 та ресторан, бир қанча барлар, тунги клублар, баҳайбат конференц-залдан иборат мажмуани ўз ичига олган. Шунингдек, у Осиёдаги энг катта бассейнли фитнес-маркази билан ҳам мақтанса арзиди. Бу ерда меҳмонлар 4219 та номерларнинг бирида жойлашишлари мумкин.

- **THE HOTEL AT MANDALAY BAY** (3950, Las Vegas, Blvd South, Las Vegas, NV, 89119, Paradise). Меҳмонхона ғайритабии номидан ташқари Лас-Вегасда жойлашган 43 қаватли монументал биноси билан мақтовга сазовор. Бу ерда асосан казинода ўйнаш учун келган кишилар жойлашадилар, уларга стандарт номерлардан ташқари пентхаус, президент кошонаси ёки шунчаки катта кошоналарни ҳам таклиф этадилар. Ҳаммаси бўлиб унинг 4332 та номери бор. THE hotelat Mandalay Bay ўз меҳмонлари овқатланишлари мумкин бўлган ресторани билан гуурланади. 2003 йилда очилган меҳмонхонани MGM Resorts International бошқарган.

- **LUXOR LAS VEGAS** (39006 Las Vegas, Blvd S, Las Vegas, NV, 89119) Лас-Вегаснинг навбатдаги меҳмонхонаси кираверишининг ёритилиши ва кечалари осмонга нур сочадиган дунёдаги энг кучли прожектори билан гуурланади. Бу ерда 4408 номер, 1860 квадрат метр жойда эса 4 та бассейн, тўй маросимлари ўтказиш учун кичик ибодатхона, SPA салон, 29 та дўкон ва яна кўплаб қизиқарли нарсалар бор.

- **WYNN LAS VEGAS & ENCORE LAS VEGAS** (3121, Las Vegas, Blvd. South, Лас-Вегас, 89109, Paradise). Аслида, бу бир-

бирига жуда ўхшаш эгизаклардай бир-бирига қарама-қарши жойлашган икки меҳмонхона, яъни Wynn Las Vegas ва Encore Las Vegas хисобланади. 4734 та номеридан ташқари меҳмонхона кўп сонли ресторонлари, барлари, SPA салонлари ва мазмундор тунлари билан ғуурланиши мумкин. Wynn Las Vegas & Encore Las Vegas, Американинг бошқа беш юлдузли меҳмонхоналарига қараганда кўпроқ Forbes журнали мукофотларига сазовор бўлган.

DISNEY'S ALL-STAR RESORT (1901, W Buena, Vista Dr, Lake, Buena, Vista, FL, 32830, АҚШ, 499 272 2042). Орландода жойлашган бу меҳмонхона 5224 та номерларидан бирида тўхташ мумкин бўлган 30тауч қаватли бинолардан иборат мажмуудир. Disney's All-Star Resortнинг ҳар бир биноси ўз мавзули йўналишига эга бўлиб, Диснейлендга етиб бормасдан турист эртакдагидай хис қилишига имкон беради.

FIRST WORLD HOTEL (Genting Highlands Resort, Гентинг Хайхлэндс, Гентинк тоглари, Малайзия, 69000). Катталиги бўйича тўртинчи ўриндаги меҳмонхона Малайзияда жойлашган бўлиб, 4 қаватли бинолар билан ўралган 24 қаватли икки минорадан иборат. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 6118 та номер ва апартаментлар, шунингдек кўпшаб ресторан ва барлар, ҳамда мавзули кўнгил очиш боғи бор. Меҳмонхонани First World Hotel and Resorts SendirianBerhad бошқаради.

- **MGM GRAND LAS VEGAS** (3799, Las Vegas, Blvd S, Las Vegas, NV 89109). 1993 йилда очилган MGM Grand меҳмонхонаси ўз вақтида дунён нг энг катта меҳмонхонаси бўлган. Унинг 5 та очик бассейни, шаршаралари, дарёси, бир неча тунги клублари, 19 та ресторани ва Кларк округидаги энг катта казиноси бор. Бу ерда ҳаммаси бўлиб, 6852 та номер бор, шунингдек меҳмонхона Голливуднинг бир неча фильмларида суратга олинган.

- **ГОСТИНИЦА ИЗМАЙЛОВО** (105613, Москва, Измайлово шоссе, 71 уй, корп.4 Г-Д). Бу рейтингда Россия шарафини 30 қаватли 4 та бинодан иборат Измайлово меҳмонхонаси ҳимоя қиласди. Меҳмонлар 7500 та номер ёки апартаментлардан бирида тўхташлари мумкин. Шунингдек, ресторан, каф ва барлар меҳмонлар хизматида туради. Меҳмонхонага катта боғ ёндашган.

МЕССА CLOCK TOWER (Oum Al Qura St., King Abdul Aziz Endowment Abraj Al Bait Complex, 24231 21955, Саудия Арабистони). Маккадаги AbrajAl-BaitTowers номи билан ҳам танилган Месса Clock Tower дунёнинг энг катта меҳмонхонаси ҳисобланади. У Маккага келган зиёратчилар ўргасида ҳам, сайдо ва тадбиркорлар ўргасида ҳам бирдек машҳур. Шунингдек, Месса Clock Tower циферблатлари дунёда энг катта майдонни эгаллаган соатли дунёдаги энг баланд минорага эга. Меҳмонхона 8000 номер ва апартаментли уч минорадан иборат.

5.3. Меҳмондўстлик индустрисининг ривожланиши йўналишлари

Туризм тармоғи ичидаги меҳмонхоналарнинг асосий фаолияти меҳмонхона хўжалиги доирасида амалга оширилиб, у жойлаштириш воситалари ва гизими, яъни асосий воситалар саналади. Бу вактинча келиб кетувчиларга турли даражада хизмат кўрсатиш билан боғлик ҳолда уларни қабул қилиш ва тунашни ташкил этиш ҳисобланади. Меҳмонхоналар фаолият олиб бориб, меҳмонхона хўжалиги доирасида амалга оширилади. Ушбу хўжалик ўзи ичига бутун бир мажмуавий хизматларни олиб, ташки ва ички туризмнинг ривожланиши ҳамда ҳалқаро туризм бозорида рақобатбардош бўлишининг бош омили ҳисобланади.

Меҳмонхоналар ўзаро рақобатлашиши лозим бўлиб, бу ҳолат мамлакатларда турлича йўналишларга эгалиги билан ажралиб туради. Бу уларни иш юритиш ва даромад олишни тақозо қиласида ҳамда республикамизда давлат сиёсатига қўтарилиганини билан изоҳланади.

Бугунги кунда меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.⁸ Унга асосан, республикамизда 3 юлдузли тоифа учун 50 та хонадан кам бўлмаган ва 4 юлдузли тоифа учун 100 та хонадан

⁸ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 yanvardagi "O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5511-sonli Farmoni

кам бўлмаган хоналар фондига эга мөхмонхона 2022 йил 1 январгача фойдаланишга топширилган тақдирда мөхмонхона тоифаси тасдиқлангач, янги мөхмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир кисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш жараёнида ушбу миқдорни ҳар йили индексация қилинган ҳолда 3 юлдузли тоифага эга мөхмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 млн. сўм, 4 юлдузли тоифага эга мөхмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 млн. сўмни ташкил қиласди.

Мазкур харакатлар мөхмонхоналар фаолиятида амалга ошириладиган иқтисодий жараёнлар бўлиб, унинг асосида мөхмонхона хўжалигининг энг асосий функцияси бажарилади ва унга асосан мөхмонларга вактингчалик яшаш жойини бериш ва бунда мөхмонхона корхонаси ўзининг сигими, яъни номерлар сони, яшаш жойи билан бир-биридан ажралади. Бироқ, ўтиш даврида мавжуд муаммолар, шу жумладан, туристларга хизмат кўрсатиш фаолиятини замон талабларига мос равишда бошқара оладиган салоҳиятнинг етишмаслиги, ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатлар тизимининг такомиллашмаганлиги, имкониятларининг чекланганлиги ва улар томонидан маркетинг ва реклама ишларининг кам даражада амалга оширилаётганлиги каби муаммолар туфайли ривожланиш суст бормоқда.

Мазкур муаммони ечиш борасида мөхмонхона хўжалиги иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлганлиги туфайли мамлакатимизда унинг юқори суръатлар билан ўсиши, катта хажмдаги валюта тушумларини таъминлаш орқали иқтисодиётга ижобий таъсир қилди ва туризм индустриясининг ривожланишига етарлича имкон яратмоқда. Кейинги йилларда мөхмонхона бозорида таклифнинг ортиши билан бир вақтда жойлаштириш хизматларига талабнинг пасайиши кузатилмоқда. Бу ҳолат рақобатнинг кучайишига олиб келди. Мөхмонхона бизнесида рақобатда устунликка эришишнинг асосий йўналишларидан бири рақобатчиларга юқори сифатли хизматларни таклиф қилишдир.

5.4. Мехмондўстлик индустриясида меҳмонхона занжирилари ва брендлари

Жаҳон туризм бозорида занжирили меҳмонхоналар сони жуда кўпчиликни ташкил қилади. Занжирили меҳмонхоналар бир нечта меҳмонхона корхоналарини ягона раҳбарият ва бир савдо белгиси остидаги умумий бизнесга бирлаштириши назарда тутади. Меҳмонхоналар занжирилари меҳмонхона бизнессидаги янгилик эмас, яъни ягона марказдан туриб бошқариладиган меҳмонхоналар бундан қарийб 60 йил олдин пайдо бўлган. Аввалига меҳмонхоналарни бошқаришнинг мазкур усули унча кенг тарқалмаган бўлса-да, занжириларга кўшилган меҳмонхоналар сонининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бошланган жадал суръатларда ривожланиб келди.

Мазкур ходисанинг кейинги ривожланиши жараёни Америка меҳмонхоналар индустряси билан боғлиқ. 1987 йилда меҳмонхоналар занжирилари АҚШ номерлар фондининг 62 % ини бирлаштирган бўлса, орадан 10 йил ўтгач, бу рақам 75 % гача кўтарилиди. Яқин келажакда мутахассислар жами меҳмонхоналарнинг қарийб 90 % бирор-бир меҳмонхоналар занжири таркибига киришини таҳмин қилмоқдалар. Ҳозирги кунда *Intercontinental* меҳмонхоналар занжири бутун дунёдаги энг таникли ва сони жиҳатдан энг кўп меҳмонхоналар занжири ҳисобланади. Унинг белгиси остида 7 та бренд фаолият олиб бормоқда.

Марказий бошқарув тизими Англиянинг Denham, Buckinghamshireda жойлашган. Бошқарув тизимида раис бошқаради ва David Webtser, Richard Solomons, Tom Singer, Tracy Robbinsjiap IHG компаниясини энг юқори бошқарувчилари ҳисобланади. Бу тизим остида фаолият юритаётган брендларнинг энг кўп қисми давлатлар бўйича солишитирадиган бўлсак, АҚШ ва Хитой давлатлари ҳисобланади. Бошқарув тизимида 4 та минтақа бўйича директор ва майда минтақавий директорлар бошқариб боради. Жаҳон туризм бозорида ушбу компания катта аҳамиятта эга.

- **Hilton World wide Holdings.** Hilton World wide 1919 йилда Сиско Сонрад Hilton томонидан Техасда ташкил этилган

Американинг кўпмиллатли мөхмондўстлиги компаниясиdir. Хозирги кунда Кристофер Жассассанинг бошчилигига юритилмоқда. Hilton World wide - дунёдаги бешинчи йирик мөхмонхона занжири бўлиб, 104 та мамлакатда ва худудларда жойлашган 4727 мөхмонхонага эга. Бозорнинг турли соҳаларида 14 та марка билан фаолият юритмоқда. Forbes таҳлили бўйича 2013 йилнинг декабрь ойида АҚШнинг энг йирик хусусий компаниялари орасида Hilton World wide 36-уринни эгаллади. Компания штаб-квартираси Калифорниянинг Беверли-Хиллс шахрида жойлашган бўлиб, у 164000 нафар ҳодимга эга. 2015 йилда компаниянинг даромади 11,3 млрд. долларни ташкил этди ва бу дунёдаги энг йирик мөхмонхона занжири рўйхатидаги иккинчи ўринда туради. 2016 йил декабр ҳолатига кўра, Hilton World wide мөхмонхонаси тармоғида жами 4922 мөхмонхона мавжуд.

- **Accor.** Accor Hotels - бу 1960 йилларга бориб тақаладиган тарихга эга бўлган, Парижда жойлашган ва кўп миллатли гурухdir. Marriot ва Hilton каби Accorнинг холдинги турли хил бўлиб, унинг портфели таркибига иқтисодий турар жойлардан тортиб, энг ҳашаматли бени юлдузли мөхмонхоналаргача бўлган 3700 мөхмонхона киради. Accor Hotelsга тегишли машҳур товарларга Formula 1, Novotel, Suite Hotel, All Seasons, Ibis, Etap, Motel 6, Pullman, Sofitel ва Mercur киради. Компания берган даромад 6,2 млрд. долларни ташкил этмоқда ва бу рўйхатда учинчи ўринни эгаллайди.

- **Wyndham world wide.** Marriot ва Hilton каби Wyndham АҚШда жойлашган яна бир катта мөхмонхона корпорациясиdir. Мөхмонхона гурухидаги 7800 мөхмонхонага эгалик қиласи ва фаолият юритади, шунингдек, унинг 100 та мамлакатда дам олиш соҳасидаги дам олиш хоналари мавжуд. Wyndhamнинг даромади 5,5 млрд. \$ ни ташкил этиб, тўртингчи рақамда туради.

- **Radisson Blu мөхмонхонаси.** Radisson мөхмонхоналар гармоғи – дунёдаги машҳур мөхмонхона брендларидан бири, Америка Кўшма Штатларидан жаҳон мөхмонхона саноатига кириб келди. Radisson мөхмонхоналарини Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги деярли барча машҳур дам олиш масканларида учратиш мумкин. Тармоқнинг тўлиқ номи - Radisson Hotels & Resorts хисобланади.

Radisson мәхмөнхоналарининг күпчилити 4-5 юлдуз даражадаги юқори сифатли хизмат күрсатади. Компанияның бозордаги ўрни – бу ҳашаматли мәхмөнхона, шунингдек, йирик курорт мажмуалари хисобланади.

Radisson тармоғи бозорда икки маркада – АҚШда Radisson ва дунёning бошқа қисмидә Radisson SAS бренді номидан фаолият юритади. Сўнгти маркали бренд Скандинавия SAS авиакомпанияси ҳамкорлигига ишга туширилган. Шу боис, мәхмөнхона номидаги иккинчи сўз вужудга келган. Ҳозирги кунга келиб Radisson SAS бренді остида 150 дан ортиқ мәхмөнхоналар очилган. Европадаги Radisson SAS мәхмөнхоналарини бошқариш, штаб-квартираси Брюсселда жойлашган The Rezidor Hotel Group томонидан амалга оширилади.

1962 йилдан бошлаб, Карлсон оиласи Radisson тармоғига эгалик қиласди. Карлсонлар оиласи АҚШдаги бадавлат сулолалардан бири бўлиб, дунё бўйлаб 60 дан ортиқ мамлакатда жойлашган 450 та мәхмөнхонани бошқаради.

Radisson Gold Points Plus – бу Radisson мәхмөнхоналарига ташриф буюрувчилар учун бонусли дастурнинг замонавий кўриниши. Дастур мәхмөнлар учун компания мәхмөнхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланганлиги учун бериладиган баллар йигиндиси тизимини таклиф қиласди. Баллар йигиндисини мижоз мәхмөнхона тармоғида хоналарни ижарага олаётганда бонус сифатида ишлатиши мумкин. Содиклик дастурида бошқа мәхмөнхона тармоғи, яъни The Rezidor Hotels Group мәхмөнхоналар тармоғига киравчи (Country Inns, Regent, Park Plaza, Park Inn) мижозлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Тармокка мунтазам ташриф буюрувчилар учун, The Rezidor Hotels Group Plus бонусли дастури кўзда тутилган. Бунинг моҳияти шундан иборат – мижоз, ҳамкорлар хизматидан фойдаланиб, баллар йигади, баллар йигиндисига қараб маълум бир мақом олиш хукукини олади, шундан сўнг у бир қанча афзалликлардан баҳраманд бўлиши мумкин, яъни ҳашаматли хона, мәхмөнхонаги навбатсиз жойлашиш, ҳамкорлар ва эксклюзив хизматлардан фойдаланиш, белул турар жой кабилар. Ҳозирги кунда Radisson

компанияси туроператорлар учун содиқлик дастурини тақдим этган (Look To Book), ягона меҳмоњхона тармоғи хисобланади.

Radisson компаниясининг сўнгти янгиликлари – маҳсус алоҳида ишлаб чиқилаги Select Comfort ётоклари билан жуда кулай Sleep Numbers хоналаридир. Бундай хоналар АҚШ, Канада ва Кариб дengизи курортларида мөхмомонхоналарда мавжуд. Аслида, Radisson хоналарида ётоклар, мөхмомонхона даражасига қарамай, ҳар доим тармоқ мөхмомонхоналарининг асосий афзаликларидан бири бўлиб келган.

- **Hyatt Regency мөхмомонхонаси.** Чикагодаги штаб-квартирада жойлашган Hyatt Hotels корпорацияси дунёning 13 та брэндлари ва 50 дан ортиқ мамлакатда 600 дан ортиқ мөхмомонхона портфелига эга мөхмомонхоналар занжири билан ишлайди. Компаниянинг мақсади - одамларга сифатли хизмат кўрсатиш, ўзларининг бизнес қарорлари ва ўсиш стратегияларини етказиш, одамларга фойда келтириш ҳамда ғамхўрлик қилишdir.

Компаниянинг бўлинмалари Park Hyatt®, Grand Hyatt®, Hyatt Regency®, Hyatt®, Andaz®, Hyatt Centric™, The Unbound Collection тўпламлари остида ишлаб чиқаради, эгалик қиласи, бошқаради, имтиёзлар беради, лицензияларга эга ва жаҳоннинг олти китъасида жойлашган. Улар шаҳарнинг бизнес марказида жойлашган. Ҳар бир мөхмомонхонада замонавий хоналар мавжуд бўлиб, ажойиб таомлар ва конференциялар ўtkазиш учун қулай шароитлар яратилган.

Hyatt Hotel Corporation дунёning энг йирик мөхмомонхона занжири рўйхатидаги бешинчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда Global Hyatt корпорацияси бутун дунё бўйлаб 45 та мамлакатда жойлашган, 483 дан ортиқ мөхмомонхона ва дам олиш масканларида хизмат кўрсатиб келмокда. Айни пайтда Hyatt бренди мижозларни юқори даражадаги сервисли люкс классдаги ётоклар билан таъминлайди, унинг бозордаги биринчи рақамли харидорлари бизнес саёҳатчилар хисобланади: асосан ёлғиз саёҳат қилувчи одамлар, бизнес масалаларини ҳал қилиш мақсадида, музокаралар ўtkазиш, янги амалий алоқаларни ўрнатиш ниятида дунё кезаётган кишилардир. Hyatt турли хилдаги мижозларни ўзига жалб қилиши мақсадида, ўзининг муассасаларини стратегик жиҳатдан куйидаги брэндларга

ажратади: Hyatt Regency, Grand Hyatt, Park Hyatt, Hyatt Place, Hyatt Summerfield Suites, Andaz.

Hyatt Regency меҳмонхоналари катта шаҳарлар марказида, шаҳар бизнес-марказлари яқинида жойлашган бўлиб, асосан бизнес сайёҳатчиларга мўлжалланган. Мехмонхона томонидан тақдим этилган хизматлар конференция ва учрашувлар учун кўп сонли хоналар, Wi-Fi, таржимон ва котиб хизмати, спорт зали, шинам ресторан ва барларни ўз ичига олган. Бу бренд компаниянинг асосий маҳсулоти бўлиб, “беш юлдуз” тоифасига киради.

Hyatt Place меҳмонхонаси 2004 йилда Ameri Suites меҳмонхона тармоғини сотиб олиш натижасида пайдо бўлди. Бу бренд меҳмонхоналари йирик шаҳарларда, ҳамда кичик аҳоли пунктларида жойлашиши мумкин. Улар мустакип ишбилағмон сайёҳларга, ҳамда дам олиш кунларини биргаликда ўтказаётган оиласаларга мўлжалланган.

Hyatt Summerfield Suites бренди 2005 йилда Black Stone Group сотиб олинган. У узоқ ва фаровон яшац учун мўлжалланган хоналарга эга меҳмонхона тармоғини таклиф этади. Ҳар бир дам олиш хонасида меҳмонхона, ётоқхона ва ошхона бор. Бу бренд дам олиш хоналари ўртacha 125 дан 200 тагача бўлади. Hyatt Summerfield Suites меҳмонхоналари шаҳарда, аэропортда ва шаҳар ташқарисида жойлашган. Бу корпоратив мижозлар учун узок муддатли вазифаларни бажаришга келган ходимларини жойлаштириш учун идеал таклиф.

Andaz бренди Лондонда 2007 йилда Hyatt корпорацияси томонидан ишга туширилган. Ҳар бир меҳмонхона архитектурасида ўша ҳудуднинг ноёб маданий хусусиятлари кўрсатилган. Мехмонхона кўрсатилган хизматлар сифати билан бирга, оддий услубни афзал кўрувчи меҳмонларни кутиш учун мўлжалланган. Andaz меҳмонхоналари бизнес сайёҳатчилар ва дам олувчи меҳмонлар индивидуал эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган хизматларни таклиф этади. Мехмонхона, шунингдек, кичик учрашув, расмий ва норасмий маросимларни ўтказишида индивидуал ёндошувни таъминлайди.

Hyatt компанияси Россия бозорига 2002 йилда Ararat Park Hyatt Moscow меҳмонхонасини очиш орқали кириб келди. 2012 йилда меҳмонхона International Hotel Awards “Россияда энг яхши меҳмонхона” номинацияси бўйича мукофот олган. Ararat Park Hyatt Moscow меҳмонхонаси Россия пойтахтининг энг марказида - Большой театр ёнида, Қизил майдондан бир неча қадам берида, Давлат думаси биноси ва Москва ишбилиармонлар маркази яқинидаги жойлашган. Ararat Park Hyatt меҳмонхонаси дам олиш хоналар фондига 220 та ҳашаматли ва шинам хоналарни, шу жумладан, 17 та апартамент индивидуал дизайн асосида безатилган хоналарни ўз ичига олади. Мехмонлар учун ресторонлар, кафе, бар, конференц ва банкет заллари, фитнес-марказ ва соғломлаштириш клуби хизмат килади.

- “Marriott International” меҳмонхонаси. Marriottning тарихи 1927 йилга бориб тақалади. Marriott корпорацияси сифатида 1927 йилда Jon Villard Marriott ва унинг хотини Alice Sheath Marriott томонидан ташкил этилган.

Мазкур жуфтлик ўзларининг билимдонлиги сабабли “Буюк депрессия” йилларидан корпорациянинг осон ўтиб кетишини таъминлай олишди. 30 ёшининг охириларида эса Jon Villard Marriott The Шоппе Инс ресторан занжирлари ва катеринг билан шугулланувчи корхона эгасига айланди. Джон Марриотт ўзининг биринчи меҳмонхонасини 1957 йилда курди. Бу меҳмонхона “Twin Bridges Marriott” дея номланган бўлиб, Виржиния штатининг Арлингтон шаҳрида курилган эди. Джон ўзининг бизнесини ягона фамилияли қилишни ният қилган эди ва кейинчалик компания бошқарувини ўғлига топширди. Кичик Марриотт ҳам бу ишда отасидан колишимади. 1964 йил компания “Marriott Corporation” номига ўзgartирилди. Корпорация меҳмонхона ва ресторан бизнеси билан боғлиқ барча соҳаларга эътибор беришни бошлади. 1977 йилда франшиза орқали миллиардлаб фойда олишни бошлади.

Корпорация 80-йилларнинг охирига келиб учта концепция ишлаб чиқиб фаол равишда иш юритди. Бу компания АҚШнинг учта секторида фаолият юрита бошлади, яъни тўлиқ комплекс хизматли

мехмонхоналар (Marriott suites), қиммат бўлмаган меҳмонхоналар (Residence Inn) ва қиммат бўлмаган меҳмонхоналар (Fairfield Inn).

Ҳозирги кунда АҚШ ва 64 та давлатда 3400 га яқин обьекти мавжуд бўлиб, 150 мингдан ортиқ хизматчилар фаолият олиб борадилар. Хоналар сони эса 700 мингта яқин. 2010 йил 10 наябрда келтирилган маълумотга қараганда Marriott International 2015 йилгача 600 га яқин меҳмонхоналарни кўпайтиришни маълум килган.

Marriott International меҳмонхоналари баидлиги дунёнинг бошқа рақобатчиларининг ўртacha ҳисобидан 10% га ортиқ. Шу билан бирга, бевосита рақобатчиларига қарагандা, Marriott International меҳмонхоналарининг анча қиммат таърифлари ҳам мавжуд. Бир меҳмонхона занжири 14 та меҳмонхона занжирларини ўз ичига олади. Бу улкан компанияни бошқариш учун ҳам катта маҳорат керак бўлади. Лекин, бунча меҳмонхона занжирига қарамасдан бронлаш тизими ягона саналади.

5.2-жадвал

Marriott компанияси таркибига кирувчи меҳмонхона занжирлари


Big Boy (restaurant)	Marriott Rewards
Courtyard by Marriott	Nickelodeon Resorts by Marriott
Fairfield Inn by Marriott	Renaissance Hotels
JW Marriott Hotels	Residence Inn by Marriott
JW Marriott Kuala Lumpur	Ritz-Carlton
Marriott ExecuStay	Spring Hill Suites
Marriott Hotels & Resorts	Town Place Suites

Манба: Жадвал муаллиф томонидан www.marriott.com маълумоти асосида тузган.

Жаҳон меҳмонхона индустриясида меҳмонхоналар хизмат кўрсатиш ва қулайлик даражасига қараб, қуйидаги сегментларга ажратилади ҳамда меҳмонхона компанияларининг сони ҳам кўпайиб бормоқда:

- luxury – люкс;
- upper upscale - энг юқори класс;
- upscale - юқори класс;


- upper midscale - ўрта класс - түлиқ хизмат;
- midscale - ўрта класс чекланган хизматтар.



5.2-расм. Жаҳондаги етакчи меҳмонхона компаниялари сони (2020 йил июнь ойи ҳолатига кўра)⁹

Бугунги кунда жаҳондаги етакчи меҳмонхона компаниялари сони кўпайиб, меҳмонхоналар саноати рақобатга тўла ва глобаль саёҳатчилар оқимининг кучайиши ҳисобига ўсишда давом этмоқда. Бу компаниялар обьектларни қуриш, сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ. Баъзи шаҳарларда ва мамлакатларда кутилмаган тарзда эмас, режалаштирилган тарзда янги меҳмонхоналар ташкил этилди. Хусусан АҚШда 2020 йил март ойида 5700 дан ортиқ кўчмас мулк обьектлар умумий жойлаштирув воситаларига айлантирилди. Нью-Йорк шаҳрида энг кўп янги турар-жой лойиҳаларини амалга оширилди, натижада – АҚШ жаҳонда етакчи энг самарали янги умумий жойлаштириш воситалари қурилган мамлакатга айланди.

⁹ <https://www.statista.com/statistics/197869/us-hotel-companies/>



5.3-расм. Дунёдаги етакчи меҳмонхона компаниялари хоналари сони (2020 йил июн ҳолатига кўра)¹⁰

Дунёдаги етакчи меҳмонхона компаниялари хоналари сони ҳам кўпайиб, унда энг олдинги ўринни Marriott меҳмонхона занжири эгаллайди ва жорий йилда унинг хоналари 1400693 тани ташкил этди. Аммо, Luxury сегментига кирадиган меҳмонхоналар факат Intercontinental тизимига мансуб меҳмонхоналар саналади. Intercontinental меҳмонхоналари IHG тизимини энг юқори сегменти хисобланади ва асосий даромадни шу бренд орқали топади.

Халқаро миқёсда занжирли меҳмонхоналарни бир неча киёсий таҳлил орқали меҳмонхона фаолиятининг қай даражада олиб борилаётгани ва молиявий ҳолатини кўриш мумкин бўлади. Шунга асоссан, меҳмонхоналар энг яхши хизматларни кўрсатишга ихтинослашса, уларга бўлган мижозларнинг талаби ортиб боради. Бу борада дунёдаги меҳмонхоналар мавжуд бўлиб, улар куйида келирилган давлатларга тўғри келади:

¹⁰ <https://www.statista.com/statistics/197859/total-number-of-guestrooms-of-us-hotel-companies-worldwide/>

5.3-жадвал. Дунёда энг яхши хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар рўйхати¹¹

№	Меҳмонхона номи ва жойлашган давлати	Меҳмонхоналарнинг асосий хусусиятлари
1	Сингита Лодге, Серенгети, Танзания	<p>Мазкур меҳмонхона ходимлари “жуда яхши” тарбия кўрган. Муассаса даромадининг бир қисми атрофдаги жой ҳимояси учун сарфланади. Бу еса ўз навбатида ходимларнинг оиласарини кўллаб-кувватлайди. Бу механизм меҳмонхонада ҳайратланарли даражада баҳти ва ажойиб мұхитни ҳосил қиласди</p>
2	Сачер, Вена, Австрия	<p>Бу ердаги хизмат кўрсатиш ва муаммоларни ҳал қилиши тезлиги доим юқори даражада бўлади</p>
3	Кемпински Адлон, Берлин, Германия	<p>Умбу оиласий меҳмонхона мижозлар сўровини қондириши учун қўлидан келган барча ишини қиласди</p>
4	Ариа, Будапешт, Венгрия	<p>Меҳмонхонадаги мусиқа билан шугулланувчи оқсоч одатий сўровларга жавоб берниб, мусиқанинг турли жанрларига яхши тушунади ва мижозларга керакини таклиф қиласди</p>
5	Вилла Фелтринелли, Гарнино, Италия	<p>Бу ернинг ходимлари яхши тарбия кўрган, хотиржам, классик услугга риоя қиласди ва меҳмонларга замхўр бўлади. Ҳамда улар Европадаги хусусий қасрларнинг хизматчиларига ўхшайдилар.</p>
6	Аманему, Исе-Сима, Япония	<p>Аманему меҳмонхонаси Исе-Дзингу синтоистлар ибодатхонаси яқинида жойлашган. Унинг эгаси шарқнинг анъанаий қадриятлари асосида тарбия кўрган, меҳмонларга замхўрлик қиласиган, меҳрибон, хушмуомала ва профессионал ходимларни танлайди</p>

¹¹ <https://daryo.uz/2017/08/24/dunyoda-eng-yaxshi-xizmat-korsatuvchi-mehmonxonalar-royxati-foto>

Ушбу жадвалда келтирилгандек, туризм соҳасида меҳмонхоналар ўзларининг кўрсатадиган хизматлари туфайли туристларга ёкиб қолганлиги боис, мазкур соҳада муҳим ўринни эгаллайди.

Хозирги кунда меҳмонхона корпорациялари меҳмонхона хизмати бозорида мустаҳкам ўрнашиб олган. Бутун дунёдаги йирик шаҳарларда улкан меҳмонхона занжирларига тегишли меҳмонхоналар мавжуд. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Хозирги кунда дунё меҳмонхона занжирлари Ўзбекистоннинг меҳмонхона бозорини фаол равишда эгалламоқда. Кўпгина шаҳарларда асосан пойтахтда дунёнинг улкан меҳмонхона занжирлари номи пайдо бўляпти.

Меҳмонхона занжири - бу бир хил дизайндағи, бир хил даражадаги хизматлар тури, бир хил хизматлар, мижозга бир муомала, муносабат, қараш йўлиниң ўхшашигини ўз ичига оладиган меҳмонхоналарнинг бирлашган ҳолатдаги жамланмасидир. Одатда, меҳмонхона занжириги тегишли бир меҳмонхона занжирдаги бошқа меҳмонхоналарнинг қандайлиги ҳақида гувоҳлик бера олиши мумкин. Шундай килиб, меҳмонхона занжирларига тегишли меҳмонхоналар материал-техникавий ва хизматларнинг бир хиллигига қаттиқ риоя килишади. Меҳмонхона занжирлари бир давлатда ёки бир неча давлатларда фаолият юритишади, яъни миллий ёки ҳалқаро бўлиши мумкин. Дунёдаги энг йирик меҳмонхона занжирлари куйидагилардан иборат¹²:

- Marriott International, Inc.;
- Hilton;
- AccorHotels;
- Wyndham Hotel Group;
- Hyatt Hotels Corporation;
- Jin Jiang International Hotel Management Co. Ltd.;
- Shangri-La Hotels and Resorts;
- Meliá Hotels International;
- InterContinental Hotels Group PLC (IHG);
- NH Hotel Group.

¹² <https://tophotel.news/get-know-five-biggest-hotel-chains-world/>

Ҳар бир меҳмонхона занжирининг дикқат марказида занжирга кирадиган меҳмонхоналарни устувор юксалтиришга қаратилган ўз ҳисоб-китоб тизими мавжуд. Шуни таъкидлаши жоизки, меҳмонхона резервацион тизимининг ўзи интеграция жараёнларига таъсир кўрсатиши керак. Бундай тизимларда электрон заҳирани киритиш киммат ва мустақил меҳмонхоналар буни амалга ошира олмайди.

Меҳмонхона занжирларини бошқаришнинг тўғри ташкил этилгандиги, уларнинг дунё бозорига қай даражада кириб боришига ва у ерда ўз мавкеига эга бўлишига ёрдам беради. Ҳар бир меҳмонхона занжирлари ўзининг классификациясига, жойлашган жойи ва стратегиясига эга. Битта меҳмонхоналар занжирига ҳар хил категорияга тегишли меҳмонхоналар кириши мумкин.

Европада шундай меҳмонхона занжирлари борки улар арzon меҳмонхоналар бирлашиши орқали вужудга келган. Уларга Formula 1, Etap, Premier Class ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин. Аммо, Европада юқори классификацияли меҳмонхоналар бирлашган меҳмонхоналар занжирлари ҳам мавжуд. Уларга Sheraton, Forte, Le Meridien кабилар киради.

Кўпгина меҳмонхоналар занжирларининг бошқармаси АҚШда жойлашган. Аммо, фойда бошқа давлатлардан олинади. Корпоратив меҳмонхона занжирларига кирувчи меҳмонхоналарнинг ҳаммаси ҳам шу меҳмонхона занжирларининг шахсий меҳмонхоналари ҳисобланмайдилар. Бу меҳмононалар ўзининг хўжанига эга бўлиши мумкин. Меҳмонхоналарнинг меҳмонхоналар занжиридаги иштироки эса ижара шартномалар, франшиза ва бошқалар асосида олиб борилади. Бу эса меҳмонхоналарда хоналар бандлигини таъминлашда устунликка йўл очади. Халқаро меҳмонхона занжирлари ўзининг марказий таъминот корхоналари, марказий ўқитиши муассасалари, мебель, жихоз ва ускуналарни ишлаб чиқариш корхоналари, тузатиш фабрикаларига эга.

Меҳмонхона занжирлари билан бирга меҳмонхона брендлари ҳам ривожланиб бормоқда. Бренд ва савдо маркаси – бу икки тушунча орасида боғлиқлик бўлса ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласди. Махсус ваколатли идорада мажбурий рўйхатдан ўтган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонани ажратиб

кўрсатувчи белгиси савдо маркаси хисобланади. Савдо маркасининг автори буни қадоққа ёки маҳсулотнинг ўзига жойлаштириши мумкин. Рўйхатдан ўтган товар белгисига, у кимга тегишилиги ҳақида гувоҳнома берилади, бу гувоҳномадан фақат ёлғиз ўзи фойдаланиши мумкин. Савдо маркаси маҳсулот учун ўйлаб топилган образ хисобланади ва бу марка бренднинг асоси хисобланади.

Бренд - бу харидорнинг онгида сакланиб қолган маҳсулотнинг савдо маркасидир. Бренд ва савдо маркаси маҳсулотни бозордаги бошқа маҳсулотлардан ажратиб олиш имкониятини беради. Маҳсулот бозорида савдо маркаларининг кўп микдорда бўлиши сабабли инсон онгида савдо маркасидан кўра бренд номи кўпроқ сакланиб қолади. Савдо маркаси кўп ташкилотларда бўлиши мумкин, аммо бренд ҳаммада ҳам бўлавермайди. Бренд ва савдо маркасининг сезиларли фарқи шундаки, айрим харидорларга маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга, айримларга фарқи йўқ.

Бренднинг асосий мақсадларидан бири бошқа брендлардан ажралиб туриши, рақобатбардош бўлиши ва юқори нархларни ўрната олишидир. Качонки харидор ушбу меҳмонхона маҳсулотининг устунлик томонларини сезсангина бунга эришиш мумкин. Шунда харидор, баланд баҳодаги меҳмонхона маҳсулоти ёки хизматидан фойдаланади.

“Меҳмонхона брендини ҳар қандай соҳада яратиш мумкин, бундан ташкари – хўжалик брендига на фақат меҳмонхонада меҳмонхона бизнесини таклиф этган меҳмонхона маҳсулоти, ўз-ўзидан мазкур ҳудуд, мамлакат ва дам олиш маскани айланиб бормоқда. Жойлаштириш, аниқлаштириш, боғлантириш ва ваддалар – бу меҳмонхона-хўжалик бренди стратегиясининг асосидир”¹³.

Меҳмонхона маҳсулотининг савдо маркаси – расмий, юридик тушунчаси бўлиб саналса, бренд эса харидорнинг онгида сакланиб туради. Бренд тушунчаси кенгроқ хисобланиб, унга меҳмонхона маҳсулотидан фойдаланиш гартиблари, маҳсулот билан боғлиқ

¹³ З.И. Тимошенко, Г.Б. Мунин, В.П. Дышлевой Маркетинг гостинично-ресторанного бизнеса 2011-2017 tourism-book.com

ўзгаришлар, фойдали маслаҳатлар киради ва бренд муаллифи томонидан киритилаётган янги маълумотлар кузатиб борилади.

Мехмондўстлик саноатида брендингнинг асосий вазифаси истеъмолчиларда унинг савдо белгиси билан боғлиқ ижобий хulosаларни шакллантириш ва янада ривожлантиришдан иборат. Мехмондўстлик ташкилотлари брендди алоҳида маънога эга бўлиб, у рационал ва эмоционал элементларни ўз ичига олиб, компаниянинг моддий ва номоддий қиймати орқали ифода этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, меҳмонхона сегментлари кўп бўлишига карамай, деярли барча бренд меҳмонхона ташкилотларини тузилиш белгилари бирлаштиради. Бироқ, бир бренднинг бошқасидан фарқи, одатда, оддий қўшимча хизматлар кўрсатиш, муайян мижозлар гурӯхларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Таянч иборалар: Замонавий ёндашув, тенденция, ташқи бозор, ички бозор, меҳмонхона хизматлари, меҳмонхона бизнеси, меҳмондўстлик индустрияси тенденцияси, меҳмонхона имиджи.

Назорат учун саволлар

- 1. Меҳмондўстлик индустриясига замонавий ёндашув нималардан иборат бўлади?**
- 2. Жаҳон мамлакатларида меҳмондўстлик индустрияси тенденциясининг ҳолати нималар билан белгланади?**
- 3. Меҳмондўстлик индустриясининг ривожланиши йўналишлари нималардан иборат бўлади?**
- 4. Меҳмондўстлик индустриясида меҳмонхона занжирлари ва брендлари деганда нимани тушунасиз?**

VI БОБ. МЕХМОНДЎСТЛИК СОҲАСИДА ПЕРСОНАЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА КАДРЛАР МЕНЕЖМЕНТИ

6.1. Мехмондўстлик соҳасидаги ходимларни бошқариш тушунчаларининг мозияти ва мазмуни

Жаҳон туризми бугунги кунда иқтисодиёт соҳалари ичидагаромад келтириши бўйича юқори ўринни эгаллайди. Мехнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларининг юқори бўлишини таъминлайди. Чунки, меҳмондўстлик соҳаси ривожланаётган мамлакатларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада меҳмонхоналарда ходимлар фаолияти тўғри ташкил этилиб, уларнинг салоҳиятидан тўғри фойдаланиш иқтисодий муваффакиятни таъминловчи омил бўлиб қолмоқда.

Меҳмонхоналарда ходимлар билан ишлаш жараёнини ташкил этиш аввало, унда ишлайдиган ходимнинг фаолияти билан боғлиқ саналади ҳамда у турлича талқин қилинади. Маълумки, “ходим” сўзи ўзбек тилининг изоҳли лугатида “бирор-бир муассасасада ишловчи киши ёки хизматчи” маъносида талқин этилади. Бошқарув амалиётида “ходимлар”, “кадрлар” ва “меҳнат ресурслари” каби бошқарув объектлари алоҳида ажратиб кўрсатилади ва улар категория сифатида куйидагича талқин қилинади:

6.1-жадвал.

Ходимлар категориясининг турлича изоҳланиши¹⁴

Категория	Категорияларнинг мазмуни	Вужудга келиш омиллари
Ишчи кучи	Меҳнат жараёнидаги учумли фойдаланиши мумкин бўлган қобилият ва сифатлар эгаси	Шахсий омилни белгилаш ва ҳисобга олиш
Меҳнат ресурслари	Ташкил бошқарувнинг номфаол обьекти ва режалаштириши-ҳисоблаши бирлиги	Иқтисодиётни марказлашган бошқарув шароитида ишчи кучини тақрор ишлаб чиқарши кўрсаткичларини ўлчаш

¹⁴ Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Меҳнат. 2004. - 339-340 б.

Мехнат потенциали	<i>Мехнат соҳасидаги эҳтиёж ва қизиқилилари билан ажralиб турувчи субъект</i>	<i>Шахсий омил билан бозлиқ имкониятларни фаоллаштириш ва ундан самарали фойдаланиши</i>
Инсон омили	<i>Ижтимоий ишлаб чиқарининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва мезнат унумдорлигини ошириш воситаси</i>	<i>Ижтимоий-сиёсий шартшарот ва шахсий омил самарадорлигини ошириши</i>
Инсон капитали	<i>Энг самарали қўйигма обьекти ва уларни билимлар мажмугига айлантирувчи ва сўнгра ундан фойдаланишини мақсад қилган субъект</i>	<i>Инсон қадрияти ва унинг иқтисодиётга сарфлаган инвестицияларнинг ишлаб чиқариш хусусиятини зътироф қилиши</i>

Мамлакатимиз ва хориж олимларининг фикрларини таҳдил қилган ҳолда “ходимлар” сўзини турлича талқин қилиш мумкин. Хусусан, “ходимлар” сўзи йиғма маънога эга, яъни малакавий хусусиятлар бўйича бирлашган ва корхона ва муассасаларнинг шахсий таркибини англатади. “Кадрлар” сўзи ҳам унга ҳамоҳанг сўз сифатида корхона, муассаса ёки малакали гурухларнинг асосий тайёрланган ходимлар таркибини ташкил қиласди. Шуларга асосан, “инсон ресурслари” ёки “мехнат ресурслари” маъносини ҳам ёритиш мумкин бўлади. Инсон ресурсларини бошқариш ходимларни бошқариш билан шуғулланадиган ва яхши менежерлар қўллаши лозим бўлган янги атамадир¹.

Шундай қилиб, меҳмондўстлик соҳасидаги ходимларни бошқариш тушунчалари турлича талқин қилиниб, бошқарув обьекти сифатида қаралади. Ушбу тушунчалар ҳамжиҳатликда пировард натижага эришиш мақсадида ягона ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тизими доирасида фаолият кўрсатади.

6.2. Кадрлар бошқаруви зарурати

Сўнгти йилларда меҳмонхона саноатида янги технологияларнинг кенгайиши иш жойларининг кисқаришига олиб келди. Бу эса меҳнатни ташкил этишда муқобил усувларнинг қўлланиши ва бошқарувда ижодий ва янгича ёндашувларнинг кўпайишига олиб

¹ Kuming M.V. The Theory and Praktike of Personnel management. Sixth edition, Heinemann, 2000.

келди. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда бошқарув муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар ходимларни бошқариш муаммолари билан шуғулланиб бормоқдалар. Ходимларни бошқариш мухим бир жараён сифатида ходимларни танлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улар ўргасидаги муносабатлар за уларни рағбатлантиришини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги қабул қилинган Фармонига¹⁵ асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, унинг IV банди ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари деб номланади. Унинг 4-банди “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” ўз ичига узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттиришни слади.

Кадрларни тайёрлашнинг натижаси ходимлар фаолияти бўлиб, уни тайёрлашга катта меҳнат сарф қилинади ва меҳмонхона фаолиятининг фаол бўгини бўлиб қаралади. Бунда ходимларни бошқариш мазкур қудратли фаол бўғинларни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради, менежменти тизими ва услубини тарқатишна кўшилган катта хисса бўлиб ҳам хисобланади. Меҳмонхоналарда энг мухим масала кадрлар бошқаруви амалиёти бўлиб, бунда танланадиган кадр мижозларнинг талабларига жавоб бериши талаб қилинади.

Ходимларнинг кўпчилиги мижозлар билан бевосита алоқа қиласи ва меҳмонхонанинг асосий мақсадларига эришиш жараёнига ўз-ўзидан жалб қилинади. Бунда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати уларнинг маҳорати ва онглилик даражасига боғлиқ бўлади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда). Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

Хизматлар кўрсатишида мижозларни қаноатлантиришга ходимларнинг хушмуомалалиги ва жонкуярлиги билан эришилади. Бунда мижозлар билан бўладиган алоқани самарави бошқариш ходимларни бошқаришнинг муҳим функциясига айланади.

Мехмонхона саноатида айрим ходимлар ёрдамчи қисм, деб қаралади. Ходимлар меҳмонхонанинг ишига ёрдамлашади ва унинг иш фаолиятини амалга оширишга ўз хиссасини қўшади. Бундан пировард мақсад бўлиб, ходимлар ва уларнинг мажбуриятлари, шунингдек, ходимлар ўртасидаги оқилона муносабатларнинг аҳамиятининг ошиши саналади. Ҳамда бу тушунча узоқ истиқболда бизнеснинг бош стратегияси сифатида қаралади. У орқали мижозлар учун хизмат кўрсатишига кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади. Мижоз учун кейинчалик ходим сифатида фаровонлигини ошириш ва уларни ривожлантириш ва ташаббускорликни оширишга маблағ сарфланади.

Ҳозирги кунда кадрлар билан ишлапда сифатга эътибор кучайтириш лозим. Бу эса меҳмонхона саноатида малакали ходимлар билан таъминлантишига хизмат қиласди. Бу хизмат мураккаб хукукий муҳитга мос бўлиши ва таркиб топиши лозим. Кадрларни ишига қабул қилин, у юқори малакали ходим бўлиши ва унинг меҳнатига муносиб ҳак тўланиши лозим. Шу боис, кадрларни бошқариш хизмати меҳмонхоналарга ўзгарувчан бизнес муҳитида ўз ўрнини топиш имконини берадиган жараёнларни бошқара олишига ва касбий жиҳатдан ўшишига хизмат қиласди.

Кадрларни бошқарув соҳасига меҳмонхоналарнинг ходимлар бўйича менежерлари кўп вақт сарфлаши талаб қилинади ва олий раҳбарият томонидан ва назорат қилиб борилиши лозим. Бунда меҳмонхоналар томонидан уларнинг натижалари ўрганилиб борилади ва кейинчалик қисқа муддатли фойда келтиришига эришилади. Бирок, меҳмонхона менежерлари ходимлар билан ўзаро муносабат ва ходимлар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш масалаларига эътибор қаратилиши лозим.

Умуман, кадрлар бошқаруви меҳмонхона сиёсати сифатида меҳмонхона фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди ва аъзоларнинг ютуқлари бўлиб хизмат қиласди. Бунда

маънавий мухит, меҳнатдан қаноатланишни яхшилаш каби фойдани хисобга олиш керак. Шулар қаторида бўлғуси ходимларнинг хулқатвори ва малакаси, кадрларни бошқариш хизматининг оқилона сиёсати ва самарали фаолияти ижобий таъсир кўрсатади.

6.3. Мехмондўстлик соҳасидаги ташкилотларда кадрлар менежменти тизими

Ҳар қандай корхона ва ташкилотни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ва қисқа муддатли режаларини амалга ошириш унинг ходимлари томонидан, яъни жалб қилинадиган инсон ресурслари томонидан кўпинча ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш функциялари, деб аталувчи муайян сайди-харакатларнинг бажарилишини назарда тутади. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдаги хулқ-атвор атамасини ишлатиш анча тўғрироқ бўлади, чунки у ўзига факат техникавий кўникмаларни эмас, балки хулқ-атвортага доир кўникмаларни назарда тутади.

Кадрларни бошқариш умумкорпорацияйи тизимадаги кичик тизим сифатида мураккаб тизим хисобланади. Бу бошқариш тизими чет эл ва Ўзбекистондаги илғор тажрибаларга таяниб шалдлантириш, фойдаланиш, барқарорлаштириш ва бошқаришнинг ўзини (режалаштириш, хисобга олиш, баҳо бериш ва ривожлантириш) камраб олади.

Мазкур жараёндаги хулқ-атвор ташкилот фойдаланадиган моддий ва табиий ресурсларга, унинг тузилиши ва маданиятига боғлиқ бўлади, лекин биринчи навбатда ташкилий мақсадлар билан белгиланади. Масалан, итальян таомларига ихтисослашиш хисобига ҳаромад олишни 20 % купайтиришга эришган рестораннынг ошпазлари итальян таомлари рецептларини яхши билишлари ва шундай таомлар тайёрлаш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Официантлар эса итальян таомларининг хусусиятларини хўрандаларга зўр ихлос билан тушунтира олишлари, таом ва виноларни тавсия кила билишлари лозим.

Корхона ходимларининг ишлаб чиқаришдаги хулқ-атвори корхонанинг мақсадларига эришишга қанчалик яқин бўлса, улар ишининг самарадорлиги, инсон ресурсларидан фойдаланиш

самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Демак, инсон ресурсларини бошқариш вазифаси ташкилий мақсадларга эришиш учун ҳар бир ходимнинг талаб қилинган хулқ-авторини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, ходимни бошқаришнинг сифат ҳусусияти, яна микдор ҳусусияти мавжуд. Яъни, корхона ўз мақсадларига эришиш учун зарур бўладиган микдордаги ходимлар сонига эга бўлиши лозим. Инсон ресурсларини бошқариш корхонани ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун талаб қилинадиган зарур микдордаги ходимлар билан таъминлашдан иборат бўлади.

Алоҳида олинган ҳар бир ходимдан самарали фойдаланиш унинг талаб қилинган ишни бажара олиш қобилиятига боғлик. Қобилият дейилганда ходимда ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун касб малакасининг мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний куч-қувват ва чидамлилик, ўқувлилик, умумий маданият борлиги ва шу кабилар тушунилади.

Корхонанинг мақсадига эришмоқ учун касбга доир вазифаларни бажара олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, ходим канчалик малакали бўлмасин, унинг меҳнат унумдорлиги унинг ишлари истагига ва меҳнат қилиш сабабига боғлик бўлади. Фақат меҳнат қилиш сабаби ва касб-маҳоратини бирга кўшиб олиб бориш мақсадга эришишини таъминлайди.

Меҳнат қилиш сабабига кўпгина омиллар мукофот берилиши, касбий жиҳатдан ўсиш ва унинг истиқболи, ходимнинг умумий маданият даражаси ва хоказолар таъсир килади. Ходимнинг касбга доир вазифаларни бажариш қобилияти қўйидаги омиллар билан белгиланади:

- ходим корхонага келганда ўзининг потенциали;
- у корхонада оладиган касбга доир таълим;
- унинг жисмоний ва маънавий аҳволи;
- ходимнинг корхонадан олган баҳоси.

Хуллас, инсон ресурсларини бошқариш талаб қилинган малакани ва сабабини таъминлаш корхонанинг талаб қилган ходимини ташкилотни олиш ва уни сақлаб колишидан, унга касб таълими бериш ва ривожлантиришдан, ҳар бир ходимнинг фаолиятига ташкилотнинг мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан баҳо

беришдан иборат бўлиб, шу билан бирга ходимнинг хулқ-авторига тузатишлар киритиб бориш, унинг сарфлаган куч-тайратига қараб рағбатлантириш имконини ҳам беради.

Хозирги жамиятда мавжуд бўлган корхона лар қанчалик хилманил бўлмасин, фаолиятлари ҳам турлича бўлмасин, улардан ҳар бирининг ишида юқорида санаб ўтилган фаолият турлари мавжуд бўлади. Инсон ресурслари билан ишлагандан ҳар бир корхона ўзининг фаолиятига хос хусусиятлардан қатъий назар, мақсадга мос вазифаларни бажаради.

Биринчидан, ҳар бир корхона ўз мақсадларига эришиш учун зарур бўлган инсон ресурсларини, яъни ходимларни жалб қиласди. Ходимларни танлаш усуллари ташкилотнинг фаолият хусусиятларига ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлади, масалан, армияга давлат чақириғи, институтта танлов имтиҳонлари, сиёсий ташкилотлар аъзоларини жалб қилиш кабилар. Бугунги кунда ходимни корхона билан боғлашнинг кенг тарқалган усули уни ишга ёллашдир, яъни корхона билан шахс ўртасида шартнома тузишдир. Шу шартномага мувофиқ ўзининг ташкилотта мос жисмоний ва интеллектуал салоҳиятларини моддий рағбатлантириш ҳисобига муайян муддатта айрбошлайди.

Иккинчидан, истисносиз барча корхоналар ўз ходимларига “таълим беради”лар, бундан мақсад ўз олдиларида турган вазифаларни тушунишириш ва ходимлар кўнимкаси ва малакасини ана шу вазифаларни мослаштиришдир. Бу ерда “таълим бериш” сўзларининг қўштироқ ичига олинишига сабаб шуки, ташкилотнинг ходимга кўрсатадиган таъсири турли шаклда бўлиши мумкин.

Учинчидан, ташкилотлар ўз мақсадларига эришишда ходимларидан ҳар бирининг иштирок этишига баҳо беради. Корхона турлари кўп бўлганидек, баҳо бериш шакллари ҳам турлича. Булар саф олдида миннатдорчиллик билдириш, унвонини ошириш, навбатдаги разряд бериш, ҳар йилги аттестациядан ўтказиш ва хоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳар бир корхона ўз ходимларини маълум бир шаклда рағбатлантиради, яъни улар корхона нинг мақсадаларига эришиш

устида меҳнат қилиб, сарфлаган вақтлари, куч-куватлари, ажл-идроклари ўрнини тўлдирадилар. Рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган ва одатдаги шакли албатта, пул билан мукофотлаш ёки иш ҳаки тўлашдир.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар ҳар бир корхонада мавжуд. Бироқ, улар турли шаклларда турлича даражада бўлиши мумкин. Агар ташкилот мазкур вазифалар билан шугуулланмас экан, унинг инқирозга учраши муқаррар. Шундай қилиб, ташкилот мувваффакиятли ривожланиши учун ходимни танлаш, ўқитиш, баҳо бериш ва рағбатлантириш, бошқариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишининг алоҳида усуллари, тадбирлари, дастурларини ишлаб чикиши, фойдаланиши ва уларни такомиллаштириши зарур.

Биргаликда олинган бу усуллар, тадбирлар ва дастурлар инсон ресурсларини бошқариш тизимларидан иборат бўлади. Анъанавий равишда бундай тизимлар тўртта бўлиб, улар инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий вазифаларига тўғри келади. Яъни, бу тизимлар ходимни танлаш, ходимни ўқитиш ва ривожлантариш, ходимга баҳо бериш ва ходимни рағбатлантиришдир. Баъзан бу сўнгти икки тизим бир-бирига чамбарчас боғлик бўлганилиги сабабли улар бирлаштирилади.

6.4. Меҳмонхона ходимларини бошқариш самарадорлиги

Гурухнинг самарадорлиги дейилганда гурухнинг умумий мақсадларини амалга ошириш даражаси тушунилади. Айrim тадқиқотчилар бунга гурух аъзоларининг бу ерда бўлишдан қаноат хосил қилишини ҳам қўшадилар. Бу билан шахснинг алоҳида эҳтиёжлари гурух фаолиятининг ижтимоий аҳамияти билан қўшилиб кетади.

- маълумотларнинг биринчи қисми киши диққатини гурух ишлаётган муҳитга қаратади. Одатда бу менежерлар гурухлари тузиладиган корхонадир. Унда гурух фаолиятининг эркинлиги бирмунча чекланган бўлади, чунки ҳар қандай корхонанинг иш юритиш усуллари ва йигилишлар ўtkазиш коммуникация алокалари ва шу каби муайян меъёрлари бўлади. Гурух етакчисининг корхона доирасидаги тутган ўрни бўлиб, у гурухнинг самарадорлиги, унумдорлиги, маънавий ва жисмоний ҳолатига таъсир кўрсатади.

- кўпгина тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, хатто гурухнинг корхонада жойлашуви ҳам унинг холатига тъисир кўрсатади. Яъни, унинг худудий яқинлиги, битта бинода ишлани одатда ҳамкорликда ишлашга ёрдам беради, гурухнинг турли жойларда ёки хатто бинонинг турли қаватларида жойлашганини унинг самарали ишланишига халакит бериши мумкин.

- вазифанинг тури гурухнинг талаб килинадиган =ажми ва таркибини белгилаб беради. Масалан, ахборот тарқатиш кўпроқ миқдордаги иштирокчиларни талаб қиласди. Уларнинг сони ўзига хос муаммоларни ҳал қилишдагига нисбатан кўп бўлади. Тошибироқларнинг таксимланиши таркибий ёндашувидан фойдаланиш имконини беради, гояларни ифодалаш эса зарур даражадаги пухталикни талаб қиласди. Гурухнинг вазифалари вақт ва жойига қараб бўлиниши керак. Вазифанинг муҳимлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Яъни, вазифа қанчалик муҳим бўлса, гурух уни бажариш учун шунчалик кўп масъулият ҳис қиласди.

Пировард натижада ҳар қандай вазифанинг барча жиҳагларини белгилаб олиш зарур, бу гурухнинг энг мақбул таркиби ва хажмини аниқлаш, вазифани бажариш учун вақт белгилаш учун керак бўлади.

- гурухнинг сони ютуклар ва камчиликлар ўртасидаги “ўрта миёналик” хиссини акс эттириш ифодасидир. Бир томондан гурух қанча катта бўлса, шунча хилма-хил билим ва малака талаб қилинади. Иккинчидан, катта гурух унинг ҳар бир аъзосининг иштирок этиши ва тъисир кўрсатишни чеклаб қўйиши мумкин.

Кўпгина тадқикотлар олиб борилмоқдаки, улар кичик гурух тушунчасига аниқлик киригади. Гарчи изланётган таъриф билан жамоанинг функционал вазифаси ўртасида мустаҳкам боғланиш бўлса ҳам, кўпгина олимлар 20-йиллардаёқ, россиялик педагог олим Макаренко айтган фикрга қўшиладилар. Гурух яхшиrok натижа бериши учун муайян даражада тажрибага эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, гурухга аъзолар керак бўлади, улар гурух олдига қўйилган хилма-хил вазифаларни бажаришга ҳисса қўшадилар.

Гурухда кимлар бўлиши мақсадга мувофиқлиги малакасини ўрганишга кўпгина олимлар ўз тадқиқотларини бағишилаганлар. Гурухда бир хил типдаги кўгилаб кишиларнинг бўлиши музозанат-

нинг бузилишига олиб келади. Одамлар сони етарли бўлмаса топшириқни бажармай қолиш хавфи туғилади. Чамаси, кичик командада бир киши бир неча вазифани ўйнайди. Тез-тез ўзгариш содир бўлиб турадиган жамоаларда одамларнинг тўлиқ бўлиши айниқса муҳимдир, холбуки анча барқарор гурухларда одамлар сони унчалик тўлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шу муносабат билан Р.М.Белбин таклиф қилган менежерлик гурухини ташкил этиш хақидаги қуйидаги тамойиллар анча кизиқарлидир:

- гурухнинг самарадорлиги унинг аъзолари касб вазифаларида ва гурух ичида вазифаларда ўз кучларини қанчалик тўгри тақсимлаб олишларига боғлиқ бўлади;

- ҳар бир гурух вазифаларнинг маълум даражада мувозанатли тақсимланиши билан ажралиб туриши зарур ва энг мақбул ҳусусият гурухнинг максадлари ва вазифаларига боғлиқ бўлади;

- гурух аъзоларининг шаҳсий ҳусусиятлари уларнинг бир хил вазифаларни яхшироқ бажаришлари ва бошқа вазифаларни бажаришдаги имкониятларини чеклашга сабаб бўлади;

- гурух ичida вазифаларни тегишли кишилар бажарган тақдирда гурух ўз ресурсларидан энг яхши фойдаланишига муваффақ бўлади.

6.5. Мехмонхона ходимларини бошқариш тизимини тақомиллаштириш усуслари

Ҳозирги пайтда туризм корхоналарида халқаро стандартлар принципига асосланган бопқарув тизимини яратмасдан туриб хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш мумкин эмас. Мехнат ресурсларига кўйиладиган талаблар юқоридаги барча стандартларда мавжуд. Шу талабларга асосан ходимлар асосий капиталга тенглаштирилади, уларга қилинган харажатлар узоқ муддатли инвестиция деб қаралади. Кадрларни режалаштириш хизмат кўрсатиш жараёнини режалаштириш билан боғланиб, ишчи-ходимлар корпоратив стратегиянинг обьектига айланадилар. Натижада бу жараён сертификатланган хизматлар истеъмолчиларини малакасиз ва виждонсиз “мутахассислар”дан ҳимоялайди.

Ходимларнинг малакавий даражасини сертификатлаш уни маълум бир фаолият турига лойиклитини расмий тасдиқловчи хужжат хисобланади. Ходимларнинг малакавий даражасини сертификатлаш туризм хизматлари сифатининг ошиши ва ракобатбардошлигига олиб келади.

Сифатни бошқариш қонуний таъминотни талаб килади. Сифатни таъминлаш жараёнига замонавий қараш ТQM концепциясида ўз аксини топган. Унинг замирида товар ёки хизматлар ҳаётий циклининг исталган босқичида барча ишлаб чиқариш ресурсларини самарали бошқариш орқали сифатни мажмуали бошқариш ётади.

Туризм корхоналарининг имкониятларини кенгайтирувчи, стратегик вазифаларидан бири таклиф этиладиган хизматлар сифатини баҳолаш хисобланади. Туризм хизматлари таркибини асосий ва қўшимча хизматларга ажратишади. Бундай ажратишлар шартлидир, чунки истеъмол нуқтаи назаридан улар ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Асосий дастурга киритилган ва йўлланма билан расмийлаштирилган хизматлар асосий хисобланади. Қўшимча хизматларни турист ташриф буюрганидан сўнг мустакил харид килади, улар йўлланма нархига киритилмайди.

Асосий ва қўшимча хизмат ўртасидаги фарқ харид пайтида уларнинг туристик пакетда мавжудлиги билан белгиланади. Туристик пакет - туристлар эҳтиёжини қоёндириш учун тузилган, нархлари, класслари белгилаб қўйилган хизматлар мажмуасидан иборат.

Туризм хизматларининг тақдим этилиш сифати таҳлилини туризм соҳасининг асосий корхоналари ва билвосита хизмат кўрсатиш жараёнига жалб этилган ёрдамчи корхоналар бўйича олиб бориш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, хизматлар истеъмолчиси хизматлар сифатини асосий ва қўшимчага, туризм корхоналари, инфратузилмасини эса ёрдамчи корхоналарга ажратмаган ҳолда қабул килади.

Туризм хизматларининг сифатини бошқариш қўйидаги туризм инфратузилмаси корхоналарига боғлиқ бўлади:

- туристик хизматларни ишлаб чикувчи ва таклиф қилувчи корхоналар: чикувчи туризмга ихтисослашган туроператор ва турагентлар;

- туристларни қабул қилишга яъни, кирувчи ва ички туризмга ихтисослашган корхоналар.

Ушбу корхоналар томонидан таклиф этиладиган хизматлар сифати қуидаги туризм инфратузилмаси контрагентларига боғлиқ бўлади:

- транспорт корхоналари - авиа, авто, сув, темир йўллари транспортлари;

- жойлаштириш корхоналари - меҳмонхоналар, санаториялар, дам олиш уйлари, кемпинглар, лагерлар, спорт-согломлаштириш марказлари, мотеллар;

- овқатлантириш корхоналари – ресторон, кафе, барлар, ошхоналар.

Куийдаги корхоналарнинг фаолияти туризм соҳасига бевосита боғлиқ бўлади:

- маданий муассасалар - музей, театр, галлерея, киноконцерт заллари ва ш.к;

- спорт-кўнгилочар муассасалар - стадион, бассейн, тренажер заллари, спорт клублари;

- сувенир, ахборот-маълумотномалар, турист учун зарурий кийим ва ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар;

- ижтимоий-маишӣ хизматлар кўрсатувчи корхоналар - гўзаллик салони, тиббиёт муассасалари, кир ювиш, кимёвий тозалаш ва ш.к.

Демак, туризм хизматлари сифати юқорида санаб ўтилган корхоналар билан узвий боғлиқдир. Туризм хизматларини яратиш умумий максадларни белгилаш, дастлабки башоратларни аниклашдан бошланади. Туризм хизматига индувидуал талаб унинг таркибий сифати ва нархига боғлиқ бўлади.

Туризм турларининг хилма-хиллиги ва шаклларидан қатъий назар, ҳар бир туризм фаолияти умумий талабларни кондириши керак. Ушбу талаблар туристик хизматнинг сифатли бажарилишини таъминлайди. Туризм хизматлари сифатини баҳолашнинг асосий

йўналишларига ташкилий ресурслар, корхона тавсифи ва сервис даражасининг сифатини баҳолашниг асосий таҳлилий

кўрсаткичлари қуидагилардан иборат бўлади: меҳнат сифати яъни, ходимлар малакавийлиги даражаси, корхонадаги ташкилий-корпоратив маданияти даражаси, меҳнат ресурслари фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари. Меҳнат сифатига ходимлар таркибини баҳолашниг меҳнат кўрсаткичлари тизими ва динамикаси таъсир кўрсатса, булар эса ўз навбатида туризм корхонаси фаолиятининг сифатига таъсир кўрсатади:

- ишчи қучининг ёши таркиби. Меҳнат ресурсларининг анъанавий статистик кўрсаткичи бўлиб, корхонадаги ходимларнинг ўргача ёши ҳисобланади;

- корхона ходимларининг маълумоти даражаси ва таркиби;

- ходимларнинг иш стажи. Бу ерда ходимларнинг стаж таркиби икки томонлама кўриб чиқилиши лозим: меҳнат самарадорлиги даражаси билан бевосита боғлиқ умумий стаж ва ушбу корхонадаги узлуксиз, доимий иш стажи;

- ишчилар сони: ўргача рўйхат бўйича, ўргача келаётганлар сони ва ҳақиқатда ишлаётганларнинг ўргача сони бўйича. Кадрлар сонининг ўзгариши кўнимсизлик кўрсаткичи билан боғлиқ ва 3 йиллик ишдан сўнг бу кўрсаткич пасаяди. Кадрлар кўнимсизлигининг бир йилда 5 % ни ташкил қилиши меъёрга тўғри келади.

- ходимларнинг ички муҳитда мобиллик коэффициенти. Таҳлил даврида ўз лавозимини нечта ходим ўзгартиргани сонининг корхонадаги ўргача ходимлар сонига нисбати билан аниқланади. Мобиллик коэффициенти 1, 3, 5 йиллар учун ҳисобланади.

- мобиллик коэффициентидан ташқари ходимнинг ушбу лавозимда мукум ишлаш муддати, яъни неча фойзи 1 йилгача, 1 йилдан 3 йилгача ва ш.к. ҳисобга олинади. Бундай таҳлил корхона ичидаги алмашинувлар динамикасини яхшироқ тушуниш имконини беради ва раҳбарият аралашуви шарт бўлган „нозик жойлар”ни аниқлашга имкон беради;

- ходимларнинг адаптация кўрсаткичи меҳнат филияти самарадорлигини, ҳар хил соҳаларда ходимлар фаолигини таъминлайди ва уларнинг ишдан мамнунлик даражасини билдиради;
- корхонанинг кадрлар сиёсати ва унинг алоҳида йўналишларига ишчи-ходимлар муносабатини билиш учун анкета ва интервьюлар ёрдамида аниқлаш, таҳлил қилиш усуллари қўлланилади. Бундай тадқиқотлар корхонага тегишли бошқа кенг қўламли масалаларни ҳам қамраб олиши мумкин.

6.6. Мехмонхона персонали бўлими, персонални танлаш, уларни иш ўринларига қўйиш, ўргатиш, уларга қўйилган талаблар

Фирманинг иш режаси тузилганидан кейин менежернинг энг муҳим ишини бажариш ходимларни фурсати келади. Мазкур жараённинг моҳияти шундан иборатки, мавжуд бўш ўринга номзодга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, баҳо бериш ва ишга қабул қилиш учун мос келадиган малакали ходимларни жалб килиш саналади.

Менежернинг мазкур функцияси жуда муҳим аҳамиятта эга. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда ходим интуитив тарзда, таниш-билишларнинг тавсияси ёки маслаҳати, иш билан таъминлаш хизматининг йўлланмаси ва ташки белгиларга кўра танлаб олинади. Кадрлар танлашнинг синовдан ўтган усуллари йўқлиги шунга олиб келадики, менежер ўрин бўш турганидан кўра, мос келмайдиган ходим уни банд этгани маъқул, деб ҳисоблайди.

Шу маънода ходимнинг ўзи эгаллаган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш, яъни у бажарадиган ишларни, унинг функцияларини аниқ қайд этиш ва шу ишларга функционал мажбуриятларни сифатли бажариш учун зарур малакага эга кишиларни танлаб олиш лозим. Кадрларни танлаш иши номзодларда муайян фаолият турини бажариш учун зарур барча фазилатлар мавжудлигини тўғри баҳолашга асосланган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин.

Ходимларни танлаш учун бутун жавобгарлик ходимлар билан ишлаш бўйича менежернинг зиммасига тушади. Кадрларни танлаш

жараёни бошқарув ишининг бошқа жабҳалари сингари жуда мураккаб саналади. Биринчи босқичда номзодга бўлғуси иш моҳиятини тўғри ва аниқ тушунтириш айниқса мухим, акс ҳолда зарур малакага эга бўлмаган кишиларни қабул қилиш ва улар билан сұхбатлашишга кўп вакт сарфлаш мумкин.

Ходимларни танлаш соҳасидаги кадрлар сиёсати ишга қабул қилиш принципларини, тегишли функцияларни сифатли бажариш учун зарур ходимлар міқдорини, ходимларнинг кўнималарини мустаҳкамлаш ва уларни касбий жиҳатдан ўстириш методологиясини белгилапдан иборат. Кадрларни танлашга бошқарувнинг шахсга нисбатан амалга ошириладиган кичик функцияси, деб қаралади.

Ходимларни танлаш жараёни номзодлар шахси ва ишига баҳо бериш мезонларини танлашдан бошланади. Мезонлар хулқ-автор қоидалари ва касбий кўнималарнинг тафсилотларини ўз ичига олади. Ходимларни танлашнинг навбатдаги босқичи – номзодни эксперт баҳолашдир. Ушбу босқич тест ўтказиш, масалалар ечиш ва машқларни бажаришга асосланади.

Тест ўтказилганидан кейин кузатиш босқичи келади. Яъни, номзод сұхбатга чақирилади. Юкорида зикр этилган босқичлардан ўтилганидан сўнг, олинган натижалар тавсифланади ва улар номзодларни баҳолаш мезонларига солиштириб кўрилади. Номзодларни танлаш жараёни қарор қабул қилиш билан якунланади. Яъни, агар узил-кесил қарор қабул қилишда маълум қийинчиликлар туғилган бўлса, кўшимча тест ўтказилиши мумкин.

6.2-жадвал.

Ходимларни танлашда ахборот манбалари

Манба	Ахборот мазмуни ва унинг аҳамияти
Ишга олиш тўғрисида ариза	Номзод ҳақидаги дастлабки умумий таассурот ҳақида маълумот беради
Фотосурат	Номзоднинг ташки кўриниши ҳақида маълумот беради
Таржимаи хол	Номзоднинг шаклланиш жараёни ва ҳаётининг тафсилотлари ҳақида маълумот беради

Шахсий сўровнома	Номзод ҳакидаги энг муҳим маълумоттарни жамлайди ва тизимга солади
Етуклик аттестати	Номзоднинг мактабдаги давомати ҳакида маълумот беради, унинг касбий маъдакаси ҳакида нисбий маълумот беради
Мехнат дафтарчаси	Олдинги иш жойларини тасдиқлайди ва меҳнат фаолиятини ёритади
Тавсиялар	Касбий лаёқатининг барча жиҳатларини ёритади ва фақат қўшимча кўчирилмалар олинади
Номзод билан сұхбат	Бошқа манбалар ёрдамида етишмаётган ахборот ўрнини тўлдириш ва номзод ҳакида шахсан тасаввур ҳосил қилиш имконини беради
Синов	Номзод муайян ишни бажариш қобилияти текшириб кўрилади
Тиббий кўрик ва психологик тестлар	Қисман номзоднинг касбий лаёқатини тавсифлайди
Графологик хулоса	Касбга лойиқликнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳакида маълумот беради

Кадрлар танлаш мувоффигини тўғри ҳал қилишининг аҳамияти ишчи кучининг анча қимматлиги билан боғлиқ. Шу сабабли биринчи навбатда мазкур номзод фирмага керак ёки керак эмаслигини аниклаш лозим. Кадрлар танлашда хатога йўл қўймасликда ҳар хил ахборот манбалари муайян ёрдам беради.

6.7. Мехмонхона индустрисида персонал меҳнатига оид қонун ҳужжатлари

Мехнат масалалари миллионлаб кишиларнинг ҳаётий манфаатларига тааллуклидир. Айрим ҳолларда уларни ҳал қилиш жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий реалликларни ҳисобга олган ҳолда кенг ёндашишни талаб қиласди. Кимдир ходимлар олдига мақсад қўйиши, тонширикларни тақсимлаши, уларнинг

бажарилишини кузатиб бориши, одамларни қандайдир йўл билан меҳнатта ундаши, уларнинг ҳаракатларини келиштириб бориши керак. Меҳнатни бошқариш табиати, усул ва воситалари ҳам бундай ҳолатда ўзгармай қолмайди. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида меҳнат ва ижтимоий меҳнат муносабатларига таъсир этишнинг янги шакл ва усусларини қўллаш зарур. Энг умумий тарзда бошқариш бирон-бир нарсага тартиблаштириш, сифат хусусиятларини саклаб колиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида таъсир этишни англатади.

Меҳнатни бошқариш бошқарув муносабатларининг турларидан биридир. Меҳнатни бошқариш объектив зарурияти биргаликдаги меҳнат, унинг кооперацияси ривожланиши жараёнида юзага келди. Бунда шу нарса аён бўлиб қолдики, бошқаришнинг мақсад, мазмун ва функциялари ишлаб чиқарувчи кучлар ва меҳнатнинг ўзи ривожланган сайин ўзгариб, аввало, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир мазкур турига хос бўлган меҳнатнинг ижтимоий тузилиши билан белгиланади. Бевосита меҳнат фаолияти, унинг ташкил этилиши, шарт-шароитлари ва натижалари, ишчи кучини тиклаш, ижтимоий меҳнат муносабатлари меҳнатни бошқариш объектлари ҳисобланади.

Меҳнат ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ишлаб чиқариш бошқарувчисини бошқа омиллар, яъни капитал, ер, асосий ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва шу кабилар билан қизиқтиради. Аммо, меҳнат ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларидан жиддий фарқланади. Хусусан, унда фуқаро ҳукуки ва эркинликлари, ўз манфаатлари ва адолат тўғрисидаги тасаввурлари, иш берувчи билан муносабатда ўзини ҳимоя қилиш учун бирлашиш ҳукуки ва шу кабилардан иборат. Ёлланма ишчи ўзининг меҳнат қобилиятини сотади, зиммасига қонунда белгиланган ёки шартномада айтиб ўтилган шартларда меҳнат қилиш мажбуриятини олади.

Меҳнат бозори ва ишлаб чиқарища ишдан кейин ҳам киши бир бутунлигicha колади. Бошқариш амалиётида бу билан ҳисоблашиш керак бўлади. Меҳнат омилиниң болқа омиллар билан бирикмасини эмас, балки меҳнат муносабати туфайли юзага

келадиган тирик одамларнинг жамият ва бир-бирлари билан ўзаро муносабатларнинг бутун мажмусини бошқаришга тўғри келади.

Мехнат билан чамбарчас боғланган жараён ва муносабатлар доираси ижтимоий-мехнат муносабатларини юзага келтиради. Ижтимоий-иктисодий жараён ва муносабатларни амалга оширишда меҳнат билан боғлиқ шарт-шароитларни амалга ошириш муносабатларида устуворлик қилинса, бундай соҳа ижтимоий меҳнат соҳаси дейилади. Ижтимоий-мехнат соҳаси ходимларнинг ижтимоий ҳолати шаклланадиган, барқарор амалга ошириладиган ва ўзгарадиган аниқ ижтимоий муаммолар мажмуудан иборат бўлиб, уни ҳам бошқариб бориши зарур.

Мехнатни бошқариш вазифалари жумласига иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, иқтисодиётни ривожлантиришининг мувозанатлилиги ва мутаносиблигини таъминлаш, меҳнатдаги ижтимоий-иктисодий тафовутларни камайтириб бориш, инсонни ҳар томонлама камолга етказиши учун шарт-шароитларни яратиш, меҳнат жамоаларини ривожлантириш ва бошқаришдаги уларнинг ролини ошириш киради.

Мехнатни бошқариш функциялари - қўйилган мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун бошқариш обьектларига нисбатан амалга ошириладиган ҳаракатлар бўлиб, улар орқали меҳнатни бошқариш механизми ишга солинади. Мехнатни бошқариш жараёни бошқарув вазифаларини ҳал қиласидиган ҳақиқий тизими мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Мазкур тизимни куйидаги икки томондан олиб қараш мумкин. Бир томондан, у меҳнат соҳасидаги бошқариш муносабатларининг йигиндисидир. Мазкур ҳолда меҳнатни бошқариш тизимининг ходимларни бошқариш, меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашни бошқариш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини бошқариш, меҳнатга қизиқтиришни ва меҳнатни рағбатлантиришни бошқариш ижтимоий меҳнат муносабатларини бошқариш функциялари мавжуд бўлади.

Иккинчи томондан, меҳнатни бошқариш тизимини ташкил этадиган маҳсус хизматлар меҳнат ва иш ҳақи бўлими, меҳнатни ташкил қилиш бўлими, кадрлар бўлими, ходимларни бошқариш

хизмати меҳнатни бошқариш институционал шаклининг бўғинларидир.

Давлат меҳнатни бошқариш субъекти сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари кўринишида чиқади. Бу шаклларга кўра давлатнинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги бошқарувчилик таъсири қонуллар, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва фармойишлари, хукуматнинг қарорлари орқали ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, мамлакатда ҳалқаро хукук меъёрлари томонидан тан олинган тамойилларни ва шартномаларини республикада тан олиниши ва уларни хукукий тизимининг таркибий қисми мақомини бериши кенг амалга оширилмоқда. Шу орқали инсон ва фуқаронинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги хукук ва эркинликлари энг катта хукукий ҳимояга эга бўлди. Меҳнатни бошқариш қонунлар меъёрларини аниқ муаммолар ва уларнинг ҳал этилиш босқичлари билан мувофиқлаштириб, зарур ҳамда керакли даражада аниқлаштиришни назарда тутади.

Ижтимоий-меҳнат масалаларига оид бошқарувчилик қарорлари бир неча тенг хукуқли субъектларининг биргаликдаги харакат ва келишувлари асосида қабул қилинганда меҳнатни бошқаришнинг шартномали шакли юзага келади. ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида шартномали шаклларнинг қўйидаги турларига амал қилинади:

- касаба уюшмалари бирлашмалари ва иш берувчилар бирлашмалари билан Ўзбекистон Республикаси хукумати ўртасидаги бош битим;
- касаба уюшмалари бирлашмалари ва иш берувчилар бирлашмалари билан Меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида тармок тариф ва касбий тариф битимлари;
- меҳнат жамоалари вакиллари билан корхона маъмурияти ўртасидаги жамоа шартномалари;
- ишловчилар билан иш берувчилар ўртасидаги якка тартибдаги меҳнат шартномалари.

Корхоналар маъмурияти ёки маҳаллий маъмурият меҳнат-кашлар турли ташкилотларининг биргаликда ёки мувофиқлашти-

рилган ҳаракатларини меҳнатни бошқариш шартномаси шаклиниң турларидан бири, деб қарамоқ лозим. Бундай шакллар касаба уюшмалари фаол бўлган корхоналарда доимо бўлади. Меҳнатни бошқаришинг шартномали шаклларини факат айрим ҳолларда, яъни мамлакат кўламида ишловчилар ва иш берувчилар, меҳнат ва капитал ҳукуклари эмас, кучлари тенг бўлган ҳолларда ижтимоий шериклик шакли, деб қараш мумкин.

6.8. Персонал билан меҳнат шартномаси тузиш

Ходимга бўлган эҳтиёжни режалаштириш кадрларни режалаштириш жараёнининг бошланич босқичи хисобланади ва мавжуд иш ўринлари ва режалаштирилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар, ташкилий-техник тадбирлар ўtkазиш, штат жадвали ва бўши лавозимларни эгаллаш режасига асосланади. Ҳар бир аниқ ҳолатда ходимга бўлган эҳтиёжни аниклашда тегишли бўлинмалар раҳбарларининг иштирок этиши тавсия этилади. Ходимни жалб килишни режалаштиришининг вазифаси ички ва ташки манбалар хисобига келгусига кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришдан иборат.

Меҳмонхоналарда ходим билан ишлаш муаммоларидан бири кадрларни жалб қилиш пайтидаги меҳнатга кўникишини бошқаришdir. Ходимнинг меҳмонхона билан ўзаро ҳамкорлиги жараённада уларнинг ўзаро мослашуви вужудга келади ҳамда унинг асосини ходим томонидан секин-аста меҳнатнинг янги касбий ва ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларига кириб бориши ташкил этади. Кўникишининг куйидаги йўналишлари ажратиб кўрсатилади:

- бошланғич кўникиш, яъни касб фаолияти тажрибасига эга бўлмаган ёш кадрларнинг мослашуви;
- иккиласми кўникиш, яъни касб фаолияти соҳасида тажрибага эга бўлган ходимларнинг мослашуви.

Меҳнат бозори фаолият кўрсатаётган шароитда иккиласми кўникишининг аҳамияти ортади. Бунда ёш ходимнинг бирламчи кўникишига катта эътибор бераётган хорижий фирмаларнинг иш тажрибасини диккат билан ўрганиш зарур. Ходимнинг мазкур

тоифаси меҳмонхоналар маъмурияти томонидан алохида ғамхўрлик кўрсатишга муҳтож бўладилар.

Ходимни озод қилиш ёки қисқартиришни режалаштириш кадрларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш ёки бошқаришнинг ихчамлашуви натижасида ишчи кучининг ортиқчалиги вужудга келади. Ходимни озод қилишни режалаштириш ташки меҳнат бозорига малакали кадртарни бериб юбориш ва мазкур ходимлар учун ижтимоий қийинчиликлар вужудга келтиришга барҳам бериш имконини тудиради.

Ишдан бўшаётган ходим ишларини режалаштириш бўшаш турларини таснифлашга асосланади. Таснифлаш мезони сифатида ходимнинг меҳмонхонадан куйидаги сабаблар билан ўз ихтиёри билан кетиш даражаси хисобланади:

- ходим ташаббуси, яъни ўз ихтиёри;
- иш берувчи ёки маъмуриятнинг ташаббуси;
- пенсияга чиқиши муносабати.

Меҳмонхонадан кетиш сингари воқеанинг муҳимлиги туфайли бўшовчи ходимлар билан ишлашда ходимни бошқариш хизматларининг асосий вазифаси мана шу болшка ишлаб чиқариш, ижтимоий ва шахсий вазиятга ўтишни иложи борича юмшатишдан иборат. Булар бўшашларнинг кейинги икки турига тааллуклидир.

Пенсияга чиқиши оқибатида меҳмонхонадан кетиш бўшашларнинг аввалги турларидан фарқ қиласидан бир қатор хусусиятлари билан ажralиб туради. Биринчидан, пенсияга чиқиши олдиндан кўзда тутилган ва вақт жиҳатидан етарли даражада аниқлик билан режалаштирилган бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу воқеа шахсий соҳада жiddий ўзгаришлар билан боғлиқ. Учинчидан, кишининг турмуш тарзида муҳим ўзгаришнинг содир бўлиши унинг атрофидагилар учун яққол кўзга ташланиб туради. Нихоят, генсияга кетишни баҳолашда инсонга хос бўлган икки томонлама фикр юритиш ва ўз-ўзи билан муайян ихтилофга бориш хосдир. Меҳмонхоналарнинг ёши улғайиб қолган ходимларга муносабати бошқарув маданияти даражаси ва иқтисодий тизим маънавийлик даражасининг мезони хисобланади.

Кадрлардан фойдаланишни режалаштириш штатдаги лавозимларни тұлдириш режасини тузиб чициш воситасида амалга оширилади. Иш ўрнини белгилашда малака белгиларини ҳисобға олиш билан бирға инсонға тұғри келадиган рухий ва физиологик юмушлар ва бу соҳада даявогарнинг имкониятларини ҳам ҳисобға олиш зарур. Инсонға мунісіб бўлган меҳнат шароитларини таъминлаб бериш керак.

Кадрлардан фойдаланишни режалаштирища ёшлар, хотин-қизлар, кекса ходимлар, жисмоний ва рухий имкониятлари чекланган шахсларнинг бандліги масалаларига зытибор бериш талаб қилинади. Ходимнинг бу тоифаларидан уларнинг малакаси ва имкониятларига мувофик фойдаланиш мухим. Ана шу мақсадда меҳмонхонада тегишли иш ўринларини захира тарзида сақлаб туриш зарур.

6.9. Мехмонхоналар персоналини баҳолаш, аттестациядан ўтказиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш

Мехмонхоналарда таълим олишга эхтиёж мавжуд бўлиб, у ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни камраб олади. Ходимга таълим беришни режалаштириш корхона ва унинг ташқаридаги таълим ва мустакил тайёргарлик кўришни ўз ичига олади. Ходимга таълим беришни режалаштириш ишловчиларнинг ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, ташқи меҳнат бозоридан юқори малакали кадрлар изламаслик имконини беради.

Бундан ташқари, бундай режалаштириши ходимнинг харакатчанлиги ва ўзини-ўзи бошқариши учун шарт-шароитлар яратиб беради. У ходимнинг ишлаб чиқаришдаги ўзгаргарган шароитта ўша иш ўрнининг ўзида мослашуви жараёнини тезлаштиради. Амалиётда меҳмонхона ходимини ўқитиш ёки таълим беришнинг иш ўрнида ва ундан ташқарида таълим бериш каби шаклларй мавжуд.

Иш ўринда таълим бериш анча арzonға тушади ва тезкорлик билан ажralиб туради. У кундалик иш билан боғлиқ бўлиб,

ходимнинг таълим жараёнига киришини осонлаштиради. Бу аудиторияларда таълим олишга ўрганмаган ходимлар учун қулай саналади. Иш ўрнидаги таълимнинг муҳим усуслари топшириқларнинг мураккаблашиб бориш усули, иш ўринин алмаштириш, тажриба ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш йўл-йўриклари бериш, ходимларнинг асистентлар сифатида ишлашини йўлга қўйиш, бир қисм вазифалари ва жавобгарлигини бошқаларга беришдир. Иш жойидан ташқарида таълим бериш анча самарали ҳисобланади. Аммо, у қўшимча молиявий харажатлар ва ходимни хизмат вазифаларини бажаришдан чалғитиш билан боғлиқ. Бунда муҳит онгли равишда ўзгартирилади ва ходим кундалик ишдан узилиб қолади.

Иш жойидан ташқарида таълим беришнинг муҳим усуслари маърузалар ўқилиши, ишбилармонлик ўйинлари ўтказип, аник ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш, конференция ва семинарларни ўтказиш, тажриба алмашиш гурӯхларини ташкил этиш, сифат тўғаракларини ташкил қилишдан иборат.

Ходимга сарфланадиган харажатлар меҳмонхонанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўрсаткичларини ишлаб чикиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ходимга сарфланадиган харажатлар улуши маҳсулот таннархида ортиб боради ва бу қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- меҳнат унумдорлиги билан ходимларга сарфланадиган харажатлар ўргасида бевосита боғлиқликнинг йўклиги;
- ходимнинг малакасига тобора юқорироқ талаблар кўядиган янги технологияларнинг жорий қилиниши;
- меҳнат хукуки соҳасидаги қонунларнинг ўзгариши, янги тарифларнинг пайдо бўлиши ва энг зарур говарлар нархларининг ортиши.

Ходимга сарф этиладиган харажатларни режалаштиришда биринчи навбатда харажатларнинг қуйидаги моддаларини назарда тутиш зарур:

- асосий ва қўшимча иш ҳаки, ижтимоий сугуртага маблалар ажратиш, хизмат сафарлари чиқимлари, кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш харажатлари;

- умумий овқатланиш учун құшымча ҳақ тұлаш, уй-жой наипшии хизмат күрсатып, маданият ва жисемоний тарбия, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, болалар муассасалари билан таъминлаш ва маҳсус кийим бошлар билан таъминлаш.

Агар кадрлар қўнимсизлиги катта бўлса, у ҳолда янни ишчи кучини излаш, унга йўл-йўриклар бериш ва ишни ўзлаштириш билан боғланган қўшимчага ҳаражатлар пайдо бўлади. Кадрлар қўнимсизлиги юкори бўлган тақдирда ишдан ташқари вакътларда қилинадиган меҳнаттага ҳақ тўлаш миқдори ортади. Буларнинг ҳаммаси ходим билан боғлиқ бўладиган ҳаражатларни оширади, маҳсулот таннархининг қўтарилиши ва унинг рақобатга бардош бериши даражасини пасайтиришга олиб келади.

Таянч иборалар: Меҳмонхона ходимлари, кадрлар менежменти, ходимларини бошқарши самарадорлиги, кадрлар бошқаруви, персонални танлаш, меҳнатига оид қонун ҳужжатлари, меҳнат шартномаси, персонални баҳолаш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш.

Назорат учун саволлар

1. Меҳмондўстлик соҳасидаги ходимларни бошқарши тушунчаларининг можияти ва мазмуни нималардан иборат бўлади?
2. Кадрлар бошқаруви зарурати нималар билан белгиланади?
3. Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотларда кадрлар менежменти тизими дегандай нимани тушункасиз?
4. Меҳмонхона ходимларини бошқарши самарадорлиги қандай аниқланади?
5. Меҳмонхона ходимларини бошқарши тизимини тақомишашибириши усуллари нималардан иборат бўлади?
6. Меҳмонхона персонали бўлми, персонални танлаш; уларни иш ўринларига қўйиш, ўргатиш, уларга қўйилган талаблар нималардан иборат бўлади?
7. Меҳмонхона индустрисида персонал меҳнатига оид қонун ҳужжатлари нималар билан белгиланади?
8. Персонал билан меҳнат шартномаси тузиш қандай амалга оширилади?
9. Меҳмонхоналар персонални баҳолаш, аттестациядан ўтказиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши шиларини ташкил этиши қандай амалга оширилади?

VII БОБ. МЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

7.1. Туризмда ахборот технологияси турлари ва уларнинг моҳияти

Маълумки, туризм соҳаси хизматлар савдосининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бунда туризм индустрисининг асосини йўлланма ва турларни сотувчи, туристларга межмонхона ва овқатлантириш хизматларини ташкилаштириб берувчи, мамлакат бўйлаб саёҳатни амалга оширувчи, туристик талаб ва бозорни ўрганувчи, туристик тадқиқотларни олиб борувчи, ахборот ва реклама тарқатувчи туроператор ва турагентликлар ташкил этади. Туризмнинг асосий фаолияти бўлиб, туристик хизмат бўлмаган тармоқлар хизмат қиласиди. Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун ахборот зарурдир. Ахборот туризм соҳасига тадбиқ қилиниб, ахборот технологиясини шакллантиради.

Туризм соҳасида ахборот асосида ахборот оқимлари тарқатилади. Ахборот лотинча “information” сўзидан олинган бўлиб, “тушунтириш”, “баён қилиш” ва “хабар” маъносини билдиради. Ахборотга ишлов бериш ривожланиб, илм-фан ва техника соҳаларига кўлланила бошланди. Натижада, ахборот устида амаллар бажарилиб, аниқ техник воситаларнинг йиғиндиси ёрдамида зарур ҳаракатларни бажариш жараёни шаклланди ва бу жараён ахборот технологияси номини олди.

Бугунги кунда ахборот туризм соҳасининг таркиби бўлган межмонхона хўжалиги соҳасида кенг кўлланилади. Унинг ижобий қўриниши “бронлаштириш” тушунчасига қарашни шакллантириди. Яъни, бу орқали межмонхоналарда тунаш, автомобилларни ижарага олиш, пакетли экскурсиялар ва самолётлардаги бўш жойлар ҳақида олдиндан ахборот (маълумот) бериш амалга оширилади. Ушбу хизматлар саёҳат қилувчиларига жўнатилмайди, яъни истеъмолчиларга сотилмагучча улардан фойдаланиш имконияти бўлмайди. Ушбу хизматларнинг мавжудлиги, уларнинг харажати ва сифати ҳақидаги маълумотлар узатилади. Мазкур маълумотлар ўз ўрнида ахборот ҳисобланади ва ахборот технологиялари орқали бажарилади.

Ахборот ўзининг хусусиятлари асосида мөхмонхона фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласи. Унинг натижасида ахборот технологияларидан кўпроқ фойдаланилиб, унинг тизимлари ҳам шаклланиб бормоқда. Ахборот технологиялари тизимлари куйидаги турдаги йўналишлардан иборат бўлади:

Компьютер захира тизими

Телеконференция, компьютер-видео ва ахборотни бошқарши тизимлари

Авиакомпаниялар учун электрон ахборот тизимлари

Электрон нул ўтказмалари, телефон тармоқи, мобил алоқа восита тизимлари

7.1-расм. Ахборот технологиялари ва тизимларининг турлари¹⁶

Ушбу тизимлар турагентлар, мөхмонхоналар ва авиакомпаниялар томонидан томонидан кенг кўлланилади. Бундан ташқари, туризм бозорининг барча сегментлари учун хизматни сотиб олиш ва сотишда барча иштирокчилар томонидан ахборот технологиялари тизимидан фойдаланиш мухим аҳамиятга эга. Хусусан, мөхмонхона ички бошқарув тизимлари компютер глобаль тармоқларига уланади. Бу эса турагентлар учун мавжуд бўлган мөхмонхона захира тизимлари билан алоқа килиш учун асос яратади ҳамда кенг тарқалаётган ягона ахборот технологиялари тизимини ташкил этади.

Туризм соҳасида ахборот технологиялари авиакомпаниялар фаолиятини таъминлайди. Хусусан, бу технологиялар орқали авиаоперацияларини ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш, кадрлар бошқаруви, бухгалтерия ҳисоби ва истиқболли режалаштириш ишлари бажарилади ва электрон тизимлар сифатида мухим роль ўйнайди. Уларга хабарларни узатиш ва жўнатиш, ҳаво транспорти учун маълумот йиғиш ва узатиш учун йўлдошли, навигация, ҳаво транспортини назорат қилиш, микротўлқинли қўниш, авиация чипталари сотиш ва бошқа тизимлар киради.

¹⁶ Тўхлиев И.С. Туризмда геоахборот тизими. Маъruzalap курси. – Самарқанд: СаmИСИ, 2017. -135-136 б.

Замонавий шароитда меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишининг юкори даражасини таъминлаш учун янги технологиялардан фойдаланиш зарур. Шу боис, электрон брон қилиш, ташриф буюрувчилар хисоблари, шикоятлар ва таклифлар китоблари, яъни ҳар бир ишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади.

Мамлакатимиз туризмida замонавий глобаль бронлаштириш тизимларини жорий қилишда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш лозим бўлиб, улар куйидагилардан иборат бўлади:

- *ишончсизлик ва қўрқув*. Туризм индустриясининг кўплаб компаниялари бундай тизимлар ишига ишончсизлик билан қарайдилар ҳамда ушбу тизимларга қараганда меҳмонхона ва туроператор менежерлари орасида “жонли” ва интернет-сұхбатни афзал кўрадилар. Бунда мазкур тизимлар билан ишлашга хоҳишининг йўклиги, унинг ишлашини юзага келтирадиган қўшимча ускуналар ва мутахассис-кадрларни ўқитиш асосий муаммолар қаторига киради.

- *ривожланмаган замонавий тўлов тизимлари*. Хусусан, кредит карталари, электрон тўлов тизимлари ва масофали банкинг тизимларини қўллашнинг чекланганлиги глобаль бронлаштириш тизимларини киритишга катта муаммони келтириб чиқаради. Бундан ташқари, мижозларнинг кредит карта, электрон тўлов тизимлари ва банкинг тизимлари хавфсизлигига ишончсизлик билан қараши ҳам глобаль бронлаштириш тизимларини жорий қилишдаги катта муаммо бўлиб қолмоқда.

- *глобаль бронлаштириши тизимларига нисбатан Ўзбекистондаги кам сонли туристик обьектлар ва хизматларнинг киритилганлиги*. Бу ҳолат бевосита юқорида келтирилган омиллар асосида келиб чиқади ва комплекс равишда амалга оширилади.

7.2. Компьютер тизимида ўринларни бронлаштиришининг пайдо бўлиш имкониятлари ва эволюцияси

Бугунги кунда мамлакатимизда сайёхлик тармоғида замонавий ахборот технологиялари ва инновациялардан кенг фойдаланган ҳолда унинг иқтисодиётдаги улушкини кўпайтириш, қисқа ва ўрта мурдатли истиқболда ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Шу боис, кўпгина қабул қилинган лойиҳаларда, хусусан Олий Мажлис Конунчиллик палатасида “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига кўшимча қиритиш тўғрисида”ги Конун лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилиб, унда акс эттирилган маълумотларга кўра, туристик хизматларини онлайн тарзда бронлаштириш ва сотиш учун дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларини жорий қилишга йўналтирилган маблаглар солиқ солинадиган базадан камайтирилиши кўзда тутилган.

Олиб борилган таҳдилларга қараганда, ҳозирги кунда юртимизда 1188 та меҳмонхона ва 1482 та туристик компаниялар мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб 35 фоизи мижозларга онлайн бронлаштириш ва 5 фоизи туризм хизматларини онлайн сотишни амалга ошириб келмоқда. Маъкур меҳмонхона номерларини онлайн сотиш мақсадида олдиндан номерни банд қилиб қўйиш бевосита бронлаштиришининг асл мазмуни ва моҳиятини акс эттиради.

Ўзбекистонда туризм ва меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш ахборот технологияларининг кенг тараққий қилишини тақозо қиласди. Бу борада интернет тармоғининг машҳурлигини тармоқ абонентларининг сони ҳар 10 ойда 2 баробар ортиб боришини кўрсатади. Ҳар бир сонияда 1 млрд.дан ортиқ электрон хабарлар тармоқ орқали узатилади. Ҳамда саёҳат бизнесининг ривожланиши учун интернет технологияларидан кенг фойдаланилади. 1996 йилда илк бора интернетда сайёхлик агентликлари, меҳмонхоналар ва авиакомпанияларнинг минглаб мустақил бўлинмалари, ўнлаб бронлаштириш тизимлари пайдо бўлди.

Туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларида бронлаштиришга бўлган зарурат кучайиб бормоқда. Бунинг учун туристик хизматларни амалга ошириш соҳасида компьютер техникасидан фойдаланиб келинмоқда. Компьютер бронлаштириш тизимларисиз меҳмонхонада хонани брон қилиш, авиа ва темир йўл чигиталарини харид қилиш жуда мураккаб кечади. Чунки, автоматлаштирилган бронлаштириш тизимининг афзалликлари жуда кўп.

Компьютер тизимида ўринларни, яъни мәҳмонхоналардаги хона кисмларини бронлаштиришининг пайдо бўлишига турли бронлаштириш сабаб бўлиб, бугунги кунда унинг эволюцияси узок даврни ўз

ичига олади. Жаҳонда энг йирик бронлаш тизимлари мавжуд бўлиб, уларнинг жумласига “Amadeus”, “Galilo”, “Sabre” ва “Worldspan” каби тизимлар киради. Улар дунё бўйича туристик хизматларни бронлаштириш билан шуғулланувчи 800 минг туристик агентликларни ўз ичига олади ва тизимлар “олтин тўртлик” деб номланади. Аммо, жаҳон меҳмонхона бозорининг қолган бир неча фоизи бошқа бронлаштириш тизимларига тегишли бўлади.

Кейинчалик компьютер гизимида ўринларни бронлаштириш нинг имкониятлари кенгайди. Бу бронлаштириш ишларининг олиб борилиши билан боғлик. Бу ишларда олдиндан турли мулоқотлар амалга оширилади. Хусусан, номерни бронлаштириш хақидаги сўров турли каналлар, яъни электрон почта, факс, телефон ва телекс орқали келади. Бронлаштириш Сўров келганида компьютер ёки дафтарда мижоз ҳақидаги куйидаги маълумоглар қайд килинади:¹⁷

фамилияси, шахслар сони ва яшаш манзили	номери ва муддати	номер ҳақини тӯлаш ва унинг кафолати	мижознинг алоҳида ҳожийи- истаклари
---	----------------------	--	---

7.2-расм. Ахборот технологиялари ва тизимларининг турлари¹⁸

Аммо, ҳар бир буюртмага рақам берилади ҳамда бронлашни кафолатлаш депозит ёки кредит карточкиси орқали амалга оширилади. Буюртмани қабул қилиган хизматчи мижоз тарихини агар у меҳмонхонада илгари тўхтаган бўлса, текшириб кўриши ва унинг натижаларига кўра, турли белгилар қўйиши ёки бронлашни рад қилиши лозим.

Агар буюртма бир нечта номерга, жумладан, конгресс ўтказиш учун берилган бўлса, у билан маҳсус ходим шуғулланади. Компания ёки туристик фирмадан бронлашга сўров олинганида бронлаш хизматининг ходими меҳмонхона мазкур фирма билан хизмат

¹⁷ Алиева М.Т. Меҳмонхона хўжалиги менежменти. Маъruzalар матни. – Т.: ТДИУ, 2011. – 140 б.

¹⁸ Тўхлиев И.С. Туризмда геоахборот тизими. Маъruzalар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. -135-136 б.

кўрсатишга шартнома тузган ёки тузмаганилиги ва шартнома шартлари, яъни, меҳмонхона қандай корпоратив нархда номер тақдим килиши лозимлигини текшириб кўриши лозим. Ҳамда меҳмонхонада бўш номерлар бўлган тақдирда мижозга тасдиқнома юборилади. Ушбу тасдиқномада номерга жойлашиш санаси, номер тури, номерда яшаш кунлари сони ва буюртма раҳами кўрсатилади. Агар сўровда номерда яшаш кунларининг сони ҳақида маълумот бўлмаса, номер бир кунга бронлаштирилади.

Шуниси муҳимки, конун хужжатларига мувофиқ, тасдиқланган буюртма хуқуқий жиҳатдан ёзма шартномага тенг бўлади. Бронлаштирилган номердан мижоз учун оқибатларсиз воз кечиши меҳмонхонага ташриф буюриш санасидан 48 соат олдин амалга оширилиши мумкин. Бироқ, курорт меҳмонхоналарида ушбу муддат кенгроқ диапазон шаклга тенг бўлади.

Бронлаштиришда қайта бронлаш ҳам юзага чиқиши мумкин. Яъни, бу бир номерга икки мижоз даъвогар бўлиши юзага келиши мумкин бўлган энг кўнгилсиз муаммо ҳисобланади. Статистик маълумотларига кўра, номерни бронлаштирган мижозларнинг таҳминан 10 фоизи брондан воз кечади ва 5 фоизи белгиланган куни меҳмонхонага етиб келмайди. Шу боис, меҳмонхоналар баъзан таваккал қиласидар ва мижозларнинг бир қисми брондан воз кечади ёки келмайди деган умидда амалда жойлаштиришлари мумкин бўлганидан 10 фоиз кўпроқ миқдорда буюртмалар қабул қиласидар.

Қайта бронлашнинг бошка учрайдиган сабаби мавжуд бўлиб, бу нокулай об-ҳаво саналади. Буңда эски мижозлар меҳмонхонанинни тарк эта олмайди ва янги мижозлар эса аллақачон етиб келган бўлади. Ушбу ҳолатларда ўз обрўини қадрлайдиган меҳмонхона мижозни ўз ҳисобидан шундай ёки унда ҳам юкори тоифадаги меҳмонхонага юбориши ва тарифлардаги тафовутни қоплаши лозим. Ҳамда бунга тескари вазият юзага келиши, яъни айни бир мижоз номерни турли агентликлар орқали бронлаши ва унинг учун бир эмас, балки бир нечта номер бронлаштирилиши ҳам мумкин. Бронлаш хизматида бу “кўш бронлаш” деб номланиб, ана шундай ҳолларини диккат билан кузатиб бориши лозим.

Гурухий бронлаш ҳам бронлаштиришда қўлланилиб, у 10 дан ортиқ номерни бронлаш ҳисобланади ва якка тартибдаги бронлаштиришдан кескин фарқ қиласди. Яъни, бунда бронлаш хизматининг менежери музокаралар ўтказиши ва шартнома тузиш учун ваколатли ёки воситачи шахс билан маҳсус учрашиши мумкин. Шартномада гурухга хизмат кўрсатишнинг барча шартлари белгиланади.

Бронлаштиришда қабул қилиш хизматининг ходими эрталаб навбатчиликни қабул қилишда бўш номерларни мижозлар тарк этган номерларга кўшади, олинган йигиндидан бронлаштирилган номерларни айиради ва натижада четдан келган меҳмонларга таклиф қилиши мумкин бўлган номерларни олади. Бунда қабул қилиш хизматининг маълумотлари хўжалик хизматидан олинган ахборот билан солиширилади ва доимий равищда ўрганилиб борилади.

Меҳмонхоналарда хўжалик хизмати номерни бўш деб кўрсатади. Аммо, бронлаштириш хизмати маълумотларига кўра номер ҳақ тўлаш кафолатланган ҳолда бронлаштирилган бўлади. Шу боис, бунда номерга мижоз қўйилмайди ёки қабул қилиш хизматида номер банд деб қайд этилади. Хўжалик хизмати номерда юқ йўқ ва унда мижоз тунамади, деб маълумот беради. Мазкур ҳолатлар бронлаштириш учун муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Кичик меҳмонхоналарда ҳозирги кунгача қўлда бронлаш техникаси қўлланилади. Бундай бронлаш жадваллар ёрдамида амалга оширилади ва жадвалдан самарали фойдаланиш натижасида меҳмонларнинг келиши исм ва фамилияларини ёзиб қўйиш билан рўйхатта олиб борилади. Бронлаштириш жадвали содда ёки оддий ва мураккаб қўринишда тузилиши мумкин ҳамда уларни қўллаш жиҳатлари бевосита бир-биридан фарқ қиласди.

Меҳмонхонани бронлаштириш ишларига юқорида келтирилган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдам беради. Мазкур тизимдан сурункали фойдаланувчи меҳмонхонанинг 100 дан ортиқ хизматчилари исталган вақтда қўйидаги йўналишлар бўйича ахборот олишлари мумкин бўлади:¹⁹

¹⁹ Алиева М.Т. Меҳмонхона хўжалиги менежменти. Маъruzalар матни. – Т.: ТДИУ, 2011. – 138-139 б.

- резервлаш;
- бош маъмур оғиси;
- жамоавий ташрифларни расмийлаштириш;
- доимий мижозлар ҳақида маълумотлар;
- ҳисоботлар матн мухаррири;
- транспорт агентликларининг хизматлари учун счётлар;
- турларни расмийлаштириш;
- маъмурий-хўжалик масалалари;
- фоиз даромадларини бошқариш;
- комплекс дастурлар тузиш;
- ултуржи савдо;
- компьютер бўйича ҳисоб-китоблар учун интерфейс;
- кинофильмлар намойишини буюртма қилиш учун интерфейс;
- савдо нуқталари учун интерфейс;
- экологик назорат;
- марказлаштирилган резервлаш;
- кредиторлик қарзлари;
- уюшмаларни бошқариш;
- номерларни узоқ муддатта берганлик учун ижара ҳақи;
- таймшерлар учун ижара ҳақи.

7.3. “Amadeus” тизимининг ҳозирги даврдаги ҳолати

Туризм соҳаларини жадал суръатлар билан ривожлантиришда замонавий бронлаштириш тизимлари катта роль ўйнаиди. Бу тизимлар Ўзбекистонда ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Хусусан, “Amadeus” компаниясининг филиали Ўзбекистонда 2006 йилда ташкил қилинган. Бу тизим авиачигталар, темир йўл чипталарини бронлаш, меҳмонхона номерларини бронлаш, автомобиль ижарага бериш ва концерт ва ҳар хил томошаларга чипталарни сотиш билан шуғулланади.²⁰ Ушбу тизимдан туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳаси субъектлари самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Бугунги кунда “Amadeus” бронлаштириш тизимидан 30000 дан зиёд турагентлик фойдаланадилар ва у 100 мингдан ортиқ ўз

²⁰ Манба: “Бухорода туристик эркин иктисадий ҳудудни яратиш имкониятлари ва ривожланиши истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2017 йил. - 75 б.

терминалларига эга. Ҳамда 400 дан ортиқ авиакомпаниялар ҳам фойдаланиладилар ва улар тахминан 60000 терминалига эга. Бу тизим ҳозирги кунда 467 та авиакомпания, 90000 та меҳмонхона, 322 та меҳмонхона занжирлари ва 50 та автобилни ижарага бериш компаниялари билан самарали алоқаларни ўрнатган. Ўзбекистонда ҳам ушбу тизимдан фойдаланиш туризмни ривожлантиришга катта туртки беради.

“Amadeus” жаҳондаги етакчи глобаль дистрибутер тизими бўлиб, туристик хизматлар етказиб берувчиларни, яъни авиакомпаниялар, меҳмонхоналар, автомобилларни прокатга бериш компаниялари ва сугурта компаниялари кабилар ҳакиқий вакт режимида ресурсларга киришни таъминлайди ва ушбу ресурсларни 139 та мамлакатнинг туристик агентликлари ўргасида тақсимлайди. “Amadeus” тизими 751 та авиакомпанияларнинг ресурсларига кира олади. Бу эса жаҳон бозорида мунтазам авиайўловчи ташининг 95 фоизидан ортиғини ташкил қиласди.

Ушбу тизим 322 та меҳмонхоналар занжирига бирлашган бўлиб, 52731 та меҳмонхона, 48 та автомобилларни прокатга бериш компанияларининг туроператорлар маҳсулотлари, темир йўллар, кемалар ва сугурта компаниялар билан ишлашига имкон беради. Натижада, бронлаштиришга бўлган эҳтиёж қондирилади ҳамда меҳмонлар билан алокаларнинг яхшиланишига эришилади. Мазкур тизимнинг афзалликлари қўйидаги йўналишлардан иборат бўлади:

кайта ишланган маълумотларнинг ҳажмига қарамаган ҳолатдаги юкори баъжоювлик

барча мижозларнинг фойдаланишлари учун кулагай бўлган ва кўп функционали интерфейс

тизимни бошқаришининг мослашувчанлиги орқали фойдаланувчи ҳукукини аниклайди. индивидуал созлама ва тизим журнallарини саклаш

мижоз ва етказиб берувчилар билан барча транзакцияларни назорат килиш опекали Ўзапо хисоб-китобдарни тўлиқ амалга олиши

7.3-расм. “Amadeus” тизимининг афзалликлари

“Amadeus” тизими мижозларга қўйидаги йўналишлардаги турли хизматларни тақдим қиласди:

- Россия бозоридаги асосий йирик авиакомпанияларда автоматик бронлаштириш чиптегарни тұлдириш ва бланкаларни нацр қилдидиши. Бу орқали авиакомпаниялар фаолияти такомиллашади.

- Йирик авиакомпанияларда ўзининг мижозлари учун таърифлардан фойдаланиш имконияти. Булардан "Lufthansa", "Air France", "Alitalia", SAS ва "Transaero" каби компаниялар көнг фойдаланадилар.

- тизимда бевосита ахборот юбериш имконияти. Булар қаторига жадвал, бронни тасдиқлаш, йўналиш, тўловни амалга ошириш ва ҳоказо кабилар киради.

- авиакомпаниядаги тарифлар ва бошқа маълумотлар бўйича ўз базасини яратиш имконияти. Бу билан авиакомпанияларнинг маҳсулотлари яратилади.

- 100 дан ортиқ намунавий ҳисоботлардан фойдаланиш имконияти. Бу орқали ҳисоботларнинг таркиби такомиллашиб боради.

Бундан ташқари, дастурлаш тилидан келиб чиққан ҳолда охирига етмаган хужжатларни яратиш ҳамда "e-mail"ни тарқатиш имконияти ҳам мавжуд.

7.4. "Galileo" тизимларининг янги имкониятлари

"Galileo" тизими 1987 йилда ташкил этилган дунёдаги энг йирик тизимлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу тизимни амалга оширадиган компания 3000 нафар ходимига эга ва унинг маркази АҚШнинг Колорадо штатидаги Денвер шаҳрида жойлашган.


Ушбу тизимнинг пайдо бўлиши компанияларнинг таракқиёти билан боғлик. Бу борада аполлон тизимига эга бўлган "Совиа" компанияси "Galileo"га ўз фойдаланувчиларини йўналтирги ва 1993 йилда "Galileo" тизими Аполлон тизими билан бирлашиб, "Galileo International" деб номланди. Кейинчалик, янги компаниянинг қарийб 50 фоизи Шимолий Америка авиакомпаниялари ва қолган 50 фоизини Европанинг авиакомпаниялари эгаллади. Аполлон тизими АҚШ ва Мексикада жуда көнг тарқалган, бироқ Японияда жуда кам қўлланилади.

Мазкур тизим дунёдаги юзлаб мамлакатларда кенг тарқалған ва Европада ушбу тизимнинг 150 мингдан ортиқ терминални мавжуд. “Galileo” тармоғи туристларни туристик маҳсулот ва хизматлар ҳакидаги маълумотлар билан таниширади, автоматик равишда авиачипталарни бронлаштиришни амалга оширади ва натижада кўшимча хизматлар бўйича алоқалар алмашади. “Radisson”, “Hilton” ва “Holidays” каби 80 дан зиёд йирик меҳмонхона компаниялари мазкур тармоқка уланган ва бронлаштириш ишларини амалга оширадилар.

Меҳмонхоналарни бронлаштиришда “Калит” тизими ҳам кўлланилади. Мазкур тизим 1995 йилнинг декабрь ойидан Россияда кўлланила бошланди ва асосан бу тизим кирувчи ва ички туризмга йўналтирилган турфирмалар учун мўлжалланган. “Калит” тизимининг ўзига хос хусусияти Россия, МДХ ва Болтиқ бўйи мамлакатларининг 40 дан ортиқ шаҳарларида арzon турар жойларни банд қилишдир. Бу тизим корпоратив мижозлар учун қулай. Масалан, катта корхоналар кўпинча ўз ходимларини иш сафарларига жўнатади.

Россияда фаолият юритаётган бошқа тармоқлардан фаркли ўлароқ, “Калит” қиммат 4-5 ўлдузли меҳмонхона учун хос бўлиб, Россиянинг 40 дан ортиқ шаҳарлари ва МДХнинг баъзи мамлакатларида (Киев, Минск ва Олма-ота шаҳарлари) ва Болтиқбўйи давлатларида (Рига, Журмала ва Вильнюс шаҳарлари) меҳмонхоналар ҳакида муҳим маълумот беради.

Туристик агентликлар учун “калит” тизимининг асосий жалб этилиши бу ҳеч қандай бронлаштириш бўлмаган тақдирда ҳам пул тўламаслик хисобланади. Тизимнинг яна бир қуайлиги ўзаро хисоб-китобларни агентликнинг факат битта ҳамкор, яъни “Калит тизими” билан амалга оширилишидир. Бироқ, бу хар бир меҳмонхона билан амалга оширилмайди. Масалан, Сочи санаторийларида даволаниш эрта бронлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ерда куйидаги меҳмонхоналар тақлиф қилинади ва ундаги меҳмонхона нархлари бир киши учун икки ўринли жойлаштириш шарти билан кўрсатилади.



**7.4-расм. Сочи санаторийларида бронлаштирииш
қиймати (долларда)²¹**

Ушбу дам олиш жойларида хеч қандай қатъий белгиланган минимал банд килиш имкони йўқ ва мижозларга бўш ўрин бўлмаган тақдирда тўлов амалга оширилмайди.

7.5. Интернетда глобаль дистрибьютор тизимининг интеграцияси

Глобаль бронлаштириш тизимларига эгалик қилиш ва уларда фаолият юритиши мураккабликлари ҳамда уларни ишлази учун кетадиган маблағ жуда юкори бўлганлиги бронлаштириш тизимларини киритишга тўсиқ бўлади. Аммо, глобаль интеграцион жараёнларининг таъсири мамлакатимизнинг Европа ҳамжамияти ҳамда Осиё мамлакатларга ташқи сиёсати йўналиши ва улар билан самарали ўзаро ҳамкорлик муносабатларини юритиши Ўзбекистонни Европа ва Ўрта Осиёдаги йирик туристик масканларга айлантира олди. Бу эса мамлакатимиздаги туризм индустриясидаги сервис сифатига ҳам катта таъсир кўрсатади.


Интернетда глобаль дистрибьютор тизими доирасида мавжуд муаммоларга қарамасдан мамлакатда иқтисодий ахволни яхшилаш ва глобаль бронлаштириш тизимларини мамлакатимиз доирасида ривожланиши учун жуда катта истиқболли режаларни тузиш зарур. Бунда бевосита интеграция зарур, яъни онлайн кўринишида турли глобаль дистрибьютор тизимлари ўртасида интеграция амалга оширилади.

Фаолият олиб бораётган турагентликларнинг иш фаолиятини такомиллаштиришда туристик таъсир ўтказишни жорий этиш

²¹ <https://tatil.uz/kr/tours/sanatorii-v-sochi>

лозим. Бунда погонали маркетингли бошқарув аппарати зарур бўлиб, у халқаро, миллий ва маҳаллий туристик ташкилотларига асосланиб, замонавий менежмент тизимини яратиш билан белгиланади.

Ушбу ҳаракатлар орқали турагентликлар фаолиятида электрон бронлаштириш тизимлари ва глобаль дистрబютер воситачилари ўргасидаги алоқаларни юзага чиқарилишига олиб келади. Натижада, интернет тизимининг самарали ишлами натижаси глобаль дистрబютер тизимининг интеграцияси амалга оширилади ҳамда ушбу тизимлардан самарали фойдаланишга эришилади.



7.5-расм. Турагентликлар фаолиятида электрон бронлаштириш тизимлари ва глобаль дистрబютер воситачиларининг фаолияти²²

Ушбу расмга асосланиб, турагентликлар фаолиятида электрон бронлаштириш тизимлари ва глобаль дистрబютер воситачалари ўзаро алоқада бўлади. Бу билан иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларидағи каби давлатлар ва ижтимоий ташкилотларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини акс эттирувчи глобаллашув тенденцияси ҳам шаклланади. Шударга мувофиқ, Ўзбекистонда туризм ва меҳмонхона хўжалигининг ҳозирги ҳолати мазкур соҳанинг кенг тараққий қилиб бораётганлигини кўрсатади ва уларни янада ривожлантириш бронлаштиришга бўлган заруратни юзага чиқаради.

²² Манба: www.mdis.org маълумотлари

7.6. Туристик менежментда Интернет технологиялар

Туристик менежментни амалга оширишда Интернет технологиялари кўлланилади. Ушбу технология бронлаштириш тизимлари ҳисобланади ва улра бўйича турли мамлакатлар тажрибалари тўшпанган. Бу борада катта замонавий меҳмонхоналарда бронлаштириш жараёни компьютерлаштирилган. Бронлаштириш тизимлари ахборот технологияларисиз ишлай олмайди. Туроператор ва турагентлар ҳам ўз иш фаолиятида бронлаштириш тизимларидан фойдаланадилар.

Туризм соҳасида компьютер бронлаштириш тизимлари катта таъсир кўрсатди. Бунда туристик саёҳатни амалга оширишда тунаш жойининг олдиндан брон килиниши жуда муҳим ҳисобланади. Айниқса, битта модем орқали серверга уланган турагентлар мавжуд туристик хизматлар, уларнинг нархлари, сифати ва ўз харидорларига тақдим этиши мумкин бўлган вақтлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, турагентлари ушбу маълумотлар базасига мурожаат қилишлари ва буюртмаларини тасдиқлаши мумкин.

Мазкур тизимларда ишлап учун туристик хизматлар провайдерлари бундай тизимларга эга бўлиши ва ҳеч бўлмаганда ходимлар оддий технологиялар ҳакида билимларга эга бўлишлари лозим. Масалан, шахсий компьютерлар билан ишлап ва турагентликларда тармоқ ресурсларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Аввало, меҳмонхоналарни бронлаштириш тизимлари Россия давлатида кенг кўлланилиб келинмоқда. Чунки, ҳозирги кунда Москва халқаро туризм форуми доирасида келгуси З йилда сайёҳлик хизматларининг интернет бозори 8 маротаба ўсиши белгиланган. Ушбу маълумотларга асосан, шу мамлакат халқи интернетдаги барча авиачипгаларнинг 13,6 фоизи, темир йўл чипгаларининг 13,1 фоизи ва меҳмонхоналар 9,5 фоизини сотиб олади ва брон киладилар. Аммо, туристик пакетларнинг онлайн савдоси паст даражада 2,3 фоиз ва Европада ушбу кўрсаткич 29,6 фоизни ташкил этади.²³

²³ Тухлиев И.С. Туризмда геоахборот тизими. Маъruzalар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. -134 б.

Москва халқаро сайёхлик форуми доирасида ўтказилган таҳлилий маълумотларга кўра, туристик пакетларнинг паст дараҷада сотилишига сабаб бозордаги кам сонли таклифлар ҳамда онлайн харидорлар ва онлайн брон килишдаги техник хатолик ва қийинчилклар ҳисобланади. Яъни, сотиб олишни бошлаган истеъмолчиларнинг 30 фоизи ҳамда сотиб олганларнинг 64 фоизи туристик ваучерни сотиб олганлигидан хавотирда бўладилар. Улар пластик карта орқали тўловни амалга ошириб бўлгандан сўнг, соҳта чипталарни харид килиб қўйган бўлиши деган қўркув остида қоладилар. Бироқ, ушбу омилларга қарамай, Россияда тўлиқ сайёхлик пакетларига бўлган онлайн талабнинг ўсиши тахмин қилинмоқда. Хусусан, 2014 йилда интернет орқали саёҳат пакетларини сотишининг улуши сотиладиган турлар сонининг 19 фоизини ташкил қилган.

Дарҳақиқат, туристик менежментда интернет технологиялар кўлланилиб, бу борада меҳмонхоналарни бронлаштириш тизимларини амалга оширишга қаратилган хорижий давлатларнинг тажрибалари тўпландган. Буларга “Amadeus”, “Worldspan”, “Galileo” тизимлари, шунингдек “booking.com” веб-сайтлари ва бошқалар киради.

7.1-жадвал.

Дунёning етакчи глобаль бронлаштириши тизимлари ҳақида маълумот²⁴

Кўрсаткичлар	Galileo	Worldspan	Amadeus
Тизимга уланган терминаллари сони	220000 дан ортиқ	80000 дан ортиқ	300000 дан ортиқ
Ташувчи авиакомпаниялар сони	725 та	500 та	840 та
Таъминловчи меҳмонхоналар занжирлари сони	250 дан ортиқ	245 та	366 та
Таъминловчи меҳмонхоналар сони	60000 та	50000 та	150000 та
Автомобилларни ижарага берувчи компаниялар сони	48 та	49	70 та

Жадвалда келтирилган мазкур тизимлар глобаль миқёсда бўлиб, уларга уланган терминаллар, авиакомпаниялар, меҳмонхоналар ва уларнинг занжирлари ҳамда ижарага берувчи компанияларнинг сони

²⁴ Манба: Экономика и организация туризма. - М., 2015.

жихатдан ажралиб туради. Бу орқали туристик менежментда интернет технологияларнинг натижаси соҳани баркарор ривожлантиришга қаратилган.

7.7. Туристик сайтлар хусусиятлари ва элементлари

Туристик сайтлар бир катор элементларга эгалиги билан ажралиб туради ва унинг хусусиятлари онлайн-бронлаштириш жараёнида намоён бўлади. Шуларга мувофиқ, меҳмонхоналарни бронлаштириш тизимлари мавжуд бўлиб, у асосан хорижий туристик сайтларидан фойдаланиш имкониятлари ва йўналишларига эга. Чунки, кўпчилик туристик агентлик фирмалари ўз иш фаолиятларида машхур веб-сайтлардан кенг фойдаланадилар. Сайтлар асосида ўз иш фаолиятларини такомиллаштириб борадилар. Бунга интернет ва унда ишлайдиган веб-саҳифалар ёрдам беради. Хусусан, интернет орқали турагентлик фирмалари меҳмонхоналар ва уларнинг хизматлари ҳақида етарли маълумотларга эга бўладилар. Бу эса интернет орқали меҳмонхона хизматларини бронлаштириш ҳисобланади.

7.2-жадвал.

Интернет орқали меҳмонхона хизматларини бронлаштириш²⁵

www.travelweb.com. “travelweb.com” энг эски (1994 йил тармоқда пайдо бўлган) ва туризм бўйича кўпроқ кудратли интернет ресурслардан биридир. Сайт фойдаланувчиларга тур таркибига кирувчи авиабилетлар ва меҳмонхона кабиларни бронлаштиришни таклиф килади.

www.expedia.com. “expedia.com” энг машхур туристик ресурслар тармоқларидан бири бўлиб, унинг яратувчиси “Microsoft” корпорацияси ҳисобланади. Ушбу сайт бронлаштириш ва ташриф буюриш бўйича етакчи бўлиб, агентниклар ва фойдаланувчиларга авиабилетлар, меҳмонхоналар, автомобиллар, туристик пакетлар ва кемаларни резервлаш имконини беради.

www.hotelworld.com. “hotelworld.com” меҳмонхона сайти бугунги кунда турагентниклар ва мижоз-туристларга маълум. У жами 204 та мамлакатда 9000 дан кўпроқ меҳмонхонани бронлаштириш имконини беради. Бу сайт ресурслар базаси тармоқка кирувчи мингдан кўпроқ мустакил меҳмонхоналар бўйича ахборотларни сақлайди.

²⁵ www.google.com сайтига асосланниб, тузилди.

www.travelocity.com. “travelocity.com” асосий ишчи режими машхур туристик сайт бўлиб, у “sabre” бронлаштириш глобаль тизимига жамланган. Яъни, авиабилетлар, отеллар, автомобиль ижараси, кема саёҳати ва йўлбошловчиларни ўз ичига жамлайди. Ҳамда сайт бронлаштириш ресурс базаси 400 авиакомпания, 45000 меҳмонхона ва 50 автоижара компаниялари маълумотларини ўзига жамлайди.

Ушбу жадвал маълумотларига асосланиб, туристик агентлик фирмасининг чикимларини унсурлар бўйича назорат килиш самарадорликнинг турли шаклларини таққослашга имкон беради.

7.8. Веб-сайтда умумий ахборот.

Веб-сайт хусусиятлари

Веб-сайтда умумий ахборотлар мавжуд бўлиб, бу сайтнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Сайтларда тез ва осон кўринишдаги онлайн бронлаштириш жараёни амалга оширилади. Жумладан, бронлаштиришни амалга оширадиган кизикарли хорижий сайтлар мавжуд:²⁶ Жумладан, Испаниянинг “Tour spain” <http://www.tourspain.es/turespai/marcol.htm> веб-сайти бўлиб, унда ҳақиқатдан ҳам бронлаштириш ишлари бажарилади. У фойдаланишда жуда оддий, яъни ҳар бир сахифасида уй сахифасига таянилади ва бўлимлар алоҳида кўрсаткичга эга бўлади. Мазкур сайтда режа ёки қидирув тизимидан фойдаланиб, ҳар қандай маълумотни осон топиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир сахифада қидирув ёки режа тизими бўлиши лозим. Шу боис, бу хусусият ташриф буорувчига керакли маълумотни тезроқ топиб олишларига ёрдам беради.

Ушбу сайт бўлимлари саёҳатлар типларига тўла мос келади. Яъни, буларга ишга алоқадор сафарлар, дам олиш, саргузашт, гид кузатувида сафар ва бошқалар киради. Ундаги саёҳатнинг хусусияти, масалан худудлар, жойлашиш, транспорт, магазинлар, ахборотнинг иккинчи даражасини ташкил этади ва сарлавҳа остида берилади. Шундай килиб, бунда ахборот узатиш индивидуал туристга қаратилади.

“Tour spain” сайти хилма-хил ахборотларни таклиф килади. Унда жойлашиш шароити, транспорт, одат, валюта ва магазинларнинг ишлари вақти ҳақидаги маълумотлардан ташқари

²⁶ Mamatqulov X.M. Turizm infratuzilmasi. Maʼruzalar kursi. – SamISI, 2009. - 117 б.

Испания ҳақида охирги янгилеклар ҳақида хабар берилади. Ушбу маълумотлар бутун дунёдаги газеталардан йигилган. Шунингдек, 12 та испан ахборот агентликларига бевосита чиқиши имкониятини ҳам беради. Бундан ташқари, у испан тили курслари ҳақида кенг ахборотларни таклиф қиласди.

“Tour Spain” веб-сайтининг ҳар бир саҳифаси электрон почта кўринишидаги манзилга эга. Унга таянилган ҳолда сўров учун қўшимча ахборотлар берилади. Сайтда Испания туризми бўйича хорижий бўлимлар кенгаши ва маҳаллий бўлимлар руйхати мавжуд. Яъни, фойдаланувчига маҳсус ахборот ёки қўшимча ёрдам керак бўлса, у Испания туризми бўйича кенгаши билан тўғридан-тўғри алоқанинг вариантларидан фойдаланиши мумкин.

Интернет тизимида “Tour Spain” сайти 1998 йил 1 январда пайдо бўлган. Уни яратишдан асосий мақсад жаҳон аудиториясига мамлакат бўйлаб кам ҳаражатлар билан катта ҳажмидаги маҳсус туристик ахборотларни етказиш бўлган эди. Ушбу сайтни ишлаб чиқиши ва яратиш бевосита бозорни тадқиқ қилиш билан бирга олиб борилади. У умумий туристик статистика, шунингдек асосий Европа давлатлари ва йирик хусусий туристик компанияларнинг веб-сайтларини ўрганишни ўз ичига олди. Бу ҳақдаги тадқиқотлар З йил давомида олиб борилди. Шундан кейин, “Tour Spain” яратилди. Уни ишлаб чиқишига 150 минг АҚШ долларига яқин маблағ сарфланди.

Айникса, сайтни саклаш ва янгилаш учун доимий ҳаракатда бўлган тадқиқот дастури тузилган. Бу бўйича Испания туризми бўйича кенгаши ҳар куни 100 та яқин сўровларни ўтказган. Улардан айримлари Испанияда туризмга тегишли бўлиб, бошқалари веб-сайтни такомиллаштириш бўйича таклифлардан иборат бўлган. Унга асосан ҳар бир ташриф буюрувчи ўртасида сайтда 20 минут давомида сўров ўтказилади. Тадқиқотлар ўз натижалари ва фойдаланувчиларнинг таклифлари асосида ахборот технологиялари бўлими сайт мазмунини ўзгартиради. Расмий миллий туристик маъмурият нашри эълон қилган маҳсус танловда ғолиб бўлган испан компанияси уни яратилишидан ҳозирги кунгача таркибини ўзгартириб келади.

Мазкур сайт туризм бўйича Испания кенгаши хукумат ташкилоти ҳисобланади ва миллий бюджетдан молиялаштирилади. Молиялаштиришни енгиллаштириши мақсадида кенгаши сайтида тижорат рекламаларини жойлаштиради. Сайт мазмунида миллий туристик маъмуриятнинг расмий нашри эълон қилган маҳсус

танловдаги ютуқнинг унча катта бўлмаган умуммиллий улуши кетади. Мазкур кенгаш сайтдан фойдаланиш бўйича маълумотларни тизимли таҳлил қилиш дастурини яратди. Бунда ахборот манбай бўлиб, унга тушаётган сўровлар ва таклифлар хизмат қиласди. Улар ҳар куни қайта ишланади, маркетинг тадқиқотлари қисмини ташкил қиласди ва туризмнинг олға силжишида кенг фойдаланилади. Бирок, статистик маълумотларни йигиш учун “Web-Trends” дастур маҳсулоти кўлланилади. Унга асосан, статистик маълумотлар ҳар ойда таҳлил қилиниб борилади.

Шулар билан бир қаторда куйидаги зеб-сайтлар ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради:

- www.onerail.com. Мазкур сайтда 2001 йилнинг март ойида интернетдан фойдаланувчилар темир йўл билетларини бронлаштириш бўйича йирик порталга кириш имконига эга бўлгандар. Бу гизимда ер юзининг деярли барча бурчакларидан 250 млн. маршрут тақдим этилган онлайн режимида уларнинг исталганига бронлаштириш мумкин. Бронлаштириш расмийлаштирилганидан сўнг, тизим электрон тасдиқ беради. Турист уни электрон билетлар сотиладиган киоска ёки кассаларда темир йўл билетига алмаштириши лозим.

Мазкур “Onerail” веб-сайти портали турагентликлар учун жуда фойдали ҳамкорлик шартларини тақдим этади. Улар ҳар ойда ўтказилган ҳар бир бронлаштириш учун комиссиян мукофот олиш имкониятига эга. Айниқса, компаниялар етакчи GDSлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Яъни, “Amadeus”, “Sabre”, “Worldspan” va “Galileo” шулар жумласидандир. Натижада, фойдаланувчиларнинг “Onerail” ресурсларига bemalol кириш имконига эга бўлдилар.

- www.eventclieks.com. Осиё-тинч океан худудида интенсив туризм ва конгрессли кўргазмада доимий ошиб бораётган талабга пешвоз чиқиб, Гонконг интернет компанияси, яъни “E-kong Group” 2000 йил июн ойида www.eventclieks.com сайтини яратди. У тўлиқ Осиёда туризмга бағишлиланган ва мазкур сайтда меҳмонхоналарнинг конгрессли ва инсентив имкониятлари ҳакида бепул ахборотлар жойлаштиради.

Комиссия унинг эгаси фойдасига мижозларнинг бронлаштирган суммасидан ушлаб қолади. Тизимида барча меҳмонхоналар тенг холатда бўлиб, бу ерда кўрсатиладиган хизматларга нархлар зълон килинмайди. Демак, мижоз маъкул варитантни танлаб,

www.eventelicks.com командасини сўрайди ва у унинг меҳмонхона билан бўладиган келгуси сухбатини таъминлайди.

- www.lastminute.com. Бу сайт биринчи навбатда тур ва билетларни “охирги минутда” ёки “ёниб бораётган” лахзаларда сотиш учун ташкил этилган. Айрим сабабларга кўра, бугунги кунда www.lastminute.com веб-сайти Европада биринчи рақамли туристик сайтга айланган кўп сонли обуначи ва хизматларни етказиб берувчи “Lufthanza” авиакомпаниясидан тортиб, Буюк Британиянинг миллий билетигача эга бўлади. У мутлақо мустакил ва барча етказиб берувчиларга ресурслар ҳақида ахборотларни ҳам тақдим этади.

Ушбу сайтнинг яратилиши туфайли билан Буюк Британияда биринчи марта ташкил этилган ва машхур бўлган. Унинг эгалари Франция, Швеция, Германия, Австралия ва Жанубий Африка Республикасида унинг маҳаллий версияларини яратдилар. Шунинг учун ҳам, яратилган мазкур концепция бутунги кунда Россияда давом қилмоқда.

- www.travelocity.com. Мазкур сайт электрон туристик агентлиги интернет тармоғида 1996 йилнинг баҳорида “Sabre Interactive” ва “Worldview Systems” компанияларининг саъй-харакатлари туфайли пайдо бўлди. “Travelocity” агентлиги мажмуали хизматларнинг тутунидан бирида олдиндан билетлар, меҳмонхоналар, автомобиллар, кема саёҳати, турии туристик марказлар ҳақида ахборот бериш, саёҳат қилувчилар ўз таассуротларини баҳам кўрадиган бўлимлар, шунингдек туристик анжомлар злектрон магазинга буюртмалар бериш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур яратилган кидирув тизими нарх бўйича меҳмонхонани тошиш, жойлашган ўрни ва маълум тармоққа тегишилиги ҳақида ахборот олиш имконини беради. Ушбу сервер кучли американларнинг бўлиб, унга боғлиқ бўлган меҳмонхоналарнинг катта қисми Шимолий ва Жанубий Америкада жойлашган.

“Travelocity” ўз серверини сақлаш учун милион доллар сармоя сарфлайди ва онлайн режимида билетларни сотиш ва товарларни реализация қилиш бўйича белгиланган режалардан ўзиб кетган. Шундан келиб чиқиб, “travelocity”нинг даромад манбалари бўлиб, куйидагилар ҳисобланади:



7.6-расм. “Travelocity” сайтиның даромад манбалари

Шулар қаторида асосий реклама берувчилар, яғни “Avis”, “Hilton Hotels” va “American” билан шартономадан ташқари, сервернинг манзиллар ахбороти сахифасида реклама зълонларни “DoubleCli” тармоғида жойлаштириш юзасидан компаниялар билан битим имзоланган. “Sabre interactive” ва “Worldview Systems” билетларни буюришнинг интерфаол шакли кулагига ишончи комил. Бунда “Flidhijindep” сервери бўлимидан фойдаланиб, мижоз саёҳатнинг бошланғич ва охири санаси, жўнаш ва келиш пункт каби ахборотларга киритилади. Бунда авиакомпанияни маъқул кўриши каби бир қатор параметрларга эга бўлади. Яғни, билетнинг нархи скі қўнувсиз рейсни билиб олади.

Фойдаланувчи ўзининг веб-сайти ёрдамида тегишли сўровни тузади. У гиперматен шаклида (Hypertext Markup Language ёки HTML) билетларни резервлаштириш онлайн веб-серверга келиб тушади. Кейинги “Webtorce Challenge” компаниясининг қудратли сервери “Silicon Graphies” хисобланади. Унга “Commerce Server” фирмасининг “Netscape Communications” дастур таъминоти ўрнатилған. Сервер “Sabre Interactive” компаниясининг маълумотларни қайта ишлаш маркази маҳсус жиҳозланган ер тұла биносида жойлашган. Буюртма бу ерда трансакция менежери, сўровлар менежери томонидан синчилаб қайта ишланади, ишлар сеанси ва ҳолати мониторларда күзатылади.

Шунингдек, мижоз эҳтиёжи ҳакида йигилган маълумотлар классификацияланади ва маълумотлар базасида рўйхатга олинади. Бу барча дастурий қисмлар компаниянинг ўзи томонидан яратилган ва сўровларни тўгри хulosса чиқаришга хизмат қиласи. Серверга ҳар кунга ташриф “Oscar” – “Webby Award” шаклида 1999 йилда йўлга кўйилган. Сайт провайдери дунёдаги ийрик туристик концернлардан бири “Rosenbluth International” бўлиб ҳисобланади. Ушбу сайт ёрдамида иш доирасидаги сафарлар, жумладан, конгрессли турлар бронлаштирилди, учрашувлар режалаштирилди, ахборотлар олинади. Сайтда ишлаш учун албатта руйхатдан ўтиш талаб қилинади.

7.9. Онлайн-бронлаштиришнинг асосий хорижий туристик сайтлари

Онлайн-бронлаштиришнинг асосий хорижий туристик сайтларидан бири ушбу номдаги “booking.com” компаниясининг сайти ҳисобланади. Чунки, меҳмонхоналарда бронлаштиришда замонавий ва машҳур “booking.com” компаниясининг тажрибалари алоҳида ўрин тутади. Ушбу “booking.com” компанияси 1996 йилда Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида ташкил этилган бўлиб, кичик Голландиядан бошланган саёҳатдан онлайн саёҳатларни брон килишгача чикиш бўйича жаҳон бозоридаги етакчилардан бирига айланди. “Princeline Group” бошчилигида 70 мамлакатда 198 та идорада 15000 дан ортиқ киши ишлайди.

“Booking.com” компанияси кишиларни янги кашфиётларга илҳомлантиради. Шу боис, у рақамли технологиялар ёрдамида иложи борича саёҳат қилишга қулай мухитни яратиб беради. “Booking.com” турар жойлар ҳакида кўплаб вариантларни таклиф қиласи. Улар жумласига хонадонлар, дам олиш уйлари ва кичик оиласи мөхмонхоналар, ҳашаматли 5 юлдузли мөхмонхоналар, дам олиш жойлари, дараҳтдаги уйлар ва бошқалар киради. “Booking.com” иловалари 40 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Мазкур компания дунёдаги 228 та мамлакат ҳудудларида 123171 та йўналиш бўйича 1534024 та турар жой вариантларини ўзида жамлаган.

Ҳар куни 1550000 дан ортиқ жойлар “booking.com” хизмати орқали брон қилинади. “Booking.com” компаниясида саёҳатчилар дам олиш ва хизмат сафари учун жуда қулай жойларни исталган

вактда бронлаштириш мумкин. Мехмонлар куннинг исталган вактида кўллаб-куватлаш жамоасига мурожаат қилишлари ва 40 дан ортиқ тилларда ёрдам олишлари мумкин.

“Booking.com” компаниясининг электрон почта манзили customer.service@booking.com деб номланади. “Booking.com” компанияси томонидан яратилган “booking.com” сайтига меҳмонхоналар ўз маълумотларини киритмоқчи бўлсалар, аввало онлайн рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади. Рўйхатдан ўтиш бепул хисобланади. Кейинчалик компания ходимлари рўйхатдан ўтвучи билан боғланиб, ўз хизмат ҳақларини белгилайдилар ва ўз фаолиятларини амалга оширадилар. Ундан кейин меҳмонхона тўғрисидаги тўлиқ маълумот ва унга оид юқори сифатли фотосуратларни тақдим этиш лозимлиги сўралади. Меҳмонхона сахифаси мукаммал компьютер усталари томонидан яратилади ҳамда онлайн ўз мижзоларига етказилади.

Бронлаштириш тўлови бронлаштириш комиссияси томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади. Мазкур сайтда ривожланган хорижий давлатлардаги меҳмонхоналар киритилган бўлиб, хусусан бу борада 2018-2019 йилларга мўлжалланган Франциянинг 21 та энг яхши меҳмонхоналари рўйхати киритилган.


Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда фаолият юритувчи 290 дан ортиқ меҳмонхоналар “booking.com” хизматларидан фойдаланадилар.²⁷ Бирок, Ўзбекистонда меҳмонхоналарни бронлаштириши <https://mybooking.uz> веб-сайти орқали ҳам амалга оширилмоқда ва ушбу сайт ўзбек тилида кўринади. Мазкур сайтта 170 та меҳмонхона киритилиб, унинг ташки кўринишдаги расмлари, юлдузларининг таснифи, жойлашган манзили ва белгилangan нархлари келтирилган. Сайтдаги биринчи меҳмонхона бўлиб, “Vek Khiva” меҳмонхонаси келтирилган. Мазкур сайтда жойлаштириш воситалари хостел, меҳмонхона, бутик, мотел, нонушта ва ётк, меҳмонлар уйи, соғлик маркази ва ресорт меҳмонхона каби турларга ажратилган.

Ушбу сайтнинг e-mail манзили info@mybooking.uz хисобланади. Сайт таркибига хизматлар, туризм янгиликлари, қоида, шартлар ва Ўзбекистондаги жойлашган Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Хива, Қарши, Шахрисабз, Термиз, Фарғона, Кўқон, Наманган, Андижон, Нукус, Навоий, Жиззах, Чимён ва Гулистон каби

²⁷ Манба: www.booking.com

шаҳарлар ҳамда улардаги фаолият юритаётган меҳмонхоналар рўйхати киритилган.

Ундан ташқари, <https://uzbekistanpass.com> сайтида Ўзбекистоннинг етакчи сайёхлик портали бўлиб, меҳмонлар ва туристлар учун бутун Ўзбекистон бўйлаб энг яхши ва кафолатли хизматларни таклиф килади. Бунда у Ўзбекистон бўйлаб якка ҳамда гуруҳ бўлиб саёҳат килиш давомида керак бўладиган барча хизматларни ўз ичига олади. Масалан, авиақатнов ҳамда темир йўл чипталари, меҳмонхоналарни олдиндан бронлаштириш хизматлари ва мамлакатимиз бўйлаб такси хизматлари ва бошқалар шулар жумласидандир. “Uzbekistan pass” сайёхлик портали 600 га яқин меҳмонхоналар ҳакида маълумотлар берилган бўлиши билан бирга ўз фойдаланувчиларига куйидаги хизматларни ҳам таклиф этади:



7.7-расм. “Uzbekistan pass” сайёхлик порталининг кўрсатадиган хизматлари рўйхати

Мазкур сайёхлик порталида юқоридаги хизматларнинг деярли барчаси текин бўлиб, хизматлардан фойдаланувчилар фақат хизматдан фойдаланиш жараёнида хизмат эгаси билан ҳисоб-китобни амалга оширадилар. Ҳамда веб-сайтларга асосланадиган

мехмонхоналарда бронлаштиришда замонавий ва машхур “booking.com” компаниясининг тажрибалари кенг тарқалган ҳамда республикамизда ҳам мазкур компаниянинг тажрибалари кенг кўлланилиб, ривожланиб бормоқда.

Таянч иборалар: Туризмда ахборот технологиялари, компьютер тизими, бронлаштириш, “Amadeus” тизими, “Galileo” тизими, веб-сайт.

Назорат учун саволлар

1. Туризмда ахборот технологияси турлари ва уларнинг можияти нималардан иборат?
2. Компьютер тизимида ўринларни бронлаштиришиниг пайдо бўлиши имкониятлари ва эволюцияси нималар билан белгиланади?
3. “Amadeus” тизимининг ҳозирги даврдаги ҳолати нималардан иборат бўлади?
4. “Galileo” тизимларининг янги имкониятлари нималардан иборат бўлади?
5. Интернетда глобаль дистрибьютор тизимининг интеграцияси қандай амалга оширилади?
6. Туристик менежментда Интернет технологияларга нималар киради?
7. Туристик сайtlар хусусиятлари ва элементлари нималардан иборат бўлади?
8. Веб – сайтда умумий ахборотга нималар киради?
9. Веб – сайт хусусиятлари нималардан иборат бўлади?
10. Онлайн-бронлаштиришининг асосий хорижий туристик сайtlари нималар?

VIII БОБ. ХАЛҚАРО МЕҲМОНДЎСТЛИК МЕНЕЖМЕНТИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШКИЛИЙ МАДАНИЯТ

8.1. Халқаро меҳмондўстлик менежментида давлатлараро диplоматик муносабатларнинг тутган ўрни

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида давлатларнинг халқаро муносабатлари ва ташки сиёсати дипломатияси мухим ўринни эгаллайди. Инсоният жамиятининг ривожланишига ҳар бир давлатнинг ташки алоқаларида дипломатия мухим ўрин тутади. Бу ҳолатда дипломатия бутун бир халқ ва давлатларнинг ҳамкорликка асосланган истиқболли тақдирини белгилайди. Айрим ҳолларда хукуматнинг иродасига кўра мунозараларни ҳам белгилайди.

Айниқса, дипломатия бошқарув учун зарурӣ унсур сифатида давлатларнинг ўз ҳокимиyатини мустаҳкамлашда фойдаланилади. Бугунги кунда давлатлар ва халқларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда дипломатия алоҳида мухим аҳамият касб этмоқда. Диplоматия ишларида халқларнинг фаол иштироки дипломатик муносабатларни таъминлайди. Бинобарин, мазкур халқларнинг манфаатлари ушбу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Халқаро меҳмондўстлик муносабатларини амалга ошириш учун давлатлараро диplоматик муносабатлар зарур бўлиб, бу борада республикамида мустақиликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг давлат сифатида мавжудлиги ва ривожланиши унинг тараққиётини белгилаб берди. Бунда тинчлик, чегара ва қўшни давлатлардаги барқарорлик муаммолари мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг давлат мустақилиги ва унинг кейинчалик мавжуд бўлиши, ривожланиши, унинг халқаро миқёсда тан олиниши Ўзбекистон мустақил ички сиёсат олиб боришининг гаровидир. Ҳозирги кунда республикамида олиб борилаётган ўзаро диplоматик ҳамкорликка асосланган ташки сиёсат унинг миллий манфаатларига мувофиқ бўлиб қолмай, балки мустақилликни мустаҳкамлаш ижтимоий-иқтисодий қийинчилликларни муваф-

фақиятли енгиш, халқ турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим воситаси ва зарур шарти ҳисобланади.

Ташки сиёсат мамлакатнинг жаҳонда олиб бораётган ривожланиши “усули”, Йўли ва халқаро майдондаги мавқеи ёки нуфузи

Дипломатия француз тилидан олинган бўлиб, давлатларнинг ташки сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш ва хорижда ҳукуқ ва маңбаатларини ҳимоя килиш соҳасидаги расмий фаолияти. “Дипломатия” атамаси юонча «икки букилган қозоз» деган маънни билдиради

ТУШУНЧАЛАР

Дипломатик хизмат давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик ва муносабатларни амалга ошириш борасидаги фаолияти, ҳаракатлари ва вазифалари

Дипломатик муносабатлар давлат ташки сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири сифатида бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан турли соҳаларни ривожлантириш бўйича амалга оширадиган ўзаро ҳамкорлиги ҳисобланади. Самарали ўзаро ҳамкорликка асосланган дипломатик муносабатлар сиёсат сифатида узининг мақсад ва вазифаларига эга

8.1-расм. Дипломатия билан боғлиқ тушунчалар таснифи

Давлатлараро дипломатик муносабатларни амалга оширишда дипломатик хизмат давлат хизматининг муайян тури бўлиб, ўз спецификаси ва хусусиятларига кўра, давлат хизматларининг бошқа турларидан фарқ қиласди. Халқаро ҳаёт билан боғлиқ воқеалар ўрганилар экан, ташки сиёсат, дипломатия ва дипломатик хизмат тушунчалари кенг кўлланилади.

Кўпгина ҳолларда ушбу тушунчалар бир хил маънени ифодалаши мумкин. Дипломатия тушунчаси кўпинча турли маъноларда ўз маъносидан узок бўлган тушунчани ифодалаш учун кўлланилади. Бу борада машҳур инглиз дипломати ва олими Г. Никольсон таъкидлаганидек, “дипломатия” атамаси сўзлашув тилида бир қагор турли-туман маъноларни англатиш учун хизмат қиласди. Баъзан у “ташки сиёсат” синоними сифатида ҳам ишлатилилади. Бошқа ҳолларда унда ўзаро музокара маъносини англатиш учун кенг фойдаланилади. Шу билан бирга, у ташки ишлар ва бошқаларнинг чет давлатдаги қисмини ҳам билдиради.

Халқаро мөхмөндүстлик муносабатларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсати унинг ички сиёсати билан уйғун саналади. Хусусан, хорижий мөхмөнхона брендлари ва занжирларининг республикамизда ўз филиаллари ва бўлимларини ташкил этиши самарали дипломатик алоқаларнинг муҳим кўринишидир. Туризм соҳасида оқилона сиёсатнинг олиб борилиши, кўп давлатлар билан кенг қамровли ва кўп томонлама ҳамкорлик қилиш жамиятни янгича йўналиш борасидаги муносабатларининг ривожланишига замин яратади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасидаги мавжуд муносабатларни амалга ошириш билан боғлиқ оқилона сиёсат доирасида соҳага оид бир қатор хужжат, шартнома ва битимлар имзоланди. Хусусан, туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш мақсадида ҳамда 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августда ПФ-5781-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармоннинг изкросини таъминлаш ва туризм соҳасида давлатлараро ўзаро дипломатик муносабатларни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси томонидан бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, қўмита хузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан дипломатик алоқалар ўрнатилган давлатлар тилларида “uzbekistan.travel” миллий туризм порталининг фаолият юритиши таъминланди ва Ўзбекистоннинг тегишли мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали маълумотларни янгилаб бориш ишлари бажарилди. Ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Транспорт вазирлиги Ташки ишлар вазирлиги билан бирга хорижий давлатларнинг авиация маймуриятлари ва чет эл авиаташувчиларини “Очиқ осмон” режими жорий этилган Ўзбекистон халқаро аэропортларининг рўйхатини дипломатик каналлар орқали хабардор ўтиш таъминланди.

8.2. Дипломатик муносабатларни амалга ошириш шакллари


Дипломатия ва дипломатик хизмат давлатларнинг халқаро муносабатлари билан чамбарчас боғлик. Ушбу тушунчаларни биргаликда қўллаш дипломатик муносабатларни амалга оширишнинг моҳиятини ташкил этади. Хорижий алқаларда дипломатия ва дипломатик хизмат давлатнинг милий манфаатларини ифодалайди. Бу давлатнинг бошқа давлат ва мамлакатлар билан ўзаро алоқаларини амалга оширишда намоён бўлади.

Турли иқтисодий тизимларда давлатлар билан амалга ошириладиган ўзаро муносабатлар турли шакл ва усуллар орқали намоён бўлади. Амалиёт шуни кўрсатадики, давлатларнинг дипломатик фаолиятида олий шакллар ва асосий усуллар муҳим ўрин тутиб, устувор тамойиллар орқали амалга оширилади. Дипломатик муносабатларни амалга ошириш учун халқаро муносабатлар ва уларнинг ҳозирги даврдаги ҳолатини тахлил қилиш муҳим бўлиб, бу орқали дипломатия ва дипломатик хизматни амалга оширишга эришилади.

Ҳозирги кунда мамлакатларда халқаро муносабатларнинг қуидаги турлари кенг қўлланилади:

- тинч-тотув яшашига қаратилган турли ижтимоий тизимдаги давлатлар ўргасидаги муносабатлар;
- бир ижтимоий тизимдаги давлатлар ўргасидаги муносабатлар;
- мустакил ривожланаётган янги давлатлар ўргасидаги халқаро муносабатлар;
- мусулмон-монархистик давлатларнинг ўзаро халқаро муносабатлари.

Дипломатик муносабатларни амалга ошириш учун дипломатик фаолият амалга оширилади. Бунда дипломатик фаолиятнинг асосий шакллари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:



8.2-расм. Дипломатик фаолиятни амалга ошириши шакллари

Дипломатик фаолиятни амалга оширишда дипломатик муассаса масъул ходимлари бир қатор дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади. Аммо, халқаро мөърларга асосан, дипломатик вакилларга ўzlари ишлаётган мамлакат ички ишларига аралашиш ман этилади.

Дипломатик муносабатларни амалга оширишнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд бўлиб, унга дипломатик қабул киради. Дипломатик қабул ташқи сиёсат доиралари, дипломатия ваколатхоналари ва дипломатлар ташқи сиёсий фаолиятининг умумий қабул килинган ва кенг тарқалган шаклидир. Жумладан, расмий қабул муҳим саналар воқеалар нишонланиши мамлакатга олий мартабали меҳмонлар делегацияларининг ташрифи муносабати билан амалга оширилади.

Дипломатик ваколатхоналар томонидан уюштириладиган қабул мазкур мамлакат билан элчихона ўртасида самарали муносабатларни ўрнатиши мазкур муносабатларни кўллаб-кувватлаш ва ривожлантиришга хизмат киласи. Бундай қабулларда хорижий

дипломатлар ўз давлатлари сиёсатини ва тушунтирадилар, ўлари турган мамлакат ҳақида ахборот тўплайдилар ва муҳим масалалар бўйича фикр алмашадилар. Шу боис, ҳар бир қабул уни уюштирувчи ва меҳмонлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат раҳбар органлари томонидан олий мартабали меҳмон ёки делегациялар шарафига уюштириладиган қабулларнинг келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади. Қабул вактида дипломат унинг давлатини қизиқтираётган ахборотларни олиши, бошқа манбалардан олинган ахборотларнинг қай даражада тўғрилигини аниклаш ва қиёслаш имкониятига эга бўлади. Ўз давлатининг тегишли сиёсатини ишлаб чиқишида зарур бўлган шарт сифатида рўй берәётган воқеаларни таърифлаш дипломатик фаолиятнинг муҳим соҳаси хисобланади ва ҳозирги кунда юқори даражада баҳоланади.

Дипломатик фаолиятни амалга оширишда давлатлар ҳақида материал тўплаш шакли ва усуслари таҳлил объективлигига салбий таъсир қилувчи субъектив ҳолатларга катта аҳамият берилади. Ҳамда дипломатлар тайёрлайдиган ҳисоботлардан давлат ташкиси сиёсати йўналишини белгилашда фойдаланилади. 1945 йилда ўтказилган Сан-Франциско конференциясида БМТ Устави қабул қилинди. Шуларга асосан, ҳозирги кунда кўп томонлама дипломатия аниқ мақсадли чақирилувчи ҳалқаро конференция ва ташкилотлар сессиялари шаклида амалга оширилмоқда.

Кўп томонлама дипломатиянинг яна бир шакли ҳалқаро ташкилотларнинг йиллик сессиялариdir. Буларга БМТ Бош Ассамблеясининг йиллик сессияси, шунингдек Иктиносий ва Ижтимоий Кенгаш, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотларнинг тадбирлари ва бошқалар киради. Ҳалқаро кенгаш, анжуман ва ташкилотларнинг турли-туманлигига қарамай, уларнинг муваффақиятли иш олиб боришига риоя қилиш лозим. Аниқ меъёр ва коидаларга риоя этиши мазкур анжуманларнинг самарали фаолиятини тартибга солинишини таъминлайди.

Музокара олиб бориш ҳам дипломатик фаолиятни амалга оширишнинг муҳим шакли бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда музокаралар жамият, давлат, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ажralmas қисмига айланган. Ҳозирги кунда ҳалқаро муносабатларда музокараларнинг амалий зарурияти ва музокаралар олиб бориш санъетини эгаллаш муҳимдир.

Музокаралардан давлатлар ўртасидаги жиҳдий масалаларни ҳал қилишда кенг фойдаланилади. Агар вужудга келган муаммолар

қонунчилек ёки меъёрий хужжатлар асосида ҳал қилинса, музокараларга эҳтиёж сезилмайди. Чунки, музокаралар икки томон учун ҳал қилиниши бир мағфаатли бўлган муаммони мухокама қилиш ва биргаликда қарорга келиш учун зарур ҳисобланади.

Айрим ҳолларда музокаралардан пайдо бўлган зиддиятларни бартараф этишда фойдаланилади. Музокаралар биринчи навбатда муаммони ҳал қилишга қаратилган кўшма ҳамкорлик фаолиятидир. Музокараларда икки иштирокчи бўлиб, уларнинг мағфаатлари қисман бир хил бўлиб, қисман бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Музокараларнинг турли таснифи мавжуд ва улар куйидаги гурухларга ажратилади:

- турли зиддиятли ҳолатларни тартибга солиш билан боғлик музокаралар;

- ҳамкорлик доирасида олиб бориладиган музокаралар.

Музокараларнинг ўтказилиши ва унда давлатнинг иштирок қилишига кўра фарқланади. Кўп томонлама музокаралар нисбатан мураккаб тузилишга эга бўлади. Бундай музокараларда ўзаро мақбул бўлган қарор қабул қилиш мураккаб кечади. Музокаралар жараёнининг босқичлари қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

1-музокараларга тайёрланиш

2-музокараларни ўтказиш

3-музокара натижаларини таҳлил қилиш ва эришилган келишувларни бажариш

8.3-расм. Музокара жараёнини амалга ошириш босқичлари

Музокаралар томонларнинг музокара ўтказишга ўтиришдан оддинроқ бошланади. Музокараларга тайёрланиш ўзаро боғлик бўлган икки йўналиш бўйича иш олиб боришни назарда тутади. Булар ташки масала ва музокараларнинг асосий қисмини тайёрлашдир. Ҳамда музокараларнинг ташкилий масалаларига делегацияларни шакллантириш, учрашув жойи ва ўрнини аниqlаш, ҳар бир мажлис кун тартибини белгилаш ва бошқалар киради.

8.3. Мехмондўстлик соҳасида ташкилий маданият тушунчаси

Мехмондўстлик соҳасини ривожлантириш учун маданият зарур. Маданият деганда жамиятда барча томонидан қабул этиладиган қадриятлар, анъаналар, фикрлар ва устувор тушунчалар тизими тушунилди. Маданият халқаро бизнес фаолият кўрсатаётган мухит омили сифатида ҳам қаралади. Маданиятнинг мухим кўриниши ва шакли ташкилий маданият ҳисобланиб, бу меҳмонхона корхоналарида маданиятнинг шаклланганлиги ва унинг маданийлашуви жиҳатларини акс эттиради.

Маданият меҳмонхоналарда турли хил хизмат ва ходимлар ягона маркетинг стратегиясига бўйсунмаса ёки айрим бўлинма ва ходимлар маркетингнинг умумий мақсадларини амалга ошириш манфаатини кўзламаса жуда зарур. Чунки, бундай ҳолатда “қарама-қаршиликлар” ҳодисаси рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатта йўл кўймаслик учун энг жиддий таҳлилга учрайдиган корхонанинг маданиятини ошириб, ташкилий маданиятни шакллантириш лозим.

“Ташкилий маданият” атамасининг пайдо бўлиши XX асрнинг 70-йилларига тўғри келади ва унинг концептуал асослари 1980-йилларда АҚШда ишлаб чиқилган. Бу жараёнга индивидуал хатти-харакат, бошқарув тизимлари ва ташкилот назарияси тадқиқотчилари таъсир кўрсатди. Ушбу маданиятни шакллантириш ташкилотнинг ривожланишига таъсир қилувчи ички ва ташки омилларга боғлиқ бўлиб, улар ўз-ўзидан ёки ўзига йўналтирилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, унинг ижтимоий ва бизнес мухити, шунингдек, давлат, миллий ва этник омиллар таъсир кўсатади.

Мехмондўстлик соҳасида ташкилий маданият бир қанча меъёр, қоида ва турли қимматликлардан иборат бўлади. Ташкилий маданият меҳмонхонадаги кишилар ўртасида муносабатлар тизими, ҳокимият тақсимотини бошқариш услуги ва кадрлар малакасини келажакда барқарор ривожланишини мужассамлаштиради. Ташкилий маданиятни шакллантиришган меҳмонхона унинг унумли ва савдоли ишлашини таъминлайди. Агар ташкилий маданият мавжуд бўлмаса меҳмонхоналарда ислабилармонлик ҳулқининг сусайишига олиб келади. Ташкилий маданият идоранинг безатилишидан бошланади ва у ходимларга ҳам ижобий таъсир қилиши лозим.

Ташкилий максадларга эришиш мөхмонхона ходимларининг биргаликда ишлашини назарда тутади. Хар бир корхона ва ташкилот мазкур ўзаро харакатни мувоғиқлаштириш ва муайян ички тартибнинг ўрнатилган бўлишига эҳтиёж сезади. Бевосита ушбу тартиб ташкилий тузилиш ва ташкилий маданият шаклида намоён бўлади.

Ташкилий тузилиш мөхмонхона ходимлари томонидан бажариладиган вазифалар ўртасидаги нисбатни белгилайди. Ташкилий тузилиш меҳнат тақсимоти, ихтиосостирилашган бўлинмаларнинг ташкил этилиши, лавозимлар погонаси, мөхмонхонада ўтказиладиган тадбирлар шаклларида намоён бўлади ва мөхмондўстлик муносабатларини самарали ташкил этишининг зарур жиҳати хисобланади.

Ташкилий маданиятни шакллантириш максадида бажариладиган вазифалари нуқтаи назаридан мөхмонхона ходимлари раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочилар каби тоифаларга бўлинади. Ҳамда мөхмонхоналарда алоҳида ташкилий маданият, яъни унинг ходимлари амал қиласидаган қадриялар ва хулқ-автор меъёрлари мавжуд бўлади. Ташкилий маданиятнинг куйидаги унсурлари мавжуд:

ўзаро муносабатларни белгилайдиган корхона фалсафаси

ҳақиқий қиймат тизими

мөхмонхоналардаги муносабатлар меъёрлари

иш тартиблари ва ҳатти-харакатлари тизими

ижтимоий-психологик иш шароитлари

рамз, қизиқишилар ва маросимлар

8.4-расм. Ташкилий маданиятнинг унсурлари

Мөхмондўстлик соҳасида ташкилий маданият мөхмондўстлик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилиб, ушбу муносабатларда менежмент фаолиятини такомиллаштиришга ҳам хизмат қиласди.

8.4. Ташкилий маданият шакллари ва уни меҳмондӯстлик менежментида жорий қилиш имкониятлари

Қадрият ташкилий маданият шакли сифатида муайян гурухлар, катлам ва кишилар гурухини умумий мақсад сари ўзаро бирлаштиради. Меҳмонхоналар учун қадриятлар “номоддийлик” касб этади. Яъни, ходимларнинг меҳмонхона билан ўзаро алоқаларининг бутун мажмуи саналади. Бу раҳбарлар, ҳамкаслар ва қўл остидаги ходимлар билан муомала қилишидир. Бироқ, унинг ташкилий маданиятнинг иш натижаларига таъсири катта бўлади. Хусусан, ташкилий мақсад ёки ходимларнинг қадриятлари ва кундалик хулқ-атвор меъёрларига мос келмаслиги мумкин.

Меҳмонхона маданиятининг етарли даражада ифодаланмаганилиги учун уни ўрганиш мураккаб бўлади. Аммо, уни ойдинлаштирадиган қуйидаги бир неча омиллар мавжуд бўлади:

- биринчидан, юқори маданиятга эга бўлган меҳмонхоналарда ишлайдиган ходимларнинг муҳимлиги. Бундай меҳмонхоналарда ходимлар ўз ғояларини тарғиб қиладилар.

- иккинчидан, меҳмонхона маданияти тўғрисида рақибларнинг қарашлари ва ўз мижозларига бўлган муносабати. Бу меҳмонхонанинг обрўини белгилайди.

- учинчидан, меҳмонхона ходимларининг иш жойларида меҳнат қилиши, лавозим бўйича силжиши ва хизмат доирасидаги ходимлар харакатини каби маданиятни баҳолайдиган мезонлар.

- тўртинчидан, маданият даражасини англаш ҳолати. Бунда меҳмонхонада барқарор тартиб-қоиданинг амал қилиши, ёзилмаган қоидаларнинг жиддийлиги ва уларга ходимларнинг аҳамият бериши ҳисобга олинади.

Меҳмонхонада ташкилий маданиятнинг мавжудлигини меҳмонхона ходимининг ўз корхонаси тарихини чуқур билиши, унинг тартиб-қоидалари ва рамзларини хурмат қилиши кўрсатади.

Ташкилий маданият шаклларини меҳмондӯстлик менежментига жорий қилиш муҳим. Чунки, кўп йиллар мобайнида карор топадиган ташкилий маданият меҳмонхона фаолиятини мустаҳкамлайдиган барқарор жиҳат ҳисобланади. Бироқ, ташкилий маданият шаклларида қуйидаги ўзгаришли ҳолатлар ҳам кузатилади:

ТӨРИК МУХАМЕД СУЛАМОТОН ЧАГЫРДЫЛЫНЫҢ ГҮРБЕСИ
ДЕСЕНДІРІЛГЕНДЕ

рахбарият еки ходимларнинг нуфузли гурӯх томонидан
үзгәртирилген

үзгәртирилгә доир күпчилк үрүншіларнинг мағлубият
быдан тұғары

8.5-расм. Ташкилий маданият шаклларининг үзгәршили қолатлари

Бирок, мемлекеттегі раҳбарлари мазкур үзгәршиларга эътибор берадилар, яғни биринчи ва иккінчи үзгәршилни таңлайдилар. Чүнки, улар маданият натижаларга нисбатан бетараф хисобланмайды. Шу боис, муайян шароитда мемлекеттегі мақсадига эришишга имкон берадиган маданияттар мавжуд бўлади. Аксинча, бунга тўсқинлик киласидаган маданияттар ҳам мавжуд бўлади. Буни олдини олиш мақсадида ташкилий маданияттарни үзгартариш учун кўп йиллар зарур бўлади.

Таянч иборалар: Дипломатик муносабатлар, ташкилий маданият, ташқи сиёсат, давлат хизмати, дипломатик хизмат, ташкилий тузилиши.

Назорат учун саволлар

1. Ҳалқаро мемлекеттік мененежменттіда давлатлараро дипломатик муносабатлар қандай үрин тутади?
2. Дипломатик муносабатларни амалга ошириши шаклари нималардан иборат бўлади?
3. Мемлекеттік соҳасида ташкилий маданият тушунчаси деганда нимани тушунасиз?
4. Ташкилий маданият шаклари ва уни мемлекеттік мененежменттіда жорий қилиши имкониятлари нималардан иборат бўлади?

IX БОБ. МЕХМОНДҮСТЛИК ИНДУСТРИЯСИДА ХИЗМАТЛАРНИ БОШҚАРИШ

9.1. Мехмондүстлик саноатининг асосий хизматларини бошқариш

Республикамизда туризм индустриясини ривожлантириш мехмондүстлик индустриясини ташкил этиш асосида самарали хизмат кўрсатишни талаб килади. Бу эса бозор муносабатларининг шаклланиши ва чукурлашиши билан мазкур соханинг таркибини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш, унда рақобат мухитини вужудга келтириш каби мухим масалаларни кўйимкода. Булар туризм соҳасининг таркиби бўлган меҳмонхоналарда сифатли хизмат кўрсатишни йўлга кўйиш билан боғлик.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда мамлакатимизга ташриф буюрувчилар сони ошмоқда. Бу эса туризм соҳасида катта янгиланишни тақозо этади. Туристларнинг асосий эҳтиёжларини қондирувчи меҳмонхоналарни сифат жиҳатдан яхшилаш лозим. Натижада, бугунги кунда республикамиздаги мавжуд меҳмонхоналарнинг аксарияти қайта таъмирдан чиқарилди ва замонавий бошқарув тизимлари жорий қилинди. Ҳозирги кунда замон талаблари даражасида, яъни 3-4-5 юлдузли меҳмонхоналар маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу эса давлат бюджетига валюта тушумини кўпайтироқда ва ахолининг иш билан таъминланишига имконият яратмоқда.

Хизмат - бу мижозлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўргасидаги ўзаро муносабатларда юзага келадиган номоддий фаoliyatни ўз ичига олган жараён.

Мехмондүстлик саноатида асосий хизматларини ташкил этиш ва кўрсатиш билан барча жараёнлар бошқарилади. Меҳмонхоналар фаoliyatida сервис ва хизмат кўрсатиш даражасини ҳар жиҳатдан ривожлантириш мухим омилларидан биридир.

Меҳмонхоналарда кўрсатиладиган хизматлар асосий ва кўшимча турларга бўлинади. Улар бепул ёки пуллик бўлиши мумкин. Умумий холатда меҳмонхона хизматлари қуйидаги гурӯхларга бўлинади.

Мажбурий хизмат. Бу хизмат хона нархига киритилган ва қўшимча нархларда тақдим этилади.

Қўшимча хизмат. Бу хизмат бепул ва пуллик шаклда кўрсатилади.

Мехмонхоналарда хона нархига киритилган хизматлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидаги хизматлар киради:

- резервазия (бронлаштириши, интернет, GDS, телефон орқали хизмат);

- турли хил тўлов усуллари (нақд тул ва кредит карталар);

- қабулхона хизмати тўғрисида маълумот;

- ҳавфсизлик;

- сейф;

- юкларни сақлаш;

- чекланган F & В таомлари (нонушта ва бар);

- хоналарни тозалаш;

- ҳалқаро телевидение;

- ҳожатхона буюмлари;

- портер хизматлари ва бошқалар.

- меҳмонларга қўшимча ҳақ олмайдиган хизматлар:

- тез ёрдам чақириши;

- тиббий биринчи тиббий ёрдам воситасидан фойдаланиши;

- қайнаётган сув, игналар, ишлар, идишилар ва вилкалар ничоқ билан таъминлаш;

- муайян вақтда уйготши ва бошқалар.

Мехмонхоналар фаолиятида хизматлар таркиби уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаб бериши билан ходимларнинг иш фаолиятини амалга оширишига катта ёрдам беради. Мазкур жараёнларда меҳмонхонанинг умумий хизматлари қуйидагилардан иборат бўлади:²⁸

- минимал яшаш шароитлари билан таъминлаш;

- меҳмонларни маълум бир вақтда уйготши;

- мижозларга турли хил маълумотларни тақдим этиши;

- биринчи тиббий ёрдам воситаси билан таъминлаш;

- тез ёрдам чақириши;

²⁸ <http://inn35.ru/vidy-uslug-v-gostinitse/>

- ёзишмалар ёки интернет воситаси билан таъминлаши;
- меҳмонларнинг яшаш жойларини тозалани.

Меҳмонхона фаолиятини амалга ошириш учун туристик хизматлар меҳмонхона ходимлари томонидан кўрсатилади. Ушбу жараёнларни амалга оширишда туристик хизмат кўрсатишнинг таркиби асосий ва қўшимча хизматлар билан фарқланади. Хусусан, туристик корхоналар кўрсатадиган асосий хизматларга қуидагилар киради.²⁹



ташишни ташкил этиш
бўйича хизматлар



жойлаштириш
хизматлари



овқатлантириш
хизматлари



экскурсияни ташкил
етиши хизматлари

9.1-расм. Меҳмонхоналарда асосий хизматларнинг таснифи³⁰

Асосий хизматларга кирувчи жойлаштириш ва овқатлантириш хизматлари меҳмонхона томонидан амалга оцирилади. Конунчиллик доирасида тасдиқланган бир қатор меҳмонхонанинг асосий хизматлари мавжуд бўлиб, улар барча меҳмонхоналар муассасаларида белгуп тақдим этилиши керак. Уларнинг қаторига зарурат ҳолларида тез ёрдам чакириш, биринчи тиббий ёрдам воситасидан кечакундуз фойдалана олиш, меҳмонга мўлжалланган хатлар, газеталар ва бошқа ёзишмаларни етказиб бериш, меҳмонни белгиланган вақтда уйғотиш, мижозга идиш-товоркларни алмаштириб бериш ва ундан фойдаланишини кабилар киради.

Меҳмонхона концепциясидан қатъий назар, меҳмонхона ушбу хизматларни тақдим этиши лозим. Бу борада Россиянинг “Острожский Вал” меҳмонхонасида унга берилган тоифага караб, мижозларга кўрсатиладиган хизматлар рўйхати жуда хилма-хилдир.

²⁹ Тўхлиев И.С., Кудратов Ф.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: Йиғтисод-молия, 2010. - 30 б.

³⁰ Манба: Amriddinova R.S. Mehmonxona servis xizmati. Ma’ruzalar kursi. – S.: SamSI, 2009. – 114 б.

Унда турар жой ва овқатланиш билан боғлиқ бўлган асосий хизматлардан ташқари, куйидаги хизматлар одатда қўшимча тўловларсиз тақдим этилади.³¹

- маълум бир вақтда меҳмонларни уйғотиш;
- шаҳарнинг баъзи жойларига етиб бориш ва транспортнинг ишлаш вақтлари тўғрисида маълумот бериш;
- корхоналарнинг жойлашуви, нотаниш шаҳарда дам олиш жойлари, ресторонлар, кинотеатрлар ва бошқалар ҳақида маълумот бериш;
- тез ёрдам чакириш ва тиббий тўпламлар билан таъминлаш;
- хонага ёзишмаларни етказиб бериш;
- хонада минимал майший хизматларни кўрсатиш.

9.2. Қўшимча хизматларни ташкил этиш ва тақдим этиш

Мехмонхоналарда қўшимча хизматларни кўрсатиш ёки ташкил этишга экскурсион хизматлар киради. Экскурсион хизматлар меҳмонхона ва экскурсион бюролар оркали тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Қўшимча хизматлардан меҳмонхоналардаги майший хизматлар кўрсатиш таркибига кир ювиш, кийимларни кимёвий усулда тозалаш ва уларни дазмоллаш, шахсий буюмларни тозалаш, таъмирлаш, буюмларни саклаш, юкларни тушириш, уларни номерга элтиб бериш, юкларни номердан олиб чиқиш ва автотранспортга ортиш ва бошқалар киради.

Мехмонхонада кўрсатиладиган яна бир қатор пулсиз ёки тўловсиз хизмат кўрсатишларга тез ёрдам чакириш, хонадаги тиббий кутичадан фойдаланиш, белгиланган вақтда уйғотиш, қайнок сув, игна-ип ва идиш-товоқлардан фойдаланиш каби индивидуал аҳамиятга эга бўлган хизматлар киради.

Мехмонхонада қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишга экскурсион хизмати кўрсатиш, гид-таржимонлар хизматига буюртма бериш, кино, театр ва концертларга билетлар сотиб олишни ташкил қилиш, такси чакириш, гул сотиб олиб ва келтириб бериш, сувенир ва бошқа маҳсулотларни сотиш, саунадан фойдаланиш,

³¹ <http://www.ostrovnn.ru/articles05.html>

кийимларни таъмирлаш ва дазмоллаш, кийим-кечакларни ювиш кабилар киради. Баъзан овқатлантириш хизмати кўшимча хизмат бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибидағи асосий хизмат бўлган транспорт хизматларини транспорт ташкилотлари амалга оширсалар гид саёҳат каби асосий хизматни туристик фирмаларнинг гид-экскурсоводлари амалга оширади.

Мехмонхоналарда кўшимча меҳмонхона хизматлари қўйидаги кўринишларда пулли шаклда кўрсатилади:

- гурӯҳий ва индивидуал экспертуарни таклиф қилиши;
- шахсий таржимонларни ёллаш;
- маданий тадбирларга читталарни сотиш;
- валюта сийирбошлиш;
- кийим-кечак, пойаббозал, кимёвий тозалаш ва дазмоллаш бўйича хизматлар;
- гулларни сотиб олиш ва етказиб бериш;
- таксиарга буюртма бериш.

Албаттa, меҳмонхоналар қанча кўп хизматларни бепул таклиф килсалар-да, етакчи ўрин ва мижозларнинг фикр-мулоҳазалари учун шунча кўп имкониятларга эга бўладилар. Бунда яхши обрўга эришиш узоқ, киммат ва мураккаб жараён саналади. Бунинг учун юқори сифатли хизмат зарур. Аммо, бугунги кунда кўшимча тўлов учун маълум бир хизмат турини таклиф қилиш “ёмон” шакл бўлиб ҳисобланади.

Немис олимларининг тадқиқотларига кўра, кўшимча хизмат ҳисобланган тиббий ёрдам қўйидаги касалликларда чақирилади:

- заҳарланши ва ошқозон-ичак касалликларида – 44 %;
- аллергияда – 31 %;
- инфекцияларда – 12 %;
- вақт зоналарини ўзгартириши оқибатларида – 5 %;
- баҳтсиз ҳодисалар ва ҳашаротлар чақишида – 4 %;
- юрак-қон томири муаммоларида – 4 %;
- умумий ёмон аҳволда – 3 %;
- бошқа касалликларда – 7 %.

Мехмонхоналарда ёрдамчи хизматлар ҳам борки, буларни бевосита кўшимча хизматлар сифатида қараш мумкин. Ўз навбатида

мехмонхонанинг ёрдамчи хизматлари куйидаги таснифланган гурухларга бўлинади:



9.2-расм. Мехмонхоналарда қўшимча ёрдамчи хизматларнинг таснифи³²

Расмда келтирилган ёрдамчи хизматлар ўз навбатида бир қатор хусусиятларга эга. Хусусан, инженерлик ёки мухандислик хизмати таркибига мебель, гилам таъмирловчи ва номерларга бўяш ишларини олиб борувчи бўёқчилар фаолияти киради. Унда бош инженерлик хизмати сув, газ ва электр энергия сарфини назорат қилади ва улар томонидан бажариладиган барча ишлар маҳсус рўйхатта олиш журналида юритилиб борилади.

Мехмондўстлик индустрисида инженерлик хизматининг энг муҳим вазифаси меҳмонхоналарда содир бўлиши мумкин ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва олдини олишдан иборат. Ёнгин меҳмонхона бизнесида кўп тарқалган ҳодиса сифатида қаралиб, унинг сабаблари бўлиб, чекувчи меҳмонларнинг мавжудлиги, носоз ошхона ва электр ускуналаридан фойдаланиш, омборхонадаги заҳарли моддалар, чиқиндиларни ёкиш ва бошқалар ҳисобланади. Шу боис, хавфсизлик хизмати меҳмонларнинг ўзи ва меҳмонларнинг мулкларини криминал унсурлардан ҳимоялаш мақсадида ташкил этилади. Яъни, бу жараёнда “мехмонхона мулки” меҳмонхонанинг обрўи саналади.

Мехмонхоналарда хавфсизлик хизматининг муҳим вазифаси жиноятни кўриб чиқиши эмас, балки уни олдини олишдир. Бу хизмат ходимлари милиция ходимларидан фарқли ўлароқ, кишини сўрокқа тутиш ва тинтуб ўтказиш хукукига эга бўлмайдилар. Аммо, хавфсизлик хизматининг муваффакиятли фаолият кўрсатиши унинг

³² Манба: Amriddinova R.S. Mehmonxona servis xizmati. Ma'ruzalar kursi. – S.: SamSI, 2009. – 114 b.

бошқа хизматлар билан бўладиган муносабатига боғлиқ бўлади. Бу хизматнинг назорати молиявий назорат билан уйгунлашиши ва кадрлар бўлими билан ишга қабул қилинаётган кадрларнинг назорати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Шунингдек, туристик корхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматларга қуйидаги хизматлар киради:

- туристларни сугурталаш бўйича хизматлар;

- гид (туристларга изоҳ ва тушунтириш берувчи шахс) ва гидтаржимон хизматлари;

- туристларни яшаб турган жойидан унинг вақтинчалик келиб тушган жойигача мамлакатгача ва трансфер ташиш бўйича ҳамда саёҳат шартларида кўзда тутилган мамлакат ҳудудида исталган бошқа ташишлар бўйича хизматлар;

- техникани таъмирлаш бўйича хизматлар;

- ижарага бериш бўйича хизматлар;

- валюта айирбошлиш хизматлари;

- телефон хизмати;

- почта хизмати;

- майший хизмат кўрсатилиш хизматлари;

- пляжлардан фойдаланиш хизматлари ва х.к.

Мехмонхона харид хизмати ҳам қўшимча хизмат сифатида унинг асосий вазифаси зарур товарларни керакли вақтда ва оқилона нархда сотиб олишдир. Бунда меҳмонхонанинг захира қуввати хисобга олиниши зарур. Чунки, захирага сақлаш пул турди ва бу қувват айрим товарларнинг узок сақланганида бузилади. Меҳмонхонанинг эҳтиёжлари учун харид қилинадиган зарурий товарлар рўйхати қуйидаги гурӯхларга бўлинади:

- озиқ-овқатлар;

- ичимликлар;

- ускуналар ва мебель, идиш-товоқлар ва чойшаблар;

- бошқа материаллар.

Бепул хизматлар барча меҳмонхоналарда кўрсатилади. Бундай хизматлардан ташқари, "Острожский Вал" меҳмонхонаси меҳмонларга пулли бўлган қўшимча хизматлар рўйхатини тақдим қиласи ва ушбу хизматларнинг сифати жуда бошқача саналади, яъни

пуллик қўшимча хизматларнинг барча турларини тақдим этади. Ушбу меҳмонхонада мижозларни жалб қилиш ва жозибадорлигини ошириш учун меҳмонларга қуидаги пуллик хизматлар тақлиф этилади:³³

- умумий овқатланиш хизматлари;
- дўкон, савдо автоматлари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш хизматлари;
- банкет зали, конференция зали ва бошқаларни ижарага олиш хизматлари;
- дискотека, тунги клуб, ўйин автоматлари ва бильярд ўйинидан фойдаланиш хизматлари;
- гид ва экскурсия хизматлари;
- театр, кино, цирк, концертларга чипталарни буюртма қилиш ва сотиш хизматлари;
- транспорт хизматлари.
- гулларни сотиб олиш ва етказиб бериш хизматлари;
- эсадалик совгалари ва бошқа босма маҳсулотларни сотиш хизматлари;
- майший хизматлар;
- сауна, ҳаммом, бассейн ва спорт залидан фойдаланиш хизматлари;
- бизнес-марказ хизматлари, нусха кўчириш, хужжатлар ва фотосуратларни чоп этиш ва интернетга кириш хизматлари;
- машиналарни кўриқлайдиган автотурагоҳ хизмати.

Дарҳақиқат, ҳар қандай хизматни тақдим этишда ходимлар эҳтиёткорлик ва тўғрилигини кўрсатишлари лозим. Хизматлар кўрсатишда уларнинг миқдори ва сифат ҳам муҳимдир.

9.3. Мижозларга кенг қамровли (комплекс) хизмат кўрсатиш

Меҳмонхонада мижозларга кенг қамровли ёки комплекс хизмат кўрсатиш амалга оширилиб, бундай хизматлар кўрсатишда кўрсатилаётган хизматлар кутилаётган ёки белгиланган сифати стандартларига мос келиши лозим. Бу ерда стандартлар уларнинг

³³ <http://www.ostrovnn.ru/articles05.html>

ҳақиқий шакли ва мазмуни хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Турист учун унга кўрсатилган хизмат сифатини баҳолаш кўрсаткичи унинг хизматдан қониққанлиги, яъни олинган хизмат сифатининг кутилганига тўла мос келиши ҳисобланади. Мижознинг қониққанлиги кўрсаткичи унинг яна бир марта қайтиш ва ўз дўстлари ва танишларига маслаҳат бериш истаги бўлиб ҳам саналади.

Мижозларга кенг қамровли ёки комплекс хизмат кўрсатиш барча асосий ва қўшимча хизматлар кўрсатишдан иборат бўлади. Кўрсатиладиган комплекс меҳмонхона хизматлари иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни моддий фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият қасб этади. Бу борада меҳмонхоналарда мижозларга кенг қамровли хизмат кўрсатишнинг амалга оширилишига қўйидаги омиллар ижобий таъсир кўрсатади:

- туристларни жой билан гаъминловчи меҳмонхоналар;
- туристларга овқатланиш хизматини кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари;
- туристларга транспорт хизмати кўрсатувчи транспорт корхоналари;
- туристларга экскурсия хизматларини кўрсатувчи экскурсия фирмалари, музейлар, кўргазма заллари, парк ва бошқа кўнгилочар ташкилотлар;
- мос равищда туристларга хизмат кўрсатувчи турли хўжалик хизматини кўрсатувчи корхоналар;
- туристларга спорт иншоотларидан фойдаланишини таъминловчи спорт ташкилотлари;
- туристларнинг ташриф буюришларини таъминловчи шоу, кино, видеозаллар ва театр корхоналари;
- туристларга хизмат кўрсатувчи кўрикхона ва табиат парклари;
- ўз фаолиятини қонун доирасида юритувчи маҳаллий ҳокимият вакиллари.

Меҳмонхона хизматларини кўрсатишда унинг сифатига қўйидаги омиллар таъсир қиласди:

**моддий-техника
базасининг
ҳолати, яъни
мехмонхона
бизнеларининг
кулай
режалаштирилга
негизги ва сифатли
жизъзланганлиги**

**хизмат
кўрсатишнинг
иљор
технологияси**

**хизмат
кўрсандувчи
ходимининг юқори
даражасада касбий
даражасиги, унинг меҳмонга
аник, тез ва
маданиятли
хизмат
кўрсатига
қодирлиги ва
тайёрлиги**

**замонавий
мехмонхона
корхоналаридаги
хизмат
кўрсатиш
сифатини
бошқарни мухом
омил эканлиги**

9.3-расм. Мехмонхоналарда ёрдамчи хизматларнинг таснифи³⁴

Мехмонхоналарда комплекс хизматлар кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ барча жараёнларини акс эттиради ва кетма-кетлиқда бажарилиши тақозо қиласди.

Мехмонхоналарда комплекс хизматлар кўрсатиш ҳалқаро аҳамиятта эга. Чунки, ҳалқаро туристик бозорнинг ўсиши туризмда хизмат етказиб берувчиларга талабларнинг оширилишини тақозо қиласди. Бу борада меҳмонхона индустриясини тадқиқ қилиш қўйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо қиласди:

- меҳмонхоналар компьютерлаштириш ва сафарларни бронлаштиришда ҳозирги замон технологияларидан фойдаланиш даражаси бўйича авиаотранспорт ва туризм индустриясининг бошқа секторларидан орқада қолишида давом этади;
- меҳмонхоналарнинг солиқ салмоғи кўпаяди;
- туризм тарғиботига ҳукумат ҳаражатлари ортади;
- меҳмонхона индустрияси ўз даромадларини хисоблаш усулини ўзгартиради, яъни бир номер даромадидан – бир мижоздан даромадга;
- меҳмонхона индустриясида компанияларнинг қўшилиш жараёнлари кучаяди, ташқи инвестициялар ва франшиза шартномалари миқдори кўчайиши кузатилиди;
- “яшил” меҳмонхона бўлиши фойдали ва қулайликка айланади, яъни атроф-муҳит муҳофазасига эътиборни оширади.

³⁴ Манба: Amriddinova R.S. Mehmonxona servis xizmati. Ma’ruzalar kursi. – S.: SamSI, 2009. – 114 b.

Шунингдек, россиялик мутахассис Е.А.Жанжугазова меҳмондўстлик индустрияси тараккӣётининг қуидаги тенденцияларини ажратади ва жаҳон меҳмонхоналар бозорининг асосий тенденцияларига куйидагиларни киритади:

- меҳмонхона бизнеси манфаатлари соҳаларини илгари бошқа тармоқ ҳисобланган корхоналар маҳсулотлари ва хизматларига тарқалиши. Бунга овқатланиш, бўш вакт, кўнгил очиш, кўргазма фаолияти ва бошқаларни ташкил этиши киради;

- меҳмондўстлик индустрияси демократлашувиning ўсиши, яъни оммавий истеъмол учун меҳмонхона хизматларини барчанинг кўли етадиган даражада бўлиши;

- туризм янги турларининг тараккӣ этиши. Бу экологик, саргузашт, экстремал, айрим тематик йўналишлар, амалда хар қандай тоифадаги истеъмолчи қизиқишиларини ҳисобга олиш имконини беради ва турмаҳсулотни янада хилма-хил қиласди;

- меҳмонхона бизнесининг глобаллашуви ва бир жойга тўпланиши. Бу туристик корпорация ва меҳмонхоналар занжирини яратишда намоён бўлади, шунингдек меҳмонхона ассоциациялари, ўюшмалари, халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари тузилади;

- хизмат кўрсатишида мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига тўлиқ диккат-эътиборни қаратиш;

- чукур ва тизимли иқтисодий диагностика ўтказиш имконини берувчи коммуникация ва ахборот технологияларининг янги воситаларини кенг жорий этиш;

- меҳмонхона бизнеси ихтисослашувини кучайтириш. Бу турли белгиларни ҳисобга олган ҳолда истеъмолчиларнинг маълум сегментларига аниқ мўлжал олиш имконини беради;

- меҳмондўстлик индустрияси корхоналари ишбилармонлик стратегиясида янги технологияларни жорий этиш. Бу орқали меҳмонхона маҳсулоти ва хизматларини ҳаракатлантириш мақсадида интернетдан кенг фойдаланилади ҳамда бронлаштириш ва резервлаштиришнинг замонавий компьютер тизимини тарқатиш кучаяди.

Таянч иборалар: Хизмат, құшиимча хизматлар, комплекс хизмат күрсатиши, давлат хизматы, дипломатик хизмат, туризм индустриясы, меңмонхоналар.

Назорат учун саволлар

- 1. Меңмонхона индустриясида асосий хизматларни бошқарғыш қандай амалга оширилади?**
- 2. Құшиимча хизматларни ташкил этиши ва күрсатиши қандай амалга оширилади?**
- 3. Міжсоларга комплекс хизмат күрсатиши қандай амалга оширилади?**

Х БОБ. МЕҲМОНДЎСТЛИК СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЎРИТУВЧИ ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР

10.1. Туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик

XXI асрда туризм соҳаси орқали кўпгина мамлакатларда янги иш ўринлари яратилиб, хорижий валюта тушумларини кўпайтишига хизмат қилди. Бу билан туризм соҳаси тез суръатларда ўсаётган иқтисодий секторда етакчи ўринни эгаллади. Халқаро туризм жаҳонда экспорт тармоги ҳисобланади ва жуда кўп мамлакатларда тўлов балансига амал қилишда муҳим омил саналади. Сўнгти йилларда туризм дунёда аҳоли бандлигининг муҳим “генератори”га айланди. У жаҳон инфраструктурасига катта микдорда инвестицияларни жалб этмоқда. Бу эса маҳаллий аҳоли ва ташриф буюрувчиларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қиласди.

Туризм давлат газнасига солиқ кўринишидаги пул тушумлари кўпайишини таъминлайди. Туризм соҳасида жуда кўп иш ўринлари туристик корхоналар ривожланаётган худудларда пайдо бўлади. Бу эса иқтисодий имкониятларни мувозанатлаштириш, қишлоқ аҳолисини барча қулийликка эга шаҳарларга қараб оқишининг олдини олишга ёрдам беради.

Маданиятлараро хусусиятларни англаш ва кўра билиш ҳақида шахсий алоқаларни ўрнатиш туризм соҳаси туфайли шаклланади. Туризм халқаро ҳамфирликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришда кенг уфқлар очади. Бу эса ўз навбатида туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Халқаро туристик алоқаларнинг жадал ривожланиши кўп сонли халқаро ташкилотларни ташкил этилишига олиб келди. Бу соҳада халқаро иқтисодий муносабатларни яхшилаш ва ҳамкорлик қилишга кенг имконият яратади. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши мамлакатнинг ташки сиёсатига ҳам боғлик бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла хуқуқли субъектидир. Унинг ташки сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч

ишилатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳукукнинг умумъетироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Туризм соҳасида халқаро ташкилотларни ташкил этиш учун маълум мотивларга амал қилиш лозим. Бу мотивлар ижтимоий-иктисодий, иктиносий, ҳукукий ва сиёсий мотивлар бўлиб ҳисобланади. Ёки туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун механизмлар сифатида намоён бўлади.



10.1-расм. Туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш механизмлари

Туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун ўзаро хурмат ва манфаатлар тенглиги, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишонч, очиқлик ва шаффоффлик, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, хавфсиз инфратузилмани шакллантириш ва бизнеснинг ихтиёрийлиги каби тамойилларга риоя қилинади.

Умуман, туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик қуидаги кўришилларда намоён бўлади:

- эсаҳон иктиносидиётига интеграциялашув;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- давлатларнинг қонунчилигининг мукаммаллашуви;
- трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши;
- байнамилал иктиносодий айирбошлиш механизмларининг тақомиллашуви;
- халқаро савдо шартлари орқали қийматнинг ижтимоийлашуви;
- фан ва технологияларнинг тараққиёти.

10.2. Бутунжахон туристик ташкилоти (UNWTO) унинг ташкил этилиши, таркиби ва функцияси

Бутунжахон туристик ташкилоти (БТТ) туризм соҳасида етакчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилот туристик сиёсат масалаларини мухокама килишда глобаль форум бўлиб хизмат килади. Шунингдек, бу ташкилот туристик статистика ва амалий технологиялар манбаи ҳамдир. Бу инглиз тилида - World Tourism Organization (WTO) туристик ташкилотлар расмий халқаро иттифоқи ва меросхўри сифатида 1975 йилда ташкил этилган. БМТ бош Ассамблеяси ЭКОСОС билан келишилган ҳолда БТТни ҳукуматлараро ташкилот макомини тан олган.

2002 йилда унинг таркибига 139 та мамлакат, 6 та худуд ва 350 та га яқин ҳусусий сектор, ўқув юртлари, туристик ассоциациялар ва маҳаллий туристик ташкилотлар кирган.

БТТ раҳбарияти Испаниянинг Мадрид шаҳрида жойлашган. Ташкилот иқтисодий ривожланиш, халқаро тушуниш, тинчлик, яшаш ва инсон ҳукуқлари ва фундаментал эркинликларни ҳурмат қилиш йўлида туризмни ривожлантириш мақсадида самарали фаолият кўрсатишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу мақсадни амалга оширишда БТТ туризм соҳасида янги ривожланаётган давлатлар қизиқишиларига алоҳида эътибор беради.

БТТнинг асосий вазифаси янги иш ўринларини яратиши ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, атроф-муҳит, маданий меросни муҳофаза этиши ва тарғиб қилиш ҳамда дунёда туризм орқали инсон ҳукукларини ҳурмат қилишга эришиш саналади.

БТТнинг асосий мақсадлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодий тараккиёт воситалари сифатида туризмни кўллаб-кувватлаш ва тинчлик, халқлараро ўзаро гушуниш, фаровонлик, тили, ирқи, жинси, диний эътиқодидан қатъий назар, инсон ҳукукларига риоя этилишини таъминлаш;

- туризм соҳасида ривожланаётган мамлакатлар манбаатларига риоя этиши.

БТТ ҳукуматлар, ҳусусий сектор, маҳаллий ҳукумат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда туризм соҳасида мухим роль ўйнашга чакиради. БТТ камбағалликка барҳам бериш воситаси сифатида “турғун” туризмни ривожлантириш бўйича янги ташаббусларда ўз кучини ЮНКТАД билан бирлаштириди. “Турғун туризм – камбағаллика барҳам” (ST-EP) дастури ташкилотни узок

муддатта ишлашга мүлжалланган ва камбағаллик билан курашиши учун “турғун” туризм ҳаракатига қаратылған. Бу дастур 2003 йилда “Туризм камбағаллик билан курашиш, иш үринлари яратыш ва ижтимоий гармония учун құдратли оміл” шиори остида ҳаётта табділ болып келді.

БТТнинг барча аъзолари қуйидаги категорияларга бўлинади:

- ҳақиқий аъзо мақомига эга бўлган суверен давлатлар;
- ассоциациялашган аъзо мақомига эга бўлган давлатлар;
- БТТ бирлашган аъзолари туризм соҳасида манфаатдор ҳар қандай хукуматлараро ёки нодавлат ташкилотлари, шунингдек фаолият БТТ ваколати ёки туризмнинг бальзи асосларига дахлдор тижорат ташкилотлар ва бирлашмалар.

БТТ таркибидаги Бирлашган аъзолар қуйидаги гурухларга бўлинади:

- БТТ иш кенгashi;
- БТТ таълим бўйича кенгashi;
- БТТ туристик марказларни бошқариш бўйича оператив марказлари.

Шунингдек, БТТ таркибида бошқа гурухлар ҳам фаолият кўрсатади ва уларнинг ҳар бирига изоҳ берамиш:

- **Бош мажлис (Кансел).** Бош Мажлис БТТнинг бошқарувчи органи булиб, у аъзоларнинг ўз фаолиятини тўғри бажариб, бюджет чегарасидан чиқиб кетмаслигини назорат қилиб туради. Унда аъзолар ҳар икки йилда йигилиб туради ва Бош Ассамблея томонидан ҳар 5 тўлив аъзога битта вакил тизими асосида сайланган 29 нафар аъзодан иборат бўлади. БТТнинг мезбон давлати сифатида Испания бош мажлисда ўзининг доимий ўрнига эга. Кейинги погона аъзолари Бош Мажлисда кузатувчи бўлиб катнаша оладилар.

- **Қўмиталар.** БТТ олтига минтақавий қўмитага эга бўлиб, улар Африка, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақалари, Европа, Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиёда фаолият кўрсатади. Қўмиталар камида йилига бир марта йигилиб, улар ўша минтақадаги тўлиқ аъзолар ва тўлиқ бўлмаган аъзолардан таркиб топган.

БТТ аъзоларининг маҳсуслашган қўмиталари менежмент ва дастур таркиби асосида мухокамаларни ташкил этади. Қўмиталар қуйидаги қисмларга ажратилади:


- дастур кўмитаси;
- бюджет ва молия кўмитаси;
- статистика ва туризмнинг макроиқтисодий таҳлили бўйича кўмита;
- маркетинг ва тарғибот кўмитаси;
- туризмни ривожлантириш кўмитаси;
- сифат назорати кўмитаси;
- туризм этикаси бўйича жаҳон кўмитаси ва х.к.

Котибият. Котибиятнинг эгаси бош котиб Мадриддаги офисда 90 га яқин ходимларни бошқарувчиси сифатида 4 йилга сайланади. Котибият БТТ бош котиби грузиялик *Зураб Пололикашвили*нинг кўл остида фаолият кўрсатади. Унинг ёрдамчиси, яъни бош котиб ўринбосари Жанубий Африкалик *Дэвид де Вильер* саналади. Улар БТТ иш дастурининг йўлга қўйилиши ва аъзолар эҳтиёжларини қондиришга жавобгар хисобланади. БТТ Бизнес Консилиуми молиясини Испания администрацияси ўз бўйнига олган. Котибиятга шунингдек, минтақавий кўмак офиси Осиё-Тинч океани регионлари учун Осака ёки Японияда жойлашган офис киради. Унинг молиявий ҳолатини япон ҳокимияти ўз бўйнига олган. БТТда муомалани амалга ошириш учун инглиз, испан, француз, рус ва араб тилларидан фойдаланилади.

Бу йигилиш ҳар икки йилда бир марта чақирилиб, бюджет ва иш дастурини кўриб чиқиб, маъкуллаш ва туризм сектори учун ҳаётий заруратги эга бўлган мавзуларга доир сухбат ўтказиш учун ташкил этилади. Ҳар тўрт йилликда ташкилотга янги бош котиб сайланади. Бош Ассамблея тўлиқ аъзолар таркиби ва кейинги поғона аъзоларидан тузилган. Бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари кузатувчи сифатида қатнашадилар.

Бош Ассамблея. БТТнинг муҳим йигилиши бўлиб Бош Ассамблея хисобланади. Бош ассамблея томонидан ҳар икки йилда бир марта БТТ фаолияти дастури қабул килинади. БТТ тўпламлар нашр қиласи ва маълумотларнинг ахборотлар банкини таклиф этади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотига 200 га яқин давлатлар аъзо бўлиб, ушбу давлатларнинг худудий тақсимоти қуйидагича улушга ога:



10.2-расм. Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо давлатларнинг худудий тақсимоти

Янги технологик ўзгариш туфайли туристик хизматлар бозорини тизимлаштириш жараёни жадал равишда кечмоқда. Ахборот тизимларига мурожаат қилиш қиймати пасайди. Бу ходиса 2-3 нафар кишидан иборат туристик агентлигига фойдаланиш қимматга тушган хизматлардан фойдаланиши имкониятини беради. Бу катта бўлмаган турагентликлар катта ташкилотларга жиддий рақобатни юзага келтирниши мумкин. Кундан кунга халқаро ва миллий рақобатнинг кучайиши, фан ва техниканинг тараккиёти туфайли технологияларни бошқариш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда. Шу боис, туристик бизнес технологиялари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳажми ортмоқда. Бу ўз навбатида ташкилотларнинг фаолиятини ва уларни самарали бошқаришга имконият туғдиради.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (WTO) Бирлашган миллатлар ташкилотига бирлашиб, Бирлашган Миллатларнинг Бутунжаҳон сайдёнлик ташкилоти (UNWTO) деб номланди. Аммо, WTO билан UNWTO иккаласи бир ташкилот хисобланади. Бу ташкилот Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) маҳсус агентлиги бўлиб, у туризм соҳасидаги энг илғор халқаро ташкилот сифатида туризм

“ноу-хау”сининг амалий маңбай бўлиб хизмат қиласди. Бу туризм соҳасидаги етакчи халқаро ташкилот сифатида туризмни иқтисодий ўсиш, инклузив ривожланиш ва экологик барқарорликка айлантирувчи омил бўлиб, бутун дунёда билим ва туризм сиёсатини олиб бориш соҳасида етакчилик ва қўллаб-куватлашни таклиф қиласди.

Мазкур ташкилот туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўшган ҳиссасини энг юқори даражага кўтариш ва мумкин бўлган салбий таъсирларни камайтириш мақсадида туризм учун ахлоқий ахборотлар кодексининг амалга оширилишини рагбатлантиради. Ҳамда туризмни БМТнинг барқарор ривожланишига камбағалликни бартараф қилиш ва бутун дунёда тинчлик ва барқарор ривожланишга кўмак беришга қаратилган мақсадларни амалга оширади.

UNWTO бозордаги билимларни ишлаб чиқаради, ракобат-бардош ва барқарор туристик сиёсат ва воситаларни қўллаб-куватлайди, туризмни ўқитиш ва ўқитишини тарғиб қиласди ва дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида техник ёрдам лойиҳалари орқали туризмни ривожлантириш учун самарали восита яратишга ҳаракат қиласди.

10.3. Халқаро туризмни ривожлантиришда ҳамкорлик қилувчи миллий ташкилотлар

Туристик алоқалар турли хил мамлакатлараро сиёсий ва иқтисодий, маданий ва ижтимоий алоқаларнинг яхшиланишида катта аҳамиятига эга бўлган. Ҳусусан, 1925 йилда туризм ассоциацияларини ташвиқот қиласиган расмий конгресс тузилди. Кейинчалик 1927 йилда расмий туристик ташкилотлар халқаро конгресси ва 1930 йилда халқаро туристик ташкилотларни ташвиқот қиласиган иттифоқ тузилди.

1950-1970 йилларда халқаро турмушнинг ривожланиши 50-йилда халқаро туризм ҳажмининг ошиш даврига тўғри келди. Натижада, 1960 йилга келиб, сайёҳлар сони 71 млн. кишига етди.

1961 йилдан 1970 йилгача бўлган давр туристик бизнеснинг ривожланиши даври бўлиб ҳисобланади. 1971 йилга келиб, хорижий сайёҳларнинг сони 168,4 млн. кишига етди. Бу даврдаги


ривожланишга дунёдаги сиёсий мухитнинг ўзгариши ва халқаро иктиносидий муносабатларнинг ривожланиши сабаб бўлди.

1985-1992 йилларда халқаро туризмнинг янги босқичи бошлианди. Бу даврга келиб, туризм бутун дунёда ўз ривожини танлаган эди.

1980 йилларда Европа ҳамда Шимолий Америка чет эл сайёхларини қабул қилишда биринчи ўринларни эгаллаб турди.

Мазкур тарихий тараққиётнинг шундай прогрессив тартибда бўлишига туристик ташкилотлар фаолияти ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Бугунги кунда дунёда бир қанча халқаро туристик ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг йўналишлари ҳам серкірра туризм индустрисининг йўналишлари турличалиги билан ажralиб туради.

Хозирги кунда халқаро туризмни ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи дунёда турли мақом ва касбдаги 70 га яқин халқаро ташкилотларни киритиш мумкин. Уларга қўйидаги ташкилотлар киради:



10.3-расм. Жаҳон миқёсидаги халқаро ташкилотлар таснифи

БМТ тизимидағи халқаро туризмни ривожлантириш масалалари бўйича шуғулланувчи ташкилотлар қаторига қўйидагилар киради:

- биринчи марта 1963 йил Римда ўтказилган туризм ва саёҳат бўйича БМТ конференцияси;

- иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (EKOSOC).

1968 йилда Берн (Швейцария)да ривожланыёттан мамлакаттарда туризм муаммолари бўйича БМТнинг худудлараро маҳсус семинарини ўтказди;

- савдо ва тараккиёт бўйича БМТ конференцияси (UNKTAD). 1972 йил III сессияда “Туризмни ривожлантириш” резолюцияси қабул қилинди. Унда ҳалқаро туристик алмашинув статистикаси раҳбарлик тамойиллари тўғрисидаги масала акс этган;

- худудий иқтисодий комиссия. 1975 йил БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК) Югославияда хорижий туризмни ривожлантириш масалалари бўйича конференция ўтказди;

- БМТ таълим, маданият ва фан масалалари ташкилоти (UNESCO);

- ҳалқаро меҳнат ташкилоти (ILO);

- ҳалқаро ассоциация транспорт авиацияси (IATA).

БМТ тизимида ихтисослашган ташкилотлар қаторига Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) ҳам киради. У 1975 йилда БМТнинг ихтисослашган органи сифатида ташкил этилган. Туризм бўйича 100 дан зиёд мамлакатлар хукумат ташкилотлари бирлаштирган. Кўплаб хукумат ва нодавлат ташкилотларини кузатувчи сифатида ҳам иштирок этади. Бу ташкилот мақсад ва вазифалари унинг Низомига мувофиқ иқтисодий ривожланиш, тинчлик, ўзаро ҳурмат ва гуллаб-яшнаш ва ҳалқаро муносабатларда ўзаро ҳамфирликка туризмни ривожлантириш орқали ҳисса қўшишдир.

Унинг томонидан ҳалқаро туризм соҳасида бир қатор декларациялар қабул қилинган. Улар орасида жаҳонда туризм тўғрисида Манила декларацияси, Акапулько ҳужжати, туризм бўйича хартия ва турист ахлоқ кодекси ва туризм бўйича Гаага декларацияси мавжуд.

Шунингдек, ҳалқаро туристик ташкилотлар қамрови, йўналиш соҳаси, фаолият тури ва мақсадларига кўра гурухланади:

- ҳалқаро умумий характеристига кўра: Жаҳон сайёхлик ташкилоти (WTTO), Бутунжаҳон сайёхлик ва сайёхлик кенгаши (WTTC), Жаҳон сайёхлик ассоциацияси (MT), Ҳалқаро сайёхлик

иттифоки (TUI), Халқаро сайёхлик алиянси (AIT), Бутунжаҳон дам олиши ва дам олиш уюшмаси (WLRA) ва бошқалар.

- **халқаро тармоқ характерига кўра:** Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA), Халқаро денгиз йўловчи ташувчилар ассоциацияси (IASA), Халқаро меҳмонхоналар ассоциацияси (IHA), Миллий меҳмонхоналар, ресторон ва кафе уюшмаларининг халқаро уюшмаси (Ho-Re-Ka) ва бошқалар.

- **халқаро ҳудуд характерига кўра:** Европа туризм комиссияси (KET), Европа сайёхлик гурӯҳи (ETAG), Европа Иттифоқидаги АИТ аъзо ташкилотлари бюроси (AIT-EU), Европа туризм алмашинувини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ассоциацияси (ADSETE), Осиё Тинч океани туризм ассоциацияси (PATA), Шаркий Осиё сайёхлик ассоциацияси (EATA), ASEAN сайёхлик ассоциациялари федерацияси (FATA), Американинг сайёхлик саноати ассоциацияси (TIAA), Лотин Америкаси сайёхлик ташкилотлари конфедерацияси (COT AL), Кариб денгизидаги сайёхлик ташкилоти (CTO), Араб туризм иттифоки (UAT), Пан Африка Туризм Ташкилоти (PATO), Африка Саёҳат Уюшмаси (ATA) ва бошқалар.

- **худудий тармоқ характерига кўра:** Европа авиакомпаниялари ассоциацияси (AEA), Осиё авиакомпаниялари ассоциацияси (UAA), Африка авиакомпаниялари ассоциацияси (AFRAA), Осиё-австралийлик меҳмонхоналар ва ресторонларнинг ассоциацияси (AAHRA), Америкааро меҳмонхоналар уюшмаси (IAHA), араб меҳмонхоналар уюшмаси (SAX), миллий меҳмонхоналар уюшмалири конфедерацияси Европа Иттифоки ва Европа Иқтисодий Минтақасидаги (HOTREC) ресторонлар, кафелар ва шунга ўхшаш муассасалар, Европа Мотеллар федерацияси (EMF) ва бошқалар.

- **ихтисослашган йўналишига кўра:** Халқаро сайёхлик операторлари федерацияси (IFTO), Бутунжаҳон сайёхлик агентликлари федерацияси (WATA), Бутунжаҳон саёҳат агентликлари ассоциацияси федерацияси (FUAAV-UFTAA), экскурсия ва сайёхлик дастурлари ташкилотчиларининг халқаро ассоциацияси (ISTA), туристик ескорт қўлланмаларининг халқаро уюшмаси (IATM) ва бошқалар.

- **алоҳида характерига кўра:** Халқаро иш билармонлик туризми ассоциацияси (IBTA), Халқаро ижтимоий туризм ташкилотлари федерацияси (IFPTO), Халқаро ижтимоий туризм бюроси (BITS),

Халқаро ижтимоий туризм федерацияси (FITS), Ёшлар туризми ва алмашинуви халқаро бюроси (BITEZH), Халқаро конфедерация талабалар туризми (ICST), Халқаро ёшлар туристик ташкилотлари федерацияси (FYUTO), кемпинглар ва карвонларнинг халқаро федерацияси (FIKK), от спорти туризми халқаро федерацияси (FITE), Европа сайёхлик савдо ярмаркалари ассоциацияси (ETTFA) ва бошқалар.

Халқаро тижорат ташкилотлари халқаро туристик альянс, яъни автомобилда хорижга сафарга чиқиш ва сугурта қилишга ихтисослашган ташкилот, конгресслар касбий ташкилотчилари халқаро ассоциацияси ва туристик агентликлар бутунжаҳон ассоциацияси кабиларга бўлинади. Ҳамда, жаҳондаги нодавлат, тижорат ва миңлий халқаро туристик ташкилотлар мавжуд.

Худудий халқаро туристик ташкилотлар қаторига қуйидагилар киради:

- туризм бўйича Араб иттифоқи. Бу ташкилот 1954 йилда ташкил топган ва у 18 та араб давлатлари миллий туристик ташкилотларини бирлаштиради.

- Африка туризмини ривожлантириш ташкилоти. Бу ташкилот 1961 йилда ташкил топган. Африканинг 11 та француз тилида сўзлашадиган мамлакатларни бирлаштиради.

Ҳозирги кунда ўз фаолиятини олиб бораётган қуйидаги халқаро туристик ташкилотлар мавжуд: Bed and Breakfast League/Sweet Dreams and Toast (BBL), Center for Hospitality Research and Service (мехмондустлик буйича тадқиқотлар ва сервис Маркази), Council on Hotel, Restaurant, and Institutional Education (CHRIE), Cruise Lines International Association (CLIA) (Круиз сервиси халқаро бирлашмаси), Food Industries Suppliers Association (FISA) (Озиқ-овқат индустрияси таъминотчилари бирлашмаси), Food Processing Machinery and Supplies Association (FPMSA), Food Service Marketing Institute (FSMI) (Озиқ-овқат сервиси буйича маркетинг институти), Foodservice and Packaging Institute (FPI), Franchise Consultants International Association (FCIA), Hospitality Lodging and Travel Research Foundation (HLTRF) (Мехмондустликда жойлаштирув ва саёҳатлар тадқиқоти фонди), Hotel-Motel Greeters International (HMGI), Hospitality Sales and Marketing Association International (HSMAI) (Халқаро меҳмондустлик сотувлари ва маркетинг

ассоциацияси), Institute of Certified Travel Agents (ICTA), International Association of Holiday Inns, International Association of Hospitality Accountants (IAHA).

Бутунжаҳон туристик агентликлар ассоциацияси федерацияси (ФУААВ), 71 та миллӣ ва худудий ассоциацияларни ўзига бирлаштириб, 20 мингдан ортиқ туристик агентликларни ўз ичига олади. Туризм бўйича илмий эксперталар халқаро ассоциацияси (АИЕСТ) 1951 йилда ташкил этилган. Туризмда касбий таълим бўйича Бутунжаҳон туристик ассоциацияси 1969 йилда БТТ ҳомийлиги остида ташкил бўлган.

- **Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси** (International Air Traffic Association – IATA). Ҳаво транспортининг асосий қатнашчилари бўлиб, давлат авиация маъмурияти, авиакомпания ва авиакорхоналар, аэропортлар, сайёҳ фирмалари ва бошқа ташкилотлар авиаташшиларини сотиш бўйича авиакомпания агентликлари, авиакомпания шерикчилик ташкилотлари ва самолётларга хизмат кўрсатувчи аэропортлар, йўловчилар ва юк юборувчилар хисобланади. Бу ҳозирги кунда халқаро ташиш тизими бир қанча географик миintaқалар ва жаҳоннинг 150 дан ортиқ давлатларини камраб олган.

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади фуқаролик авиасининг ҳавфсизлиги ва тартибли ривожланишини таъминлаш, ҳаво воситаларидан фойдаланиши ва тузилишни кенгайтириш, ҳаво трассаларни ривожланишини кенгайтириш, аэропорт ва бошқалар хисобланади.

Бу ташкилот дунёнинг 280 та авиакомпанияси ёки жами ҳаво транспортининг 83 фоизини ташкил этадиган дунё авиакомпаниялари учун савдо уюшмаси хисобланади. Бу туризмга қизиқиш кўрсатган энг қадимги илмий ва амалий эксперталар ассоциациясидир. Бу бутун қитъалардаги 49 та мамлакатда 300 га яқин аъзолари билан ноёб ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Ушбу тармоқ сайёҳликни ўрганиш эҳтиёжларига хизмат қилиш учун фанлараро ёндашувга багишлиланган. У халқаро илмий ва амалий алмашувни амалга ошириш имконини берувчи академик ва амалий оқимни ўз ичига олади. ИАТА ташкилотига ҳозирда 269 та авиакомпания аъзо ҳисобланади.

Хозирги кунда жаҳонда 1300 дан кўпроқ авиакомпаниялар мавжуд. Мазкур ташкилотнинг ёрдами туфайли авиаотранспортда одамларни ташиш бўйича биринчи 4 та ўринни Америка компаниялари ("Delta Air Lines", "Pan American" ва бошқалар), 5 та ўринни Япониянинг ("Оу нью мен") компанияси эгаллаган. Компаниялар фойда олишларини юқорилиги бўйича қуидагича жойлашади: "American", "Delta", "United" (АҚШ), "Air France" (Франция), "Lufthansa" (ГФР), "NorthWest" (АҚШ), "Federal express", "British Airways", "USA air", "Continental" (АҚШ).

- **Халқаро туризм профессионаллар ассоциацияси** (ИТАП) саёҳат агентлари ва туроператорлар учун ўртача ва кичик боғланишни қўллаб-кувватлаш максадида яратилган халқаро ташкилотdir. Бу ташкилотнинг фаолияти янги бозорларга кириб келаётган янги компанияларни қўллаб-кувватлаш, сайёхлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир меҳмон учун, яъни меҳмонхона, йўриқчилар, транспорт компаниялари ва бошқаларга мўлжалланган. ИТАПнинг асосий максади барча туристик тузилмаларнинг ноёб тизимини таъминлаш учун ягона тизимга бирлаштиришдир.

- **Халқаро келаётган сайёхлар ассоциацияси** (ИАТА). Бу Америка Кўшма Штатларнинг халқаро кириб келаётган сайёхлик соҳасини англатувчи миллий нотижорат ташкилотлари уюшмасидир. ИИТА аъзолари мамлакатта келган сайёхлик операторлари ва етказиб берувчиларни ўз ичига олади.

ИИТА келган сайёхлик операторлари АҚШ саёҳат компаниялари халқаро саёҳатчиларни яратиш, уларни сотиши ва сотишида ихтинослашган АҚШ компаниялари хисобланади. Агар туроператор келаётган халқаро саёҳатчилардан АҚШга җелиб тушса, сайёхлик оператори келган сайёхлик оператори хисобланади. Бу кирувчи операторлар ўзларининг гурухлари ва ФИТ йўловчилари учун АҚШ бўйлаб сайёхлик хизматларини кўрсатиш учун чет элга агентлар ва бошқа саёҳат компаниялари билан шартнома тузадилар.

Бугунги кунда ИИТА хорижий сайёхлар учун саёҳатга оид хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида етказиб берувчилар, тартибга солиц органлари ва саёҳатни қўллаб-кувватлаш бўйича идоралар билан ишлашга қаратилган кенг турдаги саноат фаолиятига жалб қилинган. ИИТА маҳаллий, давлат ва федерал

даражадаги туризмга таъсир қилувчи иқтисодий ва давлат сиёсати масалаларига ҳам мурожаат килади.

- **Халқаро саёҳат хизматлари ассоциацияси (ИТСА).** Бу ташкилот ИИТА билан кучларини ўзаро бирлаштириди. ИТСА 1993 йилда қабул қилувчи туроператорлар ва мақсадли бошқарув компаниялари томонидан ташкил этилган. У ўз ичига муаммоларни ҳал этиш, таълим олиш имкониятлари ва ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиш учун бирлашган овоз яратишдан иборат.

- **“CrescentRating” агентлиги** жаҳон ҳалол туризм бозорида йирик эксперт ташкилотларидан бири саналади. Ташкилот 2015 йилдан бошлаб, “Жаҳон мусулмон сайёхлари индекси” (Global Muslim Travel Index) рейтингини эълон қилиб келади. Мазкур рейтингга 130 та мамлакат аъзо бўлиб, унда 40 дан ортиқ мезонлар асосида мусулмон сайёхлари учун таклиф этиладиган хизматлар баҳоланади. Рейтинг натижаларига кўра, юртимиз 2019 йилда “Жаҳон мусулмон сайёхлик индекси”да 22-ўринда бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 10 поғона юқорилигини кўрсатади.

Ўзбекистонда миллий туристик ташкилотлар мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда. Уларга меҳмонхоналар ассоциацияси, меҳмонхоналар уюшмаси, Ўзбекистон Аэронавтика федерацияси, Ўзбекистон экстремал ва төғ туризми федерацияси ва хусусий туризм ташкилотлари уюшмаси кабилар киради.

Шунингдек, республикамизда фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 7 июнда 271-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг функциялари куйидагилардан иборат:

- республиканинг 1944 йилги Чикаго конвенциясидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажаришга доир тадбирларни ишлаб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул килади;

- ИКАО фаолиятининг асосий масалалари бўйича республиканинг сиёсий, техникавий, иқтисодий ва мудофаа манбаатларини хисобга олган холда ишлаб чиқилишни ташкил килади ва уни тасдиқлайди;


- давлатнинг ваколатли органлари билан бирга халқаро ҳаво йўллари тўғрисидаги хукуматлараро битимларни ишлаб чиқади;
- республика вакилларининг ИКАО сессиялари, конференциялари ва бошқа тадбирларидаги иштироки, тайёргарлиги бўлган мутахассисларни ИКАОдаги расмий лавозимлар ва ИКАО котибиятида контрактлар бўйича ишлаш учун йўллаш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлайди;
- республикада қабул қилинган қоидалар ва расмий маросимларнинг ИКАО стандартлари ва тавсияларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- илғор чет эл тажрибасини республика Фуқаро авиацияси фаолияти амалиётига жорий қилишга доир тадбирларни тасдиқлайди, жорий этиш натижаларини ҳисобга олади ва таҳлил қиласди;
- республика Фуқаро авиациясига доир статистик маълумотларни, ИКАОга берилиши керак бўлган бошқа ахборотларни тасдиқлайди;
- ИКАО фаолиятидаги иштирокига доир тажрибани умумлаштиради ва унинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Умуман олганда, юқорида келтирилган ташкилотларнинг асосий мақсад ва вазифалари қўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- халқаро тинчлик ва мамлакатлараро осойишталикни саклаш;
- инсон хуқукларини ҳимоя қилиш;
- жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг ривожи туризмга асосланган давлатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир ўтказиш;
- кадрлар масаласини ҳал этиш ёки юқори малакали мутахассисларнинг сонини опиришга кўмаклашиб;
- экологик балансни саклаган ҳолда туризмни кенгайтириш;
- статистик рақамлар ёрдамида туризмнинг ривожланиши учун янги стратегик йўлларни ишлаб чиқиш ва амалда уларни қўллаш;
- меҳмондўстлик индустриясининг ривожланиши калити бўлмиш сервисни юқорироқ даражага олиб чиқиш;
- рақобатбардош туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига оптималь шароитга олиб чиқиш учун маркетинг тадқиқотлари олиб бориши.

10.4. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармонини бажариш ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг таркиби, фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Қўмитанинг таркиби кўйидагича:



10.4-расм. Қўмитанинг ташкилий таркиби

Қўмитанинг асосий вазифалари ва йўналишлари кўйидаги-
лардан иборат:

- мамлакатнинг туризм сатохиятини тубдан оширишга, туризмга
иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, туризм
соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишига йўналтирилган
туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси шаклланти-
рилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

- туризм хизматларининг ташки ва ички бозорларида маркетинг
тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб
килишга, Ўзбекистон Республикасининг туризм киёфасини саклаб
қолиш ва ривожлантиришга, миллый туризм маҳсулотлари ва
брэндлари халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналти-
рилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

- ички, кириш ва чикиш туризмини комплекс ривожлан-
тиришнинг миллый ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини
мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги,
туризм турларининг кенг доирасини жадал ривожлантириш, халқаро
стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривож-
лантиришга хорижий инвестицияларни, шунингдек халқаро молия
институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грант-
ларини жалб этиш;

- туризм фаолияти ривожланишини мувофиқлаштириш,
минтакаларда янги туризм йўналишлари ташкил этилишини таъмин-
лаш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари, гидлар ва
туризм обьектлари бўйича ягона миллый реестрларни шакллан-
тириш;

- туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар
жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, респуб-
лика ҳудуди бўйлаб харакатланишда ва туризм обьектларига
ташрифларни уюштиришда туристларнинг хавфсизлиги ва соғли-
гини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматлари кўрсатиш
сифати ва хавфсизлиги стандартлари ишлаб чиқилишини
мувофиқлаштириш, туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва
сертификатлаштириш ҳамда лицензияланадиган ва сертификатлаш-
тириладиган туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва

стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

- туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор муносабатлари асосида тартибга солишни мақбуллаштириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга қаршилик килаётган барча ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

- туризм фаолияти соҳасида биринчи навбатда БМТнинг Бутунжаон туризм ташкилоти, туризм бўйича нуфузли ҳалқаро ва миллӣ ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий компаниилар билан ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ҳалқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

- туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори сифат даражасида ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Куйидагилар Кўумитанинг бажарадиган асосий вазифалари килиб белгиланган:

- мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан ошириш, туризмга иктисадиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга оширишни таъминлаш;

- туристик хизматларнинг ташки ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, туризм соҳасида Ўзбекистон Республикасининг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб килишга қаратилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш, мамлакатнинг туристик имижини саклаш ва ривожлантириш, ҳалқаро туристик бозорларда миллӣ маҳсулотлар ва брендларни илгари суриш;

- ички, кириш ва чикиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллӣ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишини

мувофикаштириш ва амалга оширишни мониторинг қилиш, кенг камровлитуризм турларини жадал ривожлантириш, туризм инфратузилмасини халқаро стандартларга мос равищда ривожлантиришга хорижий инвестициялар, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб қилиш;

- туристик фаолиятни ривожлантиришни мувофикаштириш, худудларда янги туристик йўналишлар очилишини таъминлаш, уларни паспортлаштириш, туристик йўналишлар, гидлар ва туристик объектлар бўйича ягона миллий реестрларни шаклантириш;

- туристик хизматларни ташкил қилишда, авваламбор улар жойлаштирилган манзилларда, овқатланиш жойларида, республика худуди бўйлаб харакатланиш вактида, туристик объектларга ташрифларни ташкиллаштиришда туристлар хавфсизлиги ва соғлигини таъминлашга йўналтирилган туристик хизматларни кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг стандартларини ишлаб чиқиши мувофикаштириш, туризм соҳасидаги хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштиришни, шунингдек, лицензияланаётган ва сертификатлаштирилаётган туристик хизматларнинг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

- туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор орқали тартибга солишини мақбуллаштириш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга халакит берәётган барча тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиц, туризм соҳасида тадбиркорлар фаолигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, мазкур соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

- туристик фаолият соҳасида биринчи навбатда, БМТ Жаҳон туризм ташкилоти, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар, шунингдек, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий компаниилар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, туристик фаолият амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

- туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, туристик фаолият субъектлари ходимларини мунтазам қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни юкори сифатли даражада ташкил этиш, туризм тармоқ илм-фанини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Шунингдек, кўмита зиммасига юклатилган вазифаларга кўра, қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) мамлакатнинг туристик салоҳиятини тубдан ошириш, туризмга иктисадиётнинг стратегик сектори маҳомини бериш, туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга оширишни таъминлаш соҳасида;

- туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва прогнозларини таҳлил қилишни инобаттга олган ҳолда туризм соҳасини ривожлантиришнинг қиска, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилашда иштирок этади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, туристик фаолият субъектлари томонидан туризм соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалий ижросини таъминлайди;

- туризм соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқарув механизmlари ҳамда тузилмасини ташкилий-хукукий такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- туризмни ривожлантириш масалаларида норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритади;

б) туристик хизматларнинг ташқи ва ички бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилишга қаратилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш, мамлакатнинг туристик имижини саклаш ва ривожлантириш, халқаро туристик бозорларда миллий туристик маҳсулотлар ва брендларни илгари суриш соҳасида:

- туристлар оқимининг салоҳиятли ва истиқболли бозорларини ўрганади, туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини олиб боришнинг самарали услуг ва механизмларини белгилайди, унинг натижаларига кўра тегишли комплекс чоралар кўради;

- мамлакатнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий туристлар нимани афзал кўришини ўрганиш ва талаб юкори бўлган туристик маҳсулотларни аниқлашга қаратилган маркетинг тадқиқоларини ташкил этади;

- миллий туристик маҳсулотлар ва брендларни халқаро туристик бозорларда тағдим этишда кўмаклашади;

- туристик фаолият субъектлари ва бошқа манфаатдор шахсларни халқаро туристик бозорларда мамлакат туристик салоҳиятини тарғиб қилишда иштирок этишга рағбатлантиришни таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикасида хорижий туроператорлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар иштироқида ахборот турлари ёки инфотурларни ташкиллаштиради;

- Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналаридаги туризмни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- туристик йўналишлар бўйлаб ҳамда туристик кўргазма ва инфратузилма обьектлари якинида истиқомат қилувчи аҳолининг туристик маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштиради ва ўтказади;

- меҳмонхоналар ва туристик фаолиятнинг бошқа субъектлари учун сайёхларнинг хавфсизилигини таъминлаш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хукукни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича кисқа муддатли курсларни ташкиллаштиради, ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва амалга оширишни мониторинг қилиш, кенг қамровлитуризм турларини жадал ривожлантириш, туризм инфратузилмасини халқаро стандартларга мос равишда ривожлантиришга хорижий инвестициялар,

шунингдек, ҳалқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб қилиш соҳасида:

- мавжуд туристик салоҳият, туристик хизматлар бозорининг ҳамда туризм ва логистика соҳасидаги инфратузилмалар ҳолатини тизимли асосда таҳлил қиласи, шунингдек, мазкур соҳадаги ҳалқаро стандартларни ўрганади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишини ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасига киритишини ташкиллаштиради;

- туристик индустряни ривожлантириш, туристик хизматлар инфратузилмасини, энг аввало, асосий туристик йўналишлар бўйлаб меҳмонхоналар ва кемпинглар, транспорт-логистика ва йўл инфратузилмаси, умумий овқатланиш объектлари ва туризмнинг бошқа инфратузилмаларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

- туризмни ривожлантириш бўйича миллий ва худудий дастурлар бажарилишини мувофиқлаштиради, туризмни ривожлантириш дастурларининг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши устидан самарали мониторинг олиб боради;

- туристик соҳани ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш ишларида, хорижий инвесторлар, энг аввало, етакчи дунё брендларини жалб қилиш учун туризм соҳасида энг қулай шартшароитларни яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

- туристик инфратузилмани ривожлантириш учун тақдим этилган маблағлар, грантлар, бошқа молиявий ва моддий ресурслардан оқилона ва максадли фойдаланишини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

г) туристик фаолиятни ривожлантиришни мувофиқлаштириш, худудларда янги туристик йўналишлар очилишини таъминлаш, уларни паспортлаштириш, туристик йўналишлар, гидлар (экскурсо-

водлар) ва туристик объектлар бўйича ягона миллий реестрларини шакллантириш соҳасида:

- туристик ташкилотлар, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг ички, кириш ва чиқиш туризм соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда худудларда янги туристик йўналишларининг ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг ички ва ташки туристик бозорларда илгари суришни ташкиллаштиради;

- туристик фаолиятнинг белгиланган стандартларига мувофик туристик йўналишларни паспортлаштиришни амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикасининг туристик ресурслари ва туристик йўналишлари, шунингдек, экскурсоводлари ва гидтаржимонлари реестрини юритади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини умумлаштиради ва таҳлил қиласи, шунингдек, уларнинг туризм соҳасидаги ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларга туризм соҳасини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш билан ҳамоҳанг янада комплекс ривожлантириш бўйича тақлифлар киритади;

д) туристик хизматларни ташкил қилишда, авваламбор, улар жойлаштирилган манзилларда, овқатланиш жойларида, республика худуди бўйлаб ҳаракатланиш вақтида, туристик объектларга ташрифларни ташкиллаштиришда туристларнинг ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган туристик хизматларни кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг стандартларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, туризм соҳасидагихизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштиришни, шунингдек, лицензия-

ланаётган ва сертификатлаштирилаётган туристик хизматларнинг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги устидан инспекция назорати соҳасида:

- туристик хизматлар сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талабларни шакллантириш учун туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини ва улардан туристларнинг қониқиши ҳосил қилиши устидан мониторинг олиб боради;

- миллий ўзига хосликлар, икlim шароитлари ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда туристик хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги бўйича миллий стандартлар ишлаб чикилишини мувофиқлаштиради, уларнинг доимий такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

- туристик хизматларни белгиланган тартибда лицензиялашни амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш бўйича миллий органи «Ўзстандарт» агентлиги билан яқин ҳамкорликда туристик хизматларни мажбурий сертификатлаш, шу жумладан меҳмонхоналар классификациясини белгилашни амалга оширади;

- лицензиялангаётган ва сертификатлангаётган туристик хизматларнинг ўрнатилган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги устидан инспекция назоратини амалга оширади;

- оммавий ахборот воситаларида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали туристик фаолият субъектлари ва иштирокчиларини муайян вақтда ташриф буюриш туристлар хавфсизлиги учун хатарли бўлган мамлакатлар тўғрисида хабардор қиласи;

- туризм соҳасида «ишонч телефонлари» ишлашини ташкиллаштиради;

е) туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор орқали тартибга солишини мақбуллаштириш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга халақит берётган барча тўсиклар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши, туризм соҳасида тадбиркорлар фаолигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, мазкур соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш соҳасида:

- туризм соҳасида тадбиркорлик фаолигига механизмлари ва рағбатлантириш чоралари самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс ташкилий-хуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширади;

- туристик фаолиятни давлат ва бозор орқали тартибга солишни мақбуллаштириш, чет эл туристлари учун виза ва рўйхатга олиш тартиб-тамойиллари, паспорт ҳамда божхона назоратини янада соддалаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- туристик соҳада фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлашга оид конун хужжатларига риоя килиниши устидан самарали мониторингни таъминлайди, конун хужжатларининг бузилиш сабабларини таҳлил қиласди ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар киритади;

- туристик фаолият субъектлари томонидан туризм соҳасига оид конун хужжатларига риоя килиништагинаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган говларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, туризм соҳасига оид конун хужжатларига риоя қилиш юзасидан текширув материалларини таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

- республика туристик бозорининг ривожланиш тенденциялари ва уларда бўлаётган ўзгаришларни мониторинг қиласди, ракобат муҳити шакллангантуристик хизматлар бозорини янада ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали туристик хизматлар кўрсатишининг замонавий метод ва механизмларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ж) туристик фаолият соҳасида, биринчи навбатда, БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар, шунингдек, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш соҳасида:

- халқаро туристик ташкилотлар, чет давлатларнинг ваколатли органлари, шунингдек, туризм соҳасидаги хорижий компаниялари билан халқаро ҳамкорлик, ўзаро самарали харакат қилиш механизм-

ларини ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида таклифларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

- белгиланган тартибда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ва бошқа ҳалқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этади ва туризм масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласи, туризм соҳасини тартибга солувчи универсал ҳалқаро конвенциялар ва шартномаларда Ўзбекистон иштирокини таъминлайди;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳужжатлари коидаларининг ижроси мониторингини ташкиллаштиради, белгиланган тартибда тегишли ахборотларни тайёрлайди уларга юборади;

- туризмни ривожлантиришга йўналтирилган чет эл донорлари ва кредит ташкилотлари маблағларининг белгиланган тартибда жалб қилиниши ва ундан фойдаланилишини ташкиллаштиради;

- ҳар йили Тошкент шаҳрида Тошкент ҳалқаро туристик ярмаркаси ва Халқаро Ўзбек туристик кўргазмаси ўтказилишини ташкил этишини таъминлайди;

- хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ҳалқаро туристик ярмаркалар, кўргазмалар ва бизнес-учрашувларда мамлакатнинг туристик фаолият субъектлари иштирокини ташкил этиш бўйича тайёргарлик чора-тадбирларини мувофиқлаштиради;

- шу жумладан ҳалқаро туризм ташкилотлари, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, шунингдек, хорижий компаниялар билан ўзаро ҳамкорликда ҳалқаро туризм тадбирларини ўтказади ва уларда иштирок этади;

3) туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, туризмтармоқ илм-фани ривожига кўмаклашиш соҳасида:

- манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда туризм соҳасидаги ўрга-маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлиги бўйича тадқиқотлар олиб боради, таълим муассасаларида кадрлар ва мутахассисларнинг касбий

тайёргарлик йўналишларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади;

- туризм, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида касбий тайёрлаш, гидларни тайёрлашда кўмаклашади;

- кадрларнинг мунтазам малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни таъминлайди, Қўмита, унинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассисларини аттестациядан ўtkазади, шу жумладан уларнинг тегишли хорижий ўкув марказлари ва таълим муассасаларида стажировкадан ўтишини таъминлайди;

- туристик илм-фанни ривожлантириш чораларини кўради, туризм соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкиллаштиради.

Таянч иборалар: котибият, қўмиталар, ташқи сиёсат, туризмни ривожлантириши, БМТ, UNWTO.

Назорат учун саволлар:

1. Туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?

2. Бутунжекон туристик ташкилоти (UNWTO) унинг ташкил этишиши, маркиби ва функцияси нималар билан белгланади?

3. Жаҳондаги нодавлат, тижорат ва милий халқаро туристик ташкилотларга қайси ташкилотлар киради?

4. Туризмини ривожлантириши давлат қўмитаси ва унинг маркиби нималардан иборат бўлади?

ХУЛОСА

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиб бориши мамлакатимиизда барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Хусусан, туристик фаолият билан шуғулланаётган барча ташкилотлар ҳозирги шароитда ўз фаолиятда ушбу масалани ечишни мухим йўналиш сифатида қарайдилар. Бу борада республикамизда меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, унда асосан мутахассисларининг касбий маҳоратини кўтариш ва малакали кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида менежмент соҳасидаги халқаро андозаларни кўллаш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида меҳмонхоналар фаолиятида самарали бошқарув таъминланиб, бошқарувнинг илғор усуллари кўлланилмоқда ва халқаро миқёсда меҳмонлар билан бўладиган муносабатлар ривожланмоқда. Бунинг учун меҳмонхона фаолиятини самарали бошқариш учун билим ва кўникмаларни ривожлантириш талаб этилади. Ушбу масалаларнинг ечими сифатида талабалар учун “Халқаро меҳмондўстлик менежменти” фанидан тайёрланган қўлланмада талабаларга масаланинг ечими сифатида қўйилган куйидаги ҳар бир мавзу ва йўналишлар бўйича маълумот берилди. Жумладан, халқаро меҳмондўстлик менежменти фанини ўрганишда фаннинг предмети, усуллари ва вазифалари кенг қўлланилади. Меҳмондўстлик менежментини амалга ошириш учун меҳмондўстлик индустрияси қўлланилади ва унинг асосий тушунчаларидан фойдаланилади, фаолият соҳаси аниқланади. Меҳмондўстлик соҳасини ривожлантиришда шу соҳа мутахассисларининг роли кучайтирилади.

Меҳмондўстлик индустриясида трансмиллий компаниялар мухим ўрин тутиб, бу ўз навбатида уларнинг моҳияти, фаолияти ва шаклларида намоён бўлади. Меҳмонхона хўжалигида трансмиллий компаниялар соҳани халқаро миқёсда ривожланишига замин яратади, трансмиллий компаниялар миллий иқтисодиёт ва

компаниялар жойлашган мамлакатлар иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ, бу ҳолатда глобаллашув жараёнларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

Мехмондўстлик менежменти фаолиятида меҳмондўстликни бошқариш энг йирик унсур сифатида намоён бўлади. Мехмондўстлик соҳаси менежмент обьекти сифатида менежментдаги режалаштириш функцияларининг турли шакллари орқали тадқиқ қилинади. Ҳамда режалаштириш билан бирга менежментнинг ташкилий функциясини қўллаш орқали ташкилот тузиш эътиборга олинади. Бироқ, меҳмондўстликни бошқаришда ташқи мухит омилларини ҳисобга олиш лозим. Мехмондўстликни бошқаришга ташкилий тузилма зарур. Бунинг учун ташкилий тузилишнинг энг мос бўлган турлари ва асосий йўналишлари танлаб олинади.

Мехмондўстлик индустриясида менежментнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун маркетингни, хизматлар сифатини, инновацияларни ва низоларни бошқариш мухим масала бўлиб қаралади. Аммо, бугунги кунда меҳмондўстлик индустрияси замонавий тенденцияларга эга. Бу борада меҳмондўстлик индустриясига замонавий ёндашув ишлаб чиқилган, жаҳон мамлакатларида меҳмондўстлик индустрияси тенденциясининг ҳолати ўрганилмоқда. Ҳамда меҳмондўстлик индустриясининг ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиб, меҳмонхона занжирлари ва брендларидан фойдаланилади.

Мехмондўстлик соҳасида менежментни амалга оширишда персоналга тегишли талаблар қўйилган ва кадрлар менежменти ривожланмоқда. Бу борада ходимларни бошқариш лозим бўлиб, уни кадрлар бошқарувидан фарқлаш лозим. Кадрлар менежменти тизимида меҳмонхона ходимларини бошқариш самарадорлиги аникланади, ходимларни бошқариш тизимини такомиллаштириш усулларидан фойладанилади. Яъни, меҳмонхона персонали бўлими, персонални танлаш, уларни иш ўринларига қўйиш, ўргатиш амалга оширилади ва уларга қўйилган талабларга алоҳида эътибор қаратиласди. Мехмонхона индустриясида персонал меҳнатига оид қонун хужжатлари ишлаб чиқилган. Аввало, персонал билан меҳнат шартномасини тузиш лозим. Меҳмонхоналар персонали ходим

сифатида уни фаолиятини баҳолаш, аттестациядан ўтказиши, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари ташкил этилади.

Мехмондўстлик индустриясида халқаро менежментнинг илғор усулларини кўллашда интернет технологиялардан фойдаланилади. Бу ўз навбатида туризмда ахборот технологияси турларини кўллашни тақозо қиласди. Бу борада компьютер тизимида бронлаштириш тизими пайдо бўлиб, унинг имкониятлари ва эволюцияси натижасида ўринларни бошқаришда қўлланилмоқда. Улар қаторига “Amadeus”, “Galileo” ва бошқа глобаль дистрибутор тизимларини киритиш мумкин. Ҳамда менежмент фаолиятида интернет технологиялари туристик сайт шаклида онлайн-бронлаштириш учун кенг қўлланилмоқда.

Халқаро меҳмондўстлик менежментини амалга ошириш учун дипломатик муносабатлар ва ташкилий маданият жуда зарур. Бунинг учун халқаро меҳмондўстлик менежментига давлатлараро дипломатик муносабатларни турли шаклларда амалга ошириши ва меҳмондўстлик соҳасида ташкилий маданиятнинг турли шаклларини кўллаб, уни меҳмондўстлик менежментига жорий қилиш лозим.

Мехмондўстлик индустриясида хизматларни бошқариш орқали менежмент амалга оширилади. Бунда меҳмондўстлик саноатининг асосий хизматлари бошқарилади. Кўшимча хизматлар ҳам ташкил қилиниб, мижозларга тақдим этилади. Натижада, мижозларга комплекс хизмат кўрсатилади.

Мехмондўстлик соҳасида кўпгина халқаро туристик ташкилотлар фаолият юритади. Бундан асосий мақсад соҳада халқаро ҳамкорликни амалга оширишdir. Энг йирик халқаро туристик ташкилот сифатида Бутунжоҳон туристик ташкилоти (UNWTO) маълум бўлиб, у ўзининг ташкил этилиш шарт-шароити, таркиби ва функциясига эга. Ундан ташқари, жаҳонда нодавлат, тижорат ва миллий халқаро туристик ташкилотлар ҳам фаолият юритмоқда. Миллий туристик ташкилотга Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси киритилиб, у ўзининг белгиланган таркибига эга ва ушбу ташкилот бугунги кунда меҳмондўстлик муносабатларини амалга оширишда давлатнинг устувор вазифаларини амалга оширмоқда.

ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг ўзбек тилида номланиши
Агитпоход	Agitation campaign	Агитпоход	Ҳаракатчан туризми концепцияси шаклида туристларнинг тарғиботташвиқот ишлари ёки муайян сабаб билан ташвиқот мақсадида ташкил этилган сафар.
Анимация	Animation	Анимация	Бўш вакт, дам олиш ва спорт билан шуғуланишини ташкиллаштириш.
Агротуризм	Agritourism	Агротуризм	Кишлоқларда сайёхлар томонидан ташкил этилган ҳаракатчан туризми концепцияси шаклида кишиларга ёрдам бериш учун.
Ануляция	Cancellation	Ануляция	Туризм сафарининг бекор килиниши бўлиб, уни амалга ошириш шарти ва тартиби шартномада маҳсус модда ёки бўлим билан белгиланади.
Апартаментлар	Apartments	Апартаменты	Квартира туридаги меҳмонхона номери бўлиб, безалиш жиҳатидан замонавий квартиralарга ўхшаш, шук билан бўймрга овқат тайёрлаш учун маҳсус жойлар ҳам ажратилади.
Апарт отель	Apart hotel	Апарт отель	Апартамент хоналардан иборат меҳмонхона.
Алмашув ваучер	Exchange voucher	Обменный ваучер	Турист ва туристик ташкилот ўргасидаги муносабатларнинг барча жиҳатларини акс эттирувчи юридик ҳужжат.
Беллмэн	Bellman	Беллман	Юкни олиб келувчи ва меҳмонлар топшириқларини бажарувчи меҳмонхона ходими.
Бизнес-тур	Business tour	Бизнес-тур	Ишбилармонлар учун зарур бўлган, маҳсус хизмат, учрашув хонаси, котиба хизматларини талаб этувчи саёҳат тури.

Ботель	Botel	Ботель	Сувда жойлашган кичикроқ межмонхона.
Бунгало	Bungalow	Бунгало	Кичик сайёхлик межмонхонаси ва туристларни жойлаштириш учун фойдаланилувчи, кўпинча тропик ва жанубий мамлакатларда таклиф этилувчи алоҳида бино. Ёшлар сайёхлик марказларида кенг таркалган.
Блок-чартер	Block charter	Блок-чартер	Бир ёки бир нечта доимий рейсга катновчи транспортнинг маълум бир кисмини изярага олиш.
Ваучер	Voucher	Ваучер	Туризм ёки транспорти компанияси томонидан берилган сайдёнхинг маълум турдаги хизматларга (туар жой, овқат, транспорт, экскурсия хизматлари ва ҳоказо) пул тўлагани ва бу хизматдан фойдаланиши учун асос бўлган хужжат.
Дьюти-фри	Duty free	Дьюти-фри	Аэропортларда, самолётлар бортида, паром ва бошқа транспорт воситаларида ёки хорижилклар ташриф буорувчи бальзи жойларда (сигарет, шароб, парфюмерия ва эсдалик буюмлари) божсиз савдо тизими.
Дайвинг	Diving	Дайвинг	Акваланг билан сув тубига шўнгиш.
Европа музей ташкилотлари тармоғи	Network of European Museum Organisations (NEMO)	Сеть европейских музеиных организаций	Европада музей жамоатчилиги учун вакилик ва ахборот берувчи мустакил музей тармоғи. У ўз ичига NEMO Европа Иттифоки музей ташкилотлари ва давлат муассасаларини ўз ичига олади.
Жаҳон туризми куни	World tourism day	Всемирный день туризма	UNWTO томонидан 1975 йил 27 сентябрда қабул қилинган халқаро байрам.
Инглиз нонуштаси	English breakfast	английский завтрак	Тўлиқ нонушта бўлиб, у одатда мева шарбати, ветчинали қовурилган тухум, қотирилган нон, сарнёғ, мураббо ва қаҳва ёки чойдан иборат.

Туристик фаолият	Tourist activities	Туристическая деятельность	Саёҳат ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият.
Туристик ресурслар	Touristic resources	Туристические ресурсы	Тегишли худуднинг табиий-икълим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маший объектлари мажмуи.
Туристик фаолият субъектлари	The subjects of tourist activity	Субъекты туристической деятельности	Белгилаган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилостлар.
Туризм соҳаси	Tourism industry	Индустрія туризма	Туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлар (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи
Туристик хизмат	Touristic services	Туристические услуги	Туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга каратилган бошқа хизматлар.
Маркетингни бошқариш	Marketing management	Управление маркетингом	Корхона мақсадларига эришиши учун аҳамиятли харидорлар билан фойдали айирбашни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва қўллаб-куватлаш юзасидан килинган таҳдил, режалаштириш, тадбиқ килиш ва тадбирлар бажарилишини назорат қилиш харакатлари. Маркетингни бошқариш жараёни – қўйидагилардан таркиб топган бўлади: 1) бозордаги имкониятларни таҳдил килиш; 2) мақсадли бозорни танлаб олиш; 3) маркетинг усулини ишлаб чиқиш; 4) маркетинг тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш.

Хона алмаштириш	Room change	Изменение номера	Мижоз меҳмонхонада яшаш жараёнида номерни ўзгартирган.
Халқаро туризм	International tourism	Международный туризм	Халқаро туризм миллий чегараларни кесиб ўтадиган туризм. Глобаллашув туризмни оммабоп глобаль бўш вакт фаолиятига айлантириди.
Меҳмонхонада яшашни давом этириш	Stay over	Пребывание	Меҳмонхонада яшаш муддатини узайтирган меҳмон.
Халқаро музейлар кенгаси	International Council of Museums	Международный совет музеев	Халқаро музейлар кенгаси (ИКОМ) – музейлар ва музей мутахассисларининг нодавлат ташкилоти, расмий равишда ЮНЕСКОга бўйсунади. ЮНЕСКО ўз фаолиятини мавжуд ва келажакдаги, табиий ва номоддий табиий ва мерос тўплари жамиятини сақлаб қолиши, тўлдириш ва боғлашга йўналтиради.
Халқаро музейлар кўмитаси	International Council of Museums (ICOM)	Международный совет музеев (ИКОМ)	Халқаро музейлар кўмитаси - ИКОМнинг автоном тузилмалар бўлинмаси. Музейшунослик соҳасида назарий тадқиқотларни мувофиқлаштиради.
Харвей уйи	Harvey House	Харви Хаус	“Харвей уйи” - қисқа муддатда яшаш ва овқатланиш учун йўл бўйидаги хизмат муассасаси. XIX асрда Америка Кўшма Штатлардаги темир йўлларнинг линиялари бўйича юзага келган.
Хона хизмати	Room service	Обслуживание номеров	Меҳмонхонада озиқ-овқат, ичимликлар, газета ва журналларни хонага етказиб бериш хизмати мавжудлиги.
Хизмат	Service	Оказание услуг	Хизмат харидор эҳтиёжларини кондириш учун етказиб берувчи ва буюртмачининг ўзаро таъсири ва етказиб берувчининг ички фаолияти натижасидир. Ҳар қандай хизматларни яратиш ва амалга оширишдаги бизнеснинг бир тури.

Хостел	Hostel	Хостел	Минимал хизмат билан ялаш учун энг кулай жой. Одатда, ёшлар ва мавсумий туризм учун мўлжалланган.
Хотел гарни	Wanted garni	Отель гарни	Ресторансиз меҳмонхона.
Чarter рейслар	Charter flights	Чартерные рейсы	Факат битта ташкилотга тегишли бўлган маҳсус гурӯҳ ёки уларнинг бирортаси томонидан ташкил этилган парвозлар. Чартер рейслар мунтазам қатновларга нисбатан анча арzon бўлади. Ушбу рейслар мунтазам қатновларда ишлайдиган қўшимча самолётлар билан амалга оширилиши мумкин.
Чиқиш вакти	Check out	Выселение	Меҳмон хонани бўшатиш ёки муайян куннинг қолиш учун тўлаши керак бўлган вакт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент ш., 2019 йил 18 июль, ЎРҚ-549-сон
2. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2016 йил 2 декабрь, ПҚ-2666-сон.
3. Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак . Ташкент : Ўзбекистон, 2017 й., 104 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги №ПФ-4947 сонли Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 15 августдаги №3-5024 сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5611-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4095-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси биринчи йигилишидаги нутки. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 21 январь, № 15 (7517)

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидағи нутки. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 22 январь, №16 (7518)

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидағи нутки. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 23 январь, №17 (7519)

13. 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Куч-адолатда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг хукуқий газетаси. 2020 йил 25 январь. №3-4 (777)

14. Абидова Д.И., Сафаева С.Р. Ресторан сервисини ташкил этиш. – Т., 2019.

15. Абдурахмонов К.Х. Мехнат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Мехнат. 2004.

16. Алиева М.Т. Мехмонхона хўжалиги менежменти. Маъruzalар матни. – Т.: ТДИУ, 2011.

17. Amriddinova R.S. Mehmonxona servis xizmati. Ma’ruzalar kursi. – S.: Samisi, 2009.

18. “Бухорода туристик эркин иқтисодий худудни яратиш имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2017 йил.

19. Kuming M.V. The Theory and Praktike of Personel management. Sixth edition, Heinemann, 2000.

20. Mamatqulov X.M. Turizm infratuzilmasi. Ma’ruzalar kursi. – SamISI, 2009.

21. Pikkvorth James R.A. Profile of the Hotel Personnel Manager. The Kornell HRA Quarterly. 1981. Vol. 22, №1.

22. Tuxliyev I.S., Pardayev M.Q. Turizmda xizmat ko’rsatishni rivojlantirish - aholi bandligini oshirish manbai. - Т., 2008.

23. Тухлиев И.С. Туризмда геоахборот тизими. Маърузалар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2017.
24. Тўхлиев И.С., Кудратов Ф.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. дарслик. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2010.
25. Тимошенко З.И., Мунин Г.Б., Дышлевой В.П. Маркетинг гостинично-ресторанного бизнеса. – М., 2017.
26. Михайлин, А. А. Технология создания веб-сайта туристского предприятия (на примере ООО «КонТур», г. Владивосток) / А. А. Михайлин. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 24 (158). — С. 34-40. — URL: <https://moluch.ru/archive/158/44512/> (дата обращения: 05.12.2020).
27. Челнокова Е.А. Менеджмент индустрии гостеприимства. Учебно-методическое пособие Н.Новгород: НГПУ им. Минина, 2013.
28. Шилина О.А. Менеджмент в туристской индустрии. – Рязань, 2017.
29. Очилова Х.Ф., Рассохина Т.В., Жираткова Ж.В. Основы экскурсионной деятельности. Изд-во. ЮРАЙТ. Учебник и практикум / Москва, 2020. Сер. 68. Профессиональное образование (1-е изд.) <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=41565670>
30. Collins G. R., Cobanoglu C., Bilgihan A. Hospitality Information Technology: Learning How to Use It. Kendall. Hunt Publishing Company.USA,2013.-405 p.
31. Умирова Д.С. Мехмонхона хўжалигини бошқариш. Ўқув кўлланма. Т.: ТДИУ, 2019.-249 б.
32. Абдувоҳидов А.М., Зайналов Н.Р., Умирова Д.С. Туризмда ахборот технологиялари. Дарслик. – Т.: ТДИУ, -2019.-705 бет.
33. Абидова Д. И. Мехмонхона хўжалигини ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси. Ўқув кўлланма. Т.: ТДИУ, 2019.-312 б.
34. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т., 2014. – 388 б.
35. Камилова Ф.Қ., Ҳамидов О.Ҳ., Камилов З.Қ. Мехмонхона ва ресторан хўжалиги маркетинги. Дарслик. ТДИУ, 2011. –143 б.
36. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. 1-5. / Таххир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошк.;

ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энсиклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

37. Лотфуллин Р. Визуализация географических данных с помощью надстройки GeoFlow/ <http://exceltip.ru/>

38. SAFAEVA, Sayyora Rikhsibaevna et al. Organizational and Economic Aspects of the Development of the International Tourism and Hospitality Industry. Journal of Environmental Management and Tourism, [S.1], v. 11, n. 4, p. 913-919, june 2020. ISSN 2068-7729. doi: [https://doi.org/10.14505/jemt.11.4\(44\).15](https://doi.org/10.14505/jemt.11.4(44).15).

39. Safaeva, S.R. (2019). Improving the organizational, economic and institutional mechanisms of managing the sphere of tourism in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (71): 545-552.

40. Safaeva, S.R., Ishankhodjaeva, D.A., Juraeva N.A. and other. 2019. Economic and Legal Aspects of Tourism Regulation in the New Economy: International Practice. Journal of Environmental Management and Tourism, 2(34): 460 - 465.

41. Библиотека туристической и экономической литературы/ [http://tourlib.net/lib.htm/](http://tourlib.net/lib.htm)

42. Мобильный банкинг CLICK / <http://click.uz/>

43. Халқаро туристик ташкилотнинг кутибхонаси / <http://www.e-unwto.org/>

44. www.webofscience.com - Xalqaro ilmiy maqolalar platformasi

45. www.scopus.com – Xalqaro ilmiy maqolalar platformalari

46. www.stat.uz – O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi sayti.

47. [https://uzbektourism.uz/-](http://uzbektourism.uz/) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси сайти.

48. www.cer.uz– Iqtisodiy tadqiqotlar markazi sayti.

49. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал. www.iqtisodiyot.uz

50. International Journal of Business Forecasting and Marketing Intelligence. www.inderscience.com

51. Journal of International Marketing. www.ama.org

ШОДИЕВ РУСТАМ ҲАМИДОВИЧ
УМИРОВА ДИЛНОЗА САФАРОВНА
ХУДАЙБЕРГАНОВ ДИЛШОД ТУХТАБАЕВИЧ

**ХАЛҚАРО
МЕҲМОНДЎСТЛИК
МЕНЕЖМЕНТИ**

Ўқув кўлланма

«IQTISODIYOT» – 2020

*Масъул муҳаррир:
Ахмедов Д.К.*

*Мусаҳҳиҳ:
Матхўжсаев А.О.*

Лицензия AI № 240 04.07.2017 й. Босишга рухсат этилди 15.12.2020.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. “Times” гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоби 14,2. Адади 10 нусха. Буюртма №246.
Баҳоси келиши таған нарҳда.

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКниг матбаа бўлимида чоп этилди.
100066. Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-йй.

68.43-21973

ISBN 978-9943-6366-0-6



9 789943 636606